

34(5УЗ6Қор)
В Н 57

МУРАТБАЙ НИЗАНОВ

Муҳаббат
ҚЎШИҒИ




УЎК 821.512.121-31
КБК 84(5Ўзб-6Қор)
Н 57

Қорақалпоқ тилидан
Фафур ШЕРМУХАММАД таржимаси

Таниқли қорақалпоқ адиби М. Низановнинг мазкур романи азалий ва абадий туйғу – муҳаббат тўғрисида. Муаллиф инсон ҳис-туйғуларини, ўзаро муносабатларни чуқур лиризм билан тасвирлайди. Муҳаббатнинг умр-боқийлигини теран образларда гавдалантириб беради.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



ISBN 978-9943-25-675-0

- © Мурадбой Низанов, 2018
- © Фафур Шермухаммад (тарж.), 2018
- © «O'zbekiston» НМИУ, 2018



МУҚАДДИМА

Бугун эрталабдан меҳмон кутиш билан андармон бўлдик. Тошкентдан учган биринчи рейсда туркиялик академик етиб келди. Бир соатдан кейин Москва самолётидан Европа мамлакатларидаги шарқшунослик институтларининг олимлари тушишди. Ярим йилдан бери тайёргарлик кўрилаётган Шарқ халқлари педагогикасига бағишланган халқаро конференцияга дунёнинг кўп ўлкаларидан меҳмонлар таклиф этилган эди. Бир ой бурун уларнинг анжуманда сўзлайдиган маърузалари чоң этилган тўплам манзилига юборилди. Яна бир дондан китоб ва бошқа эсдалик совғалари солинган алоҳида папка тайёрланди.

Меҳмонларни жойлаштириш ва эрталабки чойини бериш билан куни пешинга чамалади.

Соат учда яна бир гуруҳ кўноқларнинг келиши кутилаётган эди. Мен конференция ташкилотчиларидан рухсат сўраб ишхонамга келдим. Эртанги маърузамни яна бир марта кўздан кечиришим керак. Анжуманда қатнаша олмайдиган айрим олимлар ҳақидаги гапларни матндан олиб ташлаб, яхшилаб таҳрир қилишимга тўғри келади. Бу анча вақт талаб қилади.

Котибага олдимга ҳеч кимни киритмасликни тайинлаб, иш столимга ўтирдим. Албатта, матндаги ортиқча сўз ёки келишмаган гаплар дарахтнинг

бахорги новдасидай бўртиб кўриниб турмайди. Бунинг учун ҳаммасини бир бошдан синчиклаб ўқиб чиқиб таҳлил қилиш, фикр тарозисига солиб кўриш керак.

Қўл телефонимдан тортиб, кабинетдаги телефонларни ҳам ўчирдим. Одатда, институтда ўтадиган йиғилишларда қўлимдаги тезисга шунчаки кўз югуртириб қўйишимни айтмаса, кўпинча эркин маъруза қилардим. Ахир, неча йиллардан бери шуғулланиб келаётган соҳанг ҳақида қоғозга қараб гапирсанг, олимлигинг қаёқда қолади? Агар ўзинг танлаган мавзунини яхши билсанг, у ҳақида бошқаларга сўзлаб бериш кўп қийинчилик туғдирмайди. Баъзан залдан берилган ўринли савол туфайли янаям очилиб кетасан. Бундай пайтда ҳеч ким сендан регламентга риоя қилишингни сўрамайди. Бироқ эртанги анжуманда чегарадан чиқиш мумкин эмас. У ерда ҳар бир айтган сўзингга жавоб беришинг керак, ўзинг ечимини билмайдиган масалалар ҳақида тусмоллаб гапириш ярамайди.

Кутилмаганда эшик аста тақиллади. Матнни кўздан кечира бошлаганимга ўн беш-йигирма дақиқа бўлган эди. Оғриниб қоғоздан бош кўтардим. Эшикдан котиба қиз мўралаб турарди.

– Сизни бир аёл сўраяпти, – деди у айбдор қиёфада. – Жуда зарур иши бор эмиш... Тушгача ҳам кутиб-кутиб қайтиб кетган эди. «Учрашмасам бўлмайди» деяпти.

Чорасиз қиёфада қўлимдаги ручкани қоғознинг устига қўйдим. У менинг аёлни қабул қилишга рози бўлганимни тушунди.

– Узр, – деб ортига бурилди.

Шу пайт ёши элликлардан ошган бўлса-да, ҳали аёллик латофати кетиб улгурмаган ўрта бўй-

ли, ранги сарикка мойил бир аёл ичкарига кириб, мен томонга аста кела бошлади. У бирон-та танишимга ўхшамасди. Қизиқиш билан унга зимдан синчков назар солдим. Аёл бошига юпка сарик дурра танғиб олган. Узун сочларини овул аёллари сингари бошидан айлантириб, пешонасига танғиб қўйган. Эғнидаги майда гулли кўйлагининг устидан адл қоматига мослаб бичилиб, чиройли нақшлар билан жиякланган енгсиз камзул кийиб олган.

Аёл столнинг чап тарафига келиб тўхтади.

– Ассалому алайкум! – дея салом берди, лекин қўл узатмади. Ўтиришга ҳам чоғланмади.

– Ўтиринг, – дедим мен унинг саломига алиқ олиб.

Нотаниш аёл ўзини бироз орқага ташлаб, курсига ўтирди. Сўнг қўлларини ковуштириб, срга кўз тикди.

– Қулоғим сизда, – дедим ниҳоят ўртадаги жимликни бузиб.

У менга юзланди-да, маъноли жилмайган кўйи бармоқларини қимирлатиб қўйди.

– Танимадингизми? – деди у. Ростини айтсам, бу сирли аёл билан қандай гаплашишни билолмай ҳайрон бўлиб ўтирган эдим.

«Танимадингизми?..» У бу сўзни шунчалик ишонч ва қатъият билан айтдики, нима дейишни билмай каловланиб қолдим. Бир пайтлар мактабда, кейинчалик институтда бирга ўқиган қизларнинг қисфаси кўз ўнгимдан бирма-бир ўтди. Лекин қаршимдаги аёл уларнинг ҳеч бирига ўхшамасди.

Кутилмаганда миямга бир нарса чақмоқдек урилди. Э, шошма-шошма! Наҳотки... Лекин у ёшгина, содда қиз эди-ку. Оппоқ момикдек юзла-

рини эркак зоти дагал бармоқлари билан силаши ҳам увол эди. Ана шу юзига ярашиб турадиган қаймоқдек лаблари кўрган одамнинг юрагига чўғ солиб, ҳасрат ўтида куйдирар эди. У ўзининг бегубор гўзаллиги билан ҳар қандай йигитнинг ақлини шошириб, гунгу лол қилиб кўярди.

Аёл менинг довдираб қолганимни сезиб, кўзимга мағрур тикилди.

– Ростдан ҳам...

– Йўқ, шошмай туринг, – дедим унинг гапини кесиб. – Сиз ҳалиги...

– Ҳа, мен ҳалиги... – У энди менинг сўзимни бўлди. – Сиз бир амаллаб эслаган ўша қизман!

Мен ихтиёрсиз равишда секин ўрнимдан тура бошладим. Аёл ҳам мен билан баравар қаддини ростлади. Биз улкан столнинг икки тарафида бир-биримизга унсиз тикилиб турардик. Столни айлашиб ўтиб, унинг ёнига боришга журъатим етмади.

– Ўша ўн олти ёшли қизча-я?!.

– Ҳа, ўша ўн олти ёшли қизча!

1

Поликлиниканинг йўлланмаси билан касалхонага бордим. Шифокорнинг қабулига кирдим. Хона анча кенг экан. Дераза тарафда иккита оқ рангли стол бир-бирига қарама-қарши жойлаштирилган. Ўнг тарафдаги стол бўш. Чап томондагисида эса сочини хўрознинг кокилига ўхшатиб олдирган кенг елкали, қиррабурун шифокор дафтарга ниманидир берилиб ёзаяпти. У менга эътибор бериш тугул, саломимга алик ҳам олмади.

Мен зимдан хонани кўздан кечирдим. Ўнг тарафдаги стол ёнида сиртига қизғиш дермантин

қопланган узун ўриндиқ кўйилган. Ёнида учта оёқли темир кийимилгич.

– Ассалому алайкум! – деди шифокор қоғоздан кўз узиб, кутилмаганда.

Унинг ўқтам овозидан сергак тортдим.

– Боя сизга салом берган эдим...

– Салом берган бўлсанг, яқинроқ келмайсанми? Ёки ортингга қайтмоқчимисан?

Шифокор қувноқ, хозиржавоб одамга ўхшайди.

– Фамилиянг?

– Сахиев.

– Исминг?

– Мамбетназар.

– Гапиравер – ёшинг, туғилган жойинг, миллатинг, маълумотинг, оилавий аҳволинг?..

Мен ҳам жонланиб, унинг саволларига бурро-бурро жавоб бердим.

– Қовуққа нима қилди? – сўради у. – Ёки но-бопроқ жойда ёзилдингми?

– Йўқ.

– Яқинроқ келиб, шимни пастга тушир!

– Ие...

– Тушир! Эркак кишисан-ку, тўғрими?

«Ҳа» дегандек бош ирғадим.

– Мен ҳам эркакман. Кўпчилик билан ҳаммом-га тушиб кўрганмисан?..

– Йўқ.

– Оббо! Ҳали гўдак экансан-ку! Бўлди, кўтар шимингни.

Мен шоша-пиша шимимни кийиб, камарни қайта тақдим.

– Бизнинг соҳада уят кетмайди. Шунинг учун бор гапни яширмай айтавер. Яқин орада енгилтак аёллар билан тўшакдош бўлдингми?

– Йўқ.
– Уялма. Эркак киши учун обрў-ку бу.
– Мен тўғрисини айтаяпман.
– Уйланганмисан?
– Йўқ.
– Омон бўлгур-ей! Чимилдикка кирмай ту-
риб қовукни шамоллатиб ўтирибсанми? Буйрагинг
оғрийдимми?

– Оғрийди.

– Қайси бири?

– Ўнг тарафдагиси.

– Қанақа қилиб оғрийди?

– Қанақа қилиб?..

– Айтсанг-чи! Буйрак меники эмас, ссники-ку!

– Қалақа оғришини билмайман.

– Ўқтин-ўқтин сагчиқ турадимми?

– Ҳа-ҳа...

– «Ҳа-ҳа» эмиш... Сени қара-ю! Баъзан буйра-
гингда тош осилгандай туюладими?

Мен маъқуллаб бош ирғадим.

У аллақандай қоғоз олиб, ўртасидан буклади-
да, қитирлатиб ёза бошлади.

– Ўтир, – деди ияги билан ёнидаги бўш ўрин-
дикни имлаб кўрсатиб. – Ҳали кўп ёзаман, оёғинг
толиб қолади.

Шифокорнинг ёзуви ҳам худди гаплари каби
пойинтар-сойинтар эди. Қўлидаги ручканинг учи
онда-сонда қоғозга тегиб кетаётганга ўхшайди. Бу
дастхатни ким тушунади – худо билади.

– Қовукда гап йўқ, – деди у ниҳоят ручкани
қоғознинг устига қўйиб. – Муаммо буйрагинг-
да. Билсанг, қовук – буйракнинг хизматкори. У
қовукқа: «Мен касалман, бош мияга хабар қил»,
деб топшириқ берган. Энди тушундингми?

– Тушундим, оға.
– Тушунган бўлсанг, ётиб даволанасан.
– Қанча?
– Бунисини буйрагинг биледи. Бир ой ётарсан, балки икки ой...

– Э-ҳе!

– Ҳим... Уйда эмизикли боланг йиғлаб қолдими? Боя айтдинг-ку, уйланганим йўқ деб.

– Уйланганимда ҳам болани мен эмизмайман-ку, – дедим кулиб.

– Хов!.. Тилинг бор экан-ку. Уйланмаганинг жуда маъкул. Янги уйланган йигитларга қийин бўлади. Тунда касалхонадан қочиб кетаверади. – У елкамга қокиб қўйди. – Шошилма, дўстим, бу ерда ўзим сени яхшилаб даволаб, керак бўлса, уйлантириб ҳам қўяман. Онангга айт, совчи излаб овора бўлмасин. Ўзим совчи бўламан...

Шундан сўнг у эшик томонга юзланиб овоз берди:

– Гулчехра!

Хонага узун бўйли, кўзлари катта-катта, қошлари қуюқ ўсган, қорапаранг тусли қиз кириб келди.

Шифокор секингина биқинимни чимчилаб қўйиб, «қалай?» дегандек қизга имо қилди. Мен ўзимни сезмаганга олдим.

– Гулчехра! Мана, сенга ажойиб йигит топдим. Ювошгина, аёллар билан гаплашмайдиган, олий маълумотли муаллим, она-онасининг кенжа боласи!.. У ёғини билмайман.

– Етади. Қолганини ўзим сўраб оламан! – Қиз жилмайиб, менга қараб қўйди.

– Тун бўйи бир йигитнинг бошини айлантиролмасанг, бу ерда нима қилиб ўтирибсан? Яхшиси, сен қармоқни яхшироқ сол!

– Кармоқдаги хўракни еб, қочиб қолса нима қиламан?

– Сени қара-ю! Нима қилардинг, кармоққа хушёр бўласан-да!

– Йўқолинг-ей! – деди қиз тилига келган гапни тўхтата олмай. Сўнг «кечирасиз!» деди унга эшитилар-эшитилмас.

Бир-бири билан бундай бемалол гаплашишини кўрган одам уларни дўхтир билан хамшира эмас, жезда билан қайинсингил бўлса керак, деб ўйлайди.

– Уни тўққизинчи палатага ётқиз.

Гулчехра мени ортидан эргаштириб чиқди.

Пешинги дам олиш пайти эди. Палатада ёши ўзим тенги бир йигит билан икки ўспирин ётган экан. Улар хатти-ҳаракатларимни жимгина кузатиб турарди. Гулчехра менга хоша туридаги тўшаги йиғиб қўйилган кроватни кўрсатди.

– Ётиб дам олинг.

Мен буюмларимни тумбочкага жойламоқчи эдим, бироқ қиз сумкамни қўлимдан олди.

– Кейин жойлаштирасиз, хозирча ётинг.

Ноилож тўшакка чўзилдим.

– Энди ухланг, – деди у бурнимнинг учини беозоргина чимчилаб қўйиб. Сўнг аста шивирлади. – Ухланг!

Бу сўздан аъзойи баданим жимираб, кўзим уйкуга кетгунча миямда жаранглаб турди:

«Ухланг! Ухланг!..»

2

Бир ҳафтадан бери азоб бераётган оғрик касалхонага келганимни сезгандай дарров қўйиб юборди. Бунинг устига, кузги дала ишларидан чар-

чабман шекилли, кроватга ётишим билан тошдек
котиб ухлаб қолибман. Алламаҳалда қандайдир
тушуниксиз гала-говурдан уйғониб кетдим. Палата
ғира-шира ёруғ. Бояги йигит билан ўспиринлар
тумбочкани ўртага қўйиб, қарта уйнаяпти. Олди-
да кичкина қўл чироғи ёқилган. Шундагина боя
шифокорга кўришганим, Гулчехра исмли ҳамшира
қиз мени бу ерга бошлаб келиб ётқизиб кетгани
ёдимга тушди.

– Берма тузни, берма!.. Эҳ, айтдим-ку сенга!

– Бўлмаса ёпиб юборди-да!

– Ёпмайди.

– Ҳой, бу нима шовқин?! Ҳозир дўхтирга айтиб,
қартангизни йиғиштириб оламан, – дея нўписа
қилди палатага кириб келган Гулчехра уларга.

Йигитлар шу заҳоти тинчиб қолди.

– Қани, йиғиштиринглар тезроқ! – Гулчехра
қўлидаги чирокни менинг тумбамнинг устига
қўйди.

– Турдингизми? – деди у менинг хали уйқу
ариб улгурмаган кўзларимга қараб.

– Ҳа, – дедим эшитилар-эшитилмас.

– Йигит кишига ўхшаб каттиқроқ гапирмай-
сизми?

– Қизларга каттиқ гапириб бўларканми? – па-
латадагиларнинг бири менинг тарафимни олган
бўлди.

– Вой, Жиянғали! Сен бу йигитга гап ўргатма!
Қани, қўлингизни очинг-чи! – Гулчехра кафтимга
аллақандай дори тутқазди. – Бир хўплам сув бе-
ринглар, дорисини ичиб олсин.

Жиянғали ярим пиёла сув узатди.

– Ичиб юборинг. Шундоғам вақтидан бир
соат ўтиб кетди. Боя ичишингиз керак эди. Кир-

сам, тошдай қотиб ухлаяпсиз. Уйғотишга кўзим қиймади.

– Биз ҳам оғамнинг уйқусини бузмайлик деб қирғовул солиб дамланган паловни ўзимиз еб кўя қолдик.

Палатада кулги янгради.

– Бекор қилибсизлар! – деди Гулчехра қовок уйиб. – Бир-бирингиздан яшириб овқат ейдиган ёш бола эмассиз-ку!

Шундан сўнг у менга иккинчи дорини тутқазди.

– Хечкиси йўқ, сизни ўзим тўйдираман.

– Қанақасига? – деди Жиянғалининг ёпидаги болалардан бири.

– Буни сенга айтишим шарт эмас. Йигит кишини овқатдан бошқа нарсалар билан ҳам тўйдириш мумкин!

Гулчехра бошимда туриб менга нақ тўртта дори ичирди. Сўнг қўл чироғини юзимга тақаб, ишвали жилмайди. Юзимга чирокнинг тафти урилиб, ўзимни биров орқага олдим.

– Шошманг! – деб у чирокни менга янаям яқинлаштириб, кўрсаткич бармоғи билан бурнимнинг чап тарафини силади.

– Холингиз бор экан, – деди кулиб. – Юзида холи бор йигитнинг севгилиси сулув бўлармиш.

– Ростданми? – дедим мен.

– Рост. Лекин сизнинг севгилингиз унчалик сулув эмас-да.

У негадир маъюс жилмайиб қўйиб, қўлчироғини кўтарганча палатадан чиқиб кетди.

– Хотинингизни таниркан-да? – деди Жиянғали менга юзланиб. Сўнг саломлашиш учун қўлини узатди. Кроватида ўтирган икки ўспирин ҳам бирин-кетин келиб саломлашди.

– Хотиним йўқ, – дедим мен.

– Ҳали уйланганингиз йўқми?

– Йўқ.

– Бу ерда бир гап борга ўхшайди, – деди йигитлардан бири. – У «севгилингиз чиройли эмас» деб ўзини назарда тутди, шекилли.

– Нима, ҳамшира сулув эмас эканми?

– Қанақасига сулув бўлсин?! Бурни гўладай! Муштлари чўқмордай.

– Хой, болалар, мушукнинг қуйруққа бўйи етмагандан кейин «пуф, сассиқ» деган экан, – деди Жиянғали уларни койиб. – У кизга баҳо бериш сизларга қолгани йўқ. Худо кўрсатмасин, агар шу гапларингни эшитиб қолса, икковингизнинг ҳам терингизга сомон тикади. Гавдасини қаранг, нақ уюрдаги йилкидай келади!

– Оёқларини айтмайсизми? – деди бояги йигит ҳамон бўш келмай. – Яхшилаб тепса, айғирни ўлдиради.

– Аччиғи чиқса, эрини ҳам ўлдириб қўядиган чиқар унда.

– Худо сақласин! Мен бўйи елкамдан ошадиган қизга уйланмайман.

– Оббо, жўжахўрозлар-ей, жуда маҳмадона бўп кетдингиз икковингиз ҳам! Аёл зоти ҳар қанча девкелбат бўлгани билан эркак кишининг олдида қайишқоқ хивичга ўхшаб қолади.

– Фақат Гулчехра унақа эмас!

– Жўра, ҳали танишмадик ҳам, – деди Жиянғали бу гапга нуқта қўйиш ниятида менга юзланиб. – Менинг исмим Жиянғали. Ёшим йигирма бешда. Ўн биринчи овулдан келдим. Ўзим дўкончиман.

– Тенгдош эканмиз, – дедим кулиб. – Исмим Мамбетназар. Мактабда бошланғич синфларга дарс бераман.

– Манави иккови ҳали полапон, – деди у ёнидаги болаларга имо қилиб. – Ола кўйлаклисининг исми Омон, униси Ўрозбой. Иккови ҳам ўпкасини «ремонт» қилдираяпти. Келган вақтларида эркалатиб бир-икки оғиз ҳазил гап айтган эдим, энди буларга жездасидай бўлиб қолдим.

– Ҳалиям жезда бўла қолинг, – деди Ўрозбой кулиб.

– Уйдаги янгангни нима қиламан унда?

Шу пайт ярқ этиб чироқ ёнди.

– Ана! – дея шодон ҳайқирди Омон. – Палатага Гулчеҳра кириб келгандай бўлди.

– Гулчеҳра келгани билан уй ёришарканми? Унинг ранги қора-ку!

– Унчалик қора эмас, буғдойранг!

– Тандирдан янги узилган буғдой нонга ўхшайди!

– Воҳ-воҳ!

Шу пайт эшик очилди.

– Назар! – деди Гулчеҳра эшикдан мўралаб.

– Бу ерда Назар деган одам йўқ, адашиб бошқа палатага кириб қолдингиз, шекилли.

– Ақлимдан адашган бўлсам керак унда, – деди қиз. Сўнг менга юзланди. – Юринг, сизнинг қорнингизни тўйдираман.

– Йўқ, оч эмасман.

– Юринг! Қиз болага ўхшаб ноз қилаверманг!

Мен ёнимдаги йигитлардан уялсам-да, ноилож камзулимни елкамга елвагай ташлаб, палатадан чиқдим. Гулчеҳра каттагина юмалоқ, ялтироқ идиш кўтариб олган эди.

– Автоклабга¹ бориб келамиз, – деди у қўлидаги

¹ Автоклаб – кўп марта ишлатиладиган шприцлар стерилизация қилинадиган жой.

идишга ишора қилиб. – Шприц қайнатамиз.

Автоклуб унча узоқ эмас экан. У ерга боргунча иккаламиз ҳам мик этиб оғиз очмадик. Эшик олдида бир ҳамшира идишни қабул қилиб олди.

– Тайёр бўлгунча айланиб кела қолинг, – деди у.

– Йўқ, кутиб ўтирамиз, – деди Гулчехра. – Айланиб келаман деб йигитимни йўқотиб қўярман.

Ҳамшира сирли кулиб қўйиб, эшикни ёпди.

Биз автоклубнинг орқа тарафидаги ёғоч ўриндикка бориб ўтирдик. Бу ерга узоқдан тушиб турган ғира-шира шуълали одам бўйи ғовлаб ўсган ёввойи сунургилар шамолда чайқалиб, тез-тез тўсиб қўярди.

Анча вақт сукут сақлаб ўтирдик.

– Оғзингизга талқон солиб олганмисиз? – деди у бироздан сўнг.

– Йўқ.

– Унда нега гапирмайсиз?

– Уялаяпман.

– Кимдан?

– Бояги қиздан.

– Менданмикин десам... – Гулчехра ковоғини уйди. – Ундан нега уяласиз?

– Унга мени йигитим, дедингиз-ку.

– Нима, йигитим бўлишни истамайсизми?

– Қайдам...

Гулчехра менга зимдан караб, кулиб қўйди.

– Бояги дўхтир кейин уришмадимиз? – дедим бошқа гап тополмай.

– Асет оғами? Гапининг бисмиллоси шу-ку, «йигит топиб бераман, эрга бериб юбораман»...

– Лекин сиз... Унга қаттикроқ гапириб юбордингиз.

– «Саломга яраша алик» дейишган... Бироқ у киши унча-бунча гапга хафа бўлмайди. Ўристабиат одам. «Асет ўрис» деган лақаби ҳам бор. Ўзи жуда билимли врач. Лекин бизнинг пешанамизга сигмайдиганга ўхшайди.

– Қанақасига?

– Яқинда кетса керак.

– Қаёққа?

– Аллақайларга! Хотини лўлими, пирсиёнми, билмайман. Икки гапининг бирида «Асетни олиб кетаман» дейди.

– Хотини айтса, кетаверадимиз?

– Ундан ўлгудай кўрқади. Лекин хотинини кўрсанг, оғзинг очилиб қолади. Шунақа чиройлики, гапиргулиги йўқ. Худди ҳинд гўзалларига ўхшайди.

– Ҳинд қизлари ҳам чиройли бўларканми?

– Бўлмасам-чи? Ритани кўрганмисиз, Раж Капурнинг севгилисини?

Мен индамадим. Тўғрисини айтсам, мен Ритани чиройли қиз деб ҳисобламас эдим.

– Нима, Ритани ёмон кўрасизми? – деди Гулчехра менга юзланиб.

– Йўқ! – дея у худди хаёлимдан кечган фикрларни сезиб қоладигандай шоша-пиша жавоб бердим.

– Унда нега индамай қолдингиз?

– Биттасини ўша Ритага ўхшатдим.

– Кимни? – деди Гулчехра қизиқиш билан. –

Мен танийманми уни?

– Танийсиз.

– Ким экан у? Қаерда ишлайди?

– Шу атрофда.

– Бояги ҳамширами?

Мен шарақлаб кулдим.

– Айтмасангиз, бу ердан туриб кетаман.

– Унда Ритани йўқотиб қўярканман-да!

Гулчехра бир муддат ҳеч нарсага тушунмай менга анқайиб қараб турди-да, кулиб юборди. Хузур қилиб кулди. Мен эса вазиятдан осон чиқиб олганим учун анча енгил тортдим.

– Менинг қаерим Ритага ўхшайди?

– Кўп жойингиз.

– Масалан?

– Масалан, соч турмагингиз, бурнингизнинг узун ва бежиримлиги...

– Узун бурун бежирим бўларканми?

– Қайдам, менга шундай туюлади.

– Яна?

– Яна, лабингизнинг қалинлиги...

Қиз шу заҳоти лабини қимтиб олди.

– Гулчехра! – дея овоз берди бояги хамшира автоклубдан чиқиб. – Бўлди, олиб кетинг.

Гулчехра ўрнидан учиб туриб, унинг қўлидан таниш идишни олди.

– Анави йигитга берсанг-чи, – деди хамшира менга имо қилиб.

– Йўқ, ўзим қўтараман. Бу йигит касал.

У мендан аламини олиш учун шундай деганини сезиб турардим.

– Нега хафа бўлдингиз? – дедим унинг унсиз кетаётганига чидолмай.

– Ўзим, шунчаки...

– Тўғриси айтинг! Мендан нима айб ўтди?

У бир муддат жавоб бермади. Сўнг:

– Сиз менинг лабим қалинлиги, оғзим катталигини юзимга солдингиз! – деди.

– Ахир, халқда: «Оғзи катта одамнинг ризқи мўл бўлади», деган гап бор-ку. Бунинг нимаси ёмон?

– Ризқимни мўл қиладиган бирон эркак топилиб қолар!

Ўйламасдан гапириб, уни хафа қилиб қўйганим учун ўзимдан-ўзим хафа бўлдим.

– Мен сизнинг Ритага ўхшашни жиҳатларингизни ҳам айтдим, – дедим имкон қадар унинг кўнглини олишга тиришиб.

– Унда мен бугундан бошлаб Ритага ўхшашни истамайман. Ритани ёмон кўраман!

– Бўпти, уни мен ҳам ёмон кўраман. Бармоғингизни беринг, ярашамиз! – дедим унга жим-жилоғимни узатиб. Гулчехра пиқиллаб кулиб юборди.

– Нима бало, ёш боламисиз?

Шундан сўнг орамиз юмшагандай бўлди.

Палатанинг олдига келганда Гулчехра қулоғимга шивирлади, мен маъқуллаб бош ирғадим.

– Қалай, жўра, Гулчехра тўйдирдимиз? – деди Жиянғали эшикдан киришим билан.

Бошқа йигитлар ҳам жим туришмади.

– Юзига қон югурибди-ку, тўйдиргани аниқ.

– Овқат биланми, бўса биланми?

– Бўса билан бўлса керак! Шу пайтда Гулчехранинг осиб қўйган қозони бор эканми?

Улар ўзлари савол бериб, менинг ўрнимга ҳам ўзлари жавоб берар эди.

Шу баҳона яна гап мавзуси Гулчехрага бурилди.

– Бу қиз пишиб турган олмага ўхшайди, – деди Жиянғали. – Қадди-қомати ҳам ўзига ярашган.

– Менимча, унга муштлари тўқмоқдай, яғрини қопқоқдай йигит керак, – деди Омон. – Чунки Гулчехра унча-мунча эркакни писанд қилмайди.

– Оббо, занғар-ей, ҳамма балони биледи бу, – деди Жиянғали кулиб. Сўнг менга юзланди. –

Ўйлашимча, сенга ишки тушиб қолганга ўхшайди. Лекин кўнглингга олмагин-ку, сен у қизга мос келмайсан, анча сипо йигитга ўхшайсан.

Бироздан сўнг санитарка эшикдан мўралади.

– Сизни дўхтир чақираяпти, – деди у менга.

– Сен кўлдан-кўлга тегмайдиган кирови касал бўлдинг-ку! – деди палатадагилар кулиб.

Дўхтирнинг хонасига торгина-торгина кириб бордим. Хонанинг ўртасига қўйилган журнал столнинг устида товуқ гўшти солиб дамланган палов турибди. Ёнида бир чойнак чой.

– Ўтиринг, ҳозир Гулчеҳра келади, – деди санитарка.

– Дўхтир қани?

– Унинг ўзи дўхтир-ку! – деди у кулиб. Шу пайт Гулчеҳра кириб келди.

– Санам, олтинчи палатадаги қизнинг система-сига қараб тур, – деди Гулчеҳра унга. – Сенинг ҳақингни олиб қўяман.

Санитарка чиқиб кетгач, Гулчеҳра менга:

– Қани, меҳмон, ошдан олинг, – деди жилмайиб.

– Аввал Ритадан бўлсин!

– Айтдим-ку сизга, Ритани ёмон кўраман!

– Э, кечирасиз. Бошқа қайтарилмайди.

– Ўзим сизнинг қорнингизни тўйдираман деганим эсингиздами?

– Эсимда. Лекин мен овқат билан тўйдиришингизни ўйламабман.

– Ҳим! – деб у илжайди. – Балосиз-ку сиз ҳам. Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади. Ҳозирча ошдан еб туринг.

Юрагим жиз этиб кетди. Аллақандай ёқимли бир ҳиссиёт вужудимни қамраб олган эди.

Шундан сўнг гапимиз қовушмади. Икковимиз ҳам бир-биримиздан уялиб, жимгина ош едик. Гулчехра қанчалик шўх-шаддод бўлгани билан дастурхон устида бошқа қизлар каби ибo сақлади. Орадан бироз вақт ўтгач, санитарка қиз қайтиб келди.

– Пима қилдинг?

– Ёнида ётган опаси дўхтир экан-ку. Ўзим қарайман деди.

– Эртага шикоят қилиб юрмаса яхши эди. Мен йигитимни ёлғиз ташлаб кетишга кўзим қиймади.

– Унга эҳтиёт бўл.

– Албатта эҳтиёт бўламан.

Давраимизга яна файз киргандай бўлди. Ҳазил-хузул билан лагандаги ошни еб, иссиққина қора чойни ичиб олдик.

– Бояги гапим эсингиздан чиқмасин, – деди Гулчехра хонадан чиқаётганимда.

– Хўп.

– Эрталаб айтиб берасиз!

– Кўрсам...

У боя қулоғимга: «Майкангизни тесқари қийиб ётинг», деб шивирлаган эди. Лекин мен бундай қилмадим. Кечқурун уни тушимда кўрмадим. Эрталаб Гулчехрага айтадиган гапим ҳам йўқ эди.

3

Тонгда ўрнимиздан турар-турмас санитаркаларга худо берди. Улар палатага кира солиб эшик-деразаларни ланг очиб юборди.

– Ўрнингиздан туриб, тўшагингизни тартибга солинг!..

Бири кетса, иккинчиси киради.

– Чойнак-пиёлалар нега йиғиштирилмаган?!
Эй, шу эркак зоти ётган жой... Қачон қарасанг,
ивирсиб ётади.

– Алмаш, чиқ тезроқ, дўхтир келаяпти.

Санитарка қўлидаги латга билан менинг тум-
бочкамнинг устиги наридан-бери артди-да, шошиб
чиқиб кетди. Унинг ортидан Асет оға палатага
кирди.

– Қалайсизлар?

– Яхши.

У Ўрозбойнинг ёнига бориб ўтирди.

– Сенинг аҳволинг қандай?

– Отдайман, оға!

– Қачон одамдай бўласан?

– Ўзингиз «хали отдай бўлиб кетасан» деган-
нингизга...

– Оббо, муғомбир-ей... Юзингни эшикка буриб,
кетинга бошлаб тепадиган вақт бўп қопти-ку.

– Демак, бугун жавоб бераркансиз-да?

– Шошилма. Омон икковингизнинг қўшиғингизни
бирга айтамыз.

У Жиянғали билан Омонга тайинли ҳеч нарса
демади, улар билан ҳазиллашиб ҳам ўтирмади.

– Хў-ўш, муаллим жўра, сенинг аҳволинг
нечук? – деди дўхтир менинг кроватим четига
ўтириб. – Буйрақлар жойидами?

– Билмасам... Сиздан қўрқдим, каерда турган-
ни ҳам сезилмай қолди.

– Шундай бўлсин. Қани, тескари ёт-чи... Энди
бу томонга ағдарил. – Асет оға белимга учта
бармоғини қўйиб, иккинчи қўлининг кўрсаткич
бармоғи билан қаттиқ-қаттиқ уриб кўрди.

– Оғридими?

– Ха.

– Демак, буйрақлар жойида. Оғриқ ҳам бор. У мендан кўрқиб, бир бурчакда яшириниб ётибди. Ўша оғриқни яхшилаб тавбасига таянтириб кўйишимиз керак.

Асет оға ҳаммамизни кўздан кечириб бўлгач, палатадан чиқиб кетди.

Нонуштадан сўнг кроватда ётиб кўзим илинибди.

– Уколга! – деган овоздан уйғониб кетдим. Соатга қарасам, вақт пешинга чамалаган.

Кўзимни уқалаганча эмлаш хонасига бордим. Ёши элликлардан ошган хамшира аёл уколларни тайёрлаётган экан.

– Вой, энди уйқудан турдингизми? – деди у ажабланиб.

Эмлаш пайтида ишлатилган пахта, дока қолдиқларини йиғиштираётган санитарка менинг ўрнимга жавоб берди:

– Ўзи янги келган беморлар уч кунгача ёстикдан бош кўтармай ухлайди. Шунақа қилиб чарчоғини чиқаради-да! Ишда юрганда биз ҳам билмаймиз. Кечқурун ёстикқа бош кўйишимиз билан оғзимиздан сувимиз оқиб, томшдай котиб қоламиз.

Санитарканинг гапи рост экан. Тушдан кейинги «жимлик соати»да ётиб, қоронғи тушганда уйғондим.

– Жўра, бундоқ очилиб гаплашмадик ҳам, – деди ўрнимдан турганимни кўрган Жиянғали. – Эрталаб уйқу, тушда уйқу, кечқурун яна уйқу...

– Ҳали улгурамыз. Духтир, бир-икки ой ётасан деяпти.

Йигитлар менинг уйғонишимни пойлаб, уйдан келган овқатига қўл урмай ўтирган экан. Ўртага кўйиб еб олдик.

– Хўш, энди нима қиламиз? – дедим мен уларга юзланиб.

– Худо деб ётишдан бўлак қўлимиздан нимаям келарди, – деди Омон.

– Ога, муаллим бўлсангиз, латифа айтиб бермайсизми? – деди Ўрозбой менга. – Лекин қизлар ҳақида бўлсин.

– Мен латифа билмайман-да...

– Хов, унда болаларга қандай дарс берасиз? Бир-иккита латифа айтсангиз, қирк беш дақиқа дарров ўтиб кетади. Бизнинг адабиёт муаллими-миз дарсни доим латифадан бошлайди. Кула-кула ичагимиз узилади.

– Мен айтайми? – деди Омон ўрнидан туриб ўтириб.

– Айт, айт.

– Тўққизинчими ёки еттинчисиними?

– Эсингни йиғ, бола, – деди Жиянғали. – Латифа айтаётганингда Ойсара кириб қолса, сичконнинг ини минг танга бўлиб қолади. Сизларга-ку барибир, лекин Мамбетназар икковимиз уяламиз.

Омоннинг рақамланган латифалари бепардароқ бўлса керак, деган ўй кечди хаёлимдан.

– Сахиев ким? – сўради санитарка эшикдан кириб келиб.

– Мен.

– Мана, эргалаб анализ топширасиз, катгаси-кичкинаси. Ритаси тушмагур кеча айтишни унутган экан.

– Ритаси ким? – деди Жиянғали.

– Гулчехра-да! Доим мен Ритаман деб ноз қилади!

– Энди ундай қилмайди. Бундан кейин Ритани ёмон кўради, – дедим мен.

– Нима, у билан танишиб улгурдингми? – деди санитарка менга синчков назар солиб. – Қарғанинг бир кўзи ўқда бўлса, бир кўзи боғда дейишган...

— Шу топда доска билан бўр бўлганида зўр бўларди, — деди Ўрозбой санитарка чиқиб кетгач илжайиб. Омон унинг гапиши илиб кетди:

— «Рита+Мамбетназар» деб катта ҳарфлар билан ёзиб қўярдик.

— Ана, Мамбетназар жўра, энди буларнинг ҳазилидан қочиб қутула олмайсан. Сен ҳам жездасига айландинг!

— Бизга ўхшаган қайноғалари бўлса жон десин!

— Эртага Гулчехра келсин, розилигини сўрайман. Балки чинданам жезда бўладиган чиқар.

— Эртага Гулчехра эмас, Гуля келади.

— Айтгандай, бугун Ойсара навбатчи эди-я? Тўғри, эртага Гулянинг навбати. Гуля касал бўлиб қолиб, ўрнига Гулчехра келмасмикин.

Шундай бўлса қанийди, деб қўйдим ичимда. Нима бўлганда ҳам кечаги тун қучоғида бир муддат гаплашиб ўтирганимиз ва палатадошларимнинг қочиримлари туфайли кўнглимда Гулчехрага нисбатан аллақандай ёқимли ҳиссиётлар уйғона бошлаган эди.

4

Бугунги кун тонг азондан гала-ғовур билан бошланди. Барвақт уйқудан турган беморлар юзқўлини ювиб келишга улгурди. Кечикканлар эса даҳлизга чиқишга журъат қилолмади. Йўлакда ҳамшира ва шифокорлар уёқдан-буёққа югуришди. Бири томчидори ускунасиши қўтариб олган, бошқасининг қўлида аллақандай тиббий асбоблар. Хуллас, шифохонада тўс-тўполон қўпган.

— Тез эшикни ёпинглар! Нима, сизларга томоша керакми?

– Палатангизга кириб ўтиринглар, барака топ-гурлар! Буёқда бир бечора жон талашиб ётибди, ахир!

Санитаркалар беморларга шундай деб дашном беришади. Шу топда ўзини энг керакли одам деб хисоблашади. Чунки улар қайсидир бечора беморнинг жонини сақлаб қолиш учун курашаяпти! Санитаркага гап қайтариш ёки амрига бўйсунмаслик нақ жинойт билан баробар. Шу боис беморлар жим. Ўзлари ўша бечоранинг аҳволига тушмаганига шукр қилиб, нафасини ичига ютиб ўтирибди.

– Бояқишнинг яна нафаси қисиб қолган, шеклли? – деди Жиянғали кўзлари намланиб.

– Кимнинг? – дея сўрадим мен хали шифоҳонадаги беморларни яхши танимаганим учун қизиқсиниб.

– Ўн еттинчи палатада Матёқуб деган бола бор, – Жиянғалининг ўрнига Омон жавоб берди. – Тез-тез мазаси қочиб қолади.

Шу пайтгача касалхонада сокин ҳаёт ҳукмрон эди. Одамлар бу ерга касаллиги сабабли эмас, уйи ва ишхонадаги ғалвалардан безор бўлгани учун уч-тўрт кун дам олиш ниятида келса керак, деб ўйлаган эдим. Хотинлар ҳар хил ғийбат, миш-мишларни тўқиб, эркаклар ичакузди латифалар билан кўнглини чоғлайдиган жой экан, деган ҳаёлга бориб қолган, келганимдан бери ўзимнинг касалимни ҳам унутган эдим. Бугун ҳеч қутилмаганда ана шу тасавурларим остин-устун бўлиб кетди. Эрталабдан барчанинг нигоҳида аллақандай ҳадик-ҳавотир ҳукмрон. Беморлар жиддий тортиб қолишган. Ҳазил-ҳузул, ўйин-кулги ҳеч кимнинг кўнглига сифмайди.

Бироздан сўнг аллақандай оғир бир нарса ортилган араванинг ғилдираклари полни титратиб ўтди.

– Кислород олиб ўтишяпти! – деди Жиянғали.
– «Кислород ёстиги» тугаб қолган бўлса керак!
– Бурчакда узун кўк баллон турарди. Ўша
кислородми?

– Ишкилиб, шу гал кетиб қолмаса яхши эди...

– Онасига кийин бўлади. Шўрлик буни кўтара
олмайди.

– Ундай дема. Одам боласи бошига тушган
хар қандай кулфатга чидайди.

Палатамиздаги ёш йигитчалар ҳам бир зумда
улгайиб, кўпни кўрган қарияларга айланиб қол-
гандек эди. Уларнинг орасида факатгина мен «ёш-
ман». Чунки хали бу ерда янги одамман. Юраги
хаста Матёқубни ҳам, унинг бояқиш онасини ҳам
танитайман. Ҳаво тўлдирилган ёстикчапи ҳам,
доим бир чеккада турадиган кислород баллонини
ҳам кўрмаганман. Бир сўз билан айтганда, нота-
ниш юртга келиб қолган мусофирга ўхшайман.

Бироздан сўнг дахлизда югур-югурлар тинди.
Ошпаз хотин палатага сирланган челақда гуруч
бўтқа кўтариб кирди.

– Косаларингизни тайёрланг! – деди у темир
чўмични қўлига олиб.

– Нима бўлди? – дея сўради Жиянғали косаси-
ни унга узата туриб.

– Қайдам! Гўдаккинага худонинг раҳми келсин.
Бизни у ёққа яқинлаштирмайди. Дўхтир «шовқин
қилмасдан касалларга овқатини тарқатинг» деди.

Тушга яқин шифохонадаги кўнгилсизликлар
буткул барҳам топди. Санитаркалар яна челақ-
супургисини кўтариб палаталарга кирди.

– Ташқарига чиқинглар, хонани тозалашим ке-
рак.

– Матёқубнинг ахволи қандай?

– Худога шукр, бола омон қолди.

Мен ҳаммадан бурун даҳлизга чиқдим. Яшириб нима қилдим, мени ажалнинг чангалидан қайтган бола ҳам, унинг қўрқувдан юрагини ҳовучлаб ўтирган онаси ҳам унчалик қизиқтирмасди. «Тугилганингни кўрганим йўқ, ўлганингда йиғламайман», деганлари шу бўлса керак-да...

Тушга яқин онам тугун кўтариб палатага кириб келди. У каттагина лаганга овқат сузди-да, палатадошларимни ҳам манзират қилди.

– Олинглар, чироқларим, ҳаммангизга етади.

Сўнг у бизнинг овқат ейишимизни мсхр билан кузатиб ўтирди.

– Буйрагингни қачон шамоллатдинг, болам? – деди онам менга маъюс термулиб.

– Бир куни шолига ялангоёқ тушган эдим...

– Эй, шолиси курсин! Жезданнинг иши бу... Гуручни бозордан сотиб олсак, бир жойимиз камайиб қолармиди?

Қарлибой жездам билан пахтадан ортиб қолган бир парча майдонга шерикликда шоли эккан эдик. Бир куни эрталабки салкинда ялангоёқ бўлиб, бошоқ чиқариб қолган шолиторни кечдим. Ҳосилнинг чўғи баланд эканини кўриб кайфиятим кўтарилди. Шунинг учун анча вақт дала кезиб юрдим. Оёқ остидаги зах тупроқ товонимга чилп-чилп ёпишади. Бу ҳам кўнгилга хуш ёқади. Лекин ана шу зах бир ҳафтадан сўнг кучини кўрсатди.

Шифохонага ётганимнинг эртаси куни Асет дўхтирга буйрагимни қандай шамоллатганимни оқизмай-томизмай гапириб бердим.

– Мен сени ёмон йўлларга юргансан десам... – У елкамга уриб қўйди. – Демак, пахтанинг ўрнига

шоли эккан экансан-да! Эртага овул шўросини, солиқчи билан мелисани бу ерга чақирамиз. Улар даладаги шолинг билан уйингдаги молингни хатлаб, юкингни енгиллатиб беришади.

Мен бу гапдан хавотирга тушиб қолдим.

– Ҳазиллашдим, – деди у бироздан сўнг содда-лигимдан завқланиб кулиб. – Қўрқма, ҳеч кимга айтмайман. Ўзи, саводли одамлар қўрқоқ бўлади. Агар сенинг ўрнингда Қизилкумнинг орасидаги ҳарф танимайдиган чўпон бўлганида бунақа касалга чалинмасди.

Мен онамни ташқарига кузатиб чиқдим.

– Эртага нима олиб келай?

– Ҳеч нарса керак эмас.

Онам дарвозадан чиқаётиб яна ортига бурилди.

– Болам, институтда тенгинг топилмади. Бу ерда қизлар кўп экан. Оппоқ халат кийган қизларни кўриб хавасим келди. Дўхтирдан келиним бўлса, қаригап чоғимда кунимга ярармиди. Эрта-бир кун касал бўлишим, ётиб қолишим бор...

– Кўрамиз, она, – дедим кулиб. – Тайёргарлигингиз борми, ишқилиб?

– Ҳартугул сендан ҳам тузук гап чиқаркан-ку, болам, – деди онам жонланиб. – Буёғидан ғам ема. Каттагина сандикни сарпо-сурукқа тўлдириб қўйганман! Уйга боргандан сўнг ҳаммасини бир кур назардан ўтказаман. Ҳозир мода деган бало чиққан, дейишади.

Онам «қартайганда дўхтирдан келиним бўлса» деган гапни айтганида дарров кўз ўнгимда Гулчехранинг киёфаси намоён бўлди. Шунинг учун ҳам «тайёргарлигингиз борми» деган гапни дадил айтдим.

– Бўпти, ортингга қайта қол, болам, тагин дўхтирларинг излаб юрмасин.

– Сахиев, бу ёкка кел! – дея чақириб колди дарвоза олдида турган ҳамшира. Ўша томонга юрдим. Ранги сарикка мойил, кўзлари кўкиш, сочлари кўнғиртоб қиз менга тикилиб турарди. Танимаган одам уни қорақалпоқ қизи деб ўйламайди.

– Эрталабки дориларингни ичдингми? – сўради у.

– Ичдим.

– Ма, манавиларни туш пайти ичасан. Тағин ҳаммасини бирданига ичиб юборма. Ўн дақиқа оралатиб, битгадан ичасан.

Ҳамшира берган дориларни сиқимлаб ортимга қайтдим.

– Мамбет, – дея чақирди ҳамшира бироздан сўнг. Лекин мен Мамбет исмли бошқа одам бор бўлса керак, деган хаёлда эътибор бермадим.

– Сахиев! Нега чақирсам қарамайсан?

Тавба, буларга нима бўлган ўзи? Бири Пазар дейди, бошқаси Мамбет дейди, исмимни тўлиқ айтадиган одам борми бу ерда?!

– Буюкка кел, бир гап айтаман.

Мен ортимга қайтдим.

– Олтинчи палатадаги қизни танийсанми? – деди у сирли жилмайиб.

– Қанақа қиз?

– Ростдан ҳам танитайсанми?

– Йўқ.

– Ҳов... Бечора сен уёкка ўтсанг ҳам, буюкка ўтсанг ҳам ортингдан термулиб қолади-ку? Юрагидан уриб қолганга ўхшайсан.

– Ўзи, кеча келган бўлсам... Ҳеч ким билан гаплашганим йўқ.

– Мен бир нарсани билмасам гаширмайман. Унинг ёшида қизлар бировни севиб қолса, жин-

нига айланади-қолади. Бошимдан ўтгани учун айтаяпман.

– Қачон? Яқин орадами? – дедим мен жилмайиб.

– Нима?! – у менга қаттиқ тикилди. – Сен қиз билан хотин кишининг фаркига бормайсан, шекилли? Тўнғич қизим иккинчи синфда ўқияпти.

– Ўхшамайсиз-ку!

– Хушомад қилмай қўя қол. Барибир мендан сенга фойда йўқ. Ундан кўра, олтинчи палатадаги қизнинг исмини билиб ол.

– Гули! – дея чақирди Асет дўхтир уни.

– Ҳозир! – деб ҳамшира шошиб ўрнидан турди.

– Бўпти, мен кетдим. Сен тезроқ палатангга кир. Бу ерда тураверсанг, дўхтирлардан гап эшитаман. Кечкурун ўн учинчи палатага бор.

– Нега?

– Негалигини борганингда биласан.

Ўн учинчи палатада нима бўлиши мен учун жумбоқ эди. Гуляни кутиб туришга тортиндим. Ҳазилнинг ҳам ози яхши. Қайтиб келса, хали ҳам кетмай қаққайиб турганимни кўриб жаҳли чиқиши мумкин.

Кўнглим алғов-далғов бўлиб кетди. Мен бу ерга даволашиш учун келдимми ёки қиз танлаш учунми? Қанақа бетайин одамга айланиб бораяпман ўзи? Ҳозиргина онамни умидлантириб жўнатдим. Гулчехрани кўз остимга олиб турсам, Гуля ҳеч нарсадан беҳабар, бошқа гап топиб келиб ўтирибди.

Кундузги дам олиш вақтини бедор ўтказдим. Гулчехра билан аллақандай сирли, нотаниш қиз ҳақидаги ўйлар хаёлимни чулғаб олди. Ўша қиз оккўнгил, ёқимтой бўлса керак. Ўзимча унинг

чехрасини тасаввур қилишга уринаман. Лекин нукул Гулчехранинг қиёфаси кўз ўнгимда намоён бўлаверади. Икковимизнинг автоклуб ёнидаги сухбатимиз ёдимга тушади.

– Асетнинг хотини ҳинд қизлари каби сулув.

– Ҳинд қизлари сулув бўларканми?

– Бўлмасам-чи? Ритани кўрмаганмисиз, Раж Капурнинг севгилисини?

– Кўрганман. Сиз ўша Ритага ўхшайсиз.

– Қаерим ўхшайди?..

Давомини эсламасликка уринаман. Чупки аҳмокона гап билан Гулчехрани хафа қилиб қўйган эдим. Шундан сўнг онамнинг айтган сўзлари хотирамда жонланади.

– Дўхтирдан келишим бўлса, қариган чоғимда купимга ярармиди. Ахир, эрта-бир кун касал бўлишим бор, ётиб қолишим бор...

Хаёлимда Гулчехра овулни менсимайдигандек, кекса онамни писандига илмайдигандек туюлади.

– «Юришига қаранг, нақ асов байталга ўхшайди!»

– «Бунақа бақувват оёқлар билан яхшилаб тепса, отни ўлдирди».

Палатадошларим кеча Гулчехра ҳақида шундай деган эди. Улар гуёки бу билан менга, «Ўзингнинг ҳолингни бил, бу қиз сенга ўхшаган ювош йигитларни абгор қилади», деб қўрқитаётгандек туюлади менга.

Яна Гулчехранинг кечаги гапларини эсладим:

«– Боя сизни ўзим тўйдираман деганим эсингиздами?..»

«– Туяга янтоқ керак бўлса бўйинини чўзади...»

«Дам олиш соати» тугагач, даҳлизга чиқиб, уёқдан-буёққа бемақсад бориб кела бошладим.

Икки кўзим олтинчи палатанинг эшигида. Лекин ойнасига кўкиш тусли парда тутилган эшикдан ҳеч ким кириб-чиқмас, ичкарида ҳам аллақандай сукунат ҳукмрон эди.

Хали ўзим ҳам кўрмаган нотаниш қиз хаёлимдан Гулчехрани қувиб чиқармоқчига ўхшарди. Гулянинг гапи кўнглимга гулгула солиб қўйган. Нима бўлса ҳам ўша қизни бир мартагина кўришим керак, парда ортидан бўлса ҳам... Гуля мени шунчаки калака қилган бўлса-чи! Ўзи, бу ерда ҳамма мени эрмак қилаяпти, шекилли. Бири «сен танлаган қиз чиройли эмас» деб ақл ўргатса, бошқаси ўзи йўқ қизни менга пешкаш қилмоқчи бўлади. Ҳаммаси ёлғон! Улар учун мен одам қиёфасидаги жонли кўфирчокман. Бу муғомбирлар соддалимни билиб, мени истаган куйга солиб ўйнашади. Барчасига ўзим айбдорман. Шунақа лапашанг, уқувсиз бўлганим учун институтда ҳам биронта қиз менга қайрилиб қарамаган...

Шу пайт кимдир чап елкамга туртиб ўтди. Қарасам, Гуля экан.

– Нега анқаясан, қарамайсанми?! – деди у менга секингина.

Шунда... шунда мен «ерга тушган ой»ни кўрдим. У осмондан эмас, шундоққина олтинчи палатанинг эшиги ойнасидан менга сузилиб қараб турарди. Қиз менинг ўзига юзланганимни сезиб, дарров пардани туширди. Лекин менинг кўз олдимда шу вақтгача тушимда ҳам кўрмаган, хаёлимга ҳам келмаган, уста рассом ҳам суратини ўхшатиб чиза олмайдиган гўзал бир фариштанинг қиёфаси намоён бўлди.

Мен олтинчи палатанинг эшиги ёнида бир муддат серрайиб туриб қолдим.

– Буёққа юр, уялмайсанми? – деб Гуля иккинчи марта елкамга туртиб ўтганидан кейин эс-хушимни йиғиб олдим.

– Кечқурун соат тўққиздан сўнг ўн учинчи палатага бор, кампирлар бу қизни чакириб, кўшиқ айттиради, ўшанда яхшилаб кўриб оласан, – деди у.

Бу қиз ҳали кўшиқ ҳам айтадими? Шу гўзаллиги камлик қилгандай, кўшиқ куйлайдиган одати ҳам борми? Бундай бахт менга насиб қилармикин?

Кечки тўққизгача олтинчи палатанинг рўпарасидан неча бор ўтиб-қайтдим. Лекин кўк парда бошка қимирламади. Қурғурни шартта юлиб ташлагим келди. Ўша парданинг ортига яширинган парирўйни яна бир марта кўриш учун боримни беришга тайёр эдим.

Йўлак бўйлаб хаёл суриб юрибман. Шу пайт кўз олдимда Гулчехра пайдо бўлади.

«– Дахлизда нима қилиб юрибсиз, хозирок жойингизга бориб ётинг! – деб жеркиб беради у мени. – Эртага ишга борай, ўша таннозни касалхонадан даф қиламан!»

«Нега бунча тилинг аччик, Гулчехра! – эътироз билдираман ўзимча. – Қиз бола ҳам шунақа бўладими? Худди эри билан уришган хотинларга ўхшаб бакирасан-а!»

Бечора Гулчехра тасаввуримда оғзидан ўт сочиб турган аждахога айланади. Бирдан эс-хушимни йиғиб олиб, ҳушёр тортаман. Менга нима бўлаяпти ўзи? Бунақа аҳмоқона хаёллар калламга қаёқдан келди? Ёки ақлдан озаяпманми? Ахир, Гулчехра ҳам, олтинчи палатадаги қиз ҳам менга ҳеч нарса дегани йўқ-ку. Балки ўша қиз мен ҳақимда уму-

ман ўйлагани ҳам йўқдир. Эшикнинг деразасидан қараса нима бўпти? Менга эмас, бошқа бир нарсага тикилгандир...

Бундай қарама-қарши ўйлардан миям ғовлаб кетди. Кун ботишга якин ташқарига чиқдим. Ростини айтсам, соат тўққизга чамалаганда Гулянинг беморлар қўз ўнгида: «Юр, сенга бояги қизни кўрсатаман», деб қўлтиғимдаш судраб кетишидан уялдим. Бу унинг қўлидан келади.

Ташқарида қанча вақт юрганимни билмайман, қайтиб келганимда менга тегишли тумбочка устида бир коса палов турарди. Ҳали совумабди. Палатадошларим аллақачон қорнини тўйдириб, қаёққадир чиқиб кетган.

Унчалик иштаҳам йўқ эди. Бунинг устига, ёлғиз овқатланишга одатланмаганман. Баъзан уйда кечқурун қорним очса, онамни ўйотаман.

– Овқатланиб олгунимча ёнимда ўтиринг, – дейман ялиниб.

– Болажоним-ов, ўзинг қап-қатта йигитсан-ку, қилиқларинг норасида гўдакниқига ўхшайди, – дейди онам ёнимга келиб ўтиргач. Сўнг кўнглим учун бир-икки пиёла чой ичади.

– Ҳали ўйлансанг, менинг ҳам керагим бўлмай қолади, – дейди у гоҳида руҳсиз кайфиятда.

– Нега ундай дейсиз? – сўрайман ажабланиб.

– Ишдан кеч келсанг, овқатингни келин иситиб беради. Ёнингда ўтириб чой қуяди. Қаёққа бориб, қаёқдан келаётганингни сўрайди. Шундай қилиб, аста-секин онангдан узоқлаша бошлайсан.

– Йўқ, она. Ўшанда ҳам сиз билан бирга овқатланаман.

– Барака топ, чироғим. Ўзим ҳам шундай қилсанг керак, деб ўйлаб юрардим.

Онам бу гапни ишончсизлик билан айтади.

Косадаги ошни тумбочканинг ичига кўярканман, ана шу ўйлар хаёлимдан кечди.

Аста дахлизга чиқдим. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит. Худди шифохонадагилар қаёққадир кўчиб кетгандек. Фақатгина узун йўлакнинг нариги бошидаги эшиги очиқ палатанинг остонасида бир гала одамлар уймалашиб ётибди. Ҳайрон бўлиб ўша томонга юрдим. Ёши улурроқ беморлар дахлизга қўйилган узун ўриндиқда тиқилишиб ўтирибди, қолганлар тик турибди. Палатанинг очиқ эшигидан қиз боланинг ёқимли овози қулоғимга чалинди. Дарров фаҳмладим, ўн учинчи палатада бояги қиз қўшиқ куйламоқда эди!

Одамларга халақит бермаслик учун оҳиста қадам ташлаб, уларнинг сафига бориб қўшилдим.

– Қаёққа кетиб қолдинг? – паст овозда сўради Жиянғали.

– Ҳовлида сайр қилдим.

– Ичкарига кириб, Мамбетназар оға, шу баҳона кўшиқчи қизни кўрасиз, – деди Омон. – Бу қизнинг олдида Гулчехра...

– Жим! – деб Жиянғали унга дашном берди.

– Ҳой, болалар, «балиқ бозор»ни бас қилинглар, кўшиқ тинглайлик.

Ғала-ғовурга мен сабабчи бўлганимдан уялиб, бир қадам ортга чекиндим. Шу пайт эшик олдидаги кроватда ўтирган Гуля мени кўриб қолди.

– Буёққа кел, ичкарига кир! – деди у менга қўли билан имлаб.

– Кир, кир! – Жиянғали елкамдан итарди.

Мен ноилож ичкарига қадам қўйдим.

Кўшиқ таққа тўхтади. Шунда мен нарда ортидан жавдираб турган тим қора кўзларни илк

марта аниқ-тиниқ кўрдим. Унинг бир ўрим сочи чап елкасидан ошириб кўксига ташлаб қўйилган эди. Бошқаларнинг эғнида беўхшов кўринадиган касалхонанинг чит қўйлаги қизнинг шамшоддек қомастига ниҳоятда ярашиб тушган.

Қиз жудаям сулув эди. Навкирон, тортинчок, юзи ари қўйиб улгурмаган ўрик гули сингари латофатли ва беғубор, булоқ сувидай тиниқ ва тоза. Майли, у бир муддат қўшиқ айтмай қўя қолсин, мен унинг юзига тўйиб-тўйиб тикиламан. Бундан кейин ҳар куни тотли хиссиётлардан сархуш ҳолда олтинчи палатанинг олдидан қайта-қайта ўтаман. Керак бўлса, ҳамшираларга ёрдамлашман, санитаркаларнинг челагини бўшатиб келаман. Ишқилиб, мана шу кадрдон палатанинг олдидан ўтишим учун баҳона топилса бас.

– Қизим, нега тўхтаб қолдинг? – деди хотинларнинг орасида ўтирган оқ рўмолли кампир.

– Манави йигитдан уялаяпти, шекилли.

– Уялма, чироғим, ҳали кўп одамларнинг олдида қўшиқ айтасан.

– Ҳаммаси Гулядан бўлди, бу йигитни «кел-кел» деб ичкарига чақириб нима қиларди? – деди қизнинг ёнида ўтирган келинчак. – Бошқа эркаклар ташқарида турибди-ку.

– Эй, эркаксиз кунинг борми? – деди Гуля жилмайиб. – Эринг эркак, боланг эркак, сенга яна нима керак!

– Қўй, чироғим, манави қизни уялтирма.

Хуллас, мен даврада «чақирилмаган қўноқ», «ювилмаган қошиқ» бўлдим. Бир уй хотин-халажнинг орасига сиғмай, яна ташқарига чиқдим.

– Узоққа кетиб қолма! – деб қўлимдан чимчилади Гуля эшик ёнида.

Дахлизга чиқишим билан Жиянғали хиринглаб кулди.

– Гулянинг гапига кирсанг ҳаром ўласан, ундан эҳтиёт бўл.

Унинг гапига эътибор бермадим. Чунки Гуля менга ўзгаларнинг хаёлига ҳам келмаган яхшиликни раво кўрган эди. У билан орамизда бўлиб ўтган суҳбатдан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Назаримда, ҳамма – касалхонадаги сочига оқ оралаган аёллардан тортиб, ҳали иштонининг ўнгу терсини ажратолмайдиган ўспирин палатадошларимгача мenden мана шу қўшиқчи қизни қизғанаётганга ўхшарди. Лекин мен уларнинг гап-сўзларига эътибор бермайман. Шошмай туришсин, ҳали ҳаммасининг кўзини ўйнатиб кечқурун бу гўзал қиз билан ташқарида бирга сайр қиламан. Энди бу касалхонадан осонликча кетмайман. Буйрагим тузалса, бошқа жойим оғрийди!..

Бироздан сўнг қиз яна қўшиқ куйлай бошлади. Паришон хаёлларимни йиғиб олиб, унинг ашуласига кулоқ тутдим. Унинг овози чипдан ҳам ажойиб эди. Палатадаги аёллар қизни алқашга тушишди:

– Тамарахоним бу қизнинг танглайига туфлаганми дейман!

– Мақтайверманг, кўзингиз тегади.

– Жим бўлинглар, кўшиқни эшитайлик.

Бироздан сўнг қиз «Кўнглимда борсан» кўшигини айта бошлади:

Биламан, юрибсан дардингни ютиб,

Сир сақлашининг ҳам чекига этиб.

Ошиқлигинг элга жория этиб,

Билдираверма сен, кўнглимда борсан!

– Бу қўшиқ кимга аталган, оға? Мабодо сизга эмасми? – Ҳрозбой шивирлаган кўйи мени туртиб қўйди. Лекин Жиянғалининг ўзига хўмрайиб караганини кўриб, тилини тишлади.

Киз яқинда машхур бўлган янги қўшиқни куйлаётган эди. Қайсидир хонанда аёл дутор чертиб айтадиган бу ашулани у созсиз куйлаб, ҳаммани мумдай эритганига қойил қолмай иложинг йўқ. «Қўшиқни қайси шоир ёзган экап?» деган ўй кечди хаёлимдан. Лекин бу саволга аниқ жавоб тополмадим. Демак, «мен сени яхши кўраман, сенга ошиқман» деган гапни такрорлайвериш йигит кишига кўп ҳам ярашмас экан.

– Муҳаббат сўз билан ифода қилинмайди, – деган эди институтда бўлиб ўтган ижодий учрашув пайтида бир шоира. – Асл муҳаббат инсоннинг кўзида акс этиб туради. Макони эса юракда бўлади! Муҳаббат тилга кўчдими, унинг илдизи юлинган гулдан фарқи қолмайди.

Балки бу шеърни ҳам ўша аёл ёзгандир? Бир сўзи ортиқ ёки кам бўлмаган бу қўшиқни илгари ҳам тинглаган бўлсам-да, бироқ ҳозиргидай юрагимга яқин олмаган эдим.

Кизнинг кейинги ашуласига уч-тўрт аёл жўр бўлди.

– Қарғадай қағиллашни бас қилинлар! – деди Гуля уларга. – Бўлмаса, ҳозироқ ҳаммангизни уколга чақираман. Шу билан концерт ҳам тамом бўлади!

Хотинлар Гулянинг ҳазилидан кулишди.

– Қизим, анави кунги қўшиғингни айтиб бер, – илтимос қилди аёллардан бири. Мен бу ердагиларнинг ҳеч бирини танимас эдим. Шунинг учун бу хотиннинг кимлиги, қайси қўшиқни назарда тутаётганини ҳам била олмадим.

– Айта қол, болам! – уни қувватлади бошқа бир жувон.

– Опа, айтсам тагин йиғламайсизми? – деди киз қўнғироқдек овозда. Унинг сўзлари ҳам қўшиғи сингари позик ва ёқимли эди.

– Йиғламайман, қароғим. Ўғлимнинг кўзи илингани учун озгина қўнғил ёзай деб чикдим бу ерга.

Бирдан палатага жимлик чўкди. Ташқарида мен билан ёнма-ён турган эркаклар ҳам дамини ичига ютди. Бахшиёна усулда бошланган қўшиқ аста-секин авжига чикиб, залвор касб эта бошлади:

*Бу дунёдан яхши кетиб,
Ёмон ҳам ўлмай қолмади.
Умар, Усмон – тўрт чориёр –
Улар ҳам кетди, қолмади...*

Палатада кимнингдир пиқиллаб йиғлагани эшитилди.

*Барҳаётлик сирин билган,
Ҳаким Луқмон ҳам қолмади.
Келар ажал фарштаси,
Жон олмоқдир унинг иши,
Кимсаларнинг норастаси,
Қирчинида кетди, қолмади.*

Боягина шу қўшиқни айтишни илтимос қилган аёл кутилмаганда хўнграб йиғлаб юборди. Бошқа аёллар ҳам ўпкасини босолмай ҳиқиллашга тушди.

Бироздан сўнг аёл ўзини қўлга олди.

– Хафа бўлма, қизим, йиғласам қўнғлим бўшайди. Кейин: «Бу шум ажал хаммага бирдай

экан», деб ўзимга таскин бераман. Болам бечорани худо бугун бир қайтариб берди. Кеча йиғлайвериб кўзим қизарган экан, хонага кирсам, гўдаккина, «она, тагин йиғладингизми?» деди ўксиниб.

– Йўқ, болам, нега йиғлайман? Ошхонада ёғ доғлашаётган экан, шунга кўзим ачишди, дедим мен.

Ўғлим бироз вақт жим ётди.

– Она! – деди бир пайт.

– Ҳа, жоним болам? – деб ёнига бордим.

– Мен ўлсам, ботинкамни кимга берасиз? – деса бўладими! Биров бошимдан муздай сув қуйиб юборгандай бўлди. Ўғлим яқиндагина мен билан бирга бозорга чиқиб, шу ботинкани ўзи танлаб олган эди. Уни жуда яхши кўради. Кўчадан келиши билан артиб-суртиб, бир чеккага олиб қўяди. Мактабга кетишдан олдин яна тозалаб оёғига кияди-да, ойнага қарайди.

– Қаранг, она, ботинкам ярашдими? – деб сўрайди мендан эркаланиб. Болам бечора ҳали нораства-ку, эндигиша ўн уч ёшга тўлди...

Унинг бояги гапини эшитиб юрагим орқага тортиб кетди.

– Бу нима деганинг, қароғим? Насиб этса, ботинкани ўзинг кийиб тўздирасан! – дедим. Лекин гапларим қулоғига кирмади.

– Уни тоғамга беринг, – деди кўзларини шифтга қадаб. – Кейин тоғам ҳар гал ботинкамга кўзи тушганида ўзимни кўргандай бўлади.

– Кўй, ундай дема, болам! – деб унинг бошини кўкрагимга босиб, ўкраб йиғлаб юборибман. Болам бечора сочларимни силаб мени юпатди.

– Йиғламанг, она, катта одамлар ҳам йиғлайдими? Сочингиз ҳам оқариб кетибди, – деди.

Ишонсангиз, бундан бир йил бурун сочимнинг битта ҳам оқи йўқ эди. Ҳар гал боламнинг юраги хуруж қилганида сочларим оқара бошлади.

– Сен ҳам катта одам бўлганингда сочларингга оқ тушади, – дедим гапни ҳазилга буришга ҳаракат қилиб.

– Йўқ, мен катта одам бўлмайман, – деди у мендан нигоҳини узмай. Бояқишнинг кўзларида бир томчи ёш йўқ! Муштдай боланинг дийдаси шунчалик қотиб қолганига ҳайронман.

– Она, бугун тушимда Абдужаббор отани кўрдим, – деди ўғлим бир майдондан сўнг.

– У сенга нима деди?

– Мени кечир, болам. Қовун сўраганингда ўзим берар эдим-ку, сени бунча кўрқитиб юбораман деб ўйламабман, – деди. Мен индамадим. Шунда қаердандир отам етиб келиб: «Кечирдим деб айт, ўғлим. Худо кечиримли бандаларини яхши кўради», деб бошимни силаганча кўлимдан етаклаб олиб кетди, дейди.

– Қўй бу гапларни, болажоним, отангнинг ўзи кетаверсин! Сени ҳеч қаёққа юбормайман! – деб уни бағримга босиб йиғладим...

Аёл бироздан сўнг ҳикоясини давом эттирди:

– Ўша Абдижаббор деганлари овулдош, қариндош оғаларимиздан эди. Болам бечора тенгдошлари «юр, қовун ўғирлаймиз» деса, уларга қўшилиб Абдижабборнинг полизига борибди. Униси қурғур ҳам кўнгли торроқ одам эмасми, полизига оралаган гўдакларни кўрқитиб қўяман деб уларга белкурак отибди. Белкурак боламнинг устидан учиб ўтиб ерга санчилган. Ўшанда ўғлим қаттиқ кўрққанидан юраги тушган, биз буни бир йилдан сўнг билдик...

– Гуля! Гуля! – узокдан санитарканинг ҳаяжонли хитоби эшитилди. – Она қаерда? Матёкуб яна оғриб қолди!

Шу куни ярим тунда Матёкубнинг жони узилди. Касалхонада тўс-тўполон бўлиб кетди. Мен эса шундай пайтда мавҳум бир муҳаббатга банди бўлиб юрганим учун ўзимни ёмон кўриб кетдим.

5

Матёкубнинг ўлими касалхонанинг бошига тушган мусибатга ўхшарди. Даҳлизда ҳеч ким овоз чиқариб гапирмас, ҳамширалар бир-бири билан шивирлаб сўзлашарди. Табиатан кувноқ ва ҳазилкаш бўлган Асет оғанинг ҳам қовоғи очилмай қолди. Гуляни-ку гапирмаса ҳам бўлади. У ўша куни тунги концертга вақтида барҳам бермагани учун ўзини айбдор ҳис қиларди. Кислород ёстикчаси вақтида етказиб берилмадими ёки боланинг тўсатдан нафаси қисилиб қолганми, буёғи бизга қоронғу.

Матёкубни мендан бошқа ҳамма таниркан. У касалхонани ўз уйидай билиб, дуч келган палатага тортинмай кириб, аёлларни «она», қизларни «опа», эркакларни «оға» деб, ҳамма билан бирдай чиқишиб кетавераркан. Баъзи аёллар ортидан келган тансиқроқ егуликни унга илинаркан.

– Ўзимизнинг боламиздай яхши кўрардик бояқишни, – деди эмлаш хонасида ўтирган кекса аёл хомуш қиёфада.

– Умри қисқа болалар шунақа бўлармикин, ишқилиб, жуда ёқимтой эди...

– Ҳаммадан ҳам онасига қийин бўлди! Шўри қуриб қолди бечоранинг. Беш қиздан сўнг ху-

додан тилаб олган ёлғиз ўғли экан. «Бир муддат далага кетсам, соғиниб қолдим, онажон, деб кўкрагимга бошини қўйиб ётиб олади», деган эди.

– Ҳа, ҳаётдан насибаси кам бўлган одам тирикларнинг дийдорига тўймайди.

Беморлар Матёқуб ҳақида ўзлари билган, эшитган гапларни айтишдан чарчамасди. Фақат мен жимман. Чунки мен бу гўдак ҳақида ҳеч нарса билмайман. Бу ерга келганимдан бери у палатасидан чиқмаган. Юраги қайта-қайта хуруж қилиб, онасини ҳам, шифокорларни ҳам кўрқитиб қўйган. «Чиқмаган жондан умид» дейишган, ўша куни онаси унинг қилиқлари, гап-сўзлари ҳақида эзилиб гапирган бўлса-да, лекин боласининг тузалиб кетишидан умидвор эди. Ўлим деганлари бунча совуқ, ёқимсиз бўлмаса...

– Айтгандай, Гулчеҳра кўринмай қолди! – Ўрозбойнинг саволи ғамгин хаёлларимни тўзитиб юборди.

– Касал бўлиб қолган бўлса керак, – дедим мен.

– Ҳа, Гулчеҳра касал бўлса, бошқаларнинг ўлиб қолмаганини айтинг! – Омоннинг бу гапидан сўнг ҳаммамиз кулиб юбордик.

– Барибир унга нимадир бўлган. Кеча навбатчилигида ҳам Ойсара опа туриб берди, – деди Ўрозбой.

– Ана, кўрдингми? – деди Жиянғали менга қараб кулиб. – Бу болалар унинг навбатчилигини ҳам санаб юради. Тезроқ ҳаракат қилмасанг, қўлингни бурнингга тикиб қолишинг мумкин.

Шу пайт эшик шараклаб очилиб, Гулчеҳранинг ўзи кириб келса бўладими!

– Ё, худо! Охирзамон келдими дейман, – деди Жиянғали қаддини ростлаб ўтириб.

– Нима бало, мени ғийбат қилаётганмидингиз? – деди Гулчехра.

– Йўғ-ей!

– Биламан, бу бакироқ қиздан қутулдик деб хурсанд бўлиб ўтиргансиз. – У мийиғида жилмайган кўйи менга юзланди. – Сиз ҳам ёмонладингизми?

– Қатордан қолмай деб... – қулдим мен.

Гулчехра ўтган галгидай қувноқ кайфиятда эмас эди.

– Матёқуб кетиб қолибди-ку, – деди у бироздан сўнг ачиниш билан.

– Ха... Шунақа бўлди. Биз ҳам яқин одами-миздан айрилгандай ўзимизга кела олмай ўтирибмиз, – деди Жиянғали. – Ҳар куни келиб мен билан шахмат ўйнарди. Енгилсам, «жўрттага ютқаздингиз» деб ўнкалар, ютсам хафа бўларди, бояқиш.

– Ҳаммамизнинг овунчоғимиз эди, – деди Гулчехра. – Бир куни эмлаш учун олдига борсам, «опа, катта бўлсам сизга ўхшаган узун бўйли қизга уйланаман» дейди. «Катта бўлавер-чи, хали ўзим сенга бўйи теракдай қизни топиб бераман», дедим бошини силаб. Бояқиш бирдан жимиб қолди. «Мен барибир катта бўлмайман» деди сўнг. Нега деб сўрасам, «отам ҳар куни келиб, юр, ўғлим, бирга кетамиз» деб чақираверади. Ўликлар чақирган одам кўп яшамайди дейишади-ку, деди...

Гулчехра оғир хўрсинди. Бизнинг кайфиятимиз бузилди.

– Майли, кўп аза тутаверманглар. Тақдирида бор экан-да, – деб қиз палатадан чиқиб кетди. У ҳеч биримизга дори бермади, уколга ҳам чақирмади. Нега кирди, нега кетди – тушунмадик.

Бироқ бу жумбоқ бизни унчалик қизиқтирмас эди. Шунинг учун ортиқча эътибор бермадик.

– Менинг отам овулниг имоми эди, – деб гап бошлади Жиянғали.

– Э, мулла оғам энди панд-насиҳатга ўтадилар, – деб Омон унга яқинроқ сурилди. Жиянғали унинг ҳазилига эътибор бермай, ҳикоясини давом эттирди:

– Қариялар билан гапланиб ўтирганда у киши бир ривоятни тез-тез тилга оларди. Айтишлари-ча, Оллоҳ таоло осмони фалакни йўқдан бор қилиб, ердаги ва сувдаги ҳамма махлуқларга жон ато қилаётганида ўйланиб қолибди. Агар буларнинг ҳаммаси ўлмай ҳаёт кечираверса, еру кўкка сизмай кетади, деб уларнинг тақдирига ўлимни битишга қарор қилибди. Шундан сўнг ажал фариштасини денгиздаги балиқлардан бирининг жонини олиб келиш учун юборибди. Ажал фариштаси балиқнинг жонини олган экан, денгиз юзасида бўрон кўтарилиб, осмонни қора булут қоплаб олибди. Сув тубида сузиб юрган бошқа балиқлар осмонга сапчибди. Яратган эгам ажал фариштасини чақириб олиб, «балиқлар ажални қабул қилолмади» дебди-да, уни ҳайвонларнинг олдига юборибди. Улар эса балиқдан баттар ҳолга тушибди. Ер юзида ўтлаб юрган катта-кичик жониворлар бир жойга тўпланиб, шохи билан ер сузишга тушибди. Дунё шовқин-суронга тўлиб, ҳеч нарса ни англаб бўлмай қолибди. Шундан сўнг Оллоҳ таоло жон олғувчи фариштасини одамзоднинг орасига йўллабди. Фаришта келиб қараса, бир одам очликдан сулайиб ётибди, нарироқда бошқаси дошқозонда овқат пишириб, маишат қилаяпти, бир тарафда ўйин-кулги, шодлик, бошқа жойда

қайғу-ғам ҳукмрон экан... Шундан сўнг худойим, «ажал бандамга муносиб экан», деб ўлимни одамларга раво кўрибди...

– Пима, одамдан бошқа жонзотлар ўлмайди-ми? – деди Ўрозбой ажабланиб.

– Эй, мулла оға, кўйинг шунақа ваъз-насихатларни! – деб Омон ўрнидан учиб турди. – Яқинларингиз соғ, оилангиз тинч бўлса, сизга яна нима керак? Бунақа гапларни йиғиштирамиз!

Шу пайт Гулчехра «уколга!» деб йўлакдан бақириб ўтди.

– Бу қиз энди ўзига ўхшади, – деди Жиянғали орқасини авайлаб силаб кўйиб. Шундан сўнг палатадаги кўнгилсизлик барҳам топгандай бўлди.

6

Кундузи уйку вақти аллақачон тамом бўлган бўлса-да, тўшакдан бош кўтаришга эриниб, яна бир муддат чўзилиб ётдик. Соат кечки олтидан ўтган эди.

– Юринглар, йигитлар, касалхонанинг суюқ ёрмасини ичиб келамиз, – деди Жиянғали устидан ёпинчиқни сидириб ташлаб.

Бу одатдаги гап. Шифохонада бериладиган тамонинг барчаси «суюқ ёрма» деб аталади. Уни ичиш учун фақатгина эркаклар ва ўғил болалар боришади. Аёллар эса палатасида овқатланишни афзал кўришади. Чунки ҳолидан хабар олиш учун келган яқинлари албатта бирон овқат кўтариб келади. Хуллас, хотинларнинг дастурхонида товук гўшти солиб дамланган палов ҳам, курка гўшtidан пиширилган шўрва ҳам бўлади. Улар баъзан тансиқ емакларни ўзлари емай, дўхтирларга илинади.

Кечки овқатдан сўнг йигитлар ўртага курси қўйиб, шахмат доналарини теришди.

– Назар? – деди шу пайт Гулчехра эшикни қия очиб. Мен унга савол назари билан қарадим.

– Мен билан юринг.

– Қаёққа?

– Бир жойга олиб бораман.

– Биз ҳам борсак бўлмайми? – деди Омон тиржайиб.

– Бу тирмизаклар оиасига ҳам гап отади, – деб Гулчехра кулиб қўйди. Ҳартугул у Омоннинг гапини кўнглига олмади.

Қаёққа боришимизни яхши биламан. Илгаригидай бўлганида дарров югуриб чиққан бўлардим. Лекин бу гал оёғим тортмади. Тимирскиланиб тумбочкани очиб-ёпдим. Эгнимдаги камзулимни ечиб, қайта кийдим.

– Сиз бораверинг, ортингиздан етиб оламан, – дедим пихоят.

Олтинчи палатанинг рўпарасидан ўтаётганда юрагим орзиқди. Билиб туриб гуноҳ ишга қўл ураётгандек ҳис қилдим ўзимни. Яшил парданинг олдида бир муддат тўхтадим. Ўша қизни кўришни қанчалик хоҳласам-да, шу топда унинг пардани кўтариб қолишидан чўчирдим. Худога шукр, ундай бўлмади.

– Ҳов, Назар!

Ташқари эшикдан мўралаб турган Гулчехранинг овозидан ўзимга келдим.

– Бораяпман.

Икковимиз автоклубга қараб йўл олдик.

– Асет ога қаердан ҳам мени бу қизга рўпара қилди, деб ўйлаётган бўлсангиз керак? – деди Гулчехра бироздан сўнг. – Унинг одати шунақа, бу ерга келган йигитни менга тиқиштиради.

– Кейин сиз уни автоклубга етаклаб кетасиз.
Гулчехра бу гапимдан нашъа қилиб, қотиб-қотиб кулди.

– Қасқдаги гапларни топиб юрасиз-а! Кўнглимга ёқмаса, биронтасига бурилиб қарамайман.

– Менга қанақа қилиб қарадингиз? Қийшайибми ёки қаддингизни ғоз тутибми?

– Сиздай келишган йигитга қийшайиб қараб бўларканми?

Автоклубда потаниш қиз қутини қабул қилиб олди.

– Санитарка қаерда? – деди у бизга маъноли қараб қўйиб. Гулчехра шўх жилмайиб, менга имо қилди.

– Шундай йигитлар турганида санитаркани нима қиламан?

– Эҳтиёт бўл! – деди ҳалиги қиз Гулчехрага.

– Буёғидан кўнглинг тўқ бўлсин!

Қиз қутини олиб ичкарига кириб кетди.

– Кўрдингизми, бу қиз ҳам сизни мендан қизғанаяпти, – дея шивирлади Гулчехра.

Икковимиз таниш ўриндикка бориб чўқдик. Атроф жим-жит. Биз ҳам бир муддат сукут сақладик.

– Гапирмайсизми? – деди Гулчехра бироздан сўнг. – Ёки чигирткаларнинг чириллашини эшитиб ўтираверамизми?

– Сиздан бўлсин. Бу ерга таклиф этган ўзингиз!

– Бўпти. «Тоғ Сулаймоннинг олдига бормаса, Сулаймон тоғнинг олдига боради», дейишган, – деди Гулчехра мени елкаси билан оҳиста туртиб қўйиб. – Янги гап айтайми ёки эскисини?

– Эскисининг қизиғи йўқ, янгисидан бошлайверинг.

– Мен турмушга чиқаяпман! – У кўз кири билан менга қараб қўйди. Мен сир бой бермадим. – Ҳа, нега индамайси?

– Бахтли бўлинг.

– Рашк қилмайси?

– Рашк қилишга ҳаққим бормикин?

У айтган сўздан пушаймон бўлгандек, бир замон унсиз туриб қолди.

– Ота-онангиз узатмоқчи бўлишаяптими? – дедим орани юмшатишга уриниб.

– Шундай... Менинг эрга тегишим онам учун ҳам, тоғалариму амакиларим учун ҳам жуда зарур бўлиб турганга ўхшайди. Онаминг ёлғиз опасининг Бўрибой деган ўғли бор. Садағаси кетай, менга қолса, унга Бўрибой эмас, Қуёнбой деб исм қўйган бўлардим. Хуллас, онам мени ўшанга узатмоқчи. Холаваччамнинг менда кўнгли бор эмиш! Лекин менинг кўнглим нима бўлади? Онамга шу ҳақда айтсам, «Бўрибой сенинг йўриғинга юрадиган йигит, унга тегсанг кам бўлмайсан», деб юпатмоқчи бўлди. «Менга бунақаси керак эмас, менга қаттиққўл эркак керак, эримдан ҳадиксираб-қўрқиб яшашни истайман, – дедим онамга. – Ўзингиз қанақа эдингиз? Отам кўчадан йўталиб кириб келганида ичиб ўтирган чойингизни тўкиб қўядиган даражада шошиб қолардингиз».

– Бунинг нимасига ҳавас қиласан? – деди онам.

– Нима, ёмонми? – бўш келмадим мен ҳам. – Отамнинг қаттиққўллиги туфайли болаларингиз тартибли бўлиб ўсди. Акаларим уйли-жойли, ҳунарли бўлиб, оғзингизга ош солди.

Хуллас, менинг «ўлсам ҳам шу Бўрибойга тегмайман» деган жавобимдан сўнг онаминг қон босими кўтарилиб кетиб, касал бўлиб қолди. Шун-

га ишдан рухсат сўраб, бир-икки кун бошида ўтирдим.

– Ҳозир аҳволи яхшими?

– Яхши, – деди Гулчеҳра хаёлга толиб. – Она томондан бувим бизнинг уйимизда яшарди. У доим ўзининг онасини мақтар эди. «Раҳматли жаннати аёл эди» дерди. Қизимга сабоқ бўлсин дейдими, ҳайтовур аёл зоти ҳақида гап кетса, доим гапни айлантириб келиб онасига тақарди.

– Онаси қандай аёл бўлган экан?

– Бувимнинг айтишича, онаси баҳор кунлари тутнинг новдасидан бир боғ ўриб келиб, пустини тозалаб, қуришиб қўяркан.

– Нега?

– Хўжайинимнинг қаҳри қўзиганда мени шу хивич билан урсин, тутдан бошқа дарахтнинг хивичи мўрт бўлади, синиб қолса, яна қаердан хивич топаман, деган ўйда шундай қиларкан.

Мен кулиб юбордим.

– Рост айтаяпман, – деди у жиддий киёфада. – Айтишларича, эркакнинг қамчиси теккан жой дўзах ўтида қуймас эмиш. Бувим шу гапни кўп айтгани учунми, отам ундан тортинмас, аччиғи чиққан пайтларда онамнинг яхшилаб «чангини қоқиб» қўярди. Ўзиям отамнинг шапалоғи нақ рапидадай келарди. «Эдигейнинг авлоди» дейишарди кўчамиздаги одамлар у кишини. Йирик гавдали, чўтир юзли киши эди. Полвон одамлар унчалик ҳам сипо бўлмайти дейишади-ку.

– Феодал оилада ўсган экансиз-да, – дедим кулиб.

– Бу феодаллик эмас! Оилада эркак киши устун бўлиши керак. Демократия жамиятга ярашади, оилага эмас.

– Унда сиз ҳам тут хивичларини тайёрлаб кўяркансиз-да?

– Мен эшитганимни айтдим. Ҳозир замон бошқа. Барибир аёл киши кимдандир кўркиб, унга ҳисоб бериб туриши керак. Бебошлик аёлни ҳар куйга солиши мумкин.

– Шундай қилиб, қачон турмушга чикмоқ-чисиз? – сўрадим гапни ҳазилга буриб.

– Худонинг буюрган куни.

– Ўша кун қачон?

– Билмайман. Бугун эрталаб ишга келаётиб бола кўтарган лўли хотинга дуч келдим. «Фол кўриб кўяман» деб ҳоли-жонимга кўймади.

– Фол очдирдингизми?

– Қизиқиш устун келиб рози бўлдим. «Сенинг яхши кўриб юрган бир одаминг бор, – деди у.

– Бирок у сенига уйланмайди. Бошқа йигитга турмушга чиқасан, у сени яхши кўради, вақти келиб ўзинг ҳам унга кўнгил кўясан, лекин орангизда фарзанд бўлмагани учун ажрашиб кетасизлар. Учинчи одам сени яхши кўрмайди, бироқ сен уни яхши кўрасан. Ундан икки ўғил, уч қиз кўрасан», деди. Шу ерда лўлининг гапини бўлиб, кўлига бир сўм қистирдим-да, жўнаб қолдим.

– Ҳозир яхши кўриб юрган одамингиз ким?

– Билмадим. Ҳарқалай, сиз эмас.

Автоклубдан қайтганимизча бошқа гаплашмадик. Гулчехрада кўнглим борми-йўкми, буни ўзим ҳам билолмай қолдим. Негадир юрагимни аллақандай умидсизлик қамраб олди.

Гулчехранинг «яхши кўрганам сиз эмас» деган гапи миямда маҳкам ўрнашиб қолди. Фикри-хаёлим олтинчи палатадаги қизда бўлса-да, барибир бу гап менга оғир ботди.

– Хафа бўлдингизми? – деди Гулчеҳра палатага яқинлашганимизда менинг жимиб қолганимни ўзича тушуниб.

– Йўқ.

– Биламан, хафа бўлдингиз. – У кулоғимга аста шивирлади. – Барибир сизда аёл кишини ўзига тортиб турадиган бир сир бор. У канақа сир эканини билмайман. Лекин аста-секин ана шу сир мени ўзига сеҳрлаб олаётганга ўхшайди.

Гулчеҳра менга ғамзали қараб қўйиб, ўзининг хонаси томонга кетди.

7

«Бузоқнинг юургани сомонхонагача» деганларидек, Гулянинг қовоқ-тумшук қилиб юриши учтўрт кундан ошмади. Шундан сўнг яна аввалги ҳазил-хузулини бошлаб юборди.

– Хой, эркаклар, уколга! – дейди эмлаш хонасига кетаётиб.

– Сал пардалаб гапирсанг бўлмайдими? – дейди аёллардан бири унга. – Ўзинг сулувгина келинчак бўлсанг...

– Эркак дейишнинг нимаси айб? – дейди Гуля кулиб. – Ўрис хотинлар ҳам «мушчини» дейишади-ку!

Сўнг унинг менга кўзи тушиб қолади.

– Нима қилдинг? – дейди аёллар билан гаплашишни бас қилиб.

– Нимани?

У хотинлар эмлаш хонасидан чиқиб кетгач, саволимга жавоб беради:

– Олтинчи палатани!

– Палата жойида турибди.

– Танишдингми?

– Йўқ. Исмини ҳам билмайман.

– Исми Нигор! Бўлдимми? Қолганини ўзинг амалларсан? Кечкурун ташқарига учрашувга таклиф қил. Қучоқла! Ўп! Билсанг, қиз бола лабидан биринчи бўлиб бўса олган йигитни умрининг охиригача унутмайди.

– Бошингиздан ўтган экан-да?

– Ювош йигит десам, сен ҳам балосан-ку!

– Эрингиз бўлса, буни айтишнинг нимаси айб?

– Именно, эрим эмас-да!

Хуллас, у менинг елкамдан итаргандай қилиб олтинчи палата томонга буриб юборади. Бу қилиғи менга хуш ёқади. Кўзимга оловдай бўлиб кўринадиган олтинчи палатанинг эшигига зимдан умид билан термилиб ўтаман. Қачондир Нигор билан рўпара келамиз. Ўшанда унинг кўзларига меҳр билан тикиламан. Маъноли жилмаяман. У эса уялганча пардани туширади. Бироз юргандан сўнг ортимга ўгириламан. Бу пайтда қиз пардани қия очиб, ортимдан тикилиб турган бўлади. Менга бундан ортиқ қанақа бахт керак?

Нигор палатадошларидан тортинмай эшик деразасидан мени кузатишга қандай журъат қилди? Ёки у ерда ёлғиз яшаяптими? Йўқ, бир ўзи бўлганида Гуля мени у ерга мажбурлаб киришиб юборишдан ҳам тоймас эди. Умуман, бу аёл нега мени Нигор билан таништириш учун бунча жон қуйдираяпти? Тағин устимдан кулаётгани йўқмикин...

Гулчеҳра бўлимда навбатчилик қилган пайтларида мени кўздан қочиргиси келмайди.

– Қаскка? – сўрайди палатадан чиқаётсам синовчан тикилиб.

– Рухсат берсангиз, тоза хавога чикмокчи эдим, – дейман хазиллашиб.

– Рухсат. Лекин йўлда ҳар томонга алаанглай-верманг! – дейди. Демак, у ҳам менинг олтинчи палатага илҳақ бўлиб колганимни пайқаган. Майли, сезса-сезаверсин. Барибир бу одатимни тарк эта олмайман. Агар бошимда ойболта кўтариб турса ҳам ўша томонга интилавераман. Ахир, олтинчи палатада тим қора кўзлари жавдираб турган бир фаришта бор! Мен унинг нигоҳини ҳеч нарсага алмашмайман. Мабодо эшикнинг пардаси кўтарилмаса, қандайдир баҳона билан уч-тўрт марта рўпарасидан ўтаман. Керак бўлса ўн, юз марта ўтаман! Хуллас, парда кўтарилмагунча кўнглим жойига тушмайди...

Ўша куни Гулчехра бўлимда навбатчи эди. Тушдан сўнг онам келди. Пишириб келган овқатини тўртта косага қуйиб берди-да, сумкасини йиғиштирди. Кетаётганида у киши билан бирга палатадан чиқдим.

Ташқарида Нигорнинг ёшгина келинчак билан кетаётганига кўзим тушди.

– Шу ерда қола қол, – деди онам эшик олдида.

– Нарирокқа кузатиб қўяй.

Нигор билан бояги келинчак дарвоза олдида бироз гаплашиб турди. Онам аста енгимдан тортиди.

– Чиройли қиз экан-а, болам?

– Йўғ-ей, у ҳали кичкина-ку, – дедим уялиб.

– Нега кичкина бўларкан! Опангни узатганимизда у бундан ҳам ёш эди. – Шундан сўнг онам Нигор томонга қараб олиб, овозини бир парда пасайтирди. – Сен тенгилар аллақачон уйланиб, болали бўлишаяпти.

Нигор келинчак билан хайрлашиб, ортига қайтди.

– Бора қол, дўхтирингдан гап эшитиб юрма тагин, – деб онам дарвоза томонга юрди. Сезиб турибман, у менинг ўша қиз билан гаплашишимдан умидвор бўлиб хайр-маъзур килди. Қўй деганига ҳам қарамай шу ергача бирга келганимдан ниманидир сезган бўлса керак.

Худди дунёда мендан бошқа бўйдоқ йўқдек, онам ҳам, Гуля ҳам мени уйлантириш ташвишида. Гулчехранинг кўнглида нима борлигини билмайман. «Севганим сен эмассан» деди-ку. Майли, шундай бўлгани дуруст. Ҳарқалай, унинг отасига ўхшаган чўтир юзли, бадқахр одам эмасман. Аччиғим чиқмоқ тугул, елкамга миғиб олса ҳам аёл кишини тут хивичи билан савалай олмайман. Бундай тарбия кўрмаганман.

Аста Нигорнинг ортидан эргашдим.

– Онангизми дейман? – дедим унга етиб олиб. Нигордан садо чиқмади.

Мен бироз дадиллашиб, саволимни такрорладим.

– Йўқ, янгам...

– Исмингиз нима? – исмини билсам ҳам атайин савол бердим.

– Нега сўраяпсиз? – деди у ийманиб.

– Исми сўраш айбми?

– Йўқ! Лекин мен... Уяламан.

– Исмингизни айтишдан уяласизми?

Қиз тасдиқ маъносида бош ирғади.

– Нима, исмингиз ўзингизга ёқмайдами?

– Йўқ, унақа эмас, лекин барибир уяламан.

– Унда тортинмай айтаверинг.

Қиз мийиғида жилмайди.

— Нигор, — деди сўнг эшитилар-эшитилмас овозда.

— Нигор! — атай хитоб қилдим мен. — Жудаям чиройли исм экан! Нигор, Нигорим!

— Мен сизнинг Нигорингиз эмасман!

— Унда кимнинг Нигорисиз?

— Ота-онамнинг! — деди у менга қия назар солиб. Бунақа нозли қарашидан юрагимда умид учкунлари пайдо бўлди.

— Анави ерда бироз ўтирайлик.

— Мен дуч келган одам билан бирга ўтирмайман!

— Нега дуч келган одам бўларканман? Кўк парданинг ортидан қирқ мартача кўзимиз кўзимизга тушди, шекилли!

Нигор кулиб юборди.

Шифохонанинг эшигига қадар қирқ-эллик метрча масофа қолди. Шунинг учун бетоқат бўла бошладим. «Ҳозир ичкарига кириб кетади. Кейин яна пардага умидвор термилишдан бошқа чоранг қолмайди. Гапир, Мамбетназар, тилингни тишлаб олганмисан?!»

— Нима дейсиз, Нигор?

— Нимани?

— Бирпас ўтирайлик, дедим.

— Кўйинг, куппа-кундузи... Одамлар гап-сўз қилишади.

— Унда кечкурун...

— Кечкурун кўрқаман.

— Ўзим сизни ҳимоя қиламан. Маъқулми?!

Нигор менга кўз қири билан қараб жилмайди-да, зинадан тез-тез юриб ичкарига кириб кетди.

Йўлакда Гулчеҳранинг кимгадир бақирган овози эшитилди. Мен унинг Нигор билан бирга келганимизни сезиб қолмаслиги учун ташқарида бир муддат кутиб турдим.

– Нима қилиб юрибсиз?

Дахлизга киришим билан Гулчеҳра дағдаға билан кутиб олди.

– Нима? – дедим ўзимни тушунмаганга олиб.

– Қаёқда юрибсиз деяпман!

– Дам олишдан олдин... озгина «кириш-чиқиш» юмушлари билан...

– Доим гап топади бу одам!

Палатанинг эшигини қия очиб, Гулчеҳрага тикилиб туравердим. У навбатчи столида мук тушганча нималарнидир ёзиш билан банд эди. Бироздан сўнг бошини кўтариб, менга қаради-да, кулиб юборди.

– Рухсатми?

– Боринг-ей... Рухсат.

Гулчеҳранинг аччиғи ҳам, рашки ҳам тарқандай бўлди. Ким билсин, балки кўнглида рашк хисси сақланиб қолган чиқар, лекин ҳозирча ҳаммаси жойида.

Шу куни кечгача умид билан Нигорнинг учрашувга чиқишини кутдим. Гарчи у менга ваъда бермаса-да, йўқ ҳам демагани кўнглимда умид уйғотган эди. Қиз ўтли қараши билан кўнглимга гулғула солиб кетди.

Туннинг борлиги яхши! Кун бўйи толиққан одамлар оқшом қўйнида мириқиб ҳордиқ чиқаради. Чигирткаларнинг чириллаши тунга ажиб бир сирлилик бағишлайди. Кечки салқин ҳаводан тўйиб-тўйиб симирганингда тананг яйрайди. Қолаверса, бундай дамларда интиқиб кутган одамнинг ёнингда бўлса, тун сокинлигида сен бутун вужудинг кулоққа айланиб, унинг қалб садоларини тингласанг, сўнг... елкалар бир-бири билан туташса, қўлларинг билан унинг нозик бармоқларини

охиста силасанг... Эҳ, мен ҳадемай ана шундай бахтга муяссар бўламан. Ишқ шаробидан сармаст бўламан. Лабларини шамолдан бўлак ҳеч бир жонзот ўпмаган ўша қиздан илк бўса оламан. Торғиниб ўтирмайман. Йигит сўзим! Мен биринчи учрашувимиздаёқ унинг ақл-хушини ўғирлайман. Китоблардан ўқиган ва ўзим хаёлан тўқиган чиройли сўзларни қалаштириб ташлайман. Шу йўл билан уни ўзимга ром қиламан.

Худога шукр, қуёш ҳам ботди. Уфқдаги қизғиш шуълалар аста-секин хиралашиб, қоронғилик қаърига сингиб кетди. Мен бу пайтда дарвоза тарафда шифохонанинг эшигидан кўз узмасдан бемақсад айланиб юрардим. Бироздан сўнг туранғил дарахти остидаги ўриңдикқа ўтирдим.

Атроф жим-жит. Одатда тинимсиз ғийқиллаб очилиб-ёпиладиган эшик ҳам худди биров тамбалаб таплагандек қилг этмайди. Менинг икки кўзим эшикда, хаёлим Нигорда. Касалхона ташқарисидаги асфальт йўлдан ахён-ахёнда машиналар ғизиллаб ўтади. Уларга алахсиб Нигорнинг чиққанини сезмай қолишим мумкин деган хавотирда машиналарга эътибор бермасликка тиришман. Лекин худди ўчакишгандай, улкан кузовли машиналар шалдир-шулдир қилиб, асабимни эговлайди.

Ана, эшик очилди! Ҳаяжонланганимдан беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Бироқ ичкаридан челақ кўтарган санитарка чиққач, биров устимдан бир челақ сув қуйиб юборгандек шалвираб қолдим.

Кўзларим бир нуқтага қадалиб қолган. Қулоқларим биргина одамнинг овозини эшитишга илҳақ.

Шу аҳволда неча соат ўтирганимни билмайман. Бирин-кетин палаталарнинг чироғи ўча бошлади.

Навбатчи санитарка билан Гулчехра ташқарига чиқди. Демак, ҳаммаси тамом.

Мен ноилож ичкарига юрдим. Гулчехра менга ажабланиб караганча қўлидаги буклоғлиқ газета билан елкамга уриб қўйди.

Шу кунни киприк кокмай тонг оттирдим. Уйкуси келмай, ичи тўлиб ўтирган палатадошларим билан гаплашишга ҳушим йўқ эди. Уларнинг саволларига жавоб бериш ҳам малол келди. Ўзимни ухлаганга солдим. Хаёлимда жавобсиз саволлар чарх урарди: «Нигор нега учрашувга чикмади? Уялдимми? Ёки биронтаси йўлини тўсдимми?..» Бироздан сўнг бу саволларга карама-қарши саволлар пайдо бўлади: «Ахир, у сенга учрашувга чикаман деб айтдимми? Таклифинга рози бўлдимми? Ҳеч нарса дегани йўқ-ку? Фақатгина жилмайиб қўйди, холос». Мен ўзимга жуда катта баҳо бериб юборганга ўхшайман. Унинг кўнглига йўл топа олмадим. Эртага қўлидан маҳкам ушлаб, очикчасига гаплашаман. Керак бўлса, палатасига кириб бораман. Эшигини қия очиб, Нигорни ташқарига чакириб оламан. Чиқмагунича қўймайман.

Лекин одам ёлғиз қолганида мард бўларкан. Қоронғида ботир бўлиб кетаркан. Тонг отиб, атроф ёришгач, яна аввалгидек тортинчок йигитга айландим. Тунда кўнглимга туккан режаларим тумандек тарқаб кетди. Лекин олтинчи палатани узоқ-яқиндан кузатишни канда қилмадим. Нигорни бор-йўғи икки мартагина олисдан кўришга улгурдим. Мен яқинлашгунимча у палатасига кириб кетди. Кўкиш пардали эшикни қоқишга журъатим етмади.

Умидсизликка қоришган бир кун гўёки бир йилдек зўрға ўтди. Кечқурун яна турангилнинг

тагидаги ўриндикда чигирткаларнинг чириллашини тинглаб қайтдим. Ўзимни хўрлангандек хис қилдим. Эрталаб дўхтирнинг олдига кириб, мен тузалиб кетдим дейман. Жавоб берса-бермаса, бу ердан чиқиб кетаман. Мактабдаги ишларим билан андармон бўлиб, аста-секин Нигорни эсдан чиқараман. Гулчехрани ҳам эсламайман. Уларни бутунлай хотирамдан ўчириб ташлаш учун оила куриш ҳаракатига тушаман. Онам топган қизга ўйлаб ҳам ўтирмай уйланаман. Фақат онамга ёкса бас. Балки кейинроқ мен ҳам уни севиб коларман...

Бу гал ҳам тонг отиши билан ҳаммасини унутдим. Яна олтинчи палатанинг эшигига термулишдан ўзимни туюлмадим.

Учинчи кунни тушга яқин ниҳоят Нигорни учратдим. У эшик ёнидаги айвонда бир қиз билан гаплашиб турган экан. Мен аста уларнинг ёнидан ўтиб кетдим. Нигор менга эътибор бермади. Ёки пайқамай қолдимикин? Ташқарида бир муддат мақсадсиз кезиб юрдим-да, бот уларнинг қаватидан ўтдим. Водариғ, қиз менга киё боқишни ҳам истамасди. У мени кўриб туриб ўзини кўрмасликка олаётганини ич-ичимдан сездим.

Нигор дугонасини дарвозагача кузатиб қўйди. У билан гаплашиб олиш учун бундай қулай фурсатни бой бермасликка қарор қилдим. Шахдам қадамлар билан ёнига бордим. Шу топда ундан бошқа ҳеч ким кўзимга кўринмас эди.

– Нигор, нега чиқмадингиз? – дедим унга етиб олиб.

– Қачон? – деди у ҳеч нарсани тушунмагандай менга ажабланиб қараб.

– Янгангизни кузатиб қўйган кунингиз.

– Мен сизга ҳеч нарса демадим-ку?

– Тўғри... Тилда айтмасангиз ҳам кўзларингиз айтган эди.

– Кўзларим ёлғончи-ку! – кулди у.

– Йўқ, сизнинг кўзларингиз ҳеч қачон алдамайди.

– Нима гапингиз бор эди менда?

– Хилват жойда айтаман.

– Нима?..

– Нигор! – дедим уни тўхтатиб, қатъий оҳангда. – Агар бугун ҳам чиқмасангиз...

– Тўхтаб турманг, уят бўлади.

– Агар бугун ҳам чиқмасангиз, тўғри палатангизга кириб бораман.

– Безори экансиз! – деди у жилмайиб.

– Сиз мени шунга мажбур қилаяنسиз.

Нигор жим бўлиб қолди.

– Чиқасизми?

– Қайдам.

– Менга ваъда беринг.

– Ҳали учрашувга чиқиб кўрмаганман.

– Унда бу икковимизнинг ҳам биринчи марта учрашувга чиқишимиз бўлади.

– Нима, сиз ҳам шу пайтгача қизлар билан гаплашиб кўрмадингизми?

– Йўқ.

– Алдаманг!

– Чин сўзим!

Нигор яна хаёлга толди.

– Кечкурун кутаман, – дедим у яна бирорта баҳона топишидан хавотирланиб.

У менга одатдагидек кулиб қараб қўйиб, ичкарига кириб кетди. Бу қарашда қандайдир умидбахш мужда бор эди.

Нигор билан говгум пайтида учрашдик. У дарвоза тарафдан, мен шифохонанинг орқа то-

монидан келиб, теракнинг тагидаги ўриндиққа ўтирдик. Шу топда мен ниҳоятда бахтиёр эдим. Аммо биринчи бор йигит киши билан учрашувга чиққани учунми ёки кўрқув туфайлими, қиз каттиқ ҳаяжонда эди. Орамизда икки қаричдап мўлроқ масофа бор. Мен аста силжиб, уни бир қаричга қисқартирдим. Нигор индамади. Иккови-миздан ҳам садо чиқмайди. Яна озгина сурилдим. Аста унинг билагидан ушладим. Қизнинг пахтадек юмшоқ, ҳароратли вужуди титрарди. Мен ҳам бахтиёрликдан сархуш эдим.

– Қўрқаяпсизми? – дедим аста унинг бармоқларини силаб.

– Ҳа, – шивирлади у.

– Кимдан?

– Билмайман.

Шундан сўнг биз жимиб қолдик. Мен уни гапга солиб, кўнғироқнинг жарангидек ёқимли овозини эшитгим келар, лекин шу топда ўзим ҳам бироқ маънили гап тополмас эдим. «Жудаям бўшангман, дедим ўзимча, қўлимдан ҳеч нарса келмайди. Шунинг учун Гулчехра доим мени маймундай етаклаб юради!.. Эй, шу топда Гулчехрани эслашингга бало борми, нодон!»

Ниҳоят ўзимни қўлга олдим.

– Хушомад қилаяпти деб ўйламанг-ку, лекин шойи кўйлак сизга жудаям ярашаркан, – дедим Нигорнинг эгнидаги тунги чироқ шуъласида товла-ниб турган сарғиш тусли кўйлакка разм солиб. – Агар мен рассом бўлганимда шу туришингизда кўлингизга китоб ушлатиб қўйиб, суратингизни чизардим.

– Сиз ҳам ўша суратни кўрганмисиз? – деди кутилмаганда Нигор қизғинлик билан.

– Қайси суратни?

– Кечирасиз! – Нигор уялиб кўзларини ерга тикди. – Мен сиз айтган суратни болалигимда кўрганман.

– Ўша суратдаги қиз ҳам мапа шунақа шойи кўйлак кийганмиди?

– Ҳа. Бошида мунчоқ қадалган чиройли тақяси ҳам бор эди. Ўша плакатни китоб дўконининг деворига осиб қўйишган экан. Онамга «шу расмни олиб беринг» деб хархаша қилдим. Чунки ўша пайтда етти яшар гўдак эдим-да! Дўкон сотувчиси, «уста келса, суратни девордан олдириб бераман», деб мени зўрға юпатган ўшанда. «Бошқа бировга бериб юбормайсизми?» деб сўрадим ундан. «Йўқ, фақат сенга бераман» деб ишонтирди у. Шундан сўнг якшанба кунлари онам билан шаҳарга бориб, китоб дўқонидаги шойи кўйлакли қизнинг суратига узоқ вақт тикилиб ўтирадиган бўлдим. Аксига олиб, ўша уста сира келмасди. Ҳар гал ортимга қарай-қарай дўқондан узоклашаман. Тез орада онам менга сарғиш шойи кўйлак тиктириб, тақя сотиб олиб берди.

– Шундан бери бу кўйлакни кийиб юраркансиз-да?

– Йўғ-сй, – кулди Нигор. – Айтдим-ку, у пайтда етти яшар гўдак эдим деб. Ҳозир ўн олтига кирдим. Лекин ҳалигача шунақа кўйлакни яхши кўраман. Ўша плакатдаги қизнинг бир ўрим сочи чан елкасидан олдинга ташлаб қўйилган эди. Мен ўша чиройли қизга хавас қилиб ўсдим.

– Унга ўхшадингизми?

– Билмасам... Сиз ўша суратни кўрмагансиз-да?

– Қўшиқ айтиб беринг, – дедим мен. Шойи кўйлак ҳақида айтадиган бошқа гапим қолмаган эди.

- Қандай бўларкин, – деди у иккиланиб.
- Мен саҳнадаман, қаршимда томошабин билан тўла улкан зал бор деб тасаввур қилинг.
- Қани ўша томошабин?
- Мана! – дедим мен ўзимга ишора қилиб. – Тунов куни мен бечорани палатадан ҳайдаб чиқарган эдингиз. Шу айбингизни ювиш учун ҳам кўшиқ айтиб берасиз!
- Мен ҳайдаганим йўқ-ку? Нега ўзингиз аёлларнинг орасига кириб бордингиз?
- Қўярда-қўймай оркамдан итариб киритишди. Нигор пиқиллаб қолди.
- Қўярда-қўймай қудуққа итариб юборишса, индамай тушиб кетаверасизми?
- Агар қудуқнинг ичида сизга ўхшаган сулув киз бўлса, итариб юборишларини кутиб ўтирмай ўзим сакраган бўлардим.
- Менга ўхшаган сулув киз турса бўлди эканда?
- Йўғ-ей... – Мен ўйламасдан гапириб қўйганимни тушуниб шошиб қолдим. – Фақат сиз бўлсангиз, демокчи эдим.
- Қайси кўшиқни айтиб бсрай?
- «Кўнглимда борсан»ни!
- Нигор жимиб қолди.
- Бу кўшиқ ўзингизга ёқмайдими?
- Ёқади. Лекин ёнимизда бошқа ҳеч ким йўқ-ку? Кўшиқни худди сизга атаб айтгандек бўлиб қоламан.
- Менга бағишласангиз нима қипти? – деб мен унинг чап елкасидан олдинга ташлаб қўйилган бир ўрим сочини силадим. Нигор аста қўлимни четга суриб, кўшиқ бошлади:

*Юзимга боққаннинг кўзига боқмай,
Ваъдага вафоли, сўзига мардман,
Менга суқинг киргудай обдан термулма,
Термулаверма сен-ей, кўнглимда борсан.*

Нигорнинг «сизга атаб айтгандай бўлиб коламан» деган гапида жон бор экан. У қўпикнинг мана шу сатрларини ширали овозда куйларкан, кўз қири билан менга уят аралаш ишва билан боқарди. Унинг бу қарашидан аъзойи баданим жимирлаб кетди.

*Суқингни сингдириб ўзимга обдан,
Термулаверма сен, кўнглимда борсан.*

Мен тотли хаёлларга берилиб, Нигор куйлаётган қўшиқ сатрларининг маъносини ҳам унутдим. Қиз кўшиғи менга қандай таъсир кўрсатаётганини аниқламоқчидек, бот-бот сипчков بازار солар, мен эса масрур қиёфада унга тикилиб ўтирардим.

*Гоҳида саломлашиб салқин юз билан,
Гоҳида гина ўқин отиб кўз билан,
Гоҳида ола ипни узиб сўз билан,
Куйдираверма сен, кўнглимда борсан.*

«Ҳеч қачон ола ипни узмайман, жоним» деб хайкиргим келди. Нигор қўшиғини тамом қилгач, қувончдан ўзимни тутолмай, унинг елкасидан кучиб олганимни сезмай қолдим. Нигор ўқдай отилиб ўрнидан турди.

– Кечиринг, кечиринг! Билмай қолдим, Нигор!

– Бунақа қилсангиз, бошқа бу ерга келмайман.

Сиз билан гаплашмайман ҳам!

У аста жойига ўтирди. Сездим, унчалик ҳам жаҳли чиққани йўқ.

– Пардадан ҳам қарамай қўясизми?

Қиз пиқиллаб кулди.

– Шунини ҳам сезиб қолдингизми?

У буни аввалроқ сезган, лекин шу топда уялгани учун ўзини гўлликка солаяпти.

– Қўзим ҳам, юрагим ҳам олтинчи палатанинг деразасида бўлса-чи?

– Ичкарига кирайлик, – деди Нигор бироз жимликдан сўнг.

Мен бундай ширин дамларнинг имкон қадар узокрок давом этишини истардим.

– Борамиз-да шу... Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим.

У «нимани сўрамоқчисиз?» дегандай менга савол назари билан каради.

– Ўша кунини Матёқубнинг онасини йиғлатган қўшиқни қасрдан ўргандингиз?

Нигор маънос тортиб қолди.

– Илгарироқ бир-икки кампирлар: «Қизим, ҳозирги замоннинг қўшиқлари бизнинг кўнглимизга ёқавермайди. Махтумқулидан биласанми?» деб сўради. Ўйлаб-ўйлаб шу қўшиқни айтдим. Бояқиш Матёқубнинг онаси ҳам ўша ерда ўтирган экан, йиғлаб юборди. Палатадагиларнинг ҳаммаси кўз ёш қилди.

– Тўғриси айтсам, мен ҳам йиғладим.

– Сиз кетмаганмидингиз?

– Йўқ. Хонадонларимиз билан даҳлизда туриб эшитдик.

– Айтгандай, хонангиздагиларга мен билан гаплашганингизни айтиб юрманг. Жиянғали оға бизнинг овулдан, акамнинг жўраси бўлади.

– Демак, ўша кўшиғингиз Махтумқулининг шеъри экан-да. Мен ҳеч қаерда ўкимаган эканман.

– Кимники эканини билмайман.

– Унда кимдан ўргандингиз?

– Отамдан. Менинг отам яхшигина ҳофиз эди.

– Бахши эдими?

– Йўқ. Оддий тракторчи. Овулимиздаги болалар отамнинг тракторига тақилган культиваторга ўтириб олиб, унга илашган печак ўтларни йиғиштириб олиш учун талашар эди. Отам тракторнинг рулини бир қўлда бошқариб, иккинчи қўлини кўшиқнинг оҳангига мослаб ўйинга тушарди. Ғўзани чопиқ қилаётган аёллар отам ёнидан ўтиб кетгунича кўшиғига қулоқ солишарди...

Нигор отаси ҳақида шу қадар берилиб ҳикоя қилдики, машҳур «Мафтунингман» фильмидаги тракторидан сакраб тушиб, ўйинга тушиб кетган йигитнинг қиёфаси кўз ўнгимда жонланди.

– Отангиз далада ҳам шу кўшиқни айтармиди?

– Йўқ. У киши бу кўшиқни уйда пайтида, бизни тиззасига ўтқазиб олиб айтарди. «Бу дунёдан яхши кетиб, ёмон ҳам ўлмай қолмади», деганида онам енгининг учи билан кўзларини артиб, пиқпиқ йиғлашга тушарди. Чунки унинг уч нафар ака-укаси қирқ ёшга етмай қазо қилган.

– Отанг ҳозир неча ёшда?

– Отам аллақачон вафот этган. Кўрак терадиган тракторни ҳайдаб юрганида арикқа тушиб кетиб, бункерининг орасида қисилиб қолган. Ўшанда эллик ёшга ҳам тўлмаган эди.

Нигор қўлларини юзига босиб, унсиз туриб қолди.

– Хафа бўлманг, билмасдан кўнглингизни офритиб қўйдим.

Ташқарида Гулчехра билан санитарка пайдо бўлди.

– Нигор! – деб кичқирди Гулчехра атрофга аланглаб.

Нигор чўчиб тушди. Шу захоти ўрнидан туриб кетмоқчи эди, унинг елкасидан ушладим.

– Шошмай туринг.

Улар шифохонанинг ортига ўтиб кетишди.

– Тезроқ ичкарига кириб олинг, – дедим унга. – Мен дераза томондан бораман.

Кираверишда Гулчехрага дуч келдим.

– Қаёқда юрибсиз? – деди у аччиқланиб.

– Шу атрофда жўрам яшайди. Унинг уйига бориб келдим.

– Алдаманг! Нигор қани?

– Мен қаёқдан биламан.

Гулчехра ичкарига кирди-да, шитоб билан бориб олтинчи палатанинг эшигини шарақлатиб очди.

– Сен қиз қаёқда эдинг?

– Ўн учинчи палатада.

Гулчехра индамади. Лекин Нигорнинг гапига ишонмагани сезилиб турарди.

– Сахиев! – дея чақирди Гулчехра уйкуга ётишга чоғланиб турганимда эшикдан мўралаб.

– Нима?

– Буёққа!

Эмлаш хонасига бордим. Гулчехра парданинг ортидаги катга ишора қилди.

– Ётинг!

– Тушунмадим?

– Клизма қилишим керак!

– Нега?

– Савол бераверманг. Дўхтир ёзган!

Мен икки ўт орасида қолдим. Бир томондан, Гулчехрага раҳмим келади. У қиз бола бўлса, «сен нега Нигорга оғиб кетдинг?» – деб айтолмайди. Йигит киши қиз танлаши мумкин, лекин қиз бола ўзига йигит танлай олмайди. Уларнинг омадсизлиги ҳам шунда! Охири пешонасига ёзилган эркак билан бир ёстикқа бош қўяди. «Туз-насиба» деб тасалли беради ота-онаси. «Кейинроқ бир-бирингизни яхши кўриб қоласиз», деб алдайди янгалари. Келин бўлганида ота-онаси унга қизлик пайтида орзу ҳам қилмаган кийимларни олиб беради, дўстлари, яқинлари олтин-кумуш тақинчоқлар билан безаб ташлашади. Лекин... У узун окшомлар кўнглида чўкиб қолган дард ва аламлар залворидан пинҳона изтироб чекиб яшайди. Буни эрига сездирмасликка тиришади. Лаззат онларида ҳам бошқа бир инсон ҳақида ўйлайди. У билан бир ёстикқа бош қўйган йигит ўзининг қанчалар бахтсиз эканини сезмайди. Аксинча, ўзига nasib этган бундай «бахтдан» масрур бўлиб, қувончдан энтикади. Бағрида тўлғониб ётган жувоннинг сир садиғи очилмаган, ҳеч қачон ошкор бўлмайдиган ички кечинмаларини у тушунмайди. Ана шу гумроҳлик ортидан ота бўлади, кейинчалик аста-секин кексалик фаслига кадам қўяди. Бор умиди сўнган аёл эса эндиликда мухаббатни фақатгина китобий сўз сифатида қабул қилади. У ўз ҳаётидан рози бўлиб яшай бошлайди. Фарзандлари аста-секин улғайиб келаётганидан қувонади. Дунёда камдан-кам аёл ўзининг севганига етишади. Бунинг учун ҳеч ким айбдор эмас. Дунё ўзи шунақа яралган. Қиз севгани билан йигит уни

севмаса фойдаси йўқ. Бу нарса йигитларга ҳам тааллуқли.

Ўзимча Гулчехрани ана шундай бахтсиз аёл сифатида тасаввур қилиб кўрдим. Лекни шу заҳоти бу фикримдан қайтдим. Йўқ, у дардини ичига ютиб яшайдиганлар тоифасидан эмас. У яхши кўрган йигитини осопликча қўлдан чиқармайди. Муҳаббати учун жон-жаҳди билан курашади. Бу йўлда онасининг ҳам, қавм-қариндошларининг ҳам панд-насихатларига қулоқ солмайди. Уларнинг қаршилигини писанд қилмайди.

Кутилмаганда ўзимнинг ўйларимдан ўзим кўриқиб кетдим. Назаримда, худди у Нигорни мендан тортиб оладигандек туюлди. Ҳамма менинг тарафимда, лекин Гулчехра қўлимдан маҳкам ушлаганча одамларнинг орасида мени судраб бораётгандек эди.

Барибир биз Гулчехранинг кўзини шамғалат қилиб, бир-биримиз билан учрашиб турар эдик. Нигор унинг мени ўзидан кизганишини сезмас, шунчаки шифохонадаги қизларга нисбатан қаттиққўллик қилаяпти деб ўйларди. Лекин менинг ичимни ит тимдалайди. Юрагимга азоб бераётган бу ҳақиқатни Нигордан сир тутишга виждоним қийналади. Бошимга кўнай деб турган бахт қушини учириб юборишим мумкинлигини иччимдан ҳис қилардим. Бу куш бир учиб кетса қайтиб келмайди. Кейин уни чорлаб ҳам чақириб ололмайман. Қачондир бу ҳақиқатни унга айтишим керак. У муҳаббатимга тўлиқ ишонч ҳосил қилганидан сўнг айтаман! Менинг вафодорлигимни англаб, тушуниб етганидан кейин унга ҳаммасини ётиғи билан сўзлаб бераман. Балки унғача орадан бир йил вақт ўтар... Йўқ, яхшиси, бир-иккита фарзандли бўлгунимизча шошилмаганим маъқул.

Шунга ўхшаш боши-кети йўқ ўй-хаёлларга ғарқ бўлиб, бошим ғовлаб кетди. Алламаҳалда шишпагини судраганча палатага кимдир кириб келди. Бошимни буриб оёқ товуши келган томонга қарадим. Ташқаридан тушаётган ғира-шира ёруғда Гуля мен томонга келаётганини кўрдим.

– Мамбет, – дея шивирлади у бошқаларни уйғотиб юбормасликка тиришиб.

– Нима гап?

– Юр, менга жадвал чизишимда ёрдам берасан.

– Эртага чизсангиз бўлмайдами?

– Йўқ, эрталаб Асет оға текширади.

Уйқуни кўзи қиймаётган одамга ўхшаб зўрға ўрнимдан турдим. Гуля билан вақтимиз тез ва мароқли ўтар эди. Кейинги кунларда Гулчехра билан автоклубга қатнашни йиғиштирганмиз. Ўзи таклиф қилмай қўйди. Бундан мен ҳам хурсандман. Тунов кунги ҳуқнага каноат қилмай, ундан ҳам овирроқ жазо бериш ҳақида ўйлаб юрган бўлса ажабмас

– Анави ерга ўтир, – деди Гуля йўлакдаги навбатчи столининг нариги томонидан турган курсига имо қилиб. Ўзи эса чап тарафдаги стулга чўкди.

– Ма, манави янги дафтар. Буниси қайчи билан чизгич, – деб у эски дафтарни ҳам олдимга қўйди. – Буниси намуна, фақат жадвалини чизасан, ёзувини кўчириб ўтирма.

– Касал одамни ҳам тинч қўймайсиз, – дедим кулиб.

– Вой-вой-вой! Сен касалмисан?! – у шарақлаб кулди-да, ярим тун экани ёдига тушди, шекилли, дарров жим бўлди.

– Нима, ўхшамайманми?

– Қаеринг оғрийди ўзи?

- Буйрагим.
- Нечта буйрагинг борлигини биласанми?
- Биламан. Иккита!
- Яқинда улар тўртга бўлади.
- Қанақасига?
- Шунақасига! Нигорга уйлансанг, бошингиз иккита, буйрагингиз тўртга бўлади-да!

Гулянинг бу гаши қуловимга мойдай ёкиб, қулиб қўйдим.

Мен дафтарга жадвал чиза бошладим. Ишимни зимдан кузатиб ўтирган Гуля бот-бот лабини жуфтлаб нимадир дейишга чоғланаётгани, лекин айтолмаётганини сезиб турардим. У барибир узоқ вақт чидолмаслигини билганим учун индамай ишимни давом эттирдим.

- Хўш, буёғини нима қилдинг? – сўради у.
- Нимани нима қилдим?
- Нигорни айтаяпман.
- Танишдим.
- Кейин-чи?
- Гаплашдим.
- Кейин?
- Яна гаплашдим.
- Гаплашганингдан кейин нима бўлди?
- Гаплашганимдан кейин яна гаплашдим.
- Эй, тўтига ўхшаб бир гапни такрорлайверсанми?
- Унда нима дейишим керак?
- Бўса олдингми?
- Дарровми?
- Тўрт-беш марта гаплашган бўлсанг, шу дарров бўладими?
- Ҳали улгурарман, – дедим бепарво оҳангда.
- «Танноз гарангунча тўй тарқайди», – деди у қўлидаги ручкани олдидаги касаллик тарихининг

устига ташлаб. – Кейин бечора таннознинг куни тўйдан кейинги илитма овқатга қолади.

– Менинг ҳам куним илитмага қоладими?

– Сенга шу илитма ҳам йўқ! Овзингдаги ошингни биронтаси илиб кетади-да, кейин шумшайиб қолаверасан.

– Унда нима қил дейсиз? Билсангиз, ўргатинг!

– Нима, мен сенга йигитманми? Между прочим, сенга бир секретни айтишим мумкин. Бир йигит кечқурун мени ҳеч ким йўқ бир уйга киргизмоқчи бўлди, лекин кўнмадим. У куч билан судраган эди, йиғлаб юбордим. Кечир, Гуля, ҳазиллашдим, деб у қўлимни қўйиб юборди. Нарирокқа боргач унга «латга экансан» дедим-да, олди-ортимга қарамай югуриб кетдим. Шундан сўнг у билан бошқа гаплашмадим. Билгинг келаётган бўлса, айтиб қўяй, ўша йигит мenden илк бўса олган эди. Мен уни жонимдан ҳам ортиқ яхши кўрардим. Борлигимни бағишлашга ҳам тайёр эдим. Лекин унинг жасорати етмади. Унинг журъатсиз экапини билганимдан кейин юрагимдан унга бўлган илиқ туйғуларни суғуриб ташладим. Бу қийин бўлди, бироқ чидадим.

– Нима, сиз дуч келган одамга юрагингизни бағишлайверасизми?

– Йўқ, ҳаммага ҳам эмас.

– Барибир, виждонингиз қийналмайдими? Ахир, бир кун келинчак бўлиб, чимилдиққа киргансиз...

– Эй!.. Старый обычай ҳаммаси! Мен рус классда ўқиганман. Уйда ҳам, мактабда ҳам европача тарбия кўрганман. Ўзимга ўзим хўжайинман! Нега бировларга бўйсуним керак?

– Хўш, кейин нима бўлди?

– Айтдим-ку, йигитнинг журъати етмади деб! Менинг отам катта амалдор эди. У киши мени ўзига ўхшаган амалдорнинг ўғлига узатмокчи бўлди. Менга к черту унинг амали! Ўғли «ни мясо, ни рыба». Икки амалдор ўзларича ҳаммасини келишиб қўйган. Лекин мен уларни бопладим. Ўзим билан бир синфда ўқиган етим бола икковимиз қочиб кетдик. Отам уч йилдан бери мени уйига яқин йўлатмайди. Майли, билганини қилсин. Бошимда бошпанам, қўйнимда эрим бор. За то, икковимиз тенг ҳуқуқлимиз, ким уйга барвакт қайтса, овқатни ўша қилади. Кимнинг кўли бўш бўлса, болага қарайди. Буниси эркакнинг иши, униси аёлнинг юмуши деган гап йўқ бизда. Ҳар жиҳатдан тенгмиз. У шим княди, мен ҳам шим кияман. У мужской қўйлак кийса, мен ҳам шунақасини танлайман. Қишда икковимиз ҳам телпак киямиз.

– Кечкурун нима қиласизлар? – дедим кулиб.

– Ну, гад! – Гуля мени қўлидаги чизғичнинг қирраси билан урди. – Сени ювош десам...

– Гуля, мен ўша кундан бери ўзимни кимга ўхшатаётганимни айтайми?

– Кимга?

– Орқасидан калит билан бураб саҳнага қўйиб юборилган қўғирчоққа!

Гуля шараклаб кулди.

– Топган гапингни қара! Муаллимсан-да! Нега Нигор икковингизнинг тезроқ бир-бирингиз билан топишиб олишингизни истаётганимни айтайми? Чунки сизлар менга «Оққуш кўли» балетидаги йигит билан қизни эслатиб юборасиз! Икковингиз идеальная парасиз! Нигорнинг сулув ва нозиклиги, сенинг маданиятинг ва ўқимишлилигинг худди

узукка кўз қўйгандек мос келади. Бир-бирингизга етишолмасангиз, бу икковишгиз учун ҳам увол бўлади.

Гуля бу гапларни шунақа мароқ билан гапирардики, шу топда унинг ҳаракатлари экранда гўзалликни таърифлашга сўз топа олмаётган актрисага ўхшаб кетарди.

– Раҳмат! Ҳаракат қиламан, – дедим мен.

– Давай! Шевелис!

Гуля мен чизиб тугатган дафтарни олаётиб елкамга ғамхўрлик билан шапатилаб қўйди. Унинг гаплари мени жўштириб юборди. Бўлди! Буёғига тортинчоқликни йиғиштираман. Нигорнинг очилмаган ғунчадек лабларидан такрор-такрор бўса оламан. Менинг бўсаларим унинг ҳам томиридаги қонини жунбушга келтириб, эхтиросларини аланга олдиради. Нигор мендан бошқа ҳеч кимга ёр бўлиши мумкин эмас.

Бироздан сўнг мен Нигор билан эртанги учрашувимизни кўз олдимга келтириб, ширин хаёллар оғушида уйкуга кетдим.

9

Гулчехра билан Гуля йўқ кунларда Ойсара деган ёши катта аёл навбатчилик қилади. У шифохонада ҳеч ким билан очилиб гаплашмайди. Унинг назарида ҳамма бирдай касал! Бундан бошқа ҳеч ким эмас.

– Палатангизни тозалаб ўтиринг!

– «Тихий час»да ҳадеб кириб-чиқаверманг!

– Бўлди энди, ёстинглар! Отбой бўлди.

Бу – унинг барчага бирдай айтадиган, баъзан йўлакда ўзича такрорлайдиган кундалик гап-

сўзлари. Ойсара навбатчилик қилган кезларда Нигор икковимиз бемалол кириб-чиқиб юраимиз. У Гулчехрага ўхшаб ортимиздан пойламайди. Гуля сингари бош бармоғини кўрсатиб, зимдан мени алқаб қўймайди.

Шифохонада ётганимга йигирма кун бўлди. Бу орада Нигор билан беш-олти марта кечкурун боғ ичида тотли дамларни бирга кечирдик. Лекин у ҳар гал тезроқ ичкарига киришга ошиқар, палатасидаги аёллар ёки дўхтирлар бизнинг пинҳоний учрашувимиздан хабар топишидан торгиниб, доим ўзини қил устида ўтиргандай ҳис қиларди. Унинг бу ҳолати менга ҳам таъсир қилар, кўнглидаги хавотирга барҳам беришга қанча уринсам-да, бунинг иложини қилолмасдим.

– Нигор, қўшиқ айтиб беринг, – дейман секин елкасига қўлимни қўйиб.

У қўлимни пастга тушириб қўяди.

– Уяламан.

– Кимдан?

– Осмонда ой мўралаб турибди.

– Унинг сиримизни айтиб берадиган дўстлари йўқ-ку?

– Қуёшга айтиб берса шима қиласиз?

– Хурсанд бўламан. Бизни ой билан қуёш қутлади деб мақтаниб юраман.

– Кимга?

– Сизга.

– Шунақами? Мен бошқаларга мактанасизми деб қўрқиб кетибман.

Сўнг икковимизнинг ҳам гапларимиз тугаб қолади. Аста юзимни унинг юзига яқинлаштираман. Нафасим унинг юзига урилади. Лабларимиз яқинлашади. Нигор нозик бармоқлари билан лабларини яширади.

- Қўлингизни олинг.
- Йўк!
- Нега?
- Уяламан?
- Кимдан?
- Дарахтлардан.
- Дарахтларнинг кўзи йўк-ку!
- Улар бутун танаси билан кўриб турибди.
- Мен эса дарахтлардан уялмайман.
- У секин мендан узоқлашади:
- Биронтаси кўриб қолади.
- Унда қўшиқ айтиб беринг.
- Тунда овоз узоққа кетади, уят бўлади.
- Қулоғимга айтинг.
- Қўшиқни қулоғингиз билан эшитасизми?
- Қулоғим билан эшитиб, юрагим билан қабул қиламан.

– Айтмоқчи, ун учинчи палатадаги аёллар эртага кечқурун келиб қўшиқ айтиб бер деб илтимос қилишган. Сиз у ерга борманг, хўпми?

- Нега?!
- Чунки... Уяламан!
- Ташқарида туриб эшитсам-чи?
- Барибир. Сизнинг ўша ерда эканингизни билсам, айтолмайман.
- Унда ҳозир айтиб беринг.
- Қайси бирини?
- «Кўнглимда борсан»ни!
- Уни неча марта эшитдингиз-ку?
- Қанча айтсанг ҳам яна эшитгим келаверади.

У ним овозда қўшиқ куйлайди. Қўпғирокдек овозини вужудим қулоққа айланиб тинглайман. Гўёки шоир бу шеърни Нигор икковимизнинг қараман дарахти остидаги ўриндиқда аста-секин яхлит бир вужудга айланиб бораётганимизни кўриб-

билиб ёзгандек. Нигор кўшиқнинг охирги сатрларини яна бир марта такрорлайди.

*Ошиқ эканингни жория этиб,
Билдираверма сен, кўнглимда борсан.*

У шу сатрларни такрорлар экан, ўзи сезмаган ҳолда кўксимга бош кўяди. Навраستا танасидан уфуриб турган ҳарорат мени ҳаяжонга солади. Уни меҳр билан бағримга босаман...

Чоршанба куни эди ўшанда. Тонгга яқин шаррос ёмғир кўйган бўлса-да, кузнинг жазирама офтоби тушгача ҳаммаёқни қуритиб улгурган, факат чуқурчаларда лойқа сув сақланиб қолган эди. Шу куни оқшом янада сулувлашиб кетгандек туюларди. Ойнинг тўлишишига оз қолган. Осмонда тариқдай сочилиб кетган юлдузлар тунга ўзгача ҳусн бағишлаган.

– Сенинг юлдузинг қайси бири? – сўрадим Нигорнинг нигоҳини осмонга қаратиб. Баҳонада унинг опшоқ, юпқа даҳанига бурнимни босиб ҳидладим.

– Кўйинг, китигим келаяпти, – деди у кулиб.

– Айта қол, қайси бири?

– Хўв анави, энг ёруғи. Хўш, ўзингизники-чи?

– Ўша ёруғ юлдузнинг остидагиси.

– Юлдузлар нега пастга оғиб кетади? – деб сўради у мендан.

– Оғиб кетмайди, маконини ўзгартиради.

– Нега?

– Қизлар ҳам маконини ўзгартиради-ку?

– Нима, юлдузларни ҳам узатишадими?

– Йўқ, уларни ўзига ўхшаган бошқа бир юлдуз олиб қочади.

Икковимиз ҳам бу савол-жавобларнинг ёлғон эканини яхши билардик. Лекин юрагимизнинг ту-

бидан ёкимли энтикиш билан чиқаётган бу ёл-
фонлар бизга хузур бағишларди.

– Лекин юлдузлар ёлғиз оғади-ку? – Нигор савол беришда давом этди.

– Улар жуфтлашган пайтда битта юлдузга ай-
ланиб қолади. Худди бизга ўхшаб.

Мен уни яна бағримга босдим. У нарироққа
сурилди.

– Рухсат йўқ! – деди шивирлаб.

– Нигор?

– Нима?

– Келажакда ким бўлмоқчисан?

– Сиз ким бўлишимни истайсиз? – деди у ноз-
ли кулимсираб.

Қувончдан юрагим ҳаприқиб кетди.

– Сиз ҳеч ким бўлманг! – дедим елкасига
қўлимни қўйиб. – Сиз фақат Нигор бўлинг! Мен
севган Нигор бўлиб қолинг!

– Қўлингизни олинг, – деди у секингина.

– Нега?

– Илтимос, кетайлик. Ойсара опа сезиб қолса,
палатадаги хотинларга айтишдан ҳам тоймайди.
Кейин уларнинг олдида уятга қоламап.

Шу пайт касалхонанинг кун ботиш тарафдаги
бурчагида оқ халат кийган икки аёл кўринди. Биз
эса қараманнинг тапасига қапишиб, битта одамга
айланиб қолдик.

– Кўришмайдими? – деди Ойсара опа.

– Йўқ, – жавоб қилди санитарка. – Қиз бола
бу тарафларга чиқишга кўрқади-ку.

– Ёнида ҳеч балодан кўрқмайдиган олифта ҳам
бўлади-да!

Ўша «олифта» мен эдим.

Улар ортига бурилди.

– Яна қачон учрашамиз? – деди Нигорнинг ичгичка бармоқларини кафтимга олиб.

У «билмадим» деди-да, қўлини тортиб олиб, ичкарига югуриб кетди. Мен бундай бахтли дамлардан энтиккан қўйи яна бир муддат ташқарида айланиб юрдим, сўнг кўтаринки кафиятда палатага кириб бордим.

– Ха, йигитлар, бу нима ётиш? Шахмат ўйнамаймизми?

Омон менга хайрат билан қаради.

– Сиз шахмат ўйнашни биласизми?

Унинг ажабланганича бор эди. Чунки палатадошларим кўпинча тушки дам олиш пайтида эшикни ёпиб олиб, шахмат ўйинини кизитишади.

– Фарзипимни қайтариб бер, билмасдан юриб қўйибман.

– Йўқ, бермайман.

Палатадошларим бир-бири билан жиққамушт бўлишади. Мен эса уларга эътибор бермай, ўз халларим билан андармон бўлиб ётаман. Шу боис улар менинг шахматга қизиқишимни умуман хаёлига хам келтирмас эди.

– Олдингизга олиб борайми? – деди Омон тумбочканинг устидан шахмат тахтасини олиб.

– Йўқ, ўша ерда ўйнаймиз.

Ўрозбой иккаласи дарров тумбочкани ўртага қўйиб, шахмат доналарини тизишга киришди. Мен камзулимни кроватга илдириб, Омоннинг рўпарасига ўтирдим.

– Оқда ўйнайсизми ёки қораларда?

– Устасига фарқи йўқ.

– Вой-вой! – Ўрозбой шарақлаб кулди-да, қалдини ростлади. – Раҳм қиласиз-да энди биз бечораларга.

– Бугун жуда бошқачасан! – деб боядан бери мени кўз кири билан кузатиб турган Жиянғали ҳам ўрнидан турди. – Куёв бола бўлиб келганинг йўқми, ишқилиб?

Жиянғали баъзан кечкурун Нигор билан пинҳона учрашиб туришимизни сезар эди. Қиз билан овулдош бўлгани учун ҳозир шунга шама қилаяпти. Мен унинг гапини эшитмаганга олиб, тахтанинг қора доналари терилган томонини ўзимга бурдим.

– Бошла, Омон!

Омон дона сурди, сўнг мен. Биз дастлаб тез-тез юриш қилдик. Ниҳоят, ўйлашга мажбур этадиган юришларга навбат келди. Лекин мен ортикча бош қотириб ўтирмадим. Чунки бунақа партияларни ёддан билардим. Сабабини кейинроқ айтаман. Омон уч дақиқада таслим бўлди.

– Қайтадан ўйнайлик, мен сизнинг усулингизни сезмай қолдим, – деди у қўллари титраб.

– Реванш матчи кейинроққа қолдирилади.

– Мен ҳам ўйнаб кўрай-чи.

Омоннинг жойини ўрозбой эгаллади. У уч юришдаёқ «болалар моти»га гирифтор бўлди.

– Буниси ҳисобмас, – деди у шоша-пиша. – Эътибор бермабман.

– Шахматда эътиборсизлик деган гап йўқ.

– Кроватлараро мусобақада озгина уступка бўлиши керак-да.

– Ҳой, болалар, йиқилган курашга тўймас эмиш! Қани, ҳозироқ жойни бўшатишлар-чи, – деб Жиянғали уларни четга суриб, қаршимдан жой олди.

– Қани, мард бўлсанг мен билан ўйнаб кўр. Манави полапонларни ютганингга керилаверма.

Оқ доналарда мен биринчи бўлиб юрдим.
Уч-тўрт юришдан сўнг фарзинимни бой бердим.
Жиянғалида ўзига ишонч пайдо бўлди.

– Шахмат ўйнаш бунақа бўлади! – деди у
тепасида турган Ўрозбой билан Омонга овзининг
таноби қочиб.

– Биз ҳам сизнинг ёшингизга етгунча ўрганармиз.

Мен кутилмаганда кетма-кет хужумга ўтдим.
Шахмат тахтасига тикилиб ўтирган Жиянғалининг
кошлари чимирилиб, қовоғи осилди.

– Халақит берма! – деди у боши узра тахтага
энгашиб турган Ўрозбойни итариб.

Жиянғали кетма-кет хужумларимдан ўзининг
шоҳини олиб қочишнинг чорасини тополмай ху-
ноб эди. Бир бурчакда қолиб кетган фарзинини
ёрдамга олиб келолмади.

– Шох!..

– Шох!..

– Шох!..

– Мот!

Мен бармоқларимни уқалаган қўйи ўрнимдан
турдим.

– Энди гроссмейстер дам олади!

Бу гапим Жиянғалига қаттиқ ботди. Бориб
тиззаларини кучоқлаганча кроватига ётиб олди.

– Гроссмейстер реванш олмайдими? – деди
Омон ҳазил оҳангида.

– Йўқ. Реванш жанги бошқа шаҳарда ўтади.

Мен талабалик пайтларимда шахмат бўйича
каторасига икки йил шаҳар чемпиони бўлганимни
ҳеч кимга айтмаган эдим.

Эргалабдан шифохонада кутилмаган хабар тарқалди. Асет дўхтир уйини сотиб, бир оқшомда аллақасққа кўчиб кетган эмиш. Буни эшитиб хамма бирдай хафа бўлди. Айниқса, беморларнинг кайфияти тушиб кетди.

– Энди нима қиламиз? Даволанишимиз чала қоладими?

– Ўзи, бизнинг районнинг пенюнасига яхши дўхтир сифмайди.

– Холи-жонига қўйишмагандан кейин кўчиб кетган-да.

– Йўғ-ей, унга ҳеч ким ёмонлик қилгани йўқ, Сожиданинг иши бу!

– Шўрликка ўзимизда хотин топилмаган эканми!

Хуллас, беморларнинг бири Асет дўхтирнинг ёнини олса, бошқаси уни маломат қилади. Нима бўлганда ҳам барча унинг кўчиб кетганини ҳазм қила олмайётган эди.

– Биз энди нима қиламиз? – деди Ўрозбой ҳам ваҳимага тушиб. – Қачон уйга кетишингизни ўзим айтаман деган эди-ку.

– Сизлар касал-пасал эмассиз, – деди Жиянғали у билан Омонга юзланиб. – Фақат касалхонанинг койка планини тўлдириш учун бу ерда ётибсизлар.

– Эртага ўрнига бошқа дўхтир келсин, жавоб берса-бермаса, барибир уйга кетаман. Жуда бўлмаса, қочиб кетаман. Балнисанинг манави латта-путталари камайиб қолмасин деса, рухсат беради, – деди Омон эгнидаги беморлар камзулига ишора қилиб.

Шундан сўнг Асет дўхтирни нега «ўрис» деб аташлари ҳақида ҳар биримиз ўзимиз билган тахминни ўртага ташладик. Менинг эшитишимча, унинг отаси Нуржан инқилоб вақтида Россияда мардикорчиликда юрган экан. Оқ подшо тахтдан кулагандан кейин ўн саккиз яшар йигитча йўлқирага пул тополмай, ўша ёқларда қолиб кетади. У йигирма беш ёшга тўлганида Екатерина исмли рус кизига уйланади. Сўнг ўша ёқдаги Аллаяр Дўсназаров деган қорақалпоқ одам директор бўлган қулф заводида ишлайди. Аллаяр қамалганидан сўнг кимдир: «Сен ҳам қорақалпоқсан, шунинг учун тезроқ бир чорасини топ, йўқса сени ҳам олиб кетишлари мумкин», деб маслаҳат беради. Бу гапдан сўнг Нуржан хотини билан қизини эргаштириб овулига қайтади. Келса, ота-онаси аллақачон вафот этиб кетган экан. У уйининг қулфини бузиб очади. Эски тахталардан амаллаб стол-стул ясайди. Хабар топган қариндошлари келса, Нуржан қип-қизил гўшти пичоқ билан тўғраб, санчқи билан еб ўтирган экан. Қариндошлари эса, «Бу одам ўрислашиб кетибди», деб ўринларидан туриб кетишибди. Шундан сўнг ҳеч ким унинг эшигини тақиллатиб келмайди. Ўзи ҳам ўрганган одатларига риоя қилиб, русча ҳаёт кечиради. Бирин-кетин туғилган болаларига ҳам русча тарбия беради. Бор гап шу. Лекин русми, арманми, ким бўлгандаям Асет дўхтир билимли, ҳазилкаш киши эди. Унинг қабулига кирган одам касалини ҳам унутар эди.

Фаррош хотин палатага кирди. Унинг ҳам кайфияти яхши эмас эди. Челагини бир чеккага қўйиб чиқиб кетди-да, бироздан сўнг швабра, унниқиб кетган латта кўтариб кирди.

Одатда палатани тезгина ювиб чикиб кетадиган фаррош бугун негадир унчалик шошилмас эди. Назаримда, у бизга Асет дўхтир ҳақида пималарнидир айтмоқчи бўлар, лекин бунга баҳона тополмаётган эди.

– Янга, Асет оға кўчиб кетган эмишми? – деди Жиянғали.

– Сизлар ҳам эшитмадингизми?!

– Палатадан чиқмасак, касал одам бўлсак, қаёқдан эшитамиз... – Фаррош хотин Омоннинг жавобидаги киноя оҳангини сезса-да, лекин бунга эътибор бериб ўтирмади.

– Сожида хотиннинг иши бу, – деди у кўлидаги ирkit латтани челақка сиқа туриб. – Унинг дастидан шундай ажойиб дўхтирдан айрилиб ўтирибмиз. Ўзимизнинг районни қўяверинг, қўшни районлардан одамлар келиб унга кўринарди. Фақиргина ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмас эди. Мен дўхтирман, бу беморларни даволамасам, улар қаёққа боришади, дерди...

– Янга, Сожида деганлари ким? – деди Ўрозбой унинг гапини бўлиб.

– Хотини-да!

– Тожикми?

– Ким билади, балки лўлидир. Хайтовур етти йил яшаб бир овиз қорақалпоқча ўрганмай кетди-ку! Барибир бегоналигига борди. Охири эрини ҳам ўзи билан олиб кетди.

– Бизнинг қишлоқда Украинадан келин бўлиб тушган бир аёл бор, ёши ҳам анчага бориб қолди, – деди Жиянғали унга.

– Хов, миштадан битта чиқар бунақалар.

– Эркиндарё тарафда бизнинг тоғамизнинг ўғли бор, – гапни илиб кетди Ўрозбой. – Ўшанинг бу-

виси немис бўлган. Бобоси урушдан қайтишда олиб келган экан.

– Чўлпон! Қаердасан? – деган овоз эшитилди шу пайт ташқаридан.

– Тўққизинчи палатада! – жавоб қилди фаррош хотин хушёр тортиб.

– Сенга биров тўққизинчи палатага кир дедими? Буёққа чиқ!

– Энди буларга худо берди, – деди у нарсалариши йиғиштираётди. – «Овозингни кўтарма» деб койийдиган Асет дўхтир йўқ. Сулаймон ўлиб, девлар қутуладиган бўлди.

– Сулаймон деганлари ким, янга?

– Қўй, ўзингни анқовликка солма, болам!

Фаррош палатадан чиқиб кетди. Ўрозбой билан Омон шарақлаб кулди. Фаррош хотин буни эшитмаслиги мумкин эмас эди.

– Болалар, уят бўлади! – дедим уларга. – Нега унинг устидан кулаяпсизлар? Шундоғам бояқишнинг кўнглига қил сизмай юрибди.

– Тўғри. Нима бўлгандаям Асет оға бахтли одам экан, – деди Жиянғали чуқур тин олиб. – Шунча одам орқасидан ҳасрат қилиб қолди...

– Яхши одамни ҳамма бирдай яхши кўради, – деди Ўрозбой.

– Шуни билсанг, нега тилингни тийиб ўтирмайсан?

– Мен эмас, Омон айтди-ку, Жиянғали оға!

Болаларнинг фаррош аёлнинг дилини оғритгани менга оғир ботди. «Дунёни сув босса, ўрдакка нега» дейишган, аёл бу беўй болалар Асет оғанинг қадрини қаердан билсин, деган хаёл билан кетган бўлса керак.

Ҳар куни соат ўндан эмлаш амаллари бошланарди. Лекин бугун ҳеч ким бизни чақирмади.

Вақт пешинга чамалаганида кампирларнинг ўзи эмлаш хонасига бора бошлади.

– Қизим, укол қилиб қўясанми?

– Ҳозир, опа, бироз айланиб келинг.

Хартугул ҳамширалар тез орада яна ишини бошлаб юборди. Кампирлар, чоллар эшик олдидаги курсиларга қаторлашиб ўтириб олиб навбат кута бошлашди.

– «Бир аёлнинг маккорлиги қирқ эшакка юк» дейишган. Ўша хотин дўхтирнинг ювошлигини билиб, бошига чиқиб олган-да.

– Ха, маккор хотинлар мана шундай оккўнгил йигитларни пойлаб юради.

– Қиличидан қоп томадиган эркак бўлганида-ку ўзи биларди-я!

– Балки Асетжон яна қайтиб келар?

– Хотини қайтишига қўярканми? Босган қадами пойлаб юради-да.

Хуллас, ҳамма Асет дўхтир ҳақида гапирарди. Чунки у беморлар учун нажот фариштасига айланиб қолган эди. Айтишларича, илгари бу ерда ишлаган икки шифокор аёл бирин-кетин бола туғиб, узоқ муддатли таътилга чиқиб кетган экан. Шундан сўнг унинг ёлғиз ўзи қолган.

– Агар ихтиёр менда бўлганида аёл зотини дўхтирликка яқинлаштирмас эдим, – деркан Асет оға баъзан жаҳл билан. – Ё шифокор бўл, ёки бола туғиб уйда ўтир!..

Ҳамшираларнинг айтишича, поликлиникадан ёрдамга юборилган дўхтирлар ҳам ўзининг ишига алағда бўлиб, бу ерда қойиллатиб ишламас, ҳамма оғирлик Асет ованинг зиммасига тушаркан.

Мана, энди ўша Асет оға йўқ. Ҳаммасига қўл силтаб кетиб қолди. Беморлар «етим», шифохона эгасиз қолди.

Бир пайтлар ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа эсимга тушди. Саккизинчи синфда ўқиб юрган пайтларимда кўзимга чўп тегиб кетиб, касалхонада нақ қирқ олти кун ётиб даволанган эдим.

Кўз касалликлари бўлими узун дахлизнинг икки тарафида ўн бештача палатаси бор бўлган эски бинода жойлашган эди. Дахлиз пол қилинмаган. Ҳар куни эрталаб фаррош унга сув сепиб, супурарди. Шундай кезларда тупроқ ҳиди анқиб кетади. Биз эрталаб кўзимизга дори қўйдирамиз-у, ташқарига ошиқамиз. Қўнинча шифохона завҳози Айтбой оға врачдан рухсат сўраб, бизни ўзи билан олиб кетар эди.

Касалхонада оғир касаллар йўқ. Асосан трахомага чалинган, кўзига оқ тушган одамлар даволанади. Жароҳат олганлар беморларни Нукусга юборишади. Бизнинг дардимиз энгил бўлгани учун ҳар куни кўзимизга уч марта альбуцид томизиб, кечқурун малҳам суртишади. Натижада кириқларимиз ёпишиб қолиб, бир-биримизни элас-элас кўрамиз.

Рўпарамиздаги хонада дўхтир хотинлар кечқурун чой ичиб, овқатланишади. Дастурхонда беморларнинг ортидан келган палов ёки товук шўрва бўлади. Уларнинг орасида Қаншайим деган каттароқ ёшли, гапга чечан аёл ҳам бор. Унинг гурунгларини биз ҳам зимдан жимгина тинглаб ётамиз. Бу аёл доим қизиқ гапларни топиб гапирди.

– Қаншайим опа, – деди бир куни Санам деган хамшира. – Султонбойнинг ўзидан ёши анча катта бўлган Заврага нега уйланганини ҳеч тушунолмайман.

– Эй, қароғим-ей, – деди Қаншайим опа. – «Бир аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади», деб

бекорга айтишмаган. – Султонбой эндигина институтни тамомлаб келган пайтларида жуда келишган йигит эди, кўрган одамнинг ҳаваси келарди. Эркак одам ҳам шунақа сулув бўлар экан. Қизларнинг ҳаммаси уни деб ақл-хушини йўқотган. Бироқ йигитнинг ҳеч ким билан иши йўқ. Қизларнинг биронтасига қайрилиб қарамайди. Чунки жуда тортинчоқ. Хуллас, икки-уч йил уйланмай юрди.

Ўша Завра деганлари уялмай-нетмай йигитнинг изидан тушди. Султонбой навбатчиликда турган куни изидан овқат олиб келади. Иккаласи бирга ўтириб ейди.

– Мехмонларга пиширган эдим, сизнинг ҳам ҳақингизни олиб келдим, – деб товукнинг битта оёғи, тўши билан каноти солинган жўхори гуртикни олдига қўяди. Мен унинг шумлигини сезиб тураман. Шунинг учун йўлимда дуч келса, қилпанглаб, ўзини йўқотиб қўяди.

Завра ярим йилча дўхтирга овқат ташиди. Лекин бу йўл билан Султонбойнинг кўнглига йўл тополмади. Йигитнинг уятчанлиги Завранинг шум ниятига етишига йўл бермади.

Августнинг ўртасида дўхтирлар бригадаси «Маданият» деган овулга жўхори йиғиштиришга бо-радиган бўлди. Гуруҳга Султонбой бошлиқ этиб тайинланганини эшитиб, касалман деб справка кўтариб келадиган кизлар ҳам ғимирлаб қолди. Ўша пайтларда менинг кенжатайим яқиндагина сутдан чикқан эди. Фаррошлар орасидан мени ҳам бригадага қўшишди. Ўн тўрт хотин-киз, рентген дўхтирининг ёрдамчиси ва Султонбой, эрталаб соат тўққизда кўч-кўронимиз билан касалхонанинг олдида йиғилдик. Негадир Завра кўринмас эди. Мен ўзимча унинг йўқлигидан хурсанд бўлдим.

– Ҳамма автобусга минсин, – деди Султонбой.
Шундан сўнг хотин-қизлар чувиллашиб автобусга чиқди.

– Хов, сиз қаердан пайдо бўлдингиз? – деди кимдир ҳайрон бўлиб.

Бундай қарасам, Завра олдинги ўриндикда қўқ-қайиб ўтирибди! Автобус шофёри қўшниси экан, азонда у билан бирга келибди.

Боргандан сўнг бешта уйга бўлиндик. Ўзи бу овулда бор-йўғи етти уй бор экан. Шу уйлар ҳам улкан арна ёқалаб сочилиб кетган. Икки уйнинг ораси бир от чоптирим келади, десам лоф бўлмайди. Ҳаммаёқни қалин жинғил қоплаб, тўқайзор бўлиб кетган. Ўртада фақат ёлғизоёқ сўқмоқ бор. Одамларнинг шундай овлоқ жойларда қўрқмасдан яшаётганига ҳайрон қоласан киши.

Макка сўтаси сан-сарик бўлиб пишган. Унинг учидаги қўнғир-қизил тусли попуғи қўғирчоқнинг сочидай селкиллаб қўзингни олади. Қобигини сидириб олсанг, ичидан ипакдай майин, оқчил-сарик тусли попуқлари маржон тишдай тизилган макка донларига ёпишиб турган бўлади. Қизлар уни қулоғига қистириб юради. Кечқурун ҳар ким ўзи жойлашган уйнинг эгалари билан бирга овқатланади. Мезбонлар алоҳида қозон осиишимизга рухсат беришмади.

Азонда яна далага чиқамиз. Борганимиздан бери макка бригадирини бир мартагина кўрдик. Қорапарангдан келган, чўтир юзли одам экан. Юзи текисроқ бўлганида менинг эримга ўхшарди.

Қашшайим шу гапни айтиб кулиб қўяди.

– Хуллас, биз Султонбойни кунига бир марта, терган маккамизни тарозида ўлчаётганида кўрамиз. Бундай пайтда Завраси қурғур қилпанглаб қолади.

Хотин киши қиз боладай поз қилса ҳеч ярашмас экан...

– У қиз бола эмасмиди?

– Йўғ-ов! Бир марта эрга тегиб чиккан. Боласи ҳам бор эди. Лекин бечора гўдаклигида нобуд бўлди. Шундан сўнг Завра қайтадан қиздай керилиб юрадиган бўлди. Унинг ярашиксиз нозистиғиосини кўриб кизларнинг аччиғи чиқади, лекин кўлидан ҳеч нарса келмайди. Уят-шармни унутмаган-да, бояқишлар!

Бир уни тушга яқин Оймарака ёнимга келди. У хирургия бўлимида санитарка бўлиб ишларди. Эл қатори салом-алик қилиб юришимни айтмаса, у билан яқинлигим йўқ эди. Жуда ғийбатчи хотин эди. Худо раҳмат қилсин, аллақачон қайтиш бўлиб кетган.

– Бугун кечкурун Султонбойлар ётган уйда кичикроқ зиёфат бор, – деди у. – Мезбонлар курка сўймоқчи.

– Кимлар борар экан? – сўрадим мен ўсмоқчилаб.

– Ҳаммани чақирсак одам кўпайиб кетади. Мен, сен, Завра, Султонбой, рентгенчи бола борсак, стади. Савлияни ҳам кўшамиз, анчадан бери интиқ бўлиб юрибди...

– Мен боролмайман.

– Нега?

– Бироз мазам бўлмай турибди.

– Анави нарсадан бир пиёла ичиб юборсанг отдай бўлиб кетасан.

– Йўқ, ўзларинг бораверинглар.

Оймарака афсуслангандай ортига қайтди. Лекин жавобимдан хурсанд бўлгани кўриниб турарди. Чунки мендан Султонбой ҳам торгинади,

Завра эса ўлгудай кўрқади. Тилим ёмон, аччиқ устида ҳамма гапни унинг юзига айтиб ташлашим мумкин.

Шу куни зиёфатга бормадим. Лекин туни билан ичимни ит тимдалаб, ухлолмай чикдим. Шу қилмишим учун ўзимни ўзим ёмон кўриб кетдим. Боришим керак эди. Уларнинг шум ржа-сини амалга оширишига йўл қўймаслигим керак эди. Булар иш бўлди. Энди Султонбойга худодан сабр ва фаросат, Завра билан Оймаракага инсоф тилашдан бошқа иш қўлимдан келмайди.

Афсус, мен кўрққан воқеа юз берди.

– Қизик ишлардан беҳабар қолдинг, Қаншайим?
– деди Оймарака эртаси куни кулиб.

– Қанақа қизик иш? Ўйинга тушдингизми?

– Ўйнадик ҳам, қўшиқ ҳам айтдик.

– Яхши бўпти.

– Бироқ ундан ҳам қизик гап бўлди.

– Қанақа қизик гап экан?

– Заврани Султонбойнинг қўйнига солдим.

– Худо кўтарсин сени! У хотин киши-ку?

– Нима қипти? Қиз бола билан аёл кишининг фарқи – бир оқшом!

– Гулдай йигитнинг уволидан кўрқмадингми?

– Нега увол бўларкан? Завра эртадан-кечгача уни пойлаб юрармиди? Султонбой келишган йигит, бир қош қоқса, унча-мунча қиз йўқ демайди. Ишқилиб, буёғи Султонбойнинг даврони бўлади ҳали!..

Анча йиллар бурун кўз касалликлари бўлимининг фарроши хамшираларга сўзлаб берган бу воқеа эмлаш хонасининг олдида айтилган гаплардан сўнг лоп этиб эсимга тушди. Султонбой Заврага уйлангандан сўнг даврини сурган-сурма-

ганини билмайман. Лекин Сожида Асет оғанинг оёғини қия босишига йўл қўймаганини ич-ичимдан сезардим. Агар шундай бўлмаганида, у тугилиб ўсган овулини ташлаб хотинининг ортидан эргашиб кетмас эди. Балки бу ерда бошқа бир сир бордир, яна ким билсин...

11

Менинг дастхатим чиройли экани Гуляга яхши баҳона бўлди. Кечқурун беморлар ухлагандан сўнг икковимиз дўхтирнинг хонасида ўтириб «Санбюллстень» ёздик. Аслида чиройли ёзишимнинг ҳам ўзига яраша тарихи бор. Институтда ўқиётганимизда она тили ўқитувчимизнинг: «Сизлар эртага муаллим бўласиз, шунинг учун тушунарли ва равон ёзишни ўрганишингиз керак. Доскага ҳар бир ҳарфни дона-дона қилиб ёзмасангиз, болалар хато кўчиради. Кейин шунга одатланиб қолади. Бунинг учун сизлар айбдор бўласиз», деган гапи миямда қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Шунинг учун дарсларда конспект кўчиришга қизикмадим. Устозларнинг маърузасини хотирамга муҳрлашга одатландим.

Гуля шкафнинг устига ёйиб қўйилган плакатни авайлаб нاستга олди. Унда йирик ҳарфлар билан «Санбюллетень» деб ёзилган эди. Гуля плакатни Асет оғанинг столига ёзди-да, у ердаги ҳар хил қоғоз ва ҳужжатларни йиғиштириб, деразанинг олдига қўйди.

– Бу ерга ўтир, – деди у қўлидаги кичкина брошюрани плакатнинг устига қўйиб. – Мана-ви брошюрадаги «Сариқ касаллигининг олдини олиш чора-тадбирлари» деган мақоланинг белгилаб қўйилган жойларини кўчириб берсан.

Мен жойимда какқайиб туравердим.

– Ұтир! – деди у ўриндикқа имо қилиб. Ово-зида буйрук ва ўтинч оҳанги сезилди.

– Ахир, бу Асет оғанинг жойи-ку, – дедим иккиланиб.

– Ұтиравер, энди Асет оғанг йўқ, – жавоб қилди Гуля бепарво қўл силтаб.

– Барибир кўнглим бўлмапти...

– Нима, унинг ўрнига врач бўлмоқчимисан?

Мен ноилож ўриндикқа омонат ўтирдим.

– Бемалол жойлашиб ол, нега дорга чиққан дорбозга ўхшаб титрайсан?

Мен Гуляга ажабланиб қарадим.

– Менга ёмон қарама! Ёки бу хотин ярим оқшом менга иш буюрди деб жаҳлинг чиқаяптими?

– Йўғ-ей... Ҳамма Асет оғанинг кетиб қолганига хафа, лекин сиз...

– Кетса, хайр-хуш, йўли ўнг бўлсин! – деб у халатининг чўнтагидан учта ручка чиқарди. – Аввал бошқа қоғозга чизиб кўр, қайси бирининг ранги яхши бўлса, шуниси билан ёзасан.

– Барибир Асет оға яхши дўхтир эди, – дедим мен. – Одамнинг кўзига қараб, қаери оғриётганини билар эди.

– Хўп, яхши бўлса, миллати билан динининг тайини йўқ бир хотинга уйланишига бало бормиди?

– Миллати билан дини бетайин одам ҳам бўларканми? – дедим хайрон бўлиб. – Балки овулида ўзига муносиб қиз топилмагандир?

– Нега топилмас экан? Менга уйланса бўлмасмиди?

Кулиб юбордим.

– Сиз нечта одамга тегасиз ўзи?

– Кўн хамширалар врачга турмушга чиқишни армон қилади.

– Бунисини билмас эканман.

– Анқовсирама. Бу ҳамма соҳада бор. Қўшиқчи композиторга, раққоса балетмейстерга, хаваскор шоира таниқли шоирга эрга тегишга ишкибоз бўлади. Лекин бечораларнинг ҳаммасига ҳам бундай бахт пасиб қилмайди.

– Сиз буни қаёқдан биласиз?

– Сенингча мен ёш боламанми?.. Бўпти, чиройлироқ ёз. Бошқа халақит бермайман.

Гуля хонадан чиқа туриб ортига ўгирилди:

– Шу ишни тугатсанг, сенга Асет оғанинг ҳеч қим билмайдиган сирларини айтиб бераман.

Брошюра унчалик катта эмас экан. Шундай бўлса-да, унинг ёзувлари мўъжазгина плакатга сизмас эди. Қандайдир бир олимнинг мақоласи бурун ҳам бир неча марта кўчирилган шекилли, баъзи жойлари қизил қалам билан белгилаб қўйилган.

Бироздан сўнг дахлизда эркак кишининг овози эшитилди. Гуля эшикдан навбатчи шифокорни бошлаб кирди. Мен шунчаки бош ирғаб салом берган эдим, у қўлини узатди. Эллик ёшлар атрофидаги киши экан.

Навбатчи шифокор кўзойнаги остидан ёзувимга диққат билан разм солди.

– Яхши, – деди у елкамга қоқиб қўйиб. – Манави «Санбюллетень» деган ёзувни ҳам сен ёздингми?

– Йўк, Жўлдасбой оға, – менинг ўрнимга Гуля жавоб берди. – Бултурги ёзув-ку бу. Факат рақамини ўзгартириб қўйдик.

Навбатчи шифокор бош чайқаб кулди-да, Гуляга юзланди.

– Бўлимда нима гап?

– Тинчлик.

– Бўпти. Мен хирургияда бўламан.

– Хўп.

Тиббиёт ходимларининг деворий газетасини тайёрлашга бир ярим соат вақтим кетди. Бу орада Гуля чой дамлаб келиб, нариги столга қўйди. У ерда хар хил шоколадлар, палов ҳам бор эди.

– Буёққа кел, чой ичамиз, – деди у тайёр бўлган «Санбюллетень»ни шкафнинг устига авайлаб олиб қўйиб. – Буни эртага осиб қўяман.

– Мен бориб ёта қолай.

– Чарчадингми?

– Йўқ. Дўхтирлар бемаҳал овқат ема дейишадикун...

– Оббо, муғомбир-ей, мени калака қилаяпсанми? – У чап қўлимдан ушлаб, ўриндиққа тортди. Қўлидаги аллақандай илиқлик вужудимни жимирлатиб юборди. Шунда овулдаги янгаларимизнинг «йигит бўлгандан сақла» деган гапи беихтиёр ёдимга тушиб кетди.

Аста курсига ўтирдим. У пиёлага чой қўйиб, олдимга қошиқ қўйди.

– Паловдан ол. Бу касалларнинг ортидан келган овқат эмас. Ўзим уйда пиширганман. Паловнинг қасмоғини яхши кўраман. Бир пайтлар уйда онам палов дамласа, ошхонага кириб сездирмасдан қозоннинг оловини кўтариб қўярдим. Шундай қилса, қозоннинг тагида қасмоқ пайдо бўлади.

– Тўғриси, қасмоқни мен ҳам яхши кўраман. Лекин қасмоқ есанг, тўйингда қор ёғади дейишадикун.

Гуля кулиб юбориб, оғзидан луқмаси сочилиб кетишига бир баҳя колди.

– Бекор гап, – деди у бироздан сўнг. – Бунақа ирим-сиримларга эътибор берма. Жуда бўлмаса, тўйингни саратонда ўтказасан. Ҳамма гапга ҳам ишонавермаслик керак. Мен ўзим дўхтирмап-ку, кичкина дўхтир, врач бўлмасам ҳам бошқа одамларга караганда бу борада кўпроқ биламан. Между прочим, врачларнинг ҳам ҳамма ганига амал қилиш керак эмас. Роботга айланиб қоласан унда. Врачлар биринчи навбатда ароқ ичма деб буюради, тўғрими?

– Тўғри.

– Хўш, ўзлари ичмайдими?

– Қайдам.

– Ичади. Бўкиб ичадиганлари ҳам кўп.

– Асет оға ҳам ичармиди?

– Эй!.. Асет оға, Асет оға... Аёл бўлганинда Асет оғага тегиб оларкансан ўзиям!

– Мен бояги ваъдангизни эсингизга солаяпман.

– Ҳа-а, – деб Гуля бироз иккиланиб қолди. – Шунини айтишим шартмики...

– Ўзингиз биласиз. Лекин мен айтган нарсангизни ёзиб бердим.

Гуля пиёласида совуб қолган чойни катта-катта хўплаб тугатди-да, уни қайтадан тўлдирди.

– Менинг акам райкомда ишлайди, – деб ҳикоясини бошлади Гуля. – У ҳар йили қўй сўйиб, туғилган кунини нишонлайди. Кўп меҳмон келади. Акам мактабда Асет дўхтир билан бирга ўқиган. Кейин у Самарқанддаги мединститутга, акам эса Нукусдаги пединститутга ўқишга кирган.

Асет оға акамнинг туғилган кунига бир кун олдин ёки бир кун кейин борарди.

– Кўпчилик билан чиқишолмайман, жўра, сен билан холи ўтириб гаплашишни яхши кўраман, – дерди.

Аслида ундай эмас. Асет оға тўғриси айтишга уялади. Сожида унинг кўпчилик билан бирга ўтиришига йўл қўймайди. Аёллардан рашк қилади! «Анавининг хотинига кўз қисдинг, бунисининг аёлига кулиб қарадинг...» деб қонига ташна қилади. Шунинг учун бояқиш ортиқча галсўздан ўзини олиб қочади.

Ўтган йили ҳам шундай бўлди. Менинг навбатчилигимга тўғри келмаса, акамникига бориб, меҳмон кутишда ёрдамлашаман. Шу куни Гулчехра «онам касал бўлиб қолди» деб навбатчилигини менга ташлаб кетди... Айтгандай, у сенинг бошингни айлантириб юргани йўқми, ишқилиб? – деди Гуля кутилмаганда юзига кулги югуриб.

– Йўқ, – дедим унга тик боқиб. Лекин кўнглимда «сезиб қолганмикин» деган хавотир уйғонди.

– Кўзингга қараб юр. Йўқса, Нигордан айрилиб қоласан. Биламан, Гулчехра ўзига эр ахтариб юрибди. Лекин у сенинг тенгинг эмас. Унга золим эркак керак.

– Шунақа ёмон қизми?

– Йўқ, ёмон эмас. Просто, нозик табиатли йигитларни жини суймайди. Эркактабиат қиз... Бўпти, нима деяётган эдим?

– Гулчехра навбатчилигини ташлаб кетди...

– Тўғри, Гулчехра навбатчилигини ташлаб кетди. Шунинг учун акамникига эртаси куни бордим. Ҳали дастурхон ёзиғлиқ экан.

– Акам қаерда? – деб сўрадим янгамдан.

– Ишга кетган.

– Бугун Асет оға келмайдими?

– Йўқ, у бир кун аввал келиб, йиғлаб-йиғлаб кетди.

– Тинчликми? – дедим мен хавотирга тушиб. – Нега йиғлайди?

– Тинчлик. Кейин айтиб бераман. Сиз чой ичиб туринг.

Янгам овкат олиб келиш учун чиқиб кетди. Ўзинг биласан, мен жуда бесабр одамман.

Акамнинг меҳмонхонасида пастки қисми радиола, юқори тарафи магнитола бўлган радиоси бор эди. У ҳар сафар уйда бўлган зиёфатларни шунга ёзиб оларди. Буни кўноқларнинг баъзилари сезади, бошқа бирлари беҳабар бўлади. Мен ўрнимдан туриб шу радиолани кўйдим.

– Айтиб бергунимча ҳам сабрингиз чидамадими? – деди лаганда қовурдоқ кўтариб кирган янгам.

– Мени биласиз-ку. Қоронғи ерда ётавераманми деб онаминг курсоғидан етти ойда тушганман, – дедим... Ростдан ҳам етти ойда туғилганман. Онам мени дўшпага солиб, шифтга осиб кўяркан. – Гуля кулиб кўйди. – Янгам лентани алмаштирди. Бечора Асет дўхтирнинг юрак-бағри эзилиб кетган экан.

– Нега ўзимизнинг овулдан уйланмадинг? – деди акам унга. – Кўнглингга ёккан қизни олиб берган бўлардик.

Асет дўхтир оғир хўрсинди.

– Эй, жўра! Сен Сожиданинг қандай қиз эканини кўрмагансан-да! У кинолардаги хинд қизларидай гўзал эди. Ўзинг биласан, ўша пайтларда «Сангам» киноси жуда машҳур эди. Гўёки дунёда хинд қизларидан ҳам сулувроқ қиз йўқдай, уларга жуда ҳавас қилардик.

Учинчи курсгача Сожидага зимдан термулишдан нарига ўтолмадим. У ҳам бундан хабардор эди. Шунинг учунми, кейинчалик менга табассум ҳая эта бошлади. Бир куни юрак ютиб унга

кўнглимни очдим. Аудиторияда фақат икковимиз қолган эдик. У рўмолининг учини тишлаганча бир муддат унсиз қолди. Сўнг бирдан ташқарига югуриб кетди. Эшик олдида ортига бурилиб, менга ноз билан кулиб қараб қўйди-да, кўздан ғойиб бўлди. Мен худди уни бошқа кўра олмайдигандай эшикка югурдим. Нигоҳим билан узун йўлакдаги йигит-кизлар орасидан уни изладим, лекин тополмадим. Шу пайт охириги парага кўнғироқ чалинди. Ҳаммамиз жойимизга бориб ўтирдик. Сожида эса йўқ эди. Юрагимнинг ярми у билан бирга кетгандай бўлди. Сабоқлар ҳам миямга кирмас, унинг нега дарсга кирмагани, қаёққа кетгани ҳақида ўйлардим. «Уни хафа қилиб қўйдим. Энди ҳеч қачон мен билан гаплашмайди. Эртага дарсга кирганида менга умуман эътибор бермайди. Мен бунга қандай чидайман?» – деган аламли ўй тинчлик бермасди.

Шу куни эрталабгача кўзимга уйқу келмади. «Бир киз ёқтирмаса нима бўпти, бошқаси учраб қолар», деб ўзимга таскин беришга ҳаракат қиламан, бироқ уддасидан чиқолмайман. Сожидадан бошқасига кўнгил қўйишимнинг иложи йўқ. У бутунлай бошқача.

Ниҳоят, тонг ҳам отди. Соат миллари эринчоқлик билан ҳаракат қилса-да, ҳарқалай дарс бошланган вақт бўлди. Мен уйқусизликдан ковоқларим шишган кўйи аудиторияга кириб келдим ва ўзининг жойида ўтирган Сожидага кўзим тушди. У аввалгидан ҳам чиройли бўлиб кетгандек эди. Ёқаси қизил тасма билан хошияланган оқ кофтада ошпоқ кабутардай бўлиб ўтирарди. Нигоҳларимиз тўқнашиши билан дарров ерга қаради. Шу заҳоти зимдан менга сирли қараб қўйиб, мийиғида жил-

майди. Кечадан бери буёғи нима бўлади деган ўйда юрагим безовта эди. Унинг жилмайиб боқишидан ўзимга келиб, бахтиёрликдан гўё еттинчи қават осмонда парвоз қила бошладим... Мабодо сени зериктириб қўймадимми? – деган овози эпитилди лентадан Асет оганинг.

– Йўқ-йўқ, аксинча, менинг ҳам ёшлик пайтларим эсимга тушиб кетди, – деди акам кулиб.

– Лекин мен сизга унака ноз-финоқ қилганим йўқ, – деди янгам ташқаридан.

– Сендан бошқа ноз қилганлар бор эди, – деди акам унга ҳазил қилиб.

– Хуллас, сизларга қисқароқ қилиб айтаман, – деди Асет дўхтир. – Тез орада икковимиз ҳам бир-биримизни кўрмасак туролмайдиган бўлиб қолдик. Бирга кинога, дискотекага борардик. Дарсларга кизиқишимиз ҳам сусайди. Муҳаббатимиз кун сайин аланга оларди.

Баҳор келди. Мен Сожидага сюрприз тайёрламокчи бўлдим. Уни ётоқхонасига кузатиб қўйиб, таксида тоғнинг этагига йўл олдим. Тоғ қўл узатса етгудай бўлиб кўрингани билан анча узоқ экан. Машинада қайтиб келгунимизга бир соатча вақт кетди.

– У ерга нега бординг? – сўради акам.

– Кейин биласан.

– Демак, бу ҳам бизга сюрприз, – кулди янгам.

– Шундай қилиб, мен Сожидага аталган сюрпризни икки ҳафта деганда тайёрлаб улгурдим. Сўнг уни ўша тоғ этагига олиб бордим. Таксидан узоқроқда тушиб қолдик-да, қўл ушлашиб кета-вердик.

– Сенга бир совғам бор, – дедим унинг қўлини қўйиб юбориб. Сўнг сўлинқираб қолган

Ўт-ўланларни қучоғимга йиғиб, бир четга олдим. Тоғнинг этагида қўқариб турган буруннинг қонидай кип-қизил гуллар билан ёзилган «Сожида» деган ёзув яшнаб кўзга ташланди. Унинг ҳайратдан кўзлари порлаб, шодон кичкириб юбордида, ўзини қучоғимга отди.

Шу куни биз эр-хотин бўлдик. Ширин дамларимиз бошланди. Икковимиз ётоқхонани тарк этиб, ижарага жой олдик. Лекин ҳамма нарсага қўлим етмай юргани яхши экан. Унинг феъл-атвори кескин ўзгара бошлади. Менинг ҳар бир босган қадамимни ҳисоблашга ўтди. Курсдошларимга тишимнинг оқини кўрсатишга ҳам чўчидиган бўлиб қолдим. Унинг ҳинд кизлариники каби чиройли кўзлари энди аждаҳонинг кўзларига айланди. Бу кўзлар ҳар гал ғазабнок тикилганда аъзойи баданингни тешиб кетгудай бўлади. Мен аста-секин бемехр аёлнинг қўлида банди бўлиб қолдим. Ўтаётган ҳар бир куним заҳар-заққумга айланди. Вақти келиб у хомиладор бўлгач, институтдан бир йилга академик таътилга чиқди. Сожида билан туғилиб ўсган юртига бирга бордим. Отанаси Туркманистон билан Эроннинг чегарасидаги тоғнинг этагида жойлашган бир овулда яшар экан. Бир тарафи тоққа ёндаштириб қурилган етти-саккиз уй бор. Одамлари узун бўйли, юзи офтоб ургандай қорайиб кетган, тилини тушуниб бўлмайдиган қавмга мансуб экан. Уларни на эрони, на лўли деб бўлмайди.

– Сизларнинг миллатингиз қанақа? – деб сўрадим хайрон бўлиб Сожидадан.

– Худонинг бандасимиз, – деди у.

– Ҳаммамиз ҳам худонинг бандасимиз, лекин...

– Менга бунақа бемаъни саволлар беришни бас қилинг!

Сожиданинг онаси жингилдай узун бўйли, чакчайган кўзлари озгин юзига ярашмайдиган совуқкина кампир экан. Отаси эса от жағли, бурни икки кўзининг ўртасидан ёриб чикқан, соқоли қулоғидан бошланиб кўкрагига тушган, бошига оқ кўзининг терисидан тикилган қулоқсиз телпак, эгнига тиззасигача келадиган тик ёқали кўйлак кийган одам. У ҳам кўн гапирмайди.

Овул аёллари эчки соғар экан. Эчкилар ҳам худди ўргатиб қўйгандай уйнинг олдига келиб қатор бўлиб ётиб олади. Сожиданинг онаси уларнинг икки оёғини илмоқли арқон билан боғлаб, бирин-кетин соғишга тушади. Сўнг улоқларини қўйиб юборади. Қурғур ўша жониворлар худди тоғ такасидек чаққон экан. Бир қарасанг, пастда юрган бўлади, яна бир қарасанг, тоғ-тошларнинг устида кўрасан.

Одамлар тоғ этагидаги ерларни хўкизга қўшилган омоч билан хайдаб, картошка, нўхат, мош экаркан. Бир hafta турган бўлсам, уларнинг биронтаси давлатнинг ишига борганини ёки дўкондан нарса олиб келганини кўрмадим. Йигитнинг учта юрти бўлади дейишади-ку. Шунақа юртлардан бири ҳисобланадиган қайин юрт менга дўзах бўлиб кўринди. Сожиданинг ота-онаси ҳам, ака-укалари ва яқинлари ҳам мени одам ўрнида кўрмайди. Ўзларича бидир-бидир гаплашади. Кечқурун дастурхон бошида бир коса овқатни тўкиллатиб олдимга қўяди. Бунақа бемаза бўтқани илгари тушимда ҳам кўрган эмасман. Очдан ўлмаслик учун ноилож ейман.

Ўқишга қайтиб келганимдан кейин орадан бир ой ўтиб хотинимнинг кўзи ёригани, қизли бўлганимни эшитдим. «Каникулда овулингизга ке-

тиб қолманг, – деб хат ёзибди у. – Агар шундай қилсангиз, сизни ҳечам кечирмайман. Бизнинг одагимизга кўра, эри ўлган аёлга бошқа ҳеч ким уйланмайди. Лекин мен ана шу бахтсизликка ҳам чидашга рози бўламан. Бошқа биронтасига кўз олайтирсангиз, сизни ўлдираман!»

Сожиданинг дўқ-пўписасига эътибор бермадим десам, сенга ёлғон айтган бўламан. Қўрқдим, жўра!

Ёзда овулга боролмадим. Ўзинг биласан, бу ерда ёлғиз онам қолган эди. Уни алдадим. «Сизга кўп оғирим тушмаслиги учун ёзда ишлаб пул топмоқчиман», деб хат ёзиб юбордим. Аёлимнинг дўқ-пўписаларини онамга қандай айтаман? Биласан, онам европача тарбия қўрган, рус аёли. Унга «қайноғаларимнинг ёнида бўламан» десам ҳам айб қилмайди. Лекин бунга виждоним йўл қўймас, қолаверса, бундай бемаъни, қўрқинчли сўзни тилимга олсам, фаришталар омин деб юборадигандек юрагим безилларди. Хатда ёзилганидай чиндан ҳам ишга кирдим. Пул топиш учун эмас, хотиним ва унинг дўзахга ўхшаган юртини унутиш учун шундай қилдим. Бунинг устига, ейиш-ичиш дегандай, кундалик харажатлар ҳам бор. Каникул пайтида стипендияни кечиктириб беради. Уч-тўрт танга пул жамғарсам зарар қилмас эди.

Ўзимни чалғитиш учун кирган ишим ҳаётимда яна бир ўзгариш юз беришига сабабчи бўлди. Шаҳардаги боғчалардан бирига вақтинча боғбон бўлиб ишга жойлашган эдим. Мен умримда бирон марта боғдорчилик билан шуғулланган одам эмасман. Лекин мактабда Мичуриининг тажрибаларини кунт билан ўрганганмиз. Ўзинг биласан, худди биз келажакда катта боғбон бўлиб кетадигандай,

муаллим нуқул Мичуриннинг тажрибаларини ёд-
лагар эди. Сен ботаникага қизиқмадинг, лекин
мен ботаника, зоология, анатомияни жуда яхши
кўрадим. Эсингда бўлса, синфимизда фақат
мен эркак билан аёл кишининг скелетини бир-
биридан фарқлай олар эдим. Балки медицинага
қизиқишим ўшанда бошлангандир. Мичуриннинг
машҳур шиорга айланган: «Биз табиатдан меҳр-
шафқат кутиб ўтирмай, ундан тортиб оламиз!» –
деган сўзларини юрагимга сингдириб олган эдим.
Шунинг учун ҳам боғбон бўлиб қийналганим йўқ.

Тарбиячилар навбат билан болаларни боғда
ўйнатишарди. Жажжи болакайларни кўрганда
эрта-бир кун менинг қизим ҳам шуларга ўхшаб
боғчага қатнашини ўйлаб қувончдан энтикардим.
Лекин шу захоти хотиним эсимга тушиб, хур-
сандчилигим тумандай тарқаб кетади. Қулоқларим
остида унинг «...сизни ҳеч қачон кечирмайман!
Сизни ўлдираман!» деган сўзлари акс-садо бериб,
юрагимни изтиробли ҳиссиётлар кемира бошлайди.

– Нега? Нима учун сени ўлдиради? – деди
акам қовоғини уйиб.

– Рашк туфайли ўлдирармиш. На менга, на
сенга, дегандек!..

– Сен ўзингни шунчалик ҳимоясиз, бедаво йи-
гит дсб ҳисоблайсанми?

– Мен бошимдан кечирганларимни айтаянман.
Айтма десанг, айтмай қўя қоламан. Лекин кейин-
чалик бу гапларимни эслаб юрасан. Чунки янаги
йили туғилган кунингда мен бўлмайман.

– Эсингни йиғ, ошна! Ҳар нарса деяверсан-
ми? – дашном берди акам унга.

– Сен гапимни нотўғри тушундинг, шекилли?
Мен ўламан деяётганим йўқ, лекин хотинимнинг
акалари келиб, бизни кўчириб кетишади.

– Улар келаётганида бизга хабар бер, ушлаб, каматамиз.

– Унда оргидан бошқалари келади. Улар яқинларига зарар етказган одамларни ҳам гумдон қилиб кетиши мумкин. Ўзимнинг тақдиримга ёзилган бахтсизликка бошқаларни ҳам шерик қилишни истамайман.

– Хўш, шундай қилиб, боғбонлик нима бўлди?

– Мен боғчада Дилфуза деган ўзбек қизи билан танишдим. Шу пайтгача кўзим қаёқда эди, деб пешонамга муштлагим келди. Унинг нафосати, нозиктабиатлиги, «акажон» деб жилмайиб туришлари ақл-хушимни ўғирлади. Сожидани унута бошладим. Ҳар куни кечқурун у билан бирга ишдан қайтаман. Баъзи болаларнинг ота-онаси кечикса, Дилфуза билан боғчада бирга қоламан. Эрталаб яна у билан йўлимиз бир бўлади. Кунлардан бирида унга кўнглимдаги сиримни тўкиб солдим. Қизнинг менга раҳми келдими ёки шу пайтгача оилали одам билан гаплашиб юрганидан ўқиндими, анча вақт жим бўлиб қолди.

– Дардингизга шерик бўла олмайман, – деди у ниҳоят офир тин олиб.

– Нега?

– Бизда ўз фарзандидан юз ўғирган отани ҳамма ёмон кўради.

– Биз яна фарзандли бўламиз. Мен сени узоқларга олиб кетаман. Ҳеч ким бизни излаб топа олмайди.

– Ота-онам нима бўлади?

– Улардан пинхона хабар олиб турамиз.

– Бир умр бировлардан қўрқиб яшаймизми?

– Вақт ўтиб улар бизни унутишади. Ўшанда биз ҳам бемалол, ўйнаб-кулиб яшайвераимиз.

– Сизга раҳмим келади, – деди у меҳрли кўзларини менга тикиб. – Ростки, сизни яхши кўраман. Чунки кўнглида кири йўқ, ажойиб йигитсиз. Лекин биз бирга бўлмаймиз.

Дилфуза шу гапни айтди-да, мендан узоқлашди. Мен бутунлай ёлғизланиб, яна бадбин ўйлар гирдобига қолиб кетдим.

– Нега ўқишни ташлаб овулга қайтмадинг? – сўради акам ундан.

– Кўзим қиймади. Институтни битиргушимча бу муаммолар бир ёқли бўлиб қолар, балки Сожида билан унинг туғишганлари мени ўз ҳолимга қўйишар, деб ўйладим.

– Улар қанақа тоифадаги одамлар ўзи?

– Билмайман. Сожидадан бошқа биронтаси ўзбекчани билмайди. Ёки билса ҳам гапирмайди.

– Миллати қанақа экан, сўрамадингми?

– Айтдим-ку боя, сўрасам фақат «худонинг бандасимиз» деган жавобдан нарига ўтмайди. Ёки дарров жанжал бошлади.

– Паспортига қарамадингми?

– Кўрсатмайди. Бир марта кўлимга олишим билан, «кераксиз жойга бурнишгини сукманг» деб тортиб олди. Лекин кўз қиримни ташлашга улгурдим. Миллати атиги тўрт ҳарф билан ёзилган эди. «Б» ҳарфи билан бошланарди, «булч»ми, «бонч»ми, ишқилиб, шунга ўхшаш... Менимча, Сожида майда бир қавмга мансуб бўлганидан орқиладиганга ўхшарди...

Августнинг охирида Сожидадан «тезда етиб келинг» деган мазмунда телеграмма келди. Қизимга бир гап бўлдимикин, деган ўйда етиб бордим. Чиндан ҳам гўдак нобуд бўлган экан. Пушти камаримдан бино бўлган тўнғич фарзандимнинг

Ўлимидан қаттиқ қайғурдим. Лекин бу узоққа чўзилмади. Тез орада юрагимни аллақандай хотиржамлик эгаллади. Ўзимча: «Сожида иккимизни боғлаб турган ришта узилди, энди у билан орани очик қиламан», деган қарорга келдим.

Сожида билан шаҳарга қайтишимиздан бир кун бурун кечкурун унинг икки акаси олдимиизга келди. Улар дастурхон бошида бир муддат ўз тилларида гаплашиб ўтиргач, кўшни хонага кириб кетишди. Бироздан сўнг Сожидани, кейин мени ёнларига чақирди. Ичкарига киришим билан иккови ҳам эғнидаги этаги бурмали чарм курт-касини ечиб, кроватга ташлади. Шунда уларнинг белидаги камарга боғланган нақшишкор қишли ханжарга кўзим тушди. Узунлиги бир ярим-икки қарич келади. Ака-укалар ялтироқ пўлатдан ишланиб, сопи қайрилма шохдан ясалган ханжарини белидан суғуриб олиб, зарб билан устунга санчди.

Йигитларнинг бири Сожидага кўлини чўзди. У эса камзулининг чўнтагидан бир даста сурат олиб унга берди. Йигит суратларни шошилмасдан, битта-битталаб полга ташлай бошлади. Не кўз билан кўрайки, бу суратлар Дилфуза икковимизга тегишли эди. Бизнинг боғчада болаларни ўйнатиб юрган пайтимиз, унга дарахтдан шафтоли узиб бераётган дамларим, кўчада бирга кетаётганимиз, хуллас, ҳамма-хаммаси эринмасдан тасвирга олинган эди.

Йигит гап-сўзсиз менга безрайиб тикилиб турарди. Шериги эса бироздан сўнг устундан ханжарини суғуриб олиб, бўғзимга тиради.

– Калимангни қайтариб ол, – деди у. Талаффузи ўзбекча билан туркманчага тортиб кетарди. – Шаҳид кетаман деб ўйляяпсанми? Лекин

бузук одамлар ҳеч қачон шаҳид бўлмайди. Охириги сўзингни айт!

Менинг аъзойи баданим қалтирар, тилим калимага келмасди.

– Бир... Гапир!

– Икки...

– Ўлдир! – деди шериги унга. Лекин у негадир мени ўлдиришни пайсалга соларди. Бир муддатдан сўнг у бўғзимни енгил тилиб юбориб, ханжарини пастга туширди. Иягимнинг остидан илиқ бир нарса пастга оққандай бўлди.

Сожида чўнтагидан даструмол олиб узатди. Мен бўйнимдаги конни артдим.

Боя суратларни бирма-бир полга ташлаган йигит иягимдан ушлаб ўзига қаратди.

– Бизнинг кўлимиз қаерларга стишини кўрдингми? – деди у кўзлари совуқ йилтираб. Мен беихтиёр бош ирғадим. – Сожида бизнинг ёлғиз синглимиз. Ким уни хафа қилса, мана шу ханжардан ўлим топади. Албатта, бир ўзи эмас, синглимизнинг ранжишига сабабчи бўлган шериги ҳам бу тақдирдан бенасиб қолмайди!

Дилфузанинг беозор қиёфаси кўз ўнгимда пайдо бўлди-ю, ичимда ўзимга-ўзим лаънат ўқидим. Бу баттоллар ана шу беозор қизга ҳам зарар етказиши мумкинлигидан даҳшатга тушдим.

– Ҳаммаси тушунарли, бу нарса бошқа такрорланмайди, – дедим секингина.

– Қаттиқроқ гапир!

– Бошқа такрорланмайди.

– Бу ердан кетгандан кейин милицияга хабар бераман деган хомхаёлга борма. Бунга улгурмайсан. Қилмишинг учун уруф-аймоғинг билан бирга жавоб берасан!

Мен кўркув ва даҳшатдан бутунлай эсанкираб қолган эдим.

– Эртага икковингиз ҳам кетасизлар, – деб у сўзида давом этди. – Қўлингизга бир йилга етадиган пул тутқазамиз. Мабодо тугаб қолса, яна берамиз. Пулни олиш учун сен келасан, Сожида эмас. – У илкис камзулимнинг ёқасидан силтаб ўзига тортди. – Шуни эсингда тут, ўқишни тамомлагандан сўнг икковингиз шу ерга қайтасиз. Бизда ҳеч бир фарзанд ота-онасини тапшлаб узокқа кетмайди. Сожида аҳмоқлик қилиб сенга кўнгил кўйган. Майли, бунисига чидадик. Лекин сен билан кетса, уни ҳам ўлдирамиз.

Эртаси куни биз Самарқандга қайтдик. Ўша зулматга чулганган хонадан тирик чиққанимга сира ишонгим келмас эди.

Бизнинг талабалик давримизнинг сўнгги йиллари кўнгилсизлик билан ўтди. Зимдан Сожидани кўрарга кўзим йўқ, буни унинг ўзи ҳам яхши биларди. Орамиздаги муҳаббат аллақачон сўниб бўлган, биз энди номигагина эр-хотин бўлиб яшардик.

Институтни битирадиган йилимиз қайин юртимга беш марта бориб келдим. Ҳар борганимда Сожиданинг ота-онаси, акаларининг олдида тиз чўкиб, улардан овулга кетишимга рухсат сўрардим. Охири улар Сожидани хафа қилмаслик шарти билан ўзимизнинг овулда бир йилгина ишлашимга рухсат беришди. Шундан сўнг хотиним билан бирга унинг қишлоғига кўчиб боришим шарт эди.

Мана, шундан бери орадан неча йиллар ўтди. Ҳар йили тўрт-беш марта уларга яна муҳлат беришларини сўраб ялиниб-ёлвориб хат ёзаман. Яқинда яна бир йил қолишимга рози бўлишди.

Агар бу гал бормасам, икковимиз ҳам бу ёруф дунё билан хайрлашамиз... Сен билмайсан, жўра, менинг ичим дардга тўлиб кетган!

Асет оға шу гапдан сўнг йиғлаб юборди. Янгам ҳам унга қўшилиб кўз ёши қилди.

– Мен бу ҳақда органга хабар бераман, – деди акам.

– Керак эмас! – деди Асет оға шоша-пиша. – Орган ҳеч қачон мафиядан олдинроқ ҳаракат қилмайди. Улар юз берган жиноятни очиш билан шуғулланади. Унгача мен тупроққа қоришиб кетган бўламан. Менга ёрдам бермоқчи бўлган одамлар ҳам шу аҳволга тушиши мумкин...

– Бу гапларни эшитганимдан сўнг мен худди кўрқинчли туш кўргандай, гарангсиган аҳволда уйга қайтдим, – деб Гуля узундан-узун ҳикоясини ақунлаб, чуқур тин олди.

Мен ҳам сукутда эдим.

– Кўрқиб кетдингми? – деди бироздан кейин у жилмайиб.

– Ха... Худди бир беғуноҳ инсонни кўра-била туриб душманнинг қўлига топшириб қўйганга ўхшаймиз.

– Айб ўзида-ку!

– Сожида чиндан ҳам жуда ёмон аёлмиди?

– Сиртдан қараган одамга сезилмайди. Лекин Асет оғанинг ундан ўлгудай кўркишига кўп марта гувоҳ бўлдик. Сожида гинеколог бўлгани учун туғруқхонада ишларди. Баъзан кутилмаганда ординаторлар хонасига кириб келса, Асет оға довдираб, гап-сўзини ҳам йўқотиб қўярди.

Бир куни Асет оға билан Гулчеҳра бир-бири билан ҳазил-хузул қилиб турганида хотини келиб қолди. Асет оғани биласан-ку, ҳазилни яхши

кўради. Юрагидаги дардларини унутиш учун шундай қилса керак...

Сожида кириши биланок Гулчехранинг сочига чанг солди. Ўзи, аёл кишининг осиладиган жойи соч ҳисобланади. Фафлатда қолган бечора Гулчехрани Сожида бир-икки муштлади. Биз уларнинг орасига тушишга кўрқдик. Бирок Гулчехра ҳам эркакшода, қорувли қиз эмасми, дарров ўзини ўнглаб олиб, Сожиданинг бўйнидан бўғиб олди-да, уч-тўрт марта деворга урди. Шундан сўнг Сожида шилк этиб йиқилди. Буни кўриб капалагимиз учиб кетди.

– Яхши қилмадинг, Гулчехра! – деб Асет оға хотинининг юзини елпишга тушди.

Гулчехра уст-бошини тўғрилаб, уйига жўнади. Навбатчилигини топширишга ҳам ҳафсала қилмади. Ана шу жанжалга гувоҳ бўлган биз бечоралар анча вақтгача кўрқиб юрдик. Лекин ҳеч нарса бўлмади. Ёпиғлик қозон ёпиғлиғича қолди.

– Аслида, бошида бир хатолик ўтган экан, – дедим мен қаддимни ростлаб. Гуля бу гапнинг маъносига тушунолмади менга анграйиб тикилди. – Гулчехра эркак, Асет оға аёл бўлиб тувилиши керак эди.

– Бировларнинг устидан кулма, – деди у жиддий қиёфада. – Сен Асет оғадан ўн баравар ювшроқсан. Нима бўлганда ҳам, Асет оға Сожидани овулига олиб келди. Агар унинг ўрнида сен бўлганингда умуман уйингда қорангни кўрсатмай кетган бўлармидинг... Энди бориб ухла. Ёрдамнинг учун раҳмат.

Бу пайтда хўроз кичқира бошлаган эди. Шунча гап-сўзлардан кейин кўзимга уйқу келармиди? Анча пайт тўшакда бедор тўлғониб ётдим. Қачон

кўзим илингани эсимда йўқ, азонда пол юваётган фаррошнинг швабраси кроватга тақиллаб урилишидан уйғониб кетдим.

12

Эрталабдан яна ўша кунгидай югур-югур бошланди. Тагин биронтаси ўлиб колдимикин деб кўрққан эдим, ҳарқалай омонлик экан. Чўлпон опа палатамизга челақ-супургисини кўтариб кириб, кроватнинг туткичларини, деразани артишга тушиб кетди.

– Деразага чойнак қўйманглар, барака топгурлар! – деб у ердаги пахта гулли чойнакни юлкиб олган эди, ичида туравериб қоп-қора тусга кирган совуқ чой оёқлари остига тўкилди. – Ичмасангиз дамлаб нима қилардингиз!

Чўлпон опа чойнакни шу ҳолида Омоннинг тумбочкасига солиб қўйди-да, Ўрозбой билан Жиянғалининг кроватини артиб-сурта бошлади. Улар фаррошга халақит бермаслик учун шиппагини кроватнинг остига суриб қўйиб, ётиб олишди.

– Янга, нега ҳамма эрталабдан югургилаб қолди? – деб сўрадим мен ундан.

– Бош врач келаяпти.

– Палаталарга ҳам кирадимиз?

– Ким билади! Киришиям мумкин. Аёл киши майдагап бўлади. Аввалгиси фёъли кенг, яхши одам эди. Унча-мунча нарсани кўрса ҳам кўрмасликка олиб ўтиб кетаверарди.

– Бу ерга нега келаяпти? – сўради Жиянғали ўрнидан туриб ўтириб қизиқиш билан.

– Асетнинг ўрнига бўлим мудирини тайинлайди.

– Ким экан у?



– Қайдам. Бизга айтиб ўтирармиди.

– Бош врачнинг исми ким? – сўради Омон.

Чўлпон опа «бунинг сенга нима қизиги бор?» дегандек унга ажабланиб қараб кўйди-да, бироздан сўнг қискагина жавоб берди:

– Қарчиғай!

– Э, жуда чиройли исм экан-ку! – деди Ўрозбой завқ билан кулиб.

Жиянғали фаррошни кўпроқ гапга солишга ҳаракат қиларди.

– Эри борми ишқилиб?

Чўлпон опа унинг жўрттага сўраётганини сездиди.

– Бор!

– Унинг оти ким?

– Шунқор! – деб жавоб қилди палатадан чиқаётган фаррош.

Ҳаммамиз барабар кулиб юбордик.

– Қалай, Жиянғали оға, боладими? – деди Омон қўлини узатиб. Лекин ҳеч ким унга эътибор бермади.

– Шунқор дегани итнинг оти эмасми?

– Йўқ, қушники!

– Чўлпон опа Жиянғалини мот қилиш учун шундай деди, – дедим мен. – Балки бош врач ҳали эрга тегмагандир.

– Унда сизга яна бир қаллиқ топилади!

– Ана, энди буларга худо берди, – деди Жиянғали гапнинг ройиши мен томонга оққанидан енгил тортиб.

– Ҳой, бу нима шовқин? – дея эшикда Гулчеҳра мўралади.

– Мамбетназар оғани уйлантирмоқчимиз! – деди Омон унга.

– Бахтини берсин. Биз ҳам тўйдан бенасиб қолмайлик, – деди Гулчеҳра кулиб. Сўнг бирдан жиддий тортиди. – Бемаъни гапларни йиғиштириб, тўшагингизни тўғриланг. Матрасларга қаранг, худди устига эшак аванагандай тўзғиб ётибди.

– Бош врачга устингиздан арз қиламан, – деди Омон ўрнидан туриб ўтириб. – Мени эшакка ўхшатдингиз.

Гулчеҳра пик этиб қолди.

– Билганингни қил!

У дастлаб Омоннинг, сўнгра Ўрозбой билан Жиянғалининг кўрпа-тўшакларини қоқиб-силкиб, тартибга келтирди. Мен эса ҳеч нарса бўлмагандай, кроватимда бепарво ўтиравердим.

– Бу йигит нега молага минган сўфидай ялпайиб ўтирибди? – деди у менга синчков тикилиб.

– Пирим келаверсин деб ўтирибман, – дедим жилмайиб.

– Туринг, ўша пир келди!

Мен ўрнимдан туриб, унинг ҳаракатларини кузатиб турдим.

Гулчеҳра ёстик, одеяло ва кўрпа жилдини кроватнинг туткичига қистирди. Сўнг матрасни ағдариб, қайтадан тўшади. Неча кундан бери қўл урилмагани туфайли матрас анча қотиб қолган экан. Тескари томони тўшалгандан сўнг анча майин тортиб, хуршайиб қолди. Гулчеҳра жилдни унинг устига тўшаб, текислади. Бир зумда тўшак янги қолиндан чикқандай чиройли кўриниб қолди. У аёлни тўрт буклаб, оёқ учига йиғиб қўйди. Ёстикни уёқ-буёғини муштлаб дўшайтирди-да, бир учини юқорига қаратиб қўйди. Энди бу тўшакнинг устига ўтириш ёки ётиш ҳам увол эди.

– Нега ёстикни учбурчак қилиб қўйдингиз? – дедим мен.

– Нима, сенга ўхшаб нукул «тўртбурчак» бўлавериш керакми?! – деди Гулчехра юзимга маъноли қараб қўйиб.

Бу унинг «ўша клизма учун ҳадеб ўпкалайверасанми?» дегани эди.

– Гулчехра, Асет оғанинг ўрнига ким келаяпти? – сўради Жиянғали.

– Қутлимурад деган киши.

– Яхши дўхтирми?

– Билими кучлими?

Йигитлар уни саволга кўмиб ташлади.

– Яхши эмас, – деди у мужмал қилиб. – Асет оға бошқача одам эди. Қутлимурад оға манавини яхши кўради. – У бармоғи билан томоғига чертиб қўйди. – Азонда битта коньякни очса, кечгача тугатади. Ҳеч ким билан улфат бўлмайди, қадах сўзи ҳам айтмайди. Ўзининг кўнглини чоғ қилиб юраверади.

– Билими, тажрибаси қанақа? – сўрадим мен.

– Бу тарафига гап йўқ. Ҳатто, табибчиликдан ҳам хабари бор. Бир қарасанг, фолбинга ҳам ўхшаб кетади. Чунки кайфияти яхши пайтларда кафтингдаги чизикларга қараб, келажанинг ҳақида башорат қилишга тушиб кетади... – Гулчехра кутилмаганда ҳушёр тортиб, эшик томонга югурди. – Келаяпти!

Биз деразадан ўтган-кетган одамларни кузатиб турдик. Келаятган одамлар тўрт киши эди. Олдинда сулувгина ёш келинчак. Унинг ортида ўрга ёшларга бориб қолган бир киши. Сочларига оз-моз оқ оралаган. Учинчи бўлиб келаятган кўк кўзли тагар аёлни танидим, у мени бу ерга йўлланма билан юборган Раҳима Фатхуллина эди. Орқасида яна бир аёл бор.

– Олдиндагиси бош врач бўлиши керак, – деди Омон.

– Албатта-да! Ахир, бошчи қўшчини олдига солиб юрармиди?!

Жиянғали икковимиз уларнинг гапига аралашмадик.

Шифохона ичкарасида ярим соатгача жимлик чўкди. Афтидан, хаммани бир жойга тўплаб, янги бўлим бошлиғини таништираётган бўлса керак.

Бироздан сўнг ғала-ғовур қайтадан бошланди. Бош врачнинг ёлғиз ўзи дераза ёнидан ўтиб кетди. Демак, бўлим бошлиғи билан бирга бояғи аёлларни ҳам ординатор-шифокор қилиб тайинлаб кетган бўлса керак.

Касалхонанинг кундалик ҳаёти яна ўз маромига тушиб олди. Эмлаш, тушки овқат. Тушдан сўнг шифокорлар беморларни кўриқдан ўтказади. Одатда, бу тадбир ҳар куни азонда, жуда бўлмаса икки-уч кунда бир марта ўтказиларди. Янги келган шифокорлар эртагача қўл қовуштириб ўтиришни истамаган, шекилли.

«Жимлик соати»дан олдин янги тайинланган бўлим бошлиғи Гулчехрани эргаштириб палатамизга кириб келди. Гулчехра қўлида бизнинг касаллик варақамизни кўтариб олган эди. Шифокор ундан карталарни олиб, диққат билан ўқиди.

– Кўйлагингни кўтар! – деди у бироздан сўнг Омонга. У Омоннинг кўкраги билан орқасига бармоғи билан уриб кўрди.

– Эрталаб йўталмаяпсанми?

– Йўк.

– Сенга рухсат. Нарсаларингни йиғиштириб, уйингга қайтавер.

Изидан Ўрозбойга ҳам жавоб тегди. Жиянғали яна бир-икки кун сабр қиладиган бўлди. Шундан сўнг шифокор менга яқинлашди.

– Охирги марта қачон анализ топширдинг?

– Ўтган ҳафта душанба куни...

У касаллик варақамдан анализ қоғозини излади. Топди шекилли, Гулчехрага юзланди:

– Эртага эрталаб ҳамма анализларни оласиз. Яхши чикса, тушдан сўнг жавоб берамиз.

– Асет оғанинг айтишича...

– Қанақа Асет! – жеркиб берди у Гулчехрани. – Бундан кейин менинг айтганим бўлади, билдингми?

Шифокор асабий қиёфада эшик томон юрди. Гулчехра бир даста карталарни қучоқлаганча унинг ортидан эргашди. Эшикдан чиқа туриб зимдан менга маънос қараб қўйди.

Ўйлашимча, у мен билан муносабатини яхшилаётгани учун хафа эди. Шифокорнинг «эртага рухсат берамиз» деган гапи менга ҳам оғир ботди. Одамлар касалхонага тушса, у ердан тезроқ чиқиб кетишга ошиқади. Лекин мен бу ерга қўринмас ришталар билан қаттиқ боғланган эдим. Бу риштани узиб кетишим осон эмас. У узилса, мен учун ҳаётнинг қизиғи қолмайди. Мен Нигорсиз бу ердан бир қадам ҳам узоқлаша олмайман. «Лекин у бор-йўғи ўн олти ёшда-ку» деган ўй кечадди ҳаёлимдан. «Бўлса нима қипти» – эътироз билдираман ўзимга-ўзим. «Қамалиб кетасан!» «Шунга ҳам розиман!»

«Жимлик соати»дан сўнг олтинчи палатанинг олдига бордим. Парда кимирламади. Бир неча марта ёнидан ўтиб-қайтдим. Ниҳоят, эшик очилиб, у ердан бир аёл чиқди. Қия очик эшикдан ичкарида китоб ўқиб ўтирган Нигорга кўзим тушди. Шу пайт у ҳам китобдан бош кўтарди. Имо-ишора билан ташқарига чиқишини сўрадим. Негадир бу гал у тортинмасдан палатадан чиқди.

– Сени дўхтир кўрдими? – сўрадим ундан.

– Ҳа.

– Қайси бири?

– Ёши катта татар хотин.

– Нима деди?

– Кўкрагимни қайта-қайта эшитиб кўрди. Сўнг: «Ичингда битта мушук боласи ухлаб ётибди, шунини уйғотиб, чиқариб юборишимиз керак», деди.

– Ўша мушугингни менга берганигда...

– Йўқ, бермайман! Ўзимнинг мушугим у! – кулди Нигор.

Унинг қаймоқдек лабларидан, кулиб турган кўзларидан назаримни узолмасдим.

– Сизга нима деди? – сўради у менинг ўзига тикилиб қолганимдан уялиб.

– Эртага рухсат берадиганга ўхшайди.

– Вой, яхши бўпти-ку! – деди Нигор ўзини хурсанд кўрсатишга уриниб. Лекин кўзларининг тубида аллақандай мунг пайдо бўлганини сездим. Шунинг учун юрагим аллақандай ширин ҳиссиётдан орзиқиб кетди. Демак, у ҳам мени яхши кўради. Бироқ қиз бола бўлгани учун бу ҳақда очик айтилмайди. Мен эса... Касалхонада икковимиз бир умр яшайдигандек бемалол юрибман. Ҳаммасига сабр-тоқат билан чидаб келаяпман. У билан кечган дамлардан сармаст бўлиб, келажакимиз ҳақида ҳеч тузукроқ ўйламабман. Буёғига вақт жуда кам қолди. Харақатингни қил, ошиқ Мамбетназар! Эртага кеч бўлади!

– Кечқурун учрашайлик, – дедим унга. Йўлақда тураверишимиз ўнғайсиз эди.

– Бугун Гулчеҳра опанинг навбати-ку!

– Нима бўпти! Энди бизга ҳеч ким тўсқинлик қила олмайди.

Нигор менинг эхтирос билан айтган сўзларимни жимгина эшитди-да, палатасига кириб кетди.

Шу куни кеч тушиши қийин бўлди. Бетоқат бўлиб бир неча марта ташқарига чиқиб, кун бо-тиш тарафга қараб келдим.

13

Ой сутдай ёруғ. Бу – бизнинг сўнгги учрашувимиз эканига ишонгим келмайди. Чунки эртанги анализдан бирон ишқаллик чиқишидан умидвор эдим.

Ердаги игнани кўрса бўладиган бундай ойдин тун биз каби ошиқларга халақит бериши табиий. Лекин бу галгиси бутунлай бошқача, худди кундуз кунига ўхшайди. «Келинлар, Нигор билан Мамбстназар манави ерда» дегандек, ой шуъласида соямиз чўзилиб, анча наридан кўзга ташланади. Барглари тўкилиб, деярли шийдам бўлиб улгурган дарахтлар ҳам ошиқларни ёт кўзлардан пана қила олмас эди. Яқиндагина ўриб олинган йўнғичканинг қаттиқ пояси шишагимизнинг остидан жўволдиздай санчилиб, оёққа қадалади.

– Анави жойга борайлик, – дедим мен ариқ бўйида ғовлаб ўсган қараман тупларига ишора қилиб.

– Узоққа кетмайлик, – деди Нигор хушламай.

– Очиқ жойда сўнпайиб туришимиз нокулай...

Соҳилида қараман куюқ ўсган ариқдан охириги марта қачон сув оққани номаълум. Ариқ ичида ёнбағирлаб ўсган буталар соҳилга ёпишиб турарди.

– Нега бунча кўрқасан? – дедим мен Нигорнинг елкасига қўлимни қўйиб. У қўлимни елкасидан пастга туширди. Қиз нимадандир қаттиқ безовта эди.

– Кимдан яшириниб юрганимизни биласизми?
– деди у бироздан сўнг.

– Кимдан?

– Гулчехра бизни излаб келади. У менинг чикканимни кўриб қолди.

Мен индамадим. «Гулчехрапинг нима иши бор?» дейишим мумкин эди. Лекин негадир бунга тилим бормади. Нигор мендан шу жавобни кутган эди.

– Сиздан бир нарсани сўрасам майлими? – деди у.

– Сўра.

– Нега Гулчехра доим икковимизни пойлаб юради?

– Икковимизни эмас, сизни пойлайди?

– Нега?

– Қиз бола бўлганинг учун хавфсирайди, эрта-бир кун бир гап бўлса, жавобгар бўлиши мумкин.

Нигордан садо чикмади.

– Топдимми? – деб унинг икки елкасидан ушлаб ўзим томонга тортдим. У яна кўлларимни настга туширди.

– Топа олмадингиз, – деди маъюс киёфада. – У сизни қизғангани учун пойлайди.

Нигор кўз қири билан менга синчков назар солди. Мен ажаблангандек унга тикилдим.

– У сизни рашк қилади, – деди овозини пасайтириб. – Сизни мендан рашк қилади.

– Билмадим... – дея иккиланган кўйи жавоб бердим, нафасим ичимга тушиб кетди. Кўнглимда севгилим Гулчехра билан автоклубга бирга борганимни сезиб қолдимикин, деган хадик пайдо бўлди. Беихтиёр Нигордан айрилиб қолишим мумкинлигини ўйлаб кўрқиб кетдим.

– Нигор, қўй ўша Гулчехрани. Шусиз ҳам вақтимиз кам. Яхшиси, ўзимиз ҳақимизда, келажагимиз ҳақида гаплашайлик.

Ожизгина қаршилигини енгиб, уни кучоғимга олдим. Қизнинг дукиллаб ураётган юраги менинг ҳам борлигимни титратиб юборди. Икковимизнинг кўксимиз бирланди. Тобора қаттиқроқ бағримга босганим сайин унинг вужуди, кўкраги менинг танамни қитиқлаётгандай, ёқимли ҳиссиётлар таъсирида сархуш эдим.

– Керак эмас! Қўйиб юборинг, – шивирлади у.

– Йўк, керак! Сен менга кераксан!

Нигорни эхтирос билан ўпдим. Бундай тотли дамларнинг қанча давом этганини билмайман. У энтикканча кўкрагимдан итариб юборганидан сўнг ўзимга келдим. Нигор ариқдан сакраб ўтиб, қараман томонга юзланди-да, жойида қотиб қолди. Ўзиши босиб олгунича унга ҳалақит бермадим.

Вақт эса ўтиб борапти. Ширин ҳиссиётлар таъсирида Нигор билан гаплашиб олишим кераклигини ҳам упутибман.

– Бунақа юришимиздан ҳеч қандай фойда йўк, – деди бироздан сўнг тушкун кайфиятда.

Мен ҳам ариқнинг нариги тарафига ўтдим.

– Пега ундай дейсан?

У бош чайқади.

– Ҳеч нарсага эришолмаймиз. Сиз шунчаки мени эрмак қиляяпсиз. Мен эса билиб туриб тептаклик қиляяпман.

– Муҳаббатимиз-чи?

– Мен муҳаббат нима эканини билмайман. Бу шунчаки китобий, ҳавойи сўзга ўхшаб туюлади.

– Хоҳласанг, муҳаббатимиз ҳақиқий эканини исботлаб бераман.

У кўзларимга тикилди.

– Қанакасига?

Нигор яна уни бағримга босишимдан ҳадиксираб бир қадам ортга чекинди.

– Палатангнинг рўпарасидан кунига неча марта ўтиб-қайтишимни биласанми?

– Йўқ.

– Буни ўзим ҳам билмайман. Чунки санамаганман. Ўзинг эшикнинг пардасини кўтариб неча марта қарайсан?

– Мен шунчаки... – У уялиб кўзини олиб қочди.

– Йўқ, шунчаки эмас! Икковимизнинг мана шу интиқлигимизнинг ўзи муҳаббат.

Нигор ерга қаради.

– Учрашган пайтимизда тилимиз калимага келмасдан...

– Гапирманг!

– Ойнинг шуъласи тушиб турган юзинг қандай қилиб қизарганини аниқ кўрардим. Қара, юзинг кизиб кетди! – дедим бармоқларим билан унинг юзини силаб.

– Бизнинг тақдиримиз қўшилмайдиганга ўхшайди, – деди у яна маъюс қиёфада. – Эртага икковимиз ҳам ўзимизнинг овулимизга кетамиз. Кейин бошқа учрашмаймиз.

– Мен сени излаб бораман.

– Акамдан калтак ейсиз-ку!

– Нима, аканг ўзининг куёвини ҳам калтаклайдими?

Нигор пиқиллаб кулди.

– У ҳеч кимни аямайди.

– Нима, сен роль ўйнаяшимиз деб ўйлаб юрганмидинг?

– Йўқ, муносабатларимиз шунақа бўлиб чиқишдан кўркаман.

Нигор унсиз ерга қаради. Эртанги айрилиқни ўйлаб, унинг ҳам кўнглига гулгула тушган эди. У мендан айрилишни истамас, лекин чорасиз эканини сезиб ич-ичидан эзиларди.

– Сиз акамнинг феълени билмайсиз, – деди бир муддатдан сўнг. – У жудаям қаҳри қаттиқ одам. Ҳатто, онам ҳам ундан ҳайиқади. «Бунақа қорабошларни қалаштириб туғиб ташлашингиз шартмиди?» – дейди баъзан бизни кўрсатиб.

– Опа-сингилларингиз шунақа кўпми?

– Опам уйли-жойли бўлиб кетган. Мендан кичкина иккита синглим бор.

– Балки мен акангга ёкиб қоларман.

– Йўқ. У почча, куёв деганларини одам ўрнида кўрмайди. Жездем мехмонга келса, саломлашмай чиқиб кетади. Шунинг учун у киши ҳадеганда бизникига келавермайди.

– Кўрасан, аканг билан тил топишаман. У Жиянғали билан жўра, шекилли?

– Ҳа.

– Унда мен акангга яқинлашиш учун Жиянғали билан дўстлашиб оламан. Касалхонадан чиққандан сўнг: «Касалхонада битта палатада ётган одамлар армияда бирга хизмат қилгандай қадрдон бўлади», – деб уйига бораверман. Баҳонада сени ҳам, акангни ҳам кўраман.

Нигорнинг кўнглида умид пайдо бўлди шекилли, чуқур тин олиб, менга нозли қараш қилди.

– Излаб борганингизда мени тополмасангиз нима қиласиз? – деди кулиб.

– Топмагунимча овулингдан кетмайман. Ҳар бир уйда навбат билан мехмон бўлиш учун бирон юмуш топаман.

– Пода боқасизми? – деди у шарақлаб кулиб.
– Керак бўлса, боқаман. Сизларнинг молишғиз-
ни боқаман.

Уни яна бағримга тортдим.

– Қўйинг, уят бўлади.

– Кимдан уяламиз?

– Ой тикилиб турибди... – Нигорнинг гаии
оғзида қолди.

– Ана, бу тарафда экан! – дея хитоб қилди
Гулчехра. Нигор бағримдан юлқиниб чиқиб кетди.

Гулчехранинг ёшида янги тайинланган шифокор
Раҳима Фатхуллина билан санитарка аёл бор эди.

– Буёққа келишлар! – деди ариқнинг бўйида
турган шифокор бизга. – Хе, уятсизлар!

Мен ариқнинг устидан пастга тушдим-да, Ни-
горга қўл чўздим. Гулчехра ғазабнок қичқирди:

– Ўзи тушади! Майиб эмас!

Биз душман қўлига асирга тушган аскарлар
каби учаласининг қуршовида шифокорнинг хона-
сига кирдик.

– Сен бемормисан? – деди Раҳима менга жаҳл
билан.

Ўринсиз саволидан жаҳлим чиққани учун жа-
воб бермадим. Ахир, соғ одам касалхонада ёта-
дими?

– Қасринг оғрийди?

У мени поликлиникадан йўлланма билан бу
ерга юборганини унутган бўлса керак. Чунки
шундан бери орадан бир ой вақт ўтди.

– Буйрагим, – дедим инагимни бузмай.

– Битга буйрагингни олиб ташлаймиз! – деди
у қатъий оҳангда. Мен бу гапга ишониш-ишон-
масликни билолмай шифокорга, сўнг Гулчехрага
қарадим. Гулчехра шифокордан баттар тўнини

тескари кийиб олган эди. Демак, Кутлимурат оға билан менинг касалим хақида гаплашган, буйрагимнинг касали ўтиб кетган бўлса керак, деган ўйдан кўрқиб кетдим.

– Нега? – дедим ҳадиксираб.

– Шунда ювош тортиб қоласан! – деди шифокор жаҳл билан. Кўнглим жойига тушди. Муҳаббатнинг буйракка ҳам алоқаси бор экан-да, деган ўй кечди хаёлимдан.

– Сен қиз, мактабда ўқийсанми?

Нигор ерга каради.

– Бу йигитнинг-ку ёши анчага бориб қолган, лекин сен мактабни тугатмай туриб беобрў бўлиб қолишдан кўркмайсанми?

Нигор ҳамон жим эди.

– Ҳой, олифта! – деди у менга кесатиб. – Ёшгина қизалоққа тегажоглик қилганинг учун қамалиб кетишинг мумкинлигини ўйламадингми?

– Мен тегажоглик қилганим йўқ!

– Агар бир гап бўлган бўлса...

– Хеч гап бўлгани йўқ!

– Сўзимни бўлма!

– Сиз ҳам ўйлаб гапиринг!

– Вой, сурбет! – Шифокор Нигорга юзланди. – Сен бу йигитни ўн беш йилга қамалиб кетса, кутармидинг?

– Кутаман! – деди Нигор дафъатан ишонч билан. Унинг кўзлари ғазабдан ёниб турарди.

– Етар, булар билан гаплашишдан фойда йўқ, – деди у Гулчехрага. – Эргалаб мактабига кўнғирок қил, директори жөнсовет билан бирга келсин... Ошанг борми?

Ҳамон шифокорга қаттиқ тикилиб турган Нигор бу саволга ҳам жавоб бермади.

– Онасини ҳам чакир. Мактабининг телефони борми?

– Картасида бор, – деди Гулчеҳра.

– Бўпти унда. Бу йигитни медэкспертизадан ўтказиб, кейин милицияга топширамин.

Мен унинг пўписаларидан заррача кўрққаним йўқ. Лекин Нигор... туриб-туриб йиғлаб юборди.

– Ундай қилманг, опажон! Бу одам менга ҳеч нарса қилгани йўқ!

– Ҳим! Топган қизингни қара! – деди Гулчеҳра менга бурнини жийириб.

– Опажон, мен ўзим кетаман! Сизларга гап теккизмайман!

– Икковингиз ҳам палатангизга кириңг!

Гулчеҳра Нигорнинг қўлтиғидан ушлаб, куч билан ташқарига судради. Мен ҳам секин уларнинг ортидан юрдим. Йўлакка чиққач, Нигор дарров йиғидан тийилди. Кафтлари билан кўз ёшларини сидириб, палатасига кириб кетди.

Гулчеҳра ортига бурилди. Менга кўзи тушди-ю, жойида туриб қолди. Мен унга ғазаб билан қараб турардим. У бунга дош беролмай, шошганча хонасига томон кетди.

Шу куни тун роса чўзилди. Мен тонггача ўз хаёлларим билан олишиб чиқдим. Ҳеч қандай шармандагарчиликдан кўрққаним йўқ. Фақат... Фақат Нигорга раҳмим келди. Оқ қоғоздек беғубор юрагига гўлгула солганим, уни маломатга қолдирганим учун ўзимни кечиролмасдим. Раҳимадан ҳар балони кутиш мумкин. Бир гап бўлса, киз овулида қандай бош кўтариб юради?! Мен-чи, мен нима қиламан кейин?

Йўқ! Нигорни олиб қочиб кетаман! Тангрининг тонги отсин, олиб қочаман уни. Ҳеч кимнинг қўли

етмайдиган узоқ манзилларга кетамиз. Онамга ҳам бу ҳақда бир оғиз гапирмайман. Керак бўлса, ҳукуматдан ҳам яшириниб юраман. Никоҳ ёшига етмагунча Нигорни ҳеч кимга кўрсатмайман. Уни бошимга кўтариб яшайман. Кафтларимда авайлаб яшайман. Менга дунёда бошқа ҳеч нарса керак эмас. Жонимни биринчи муҳаббатимнинг йўлига тикаман.

Тонгги уйку ҳар қандай ташвишни енгар экан. Ўзим сезмаган ҳолда кўзим илинибди. Бир пайт чўчиб уйғондим. Аллақачон кун ёришибди. Палатадошларим ҳамон босозор ухлаб ётарди.

Шоша-пиша кийиндим. Тумбочкадаги буюмларимга ҳам эътибор бермадим. Барибир мен энди уйга бормайман.

Югуриб палатадан чиқдим-да, олтинчи палатанинг эшигига яқинлашдим. Атроф жим-жит. Палатада ҳам бирон шарша ёки ҳаракат сезилмайди. «Агар ҳамма ухлаб ётган бўлса, Нигорни кўлимда кўтариб олиб чиқиб кетсам... Йўқ, биронтаси сезиб қолса, мени босқинчига чиқариши тайин. Яхши-си, аста уйғотиб, ортимдан эргаштириб чиқаман». Шу фикр ўзимга маъқул келди. Оҳиста палатанинг эшигини очдим. Юқори томонда ётган аёл йўталиб қўйди.

– Ксчирасиз, опа, Нигорни уйғотиб юборасизми?

– Кимни дединг?

– Нигор.

– Эй, қароғим-ей, озгина кечикдинг, – деди у менга раҳми келгандек шикаста овозда. – У қиз тонг қоронғисида ўрнидан туриб, овулига кетди.

Кун чикмай уйга етиб келдим. Бу пайтда онам одатдагидай бомдод намозини ўқиб ўтирарди. У кўз қири билан менга қаради-да, бир муддат шошиб колди. Сўнг енгил йўталиб қўйиб, яна намозини давом эттирди.

– Тинчликми, болам? – деди онам мен ўзим билан олиб келган чойнак-пиёлаларни токчага жойлаштираётганимда шоша-пиша ўрнидан туриб.

– Тинчлик, – дедим руҳсиз кайфиятда.

– Ёки... Дўхтирлар билан айтишиб колдингми?

– Йўқ.

– Унда эрталабдан...

– Нима, касалхонада бир умр ётишим керакмиди? – Кўнглимга қил сизмай тургани учун тилимга келган гапни айтиб юборганимни сезмай колдим. Онам кўксига туфлади.

– Худо сакласин! Бу нима деганинг, қароғим!

– Кеча уйга жавоб беришувди. Кун кеч бўлиб колгани учун яна бир оқшом ётиб, эрталаб йўлга чиқдим, – дедим онамга қилган дағаллигимдан уялиб.

– Ҳа-а... Охири бахайр бўлсин, ишқилиб. Мен чой қўйиб юбораман. Янганг кеча боласи туни билан инжиқлик қилиб чиққани учун кечроқ ётган эди. Шунга уйғотмадим.

– Чой ичмайман, она. Боғни бироз айланиб ксламан.

– Майли, бора қол... Унгача янганг ҳам уйғо-пиб қолар.

Мен уйнинг кун ботиш тарафдаги отамдан қолган ўрикзор боғ томон кетдим. Ҳар сафар нимадандир хафа бўлганимда боғни айлапсам, кўнглим ёзилиб, кайфиятим кўтариларди.

Боғимиз сиртдан қараганда унчалик ҳам кўркам кўринмайди. Атрофи ҳам ўралмаган. Танаси юз йиллик чинор каби йўгонлашиб кетган саккиз туп ўрик дарахтининг ҳар бири ихчамроқ ҳовлига сиймайди. Болалик пайтларимда мана шу ўрикзор боғ нарироқдаги «Сирим партов»гача тутлашиб кетган эди. Баҳорги зах сув таъсир қидими, ишқилиб, йилдан-йилга сийраклашиб, ўттиз тупдан кўпроқ ўриқдан мана шу саккиз тупи сақлашиб қолди.

Ёзда ўрикнинг тагида ўтириш – жоннинг роҳати. Болалигимда унинг соясига кўрпача тўшаб, дарс тайёрлардим. Институтга кирганимдан сўнг ёзги таътил пайтларида ҳам шу одатимни қилмадим. Дарахтнинг қуюқ соясига тўшалган кўрпача худди дивандек юмшоқ туюлади. Дарс қилишдан чарчаган пайтларимда кўрпачага чўзилиб, осмонга тикиламан. Ана шунда шамолда охиста тебраниб турган ўрик бутуқлари орасидан қуёш нуъласи кўзларимга тушиб қайтиб, жимирлаб ўнарни.

Ҳозир куз ўз ишини қилиб, ўрик япроқлари анча сийраклашиб қолибди. Пастдаги ям-яшил ўриқларининг ҳам учи сарғайиб, остида сап-сарик хазонлар ивирсиб ётарди. Хуллас, ўрикзор ҳам менинг кўнглимга ўхшаб ғариблашиб қолган экан.

Йўл бўйи тинчлик бермаган безовта ўйлардан бу ерда ҳам халос бўла олмадим. Кечаги воқеа сира хаёлимдан кетмас эди. Бу похуш воқеани унутиб, Нигор билан кечган сурурли дамларимни эслашга уринаман. Лекин ширин хаёлларим узоққа чўзилмайди. Кўз олдимда қовоғидан қор ёғаётган Гулчехра билан «ҳилватдаги жиноятчиларни қўлга олган» Раҳиманинг голибона қиёфаси пайдо бўлаверади. Сўнг уят ва кўркувдан бир

бурдагина бўлиб қолган Нигорни эслаб, ўзимни ўзим баттар ёмон кўриб кетаман. Кўп дoston ва қиссаларда йигитлар ўзининг севгилиси учун жонидан ҳам кечишади. Мен эса каёқдаги хотинларнинг (хотин деганим учун Гулчеҳра кечирсин) ҳамласига туриб бера олмадим. Журъатсизлик қилдим. Мана шу қусурим болалигимда ҳам, талабалик пайтларимда ҳам кўп марта панд берган. Ҳар гал ўзимнинг ожизлигимдан хафа бўлиб, ич-этимни кемираддим. «Оғир бўлгунча оврув бўл» дейишган ота-боболар. Мана шу мақол айнан мен учун айтилгандек.

Дўхтирлар мени ҳеч нарса қилолмаслигини яхши биларди. Улар дастлаб мени суд билан кўрkitмоқчи бўлишди. Лекин қизга қўлимни ҳам теккизмаганимни сезгач, содда ва ишонувчан Нигорни қистовга олишди. Уни уят ва номусга қолдириш билан дағдаға қилишди. Нигор мактабда гап-сўз бўлиш, онасидан дакки ейишдан ҳам кўра, қаҳри қаттиқ акасидан кўрқиб йиғлаб юборди. Мен эса жимгина қўл ковуштириб турдим. Уни юпатишга ҳам ярамадим. Бечора қизга таскин берадиган бир оғиз сўз айтишга ярамадим. Бўлар иш бўлди. Энди буёғига нима қилишим керак, деган ўй менга тинчлик бермасди. Тонг отгунча бу манмашаларнинг ечимини топгандек бўлдим. Лекин яна кечикибман, поезд аллақачон кетиб бўлган экан. Мен эшелондан қолиб кетибман. Перронда ёлғиз қолган йўловчига ўхшардим шу топда.

Кунларим мазмунсиз ўта бошлади. Ўз уйимга сизмай қолганга ўхшардим. Кундан-кунга яланғочланиб бораётган табиат, қутилмаганда осмонни қоплаб олган қуюқ булутлар, изфирин шамол бат-

тар дилимни хира қилади. Назаримда, аста-секин бўй-бастим ҳам чўкиб, тобора кичрайиб бораётганга ўхшайман. Онамнинг ҳам диққати менда. Бояқиш ҳар куни умид ва хавотир билан қошқовоғимга қарайди. Мендан садо чиқавермагач, бояги «дўхтир келин» ҳақида ҳам, касалхонанинг дарвозаси олдида кўзи тушган ёшгина қиз ҳақида ҳам гап очишга журъат қилолмайди бояқиш.

Бир куни онам зимдан менга қараб кўйиб, бир чеккада турган каттагина сандикни очди. Бироқ ундан ҳеч нарса олмади. Ўшанда унга ич-ичимдан раҳмим келиб кетди. Онамнинг айби нима?

– Она, у ерда нимани ахтараяпсиз? – сўрадим ундан.

– Сенинг тўйингга деб йиққан чит-чеварларим булар... Ишқилиб, ўлимлигимга буюрмаса деб қўрқаман.

– Ундай деманг, она, сиз ҳали узоқ яшайсиз...

– Ўлмай, бу дунёга устун бўлармидим.

– Қани, тўплаган сарполарингизни бир кўрайликчи, – деб унга яқинроқ сурилдим. Онамни бунчалик умидсизлик гирдобига ташлаб кўйганим учун ўзимдан-ўзим каттиқ хафа бўлиб кетдим.

Онам дарров жонланиб қолди.

– Манави макентош қудамга, – деди у сарполарнинг устидаги кулранг плашни кўлига олиб.

– Қудангиз йўқ-ку...

– Нима? – онам чўчиб тушди. – Вафот этганими?

– Ўзимча айтаяпман... Агар йўқ бўлса, чиндан ҳам вафот этган бўлса...

– Шунда ҳам эркак қуданинг бизда ҳақи бўлади.... Отаси рози қилинмаса, бунақа қудандачилик узоққа бормади.

– Онасига нима берасиз?

– Манави жерси пальто қалай? Ёки hozир-ги аёллар бунақасини киймайдими? Лама ёқали пальтога кучимиз етмайди. Бунинг ҳам мўйнали ёқаси бор-ку.

– Бу ҳақда ўзингиз бўлажак келинингиз билан гаплашиб кўрарсиз. Мен бунақа нарсаларни тушунмайман, – деб аста ўрнимдан турдим. Ўтираверсам, онамнинг ҳамма буюмларни бирма-бир кўрсатгудек шашти бор. Мен онамнинг кўнгли учун сандикдаги латта-путталарни бирма-бир томоша қилиб ўтираверсам, бугун-эрта келин олиб келадигандек уни умидлантириб қўйишим мумкин. Шунисидан кўркиб, ташқарига ошиқдим.

Мен тезрок бахтли кунлар келишини кутар эдим. Лекин ўша кун сира келай демас эди. Қиш яқинлашиб, кунлар анча қисқариб қолган бўлса-да, менга жуда узоқ бўлиб туюларди. Куёш кечикиб ботади, тонг ошиқмай отади. Ҳар бир кундан қандайдир янгилик кутаман. Бироқ қанақа янгилик экани, қайси тарафдан, қай тарика етиб келишини ўзим ҳам тасаввур қилолмайман.

Эрталаб мактабга ошиқиб бораман. Кўнглимда «Бугун албатта бир янгилик эшитаман», деган илинж бўлади. Дарс пайтида эшик тақиллайди-да, навбатчи муаллим эшикдан мўралаб, мени ташқарига имлайди.

– Сизни бир қиз кутиб турибди.

– Қанақа қиз? – сўрайман ҳовлиқиб.

– Билмайман. Чиройлигина ёш қиз.

Бирдан хаёлимда Нигорнинг қиёфаси пайдо бўлади. Уят-ибони йиғиштириб қўйиб, ўзи мени излаб келган!

Бироқ бу умидларим пучга чиқади. Шундан сўнг уйга ошиқаман.

– Болам, боя почтачи бола манави хатни бериб кетди, – дейди онам остопада мени кутиб олиб.

Кўлимдаги китобларни унга бераман-да, шоша-пиша хатни очаман. Хуснихат билан ёзилган мактуб. Киз боланинг битиги экани аниқ! Одатда кизлар мана шупақа чап тарафга хиёл кийшайтириб ёзишади. Охирида Нигорнинг исмини кўриш учун букланган хатни текислайман. Шу пайт хатнинг ичидан бир сурат тушиб кетади. Онам мендан олдин ерга эгилиб, суратни олади. Нигорнинг сурати! У суратда жиддий, ўйчан бокиб турибди. Негадир чехрасида табассум йўқ... Ахир, қанақасига табассум қилсин! Демак, мактабда ўқитувчисидан ёки уйда акасидан дакки еган. Шунини сурат орқали менга билдириб қўймоқчи бўлган. Менга гинали бокиб туришининг боиси шунда!..

Ана шу сурат етиб келганида қанийди! Маломатга тўлиб-тошган бўлса-да, ундан икки энли хат олганимда қанчалик бахтиёр бўлардим. Уни қайтадан бағримга босгандек, қувончдан осмони фалакка парвоз қилардим. Бахтга қарши, буларнинг ҳаммаси менинг алдамчи ўй-хаёлларимдан бошқа нарса эмас.

Бундай изтиробли ўй-кечинмалар аста-секин менинг феъл-атворимга ҳам таъсир қила бошлади. Кун сайин жаҳлдор бўлиб бораётганга ўхшайман. Хали дарсларни тузук-қурук ўзлаштиришга кўникамаган бошланғич синф ўқувчиларининг саволларига номигагина, қискача жавоб бераман. Баъзан уларнинг озгина шўхлигини ҳам кўтаролмай, жеркиб бераман. Шундан сўнг болалар менга аввалгидек бемалол савол беролмайдиган, мавзунини тушунса-тушунмаса, оёзига талқон солиб ўтирадиган

бўлишди. Буни ич-ичимдан сезсам-да, эътибор бермайман.

Бир куни охирги партада ўтирган икки бола ниманидир талашиб қолди. Улар буни менга сездирмасликка ҳаракат қиларди.

– Узоқбой, ўрнингдан тур! – деб бақирдим улардан бирига. Одатда, у ўзининг шўхлиги билан бошқалардан ажралиб турарди.

– Муаллим, мен эмас...

– Тур деяпман сенга!

У жойидан туришга шошилмасди.

– Тезроқ кимирла! – деб столни муштладим. Столнинг устидаги китоб-дафтарлар бир сакраб тушди. Узоқбой ўрнидан учиб турди-да, йиғлаб юборди.

Мен ўша томонга юрдим. Бола кўрқувдан дағдағ қалтирарди. Бундоқ қарасам, боякиш кўрқанидан иштонини ҳўллаб қўйибди.

Унга раҳмим келди. Ўзимдан хафа бўлиб кетдим. Лекин ортга қайтгим ҳам келмади. Бунақа ҳолат ўқувчилик пайтимда ўзимнинг ҳам бошимдан ўтган. Иккинчи синфда ўқиётганимда мен ҳам муаллимнинг дағдағасидан кўрқиб, Узоқбойнинг аҳволига тушганман. Шу воқеадан сўнг бир ҳафта мактабга бормадим. Бир куни муаллим уйимизга келиб, мени мазали шоколад билан сийлаган ва кажавали мотоциклида дарсга олиб кетган эди. Ўшанда синфдошларим менга роса ҳавас қилишган.

Узоқбой ҳам уч кун мактабга келмади. Тўртинчи куни уларнинг уйига бордим. Ота-онаси билан бола тарбияси ҳақида гаплашиб ўтирдик.

– Узоқбой бувисининг эркатоёйи, – деди унинг онаси. – Бу уйда мушугини пишт дейдиган одам йўқ. Шунга сизнинг озгина уришганингизга хафа бўлган бўлса керак.

Менинг важоҳат билан бакирганимни улар қаердан ҳам билсин. Яхшиям, Узокбой ўша кунги воқеани уйдагиларга айтмабди. Эртадан уни алдаб-сулдаб мактабга юборишларини илтимос қилиб, ортга қайтдим.

Нигор менинг бундай аҳволга тушганимдан бе-хабар, унинг ҳоли нима кечганини мен ҳам бил-майман. Ортидан излаб боришга эса тортинаман. Хат ёзишим ундан ҳам хатарли. Чунки ёзган хатим муаллимларининг қўлига тушиб қолиши мумкин. У ҳам мактуб битай деса, менинг на фамилиямни, на яшаш жойимни билади. Бунинг устига, қиз бола деган номи бор. Хуллас, бит-та районда, яқин овулда бўла туриб, биримиз Мағрибда, биримиз Машриқда яшаётгандекмиз. Бу айрилиқнинг охири бормикин!

Шундай кунларнинг бирида кутилмаганда мен-га хат келди. Ҳаяжондан нафасим қисилиб, хатни очдим. Лекин мактубни Гулчеҳра ёзган экан.

«Салом, Мамбет!

Биламан, бу хатни олишинг билан дарров ҳафсаланг пир бўлди. Чунки сен бошқа қиздан нома кутган эдинг. Ҳазабдан тишингни тишингга босиб, истар-истамас менинг сўзларимни ўқишга киришдинг. Унда битилган ҳар бир сўз, яхшими-ёмонми, товонингга бигиз тикқандай оғир боти-шини ҳам биламан. Лекин сен чидашга мажбур-сан, бу мактубни ўқимасдан ташлаб юбора олмай-сан. Чунки хатда Нигор билан боғлиқ гаплар ҳам бўлишини яхши биласан. Ўша гапларимни ўқиганингда ҳаёлан уни кўргандай енгил тор-тасан. Ҳатто, буларнинг барчаси шунчаки хаёл эканини ҳам унутасан. Мен фолбин эмасман. Ле-кин ички сезгиларим шу вақтгача панд бермаган.

Мен Нигор икковингизни эр-хотин сифатида сира тасаввур қилолмайман. Сизлар бирга бўла олмайсиз. Балки бир умр бир-бирингизни кўролмай ўтишингиз ҳам мумкин. Қачондир менинг ҳақ экашимга иқрор бўласан. Бунга ишончим комил.

Биламан, ўша кунги ишим яхши бўлмади. Лекин нима қилай, ўзимни қўлга олишга кучим етмади. Рашк деган бало кўзимни кўр қилиб қўйган эди. Сен менинг ўрнимга ўзингни қўйиб кўра оласанми? Йўқ, бундай қилолмайсан! Сен аёл кишининг кўнглини тушунмайсан. Аёл кишининг рашки қанақа бўлишини тасаввур ҳам қилолмайсан. Аёллар биронтасини севса бир умр севади. Вақти келиб ана шу муҳаббати ҳам у билан бирга гўрга кўмилади. Яқинда бир профессор телевизорда гапириб қолди: «Дунёда учта нарса тушунарсиз эмиш. Шулардан бири – аёлнинг муҳаббати экан». У охирида бу фикрни чет эллик олимлар айтган деб қистириб қўйди. Балки бу ўзининг гапи бўлиши мумкин. Эрта-бир кун одамлар маломат қилиб, бошим ғавғога қолмасин деган ҳадикда хорижликларга нисбат бергандир, яна ким билади! Бу гапни ким айтган бўлса ҳам бекорларнинг бештасини сбди. Чет элликлар нима деса, ҳақиқат бўлаверадими? Ҳамма муҳаббатни ўзининг қаричи билан ўлчайди.

Рашк – муҳаббатнинг энг кучли сезими! Қиз сени бошқалардан рашк қилмадими, унинг «севаман, куяман» деган гапларининг ҳаммаси бекор! Бизнинг ота-боболаримиз бир-бирига бундай гапларни айтмаган. Достонларда ҳам бунақа чучмал сўзларни учратмайсан. Лекин уларда рашк, қизганиш деган тушунчалар бор! Одамзод бор жойда хиссиётлар ҳам яшайди. Бу нарса юрак-

да бўлади. У тилга чикмайди. Айниқса, аёл кишидаги рашк туйғуси! Бундай балодан худонинг ўзи сакласин. Дунёни остин-устун қилиб юборади рашкчи аёл! Ҳатто, у яхши кўрган одамнинг жонига қасд қилишдан ҳам тоймайди, «сенга ҳам йўқ, менга ҳам йўқ» дегандек... Сен тирик колганингга хурсанд бўлавер. Мени «муҳаббатдан бебаҳра, эркакшода аёл» деб ўйлаган бўлсанг керак. Ахир, сен менинг кўнглимдаги туйғуларимни англаб етмадинг. Мен таъноз қизларга ўхшаб жўртгага уялиб, ёлғондакам поз қилиб, «қайдам, ўйлаб кўрарман» деб ўтирмайман. Ҳақиқий муҳаббат ҳақида гап кетса, эртанги кун кўз олдимга келади. Ўткинчи туйғуларнинг умри қиска бўлади. Бир-бирига энтиқиб талшенишлар ҳам ошиб борса, биричи фарзанд дунёга келгунча давом этиши мумкин. Ундан уёғига эркакнинг бўйнига рўзгор бўйинтуруғи осилади, аёлниг елкасига рўзгор ташвиши тушади. Сенга севги изҳор қилаётган йигит эртага ўзининг оиласига бош бўла оладими, унга суянишинг мумкинми? – мана шулар ҳақида яхшилаб ўйлаб кўриш керак. Мен шундай дсб ҳисоблайман.

Яширмайман, сендан бурун ҳам менинг ортимдан юрган йигитлар бўлди. «Шу чокқача биронта йигитга тишимнинг оқини кўрсатганим йўқ», деб ёлғон гапира олмайман.

Тиббиёт билим юртида ўқиб юрган пайтларимда институтнинг тарих факультетидан бир йигит ортимдан тушди. Хафа бўлмагин-ку, у унча-мунча кизнинг эс-хушини ўғирлайдиган суксурдай йигит эди. Лекин феъл-атвори менга ёқмади. Унда сендаги каби одамгарчилик, мулоҳазакорлик, гапириш ва фикрлаш маданияти етишмас эди. Ал-

батта, бизнинг орамизда хеч гап бўлгани йўқ. Ҳагто, бирон марта қўлимни ушлатиб, у билан рақсга ҳам тушмаганман. Шунинг учун у мендан кўп марта хафа бўлди, бироқ эътибор бермадим. Аста-секин менинг муносабатимга қўникди.

Бир куни у мени синаб кўрмоқчи бўлди.

– Сен мендан бошқасига кўнгил қўйишинг мумкинми? – деди кечкурун хиёбонда ўтирганимизда.

Мен йўқ деган маънода бош чайқадим.

– Бу гапни тилингдан эшитишни истайман, – деди у.

– Тилим мана шу бошимнинг ичида-ку, – дедим кулиб.

– Барибир...

– Кўнгил қўя олмайман. Бўлдим! Кўнглингиз жойига тушдим?!

– Ҳа.

Одам келажакда ўзини нималар кутиб турганини билмас экан. Мана, мен сенга кўнгил қўйдим-ку! Бироқ ўша кезларда чиндан ҳам хаёлимда бошқа йигит йўқ эди.

– Хўш, агар мажбур бўлиб қолсанг-чи? – ўсмоқчилади у бироздан сўнг. Очигини айтсам, мен бундай саволни кутмаган эдим.

– Тушунмадим, – дедим унинг кўзларига тикилиб. У нигоҳини олиб қочди. – Уйдагилар мажбурлаб узатишса-чи, демоқчимисиз? Келган совчиларга ўзим жавоб бераман. Алпомишини кутган Гулбарчин қандай жавоб берган бўлса, мен ҳам ўша совчиларни бепасиб қайтараман.

– Бу гапларингдан хурсандман. Бироқ саволимнинг маъноси бошқачароқ эди.

– Очикроқ гапирсангиз-чи. Эркак киши дангал бўлиши керак.

Кейинги гапим унга оғир ботди.

– Мабодо зўравонларга дуч келиб қолсанг-чи? – деди кутилмаганда.

– Бир-икки эркакка осонликча куч бермайман.

– Ўзингни химоя қила олмаслигинг ҳам мумкин-ку?

– Нима, сиз шунақа бўлишини истайсизми? – дедим ковоқ уйиб.

– Йўқ. Фақат бундай пайтда ўзингни қандай тутишингни билгим келди.

– Иложсизликдан хиёнатга йўл қўйдим, деб ўла олмайман! – дедим-да жаҳл билан ўрнимдан туриб кетдим. У ҳам ортимдан эргашди.

– Нега унақа дейсан?! – деди билагимдан ушлаб.

– Нима дейишим керак эди?

– Мен сендан бошқача жавоб кутган эдим.

– Қанақа жавоб?

– «Сен учун ўлишга ҳам тайёрман» деб айтсан деб ўйлаган эдим.

– Демак, шундай қилсам тўғри бўлади, шундайми?

У бош чайқади.

– Хўп, мен шундай ахволга тушсам, ўзингиз нима қилган бўлардингиз?

– У ёғини мендан сўрама, – деди у.

– Нега сўрамас эканман?! Тўғриси айтинг!

У яна жим қолди.

– Нима қилишингизни ўзим айтайми? Агар бу воқеа менга уйланмаган пайтингизда юз берса, жанозамга ҳам бормасдингиз! Агар уйланган бўлсангиз, маърака-маросимимни ўтказгач, икки кўзингиз қизи бор уйларнинг эшигида бўларди. Шундай бўлгач, мен нега сизни деб ўлишим ке-

рак? Мен тупрокка аралашиб кетаман. Сиз эса бошқаси билан даври-даврон суриб яшайсиз. Шуми, муҳаббатга садоқат?.. Энди қўлимни қўйиб юборинг!

— Шундан сўнг анча пайт у билан гаплашмай юрдим. Ортимдан қолмади. Ниҳоят кечирдим. Бояги гап-сўзлар бироз унут бўлгач, уни синадим.

— Сиз келишган йигитсиз, — дедим уни мақтаб. — Қизлар бундай йигитларга ишқибоз бўлишади. Мабодо бир чиройли қизнинг сизга ишки тушиб қолса...

— Ахир, сен борсан-ку, — деди у менинг хафа бўлиб қолишимдан ҳадиксираб.

— Ўша пайтда ёнингизда мен бўлмасам-чи?

— Қайдам...

— Тўғриси айтаверинг, — дедим кулиб. — Мен ҳақиқатни гапирган одамдан хафа бўлмайман.

— Энди... — у бироз вақт ўйланиб қолди.

— Хўш-хўш?

— Йигитчилик — итчилик, дейишган.

— Аёлчилик-чи? Аёлчилик ўлим билан яқунла ниши керакми?!

— Тўғриси... Аёл кишининг таклифидан бош тортиш йигит учун номус ҳисобланади!

— Ўша пайтда мени кўз олдингизга келтирмайсизми?

— Қайтанга сен бу нарсадан ғурурланишинг керак, — деди йигит кутилмаганда. Буёғига у билан баҳслашиш ортиқча эди. Кўнглида бори тилига кўчган эди.

Ўша кеча бизнинг охириги учрашувимиз бўлди. Ўзи хиёнат қилиб, мендан диёнатни талаб қиладиган эркак билан бир ёстикқа бош қўйишни истамадим.

Лекин сен бутунлай бошқача эдинг. Одамнинг қанақа эканини бир кўришдаёқ билиш мумкин. Сен биронта қизни севсанг, бир умр севадиган йигитсан. Агар мен адашмасам, сен елкангдан итарса ҳам хиёнат кўчасига қадам қўймайсан. Бундай йигитга ёр бўлиш қандай бахт! Аммо сенинг кўнглингга йўл топиш жуда мушкул эди. Чунки сен нозиктабиат йигитсан. Сенинг бу фазилатинг ота тарафингдан ўтгандир балки. Ёки кўп китоб ўқиб, кўп ўрганганинг туфайлидир. Мен сенга ноз қиламан деб қовун туширдим.

– Лўли хотин менга «шу кунларда сен бир йигитни яхши кўриб юрибсан, бироқ у сенга уйланмайди деб айтди», дедим.

– Ким экан ўша яхши кўриб юрган йигитинг? – деб сўрадинг.

– Билмайман... Ҳарқалай, сен эмас, – дедим.

Ўйламасдан айтган ана шу бир оғиз гапим сени мендан узоқлаштирди. Бу гапни кўнглингга оғир олдинг. Менинг ёлғондакам нозим эди бу. Шундай десам мени рашк қилармикинсан, «нега ўша йигит мен эмас эканман!» деб бағрингга тортармикинсан деб хомтама бўлдим. Бироқ сен ундай қилмадинг. Ғалати бўлиб кетдинг. Балки мени яхши кўрмассан. Менинг сени яхши кўришимга ҳам зор эмасдирсан. Лекин «яхши кўрган одамим сен эмас» деган сўз ҳар қандай йигитга оғир ботишини кейин фахмлаб қолдим. Шунинг учун ҳам: «Барибир сенда қизларни ўзига тортадиган аллақандай сеҳр бор. У қандай сеҳр эканини билмайман, лекин аста-секин ана шу сеҳрнинг таъсирига тушиб қолаётганга ўхшайман», – дедим. Афсус, бу хушомадим аввалроқ ўйламасдан айтган гапимнинг аламини ювиб кета олмади.

Ўйламасдан айтилган бир оғиз сўз юракка тузалмас жароҳат етказиши мумкинлигини яхши билман. Бир сафар Гуля менга ана шундай оғир гап айтган эди. Ўша хотинни халигача кечира олмайман. «Сенда аёлларга хос назокат йўқ, сен улкан қолип билан қуйилган тўртбурчакли фишга ўхшайсан», деган эди. У ҳам бу гап менга оғир ботишини англамади. «Яқинда ўқишни битириб келган қиз, кўзи очилмасдан бурун кўрқитиб қўяман», деб ўйлаган бўлса керак. Кўрқитиб бўпти! Унга фиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўйдим. Ўртамизда «иккинчи жаҳон уруши» бўлиб ўтди. Гуляни юмма талаб ташладим. Бояқини шундан бери мен билан юзма-юз келиб қолишдан кўрқади. Дуч келиб қолгани билан уришавермайман. Унинг оғзи енгил. Уятсиз гапларни кўп гапиради. Ўзининг шу феълени яхши билгани учун мендан узоқроқ юришга ҳаракат қилади.

Ксйин билсам, Нигор икковингизни ўша таништирган экан. Сенинг мен билан бирга автоклубга қатнаб юрганингни эшитиб, ўзича мендан ўч олмоқчи бўлган. Ниятига етди, чаён! Бир душман ўз мақсадига эришини учун нима қилиши керак бўлса, ҳаммасини қилди. Мени муҳаббатимдан айирди. «Бир-икки марта гаплашган билан ўртамизда муҳаббат пайдо бўлиб қоларканми?» – деб ўйлама! Мен сени яхши кўриб қолганман. Сен яхши кўрмасанг ҳам мен яхши кўраман. Бунга ҳаққим бор бўлса керак!

Мен турмушга чикдим. Бир ҳафта бўлди. Жуда бўлмаса, шу гапимга хафа бўларсан?! Кимга деб сўрамайсанми? Бўрибойга! Қўйдаи ювош бўлган ўша Бўрибойга эрга тегдим. Учинчи марта ҳам йўқ деганимдан сўнг онам мени қаттиқ койиди. «Берган оқ сутимга рози эмасман», – деди.

– Болам, онангни норози қилма, – деди саксон тўрт ёшга чикқан тоғам.

– Сен ҳам менинг бир фарзандимсан-ку, – деди мени келин қилишга орзуманд холам. – Хўп дея қол, ўзим сени бошимда кўтараман.

Уларга раҳмим келади, лекин Бўрибойни севолмасам нима қилай! «Эрингни кейинчалик яхши кўриб кетасан, болаларинг овунчоқ бўлади», – дейишарди бошидан ўтказган аёллар. Шу гаплар билан ўзимни овутиб, ниҳоят рози бўлдим. Шундай қилиб, мен энди келинчакман. Овулэлнинг ҳаммаси «қутлуғ бўлсин»га келишаяпти. Рўмолимни кўзимга тушириб олиб, гоҳ уларга чой дамлайман, гоҳ қозон осаман.

Бу хатни чимилдикда ўтириб ёзаяпман. Бўрибой нарироқда шифтга унсиз термулиб ётибди. Нима ёзаяпсан, кимга ёзаяпсан деб сўраш ҳам хаёлига келмайди. Эр дегани ҳам шунақа бўладими?!

«Майли, онамни рози қилиш учун вақтинча севмаган одамим билан бирга яшаб тураман», – деган ўйга бордим. Энди яна ўйга ботганман. Онамнинг кўзи юмилди деб кетиб қолсам, манави бояқиш кампирнинг, яъни холамнинг аҳволи нима кечади? У ҳар куши таомдан сўнг қўл ёзиб, «Эй, худойим, марҳаматингни дариф тутма, узоғидан қувонтиргайсан», деб дуо қилади. Менинг йўқ жойдан баҳона топиб, кетиб қолишимдан кўрқади. Шунинг учун бу кампирнинг ҳам паймонаси тўлишини кутишим керакми? Мен қанақа бемехр одамман! «Бировга ўлим тилагунча, ўзингта умр тила» дейишган. Ҳаммаси йўлимга тўсиқ бўлиб турган бўлса, мен нима қилишим керак?!

Хўп, вақти-соати етгач, у ҳам худонинг даргоҳига кетди, дейлик. Кейин нима қиламан? Сен-

га тегиб оламанми? Қиз вақтимда уйланмаган йигит, эрдан чиққан жувонга уйланармидинг? Бунинг учун сенинг ҳам «туянг кўприқдан қайтиб ўтиши» ксрак. Балки сен ҳам ўзинг ёқтирмаган биронта кизга вақтинча уйланарсан... Лекин буларнинг бари шунчаки хомхаёл! Бундай телбатескари хаёлларга берилганим учун ўзимни ўзим ёмон кўриб кетаман. Бундай хиссиётлар хатга сирмайди. Қанийди, икковимиз тонггача ўтириб сирлашсак! Олдимизда бошқа ҳеч ким бўлмаса. Бир жуфт кумридай бўлиб ўтирсак... Сендан бошқа ҳеч нарса тама қилмасдим!

Хатимни қандай тугатишни билмаяпман. Ҳали айтадиган гапларим кўпдек туюлади. Бир боғдан, бир тоғдан келиб, ҳаммасини чалкаштириб юбордим. «Ёмон чинини айтаман деб, сириши айтади» деганларидай, сендан бурун ҳам яхши кўрган йигитим бўлганини айтиб қўйдим. Лекин у ўткинчи муҳаббат эди. Балки, муҳаббат дейишга ҳам арзимайдиган бир нарсадир. Лекин сени... яхши кўраман... Чиндан ҳам яхши кўраман!

Қўлимга қалам олишдан биринчи мақсадим, сенга кўнглимдаги гапларни айтиш бўлса, иккинчиси – кечирим сўраш эди. Сени айрилиқ дардига гирифтор қилганим учун кечир! Шу ишим учун сира ўзимни кечира олмаяпман. Бироқ сен кечир. Ўзимни ўзим кечиролмаслигимнинг ўзи мен учун оғир жазо эмасми! Бу ишимнинг оқибатини ўйламабман. Шундай қилсам, Нигор овулига қайтиб, сен меники бўлиб қоласан деб хомхаёл қилибман. Бироқ ҳаммаси аксинча бўлди. Эрталаб Раҳима опа тўс-тўполон қилиб юборди. Муштдайгина қиздан панд еганига чидолмай, дарров телсэфонга ёпишди. Лекин қаерга, нима деб теле-

фон қилишни билмай, гўшакни отиб юборди. Мен уни жойига қўйдим. Асет оға бўлганида бундай воқеа юз бермас эди. «Жудаям ношудсан, — дерди менга. — Мен сенга қармоқни яхшилаб ташла деган эдим. Буни эплолмаган бўлсанг, айб ўзингда». Балки Асет оға бўлганида мен сизларни «айб устида» тутиб олишга журъат қилолмаган бўлармидим...

Афсус, Асет оға энди йўқ. Яқинда у вафот этди. Кетиб қолгани учун аччиқ устида айтаётганим йўқ бу гапни. Асет оға ростдан ҳам ўлди. Бу нохуш хабарни сенга айтмоқчи эмас эдим. Унинг исми тилга олингандан сўнг буни яширишнинг чорасини тополмадим. Улар транзит чипта билан уч кундан сўнг Сожиданинг юртига учишлари керак экан. Иккаласи аэропортнинг меҳмонхонасига жойлашган. Иккинчи куни тонгда Асет оға уйқудан уйғонмайди. Ўлимнинг сабабини дўхтирлар ҳам аниқлашолмаган. Юраги тўхтаб қолганмиш, тамом! Элидан айри тушаётганини кўтара олмаганми, яна билмадим. Сожида ҳам эркакдай аёл эмасми, эрининг жасадини элга етказди. Уйини сотиб олган одамлар ҳали кўчиб келишмаган экан. Ўша ерда жанозаси бўлди. Биринчи маъракаси куни касалхонадан бир автобус бўлиб бордик. Сожида ҳаммани йиғлатди. Асет оғанинг оёқ учида ўтириб, юзини ерга берганча айтиб-айтиб йиғлади. «Мен сени бахтсиз қилдим, эвазига ўзим ҳам бахтсиз бўлдим», деди. Менинг борар ерим дўзах, деб йиғлади! Вужудим дўзах ўтида куйса, жоним ором топар эди, деб дод солди. Одамлар уни зўрға ўрнидан тургазишди. Бояқишнинг аҳволини кўрсанг раҳминг келарди.

Асет офанинг маъракаларини бериб бўлишгач, ўша кўчанинг бийи Сожидани бизнинг олдимизга бошлаб келди.

– Келин, – деди уни ёнига ўтказиб. – Бу одамлар раҳматли Асетнинг ҳам, сенинг ҳам касбдошларинг бўлишади. Ҳаммаси Асет билан туғишгандай яқин бўлиб кетишган эди. Эрингнинг қолган маъракаларини улар билан бирга ўзимиз ўтказамиз. Сен юртингга кетмоқчи бўлсанг, йўлингни берсин. Ортингга қараб алағда бўлма. Қудаларга биздан салом айт. Бизда «кудачилик – минг йилчилик» деган нақл бор эди, лекин биз шу нақлга мос куда бўла олмадик...

– Бу нима дегашингиз? – деди Сожида кўча бийининг гагини бўлиб. – Мен ҳеч қасққа кетмайман. Эрли хотиннинг макони – унинг тушган ери бўлади. Боя қабристонга борганимда Асетнинг ёнида бир парча жойни кўз остимга олиб келдим. Вақти-соатим етса, мен ҳам шу жойда ётаман. Тириклигида унинг ўзини бахтсиз қилганим камми? Энди болаларини ҳам бахтсиз қилайми? Бу гўдаклар у ёкларда ким билан ўйнайди? Ким билан гаплашади? Ким билан сирлашади? Умри азобда ўтади-ку! Бормайман ота-онамнинг олдига. Уларнинг ҳам тўридан гўри яқин бўлиб турибди. Мени тушунишар, тушунмаса ҳам ўзлари билади. Тупурдим шу қавмининг беҳуда ирим-сиримларига. Агар ҳамкасбларим ишга қайтариб олса олар, олмаса писта-сақич сотиб ҳам кунимни кўрарман. Уйнинг пулиши қайтариб бераман. Бир сўмини ҳам сарфлаганим йўқ.

Сожиданинг гапларидан ҳаммамиз онг-тонг бўлиб қолдик. Унинг юртида йўқ ирим-сиримлар бор экани биз учун жумбоқ эди. Сожида доим

Ўзини бошқалардан четга тортиб юргани учун ҳеч ким у билан очилиб гаплашмасди. Бироқ: «Мен Асстнинг ёнига кўмиламан», деган гапидан сўнг ҳамманинг кўнгли юмшаб, унга нисбатан бегоналик ҳисси йўқолди.

Мияси айнаган кампирга ўхшаб бир гапни гапириб туриб, бошқасига ўтиб кетаман... Шундай қилиб, менинг ташвишларим ҳам ўтмишга айланиб борапти. Агар лўли хотиннинг фоли тўғри чиқса, мен Бўрибойдан фарзанд кўрмайман. «Фарзанд – аёлнинг қозиви», дейишади хотинлар. Демак, бизнинг ўртамизда бунақа қозик бўлмайди. Мен барибир сени излаб топаман. Ўшанда сен кимга уйланган бўлсанг ҳам ундан тортиб оламан. Энди калаванинг учини йўқотадиган аҳмоқ йўқ!.. Қўрқиб кетдингми? Хавотирланмай кўя қол, мен шунақа аҳмоқона хаёллар билан ўзимни овутаман!

Фақат сен мени кечир. Мендан хафа бўлма! Шусиз ҳам кўнглимда чўкиб ётган армонларим оз эмас. Сени бир умр севиб қолувчи Гулчехра».

Бу хат менинг кўнглимда Гулчехрага нисбатан ҳеч бир илиқ туйғу уйғотолмади. У билан автоклуб ёнида суҳбатлашиб ўтирган дамларимизни ҳам эслашни истамадим.

Тўғриси айтсам, Гулчехранинг кўн гапларига унчалик ишонмадим. «Мен ғайбарман, эркаксифатман» дегани билан, барибир у ҳам аёл эди. «Бир аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади» дейишган, унинг ўзини фариштадек кўрсатишга уриниши ҳам ана шу маккорликнинг бир белгиси бўлса керак. Тўғриси, бу хатни ўқигач, кўнглимда унга нисбатан қандайдир ёқимсиз ҳиссиёт пайдо бўлди. Унинг менга кўнгли қўйиб улгуришга вақти ҳам

бўлгани йўқ. Балки у ўша «суқсурдай йигит»дан айрилиб қолгандан сўнг ўзининг ўринсиз кекчилигидан ўкиниб, унга ўхшаган бошқа бир йигитни учратиб илинжида юрган бўлса керак. Ана шунда мен унга дуч келганман. Албатта, мен «суқсурдай йигит» эмасман. Лекин чидаса бўлади. Афтидан, Бўрибойдан кўра тузукроқ бўлсам керак. У шуни яхши билади. Лекин Гулчехра бир нарсани эътиборга олмаган. Менга: «Сен аёлнинг кўнглини тушунмайсан», — деб гина қилганидек, у ҳам эркак кишининг қалбини англамайди. У аёл кишига қандай баҳо берса, эркакларга ҳам худди шундай назар билан қарайди. Ахир, одатда кизлар ҳеч қачон яхши кўрганини йигитга сездирмайди. Муҳаббатини сир тутгани сайин йигит унинг ишқида куйиб-ёнади. Керак бўлса, бу йўлда жонини фидо қилади. Биринчи бўлиб муҳаббат изҳор қилган киздан йигитлар ўзини олиб қочади. Гулчехра мана шу нарсани билмас эди. Шунинг учун ҳам унинг: «Мен сени яхши кўриб қолдим... Сен севмасанг ҳам мен барибир аҳдимдан қайтмайман», — деган гаплари менга эриш туюлди.

У нима учун менга бу хатни ёзди? Чинданам ғалати қиз. Бунақа эркакшода табиати билан яна «ўзим танлаган йигитга тегаман» деган умидда яшаши қизиқ. Лекин бу нияти амалга ошмади. Хаста онасининг дийдиёлари, кўпни кўрган тоғасининг, кекса холасининг илтижоларига дош беролмади. Энди буёғига аста-секин тақдирига тан беради. Ҳозирча у ўзини фариштадек беғубор қилиб кўрсатишга уринаяпти. Бўрибойнинг бўшанглиги боис ихтиёри ўзида. Фақат бир нарсага ишонаман, у асло хиёнат кўчасига кирмайди.

Яхши кўрмаса ҳам Бўрибойнинг ўчоқбошисини булғамайди.

Биламан, унинг Нигорни кўргани кўзи йўқ. Мени хафа қилиб қўймаслик учун у ҳақда тил учида бир-икки оғиз гапириб ўтган. Аслида, юраги унга нисбатан кин-адоватга тўлиб кетган бўлса керак.

Гулчеҳра ростдан ҳам ноҳақ эди. Мен унга оғиз солмаганман. Рўйхуш ҳам билдирганим йўқ. Ўзининг ҳам менга кўзи учиб тургани йўқ. У фақатгина қариқиз бўлиб уйда ўтириб қолишидан, қолаверса, онасининг мажбурлаб бўлса ҳам Бўрибойга узатиб юборишидан хавотирда эди. Шунинг учун мен истасам, ортимдан эргашиб кетишга ҳам тайёр эди. Лекин бу нарса амалга ошмади. Ақсинча, анчадан бери ўзини ташвишга солиб юрган воқеа юз берди. У шунисидан аламда эди. Хат орқали бўлса-да, ўтмишини эсга олиб, ўзига таскин беришни истаган. Бу гапларни ишониб айта оладиган мендан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Хуллас, у хатда дардларини тўкиб солиб, юрагини бўшатиб олди. Бироқ мен буни қабул қила олмадим. Унинг хасратларидан ҳам кўра Асет оғанинг ўлими ҳақидаги нохуш хабар мени кўпроқ ларзага солди.

Асет оғага жудаям раҳмим келди. Сожида бизнинг элнинг қонун-қоидаларига бўйсунмайдиган қандайдир бир чет эллик жувонга ўхшарди. Уларнинг оиласи бу ерда вақтинча, омонат яшаётганини англаш қийин эмас эди. Асет оға эса хазилхузул билан кўнглидаги пинҳоний изтиробларни бошқалардан яширишга, шу йўл билан ўзига-ўзи таскин беришга ҳаракат қиларди. Унинг ҳаётидаги машъум сирдан кўпчилик беҳабар эди. Энди

бу сирларнинг ҳеч кимга қизиги йўқ. Сожида ҳам тақдирга тан берди. Бир кун келиб Гулчехра ҳам тақдирга тан беради. У ҳозирданоқ ўзини шунга тайёрлаяпти. Орадан бир-икки йил ўтгач, ўша суқсурдай йигитни ҳам, мени ҳам бутунлай унутиб юбориши аниқ.

Нима бўлганда ҳам Гулчехранинг хати мени худди ғафлат уйқусидан уйғотиб, Пигор билан учрашишга бўлган иштиёқимни баттар алангала-тиб юборди. Гулчехра янги келинчак бўла туриб менга хат ёзишга журъат этганда мен йигит бо-шим билан Пигорни кўришнинг чорасини топол-маганимдан уялиб кетдим. Буёвига бир кун ҳам кутиб ўтиришга тоқатим қолмади.

Эртаси куни Пигорнинг овулига қараб йўл олдим. Акаси йўлимга қўшотар милтик ўқлаб чикса ҳам унинг ҳолидан хабар оламан! Пигорни кўраман, у билан дийдорлашаман!

15

Жиянғалининг овулига кириб борганимда хали уфқда шафақ қизариб турар, йўлда дангдан қайтган поданинг ортидаш кўтарилган чанг-тўзон босилиб улгурмаган эди. Эшакка оёғини осилти-риб миниб олган болалар уёқдан-буёққа чопишади. Улар подадан қайтмаган молларини излаб юриб-дими ёки шунчаки ўйинқароқлик қиляаптимми, бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Кечки овул манзараси жуда тароватли. Эрта баҳорда туғилган кўзи-улоқлар даладан қайтган қўй-эчкиларнинг хидини сезиб, кўра ичида жон ҳолатда маъраганча югуради. Улардан бири аллақандай тирқиш топиб кўрадан отилиб чиқади.

Ортидан бошқалари ҳам эргашади. Бузоқлар арқонини тортқилаб ингичка овозда мўърайди. Елини сутга тўлган сигирлар подадан айрилиб, боласи томон югуради. Қўраларнинг атрофида қўй-эчкиларнинг туёғи остидан қўтарилган чанг ботаётган қуёшнинг юзига парда тортади.

Шом пайтида овул ўз ташвиши билан банд бўлади. Одамлар мол-ҳолини саранжомламасдан уйига қирмайди. Аёллар қозоннинг тагидаги оловни пасайтиради ёки биратўла ўчириб қўяди. Бунақа пайтда ҳеч ким овулга келган бегона одамни пайқамайди. Мен ана шундай беҳаловатлик ҳукм сураётган вақтда у ерга кириб бордим.

Йўл бўйи Нигор хақида сурурли ўйлар суриб келдим. Унинг китоб дўконидаги қизнинг портретига ўхшаш умидида сариқ шойи қўйлак кийиб, бир тутам сочини чап елкасидан пастга ташлаб қўйиши, елкаси елкамга тегиб кетганида вужудига титроқ киргани хаёлимдан кетмас эди. Унинг Раҳима дўхтирнинг қаршисида чорасизликдан йиғлаб юборганини эслаганимда уят ва аламдан терлаб кетаман. У ана шу чорасиз ҳолатида ҳам жуда гўзал эди, юзидан оқиб тушаётган қўз ёшлари чечакка томган ёмғир томчилари сингари беғубор эди.

Ўшанда Нигор дахлизга чиққандан кейин бирдан ўзини қўлга олди. Йиғлашни бас қилди. Ортига бурилиб ҳам қарамади. Унинг изидан бориб, далда беришга, кўнглини қўтаришга журъатим етмади. Уни шу қўйга солиб, энди қандай юпатишни билолмай гаранг эдим ўшанда.

Шундан бери орадан бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Мен соғинч азобида азоб чекаяпман. Балки у ҳам мени соғинаётгандир. Мени кечирган

бўлса керак. Ахир, ҳақиқий ошпик ёридан гина қилмайди.

Нигорнинг қўшалок челақ кўтариб «Бўз ёп»нинг рошига кўтарилиб келаётган ҳолати кўз ўнгимда пайдо бўлди. Эғнидаги қизил кўйлаги кечки қуёш нурларида чўғдай товланади. У юқорига чиқа туриб беихтиёр ортига бурилиб қарайди. Шу пайт менга кўзи тушади.

– Ҳов, сизмисиз? – дейди бсихтиёр ажабланиб. Гапимни ўзгалар эшитиб қолмадимикин деган хавотирда атрофга аланглайди.

– Ҳа, менман, – дейман унга талпиниб. – Мана, келдим. Сени излаб келдим!

– Секинроқ, биров эшитиб қолиши мумкин, – деб у овул тарафга ўғринча қараб кўяди.

Сўнг мен томонга унсиз кела бошлайди. Менинг тилим калимага келмайди. Бу ерга келгунча кўнглимга тугиб келган гапларим ҳам эсимдан чиққан, гунгу лол туриб қоламан. Фақатгина уни бағримга босгим келади. Лекин бу ерни овул деб қўйибди. Хали атроф ёруғ. Қанийди, қуёшни арқон билан боғлаб, дастга тортиб олсам. Шунда тезроқ қоронғи тушиб, менинг ҳам муродим хосил бўларди!

Мен унга яқинлашаман.

– Одамлар кўринаяпти. Уят бўлади, орқароқда юринг, – дейди у.

– Унда пастдан юрайлик.

– Пастда йўл йўқ-ку.

– Ўзим олдинда йўл очиб юраман.

– Ўроқ бўласизми? – деб пиқиллаб кулади Нигор.

– Ҳа! Икковимизнинг олдимиздан чиққан хар қандай тўсиқни ўриб-супуриб ташлайман.

Овулга кириб келишим билан бундай ширин хаёллар мени тарк этди. Овулда кечки пайт кизларни сувга юборишмайди. Бунақа вақтда сув парилари чўмилармиш. Парилар ўзига халакит берган одамга зиён етказади, деган гап юради. Бунинг рост ёки ёлғон эканини ҳеч ким аниқ билмас-да, ҳар эхтимолга қарши эхтиёт бўлишади. Лекин Нигорга ҳеч бир пари зарар етказа олмайди. Қайтанга парилар унинг гўзаллигини кўриб, уялганидан дарров сувнинг тубига кириб кетса керак!

Мен Жиянғалини қора тортиб келаётган эдим. У билан қиёматли дўст тутинган бўлмасак-да, харкалай анча кадрдон бўлиб қолдик, кўчада қолдирмас. Бир ой бир товоқдан овқат едик. Бир-биримиз билан хангомалашдик, хазиллашдик, шахмат ўйнадик. Қолаверса, Нигор билан орамизда бўлиб ўтган гаплардан ҳам унинг хабари бор. Энди фақатгина унинг ёрдамига суянишим мумкин. Бошқа чорам йўқ. Тўғридан-тўғри Нигорнинг эшигини қоқиб бора олмайман. Бунга баҳонам ҳам йўқ. «Худойи кўнок»нинг замони аллақачон ўтиб кетган.

Менинг кеч бўлганда уйига кириб боришим Жиянғалининг уйидагиларни хайрон қолдиргандай бўлди. Улар мени қандайдир бир узок қариндошидан хабар келтирган одам деб ўйлашдим, бир-бирига савол назари билан қаради.

– Ҳав, Мамбетназармисан? – деди бироздан сўнг Жиянғали ўрнидан туриб. Пиёлага чой қуяётган хотини Чинор ҳам у билан бирга қаддини ростлади.

Салом-алиқдан сўнг Жиянғали мени ўзидан юқорига, онасининг қаватига ўтказди.

– Она, бу Мамбетназар деган журам, касал-хонада бирга ётган эдик. Еттинчи овулдан, ўзи муаллим, – деб у мени онасига таништирди.

– Еттинчи овулдан... Ҳалиги Қосимнинг овулими?

– Шундай бўлса керак, Қосим деган одам ўтган дейишади...

– Сен билмайсан, уни кўрмагансан. Биз ҳам янги тушган келинчак эдик у пайтлар... «Қосим келаяпти» деса, йиғлаб турган гўдаклар ҳам тинчиб қоларди. Келин, йигитларга ўзингизнинг уйингизда алоҳида жой солиб бера қолинг, бемалол гаплашиб утиради.

Чинор чойнакни кампирнинг олдига қўйиб, ташқарига чиқиб кетди.

– Мен ҳозир келаман, – деб Жиянғали ҳам унинг ортидан эргашди.

– Ана, мен бошимдан ўтганини айтсам, булар эртақ деб ўйлайди. Илгари сизларнинг овулингизни «Ударник колхоз» дейишарди. Ҳамма овулнинг хотин-халажларини тўплаб, «Ударник колхоз»нинг планини бажарамиз», деб пахтага олиб боришарди. Қўлларимиз совуқдан ёрилиб, қорнинг остидан кўрак терардик. Кечқурун уни печканинг бошига олиб келиб, чўвиймиз. Эй, болам-ей, бошимиздан не кунлар ўтмади... Отанг борми?

– Йўқ. Илгарироқ қайтиш бўлган.

– Ҳа, факиргина... Бизнинг хўжайин ҳам касал бўлиб ёта-ёта олтмиш уч ёшида у дунёлик бўлди. Эркак одам олтмишида қартаймади-ку. Онанг борми?

– Бор.

– Яхши... Онанг сенинг қўлингда бўлса керак?

– Мен унинг қўлидаман, – дедим қулиб. – Ҳали уйланганим йўқ.

– Уйланарсан, болам. Ҳали ёш экапсан. Биз отаси келин кўриб кетсин деб Жиянғалини ўн тўққиз ёшида уйлаштирдик. Бундан олдингиларининг ҳаммаси киз туғилди. Раҳматли чолимнинг феъли тезроқ эди. «Қизингни уйингга бориб туғ», деб иккиқат пайтимда тўркишимга жўнатиб юборган. Шунинг учун исмини Жиянғали қўйганмиз. Дастлабки пайтларда келиннинг ҳадсб мен билан тортишиб қоладиган одати бор эди. Ёш-да ҳали!

Кампирнинг энди гап халтаси очилиб келаётганида Чинор кириб, мени париги уйга бошлади. У ерда дастурхон ҳурматли меҳмонларга аталгандек хийла кенг ёзилган экан. Ўртада икки шиша арок ҳам қўйилган.

Жиянғали икковимиз ёлғиз қолгач, бир муддат уёқ-буёқдан гаплашиб ўтирдик. Лекин гурунгимиз унча қовушмади.

– Энди жўра, ростини айт, – деди Жиянғали жиддий тортиб. – Қўноқ ошинг қозонда қайнаб турибди. Курка сўйдим. Бу ерга келишинингнинг сабабини билсам бўладими? Ҳарқалай, мени соғиниб келмаган бўлсанг керак?

– Ростдан ҳам сизни соғиниб келдим, – дедим қулиб.

– Қўйсанг-чи! Гапни айланторма. Касалхонада кечкурунлари Нигор билан учрашиб юрганингдан хабарим бор. «Ҳам дойимни, ҳам тойимни кўраман» деб келгансан, тўғрими?

– Агар шундай бўлса...

– Агар шундай бўлса, бу ниятингни тилингда чиқарма. Овулда гап ётмайди. Ўзингдан ҳам кўра, кизнинг ор-номусини ўйла. Тонг отгач, жимгина ортингга қайтавер.

– Мен сизга орқа қилиб келсам, айтган гапингизни қаранг!

- Нима қилишим керак? Нигор билан сени учраштириб, икковингизга «янғалик» қилайми?
- Ўзингиз эмас, янғам қилсин бу ишни.
- Йўқ, у ҳам ёрдам беролмайди.
- Оббо, нега бунча ҳадиксирайсиз? Ахир, биз феодал даврда яшаётганимиз йўқ-ку!
- Жиянғали жимиб қолди. Ростини айтсам, буёғига нима қилишни ўзим ҳам билмасдим. Пиёлада чой совуди. Дастурхонга қўл узатмадик.
- Унда қандай маслаҳат берасиз? – дедим бир муддатдан сўнг. – Нигор сизнинг кариндошингиз эмас. Шундай бўлганида бу масалада сизга оғиз очмаган бўлардим. Ҳарқалай, сизнинг «туянгиз кўприқдан ўтган», менга йўл-йўриқ кўрсатинг.
- Жиянғалидан бу гал ҳам садо чикмади.
- Яна беш-олти ой кутиб турсанг нима қилади? – деди у бир муддатдан сўнг. – Майнинг охирида мактабда дарслар тугаб, Нигор аттестат олади. Сўнг Нукусга ўқишга боради. Ана шунда ҳаракат қилсанг маъкулми дейман. Қирқига чидаган, қирқ бирига ҳам чидайсан.
- Мен беш-олти йил кутишга ҳам тайёрман. Факат шу гал у билан бир мартагина гаплашсам бўлди. Қиз билан гапни бир жойга қўйиб, қаерга хат ёзишини айтсам...
- Қайдам... – деб елкасини қисди Жиянғали.
- Икковингизни қандай учраштираман экан... Манавидан ичасанми?
- Йўқ. Бирон чорасини топмагунингизча ичмайман.
- Чорасини тополмасам-чи?
- Унда кўноқ ошини ҳам емай ортимга кайтаман.
- Жуда ҳақдингдан ошдинг-ку, – деди у кулиб. – Қиз сенга керакми, менгами?

- Менга керак.
- Сенга керак бўлса, бирон йўлини айт. Фақат янгичилиқ қиласан дема.
- Айтсам бажарасизми?
- Ҳаракат қиламан.
- Бунақаси кетмайди. Менга ваъда беринг.
- Оббо, ўзиям гирибонимдан олдинг-да. Хўп, ваъда бераман.
- Унда Нигорнинг акасини бу ерга чақиртиринг.
- Нима?! – деб у чўчиб тушди.
- Жўрам меҳмонга келибди, бирга гурунглашамиз, деб айтинг.
- У билан гурунглашиб барака топмайсан. Битта гап камлик, иккитаси кўплиқ қилади.
- Мен кўнглини топишга ҳаракат қиламан.
- Нима қиласан? «Мен сенинг синглингни яхши кўриб қолдим. Совчи юбормоқчиман» дейсанми? У ҳам синглисига эр топилганидан хурсанд бўлиб қолади деб ўйлайсанми?
- Бир иложини топарман.
- Барибир айтасан, мен билиб қўйишим керак.
- Манави, ичкиликка тоби қалай?
- Ёмон эмас.
- Унда ҳаммаси яхши бўлади. Бир-икки шишани юмалатганимиздан сўнг у обдан очилади. Икковимиз ўзимизни тийиб ўтирамиз. У ҳеч нарсани сезмайди. Икковимизни навбатма-навбат кучоқлаб, юзимиздан ўпа бошлайди. «Жўра, эртага кўнокни олиб бизникига борасан» деб таклиф қилади. Ана шунда мен Нигорни кўриш бахтига муяссар бўламан. Шунинг ўзи менга етарли.
- Нима бўлганда ҳам бошланғич синф муаллимисан-да, ёш болага ўхшаб фикрлайсан! Бир нарсани эсдан чиқарма, Бойжон биринчи синфда ўқимайди, у аллақачон мактабни битирган...

– Ким дедингиз?

– Бойжон. Нигорнинг акасининг исми шунақа. Жиянғали заҳарханда кулиб қўйди.

– Устимдан кулаверманг. Сиз барвакт уйлангансиз, шунинг учун муҳаббат нима эканини яхши билмайсиз. Чинор янгамни ота-онангиз олиб берган.

– Онам сенга ҳам дардини дастурхон қилиб улгурибди-да, – деб у лаб-лунжини йиғиштириб олди. Сўнг «Бийсанғали!» деб нариги уйдан укасини чақирди. Шу заҳоти укаси хонага кирди. – Бойжонни чақириб кел.

– Нима деб айтай?

– Уйга меҳмон келган эди, шунга акам чақираяпти, де... Йўқ, ундай дема, шунчаки акам чақираяпти, десанг етади. Илгари бирон марта меҳмон келганида чақирмаганман, ишонмаслиги мумкин.

Бийсанғали кетди.

– Ростини айтсам, Мамбетназар, Нигор билан Бойжон бир ота-онадан тувилганига ишониш қийин, – деди Жиянғали. – Нигор жуда фаҳм-фаросатли, овулнинг олди қизларидан. Бироқ Бойжон... У ўтирган давра жанжалсиз тарқамайди. Мабодо ниятингни пайқаб қолиб, оғзи-бошингни қора қонингга белаб жўнатса мендан хафа бўлмайсан. Мен у билан номигагина жўрачилик қиламан. У билан кўпам яқинлашаверма.

Бойжон кўп куттирмади.

– Э-э, дастурхон жуда тўкин-ку, – деди у уйга кириб келгач, кайфияти кўтарилиб. – Бунинг ҳаммаси мен учун бўлса керак?

– Қўноғимиз бор, – деди Жиянғали менга имо қилиб.

Бойжон шундан сўнг менга диққат билан қаради-ю, шу заҳоти юзидаги қувончдан асар ҳам қолмади. Биз бир-биримизни таниган эдик.

* * *

Мақтабни битиргач, институтга ҳужжат топширдим. Бу ишларнинг ҳаммасини акам зиммасига олди. Айниқса, нотариусдан ҳужжатларни тасдиқлаштиришнинг турган-битгани даҳмаза экан. Уч кунгача навбаг етмай, куруқ қайтиб келди. Тўртинчи куни у тонг отмай мени уйғотди.

– Тур, эшикни ичкаридан ёпиб ол. Мен нотариусга кетаяпман.

Соатга қарасам, эндигина тўртдан ўтибди. Шу куни акам тушга яқин ишни битириб келиб, мени қабул комиссиясига олиб борди. У ерда ҳужжатларни ўзим топшириб, аллақандай қоғозга қўл қўйишим керак экан.

– Энди буёққа юр, – деди акам тагин олдимга тушиб. Биз улқап бинонинг иккинчи қаватига кўтарилдик. Эшигига «Комендант» деб ёзилган хонадан ёши элликлардан ошган, чағир кўзли, сарикдан келган бир одам ўтирган экан.

– Олланиёз оға, эртага биз пахтага кетаяпмиз, – деди акам унга. – Манави йигит менинг укам бўлади. Келгунимча ўрнимда ётиб турса дегандим. Шаҳарда бошқа танишимиз йўқ.

– Уканг бетартиб эмасми? – деди Олланиёз оға менга кўз остидан тикилиб.

– Йўқ, унақа болалар туришидан билинади.

– Қайдан биласан, бир хонада ёлғиз ўзи тургандап кейин худо берди деб қизларни олиб келса...

– Қизларнинг ўзи олиб кетиб қолмаса, бунинг кўлидан унақа иш келмайди.

Шундан сўнг комендант акамнинг хонасида яшаб туришимга рухсат берди.

Акам пахтага йўл олаётиб менга тайинлади:

– Кўчага чиқма, адашиб кетасан.

– Ёмон болаларга қўшилиб қолишинг мумкин.

– Пулингни тежаб ишлат. Икки кунда уйга югураверма.

– Чойингни ичиб, китобингни ўқи. Азонда туриб дарс қилсанг, мияннга яхшироқ сингади. Бу йил танлов қаттиқ бўлади.

Хуллас, у ёш болага ўгит бергандай, роса панд-насиҳат килди.

Автобус колоннаси соат ўн иккиларда жўнади. Мен институтнинг ошхонасида овқатланиб олиб, ётоқхонага қайтдим. Ўқиш учун олиб келган китобларимни столнинг устига қўйдим. Бироқ қайси биридан бошлашни билмайман – она тилими, адабиётми ёки тарихними... Чунки ҳали институтга қабул имтиҳонларининг жадвали чиқмаган эди.

Охири ҳар бир китобдан биттадап мавзуни ўқишга қарор қилдим. Математика вақтимни кўпроқ олди. Бошланғич синфларда ўтиладиган арифметика синфдан-синфга оғирланиб бориб, ўнинчи синфга ўтганда умуман тушуниб бўлмайдиган бошқотирмага айланган эди. Илгари ҳисоб-китобларда ракамлар қўлланилган бўлса, буёғига келиб кўпроқ сўзлар ишлатилади, ҳисоб-китоблар гўё сўз ўйинига қурилгандай. Агар имтиҳонда мана шу мисоллар тушса, ахволим чаток! Чунки бу борада «алифни калтак» дейишдан бошқасига ярамайман. Ана ундан кейин акамдан эшитадиганимни эпитаман. Овулда эса дув-дув гап тарқалади:

– Фалончининг боласи ўқишга кира олмабди.
– Мамбетназар имтиҳондан йиқилиб келибди.
– Бир уйдан икки бола институтда ўқий олмайди!

– Тўғри, бошқаларнинг боласи ҳам ўқиши керак-ку.

Кеч киргач, уйқум кела бошлади. Бояги гаплар эсимга тушиб, кўзларимга чўп тирагандай янада каттиқроқ ўқишга тиришдим. Лекин кўзим очиқ бўлгани билан барибир мудраб кетавердим. Бунинг ўзига яраша сабаби бор эди. Мактабда битириш имтиҳонларини топшириб бўлганимиздан кейин ўғил болаларни Қорасийроқ овулига ётоққа олиб кетишди. У ерда янги мактаб қурилаётган экан.

– Хар бирингиз мингтадан фишт қўйиб бермасангиз, аттестат ололмайсиз, – деди синф раҳбаримиз. – Ким олди шу ишни бажарса, мактабга бориб аттестатини олиб кетаверади. Институтга ҳужжат топширишни истасангиз, тезроқ ҳаракат қилинг. Имтиҳонлар кутиб турмайди.

Буёғига ишлашимиз учун қамчига ҳожат йўқ эди. Шошилганимиздан учта кўзли қолипни бир четга қўйиб, тўрт кўзлисига ёпишдик. Икки бола битта бригадага бўлинганмиз. Биримиз лой тайёрлаймиз, иккинчимиз фишт қуямиз. Тўрт кўзли қолип анча оғир, уни кўтариб алпонг-талпонг қадам ташлаймиз. Лекин чидашга мажбурмиз. Онамнинг «жон қуйдирмасанг жонона қайда» деган гаши ҳаёлимдан кетмайди. Лой тўлдирилган қолипини ўн-ўн беш марта кўтаргандан сўнг қаддингни ростлашга ҳам қийналиб қоларкансан.

Ана шу чарчоқлар энди кучини кўрсатаётган эди. Китобни юзимга босганча ухлаб қолибман.

Қанча вақт ётганимни билмайман, кўзимни очсам, хона қоп-қоронғи. Миям карахт, қасрда ётганимни ҳам эслолмайман. Анчадан сўнг эс-хушимни йиғиб олдим. Мен ётган кроват деразининг олдида жойлашган эди. Гавдамни ростлаб, ташқарига қарадим. Атроф жим-жит. Ётоқхона «П» шаклида қурилган бўлиб, мен яшайдиган хона ўнг қанотда жойлашган. Ўртадаги кириш эшиги яқинида қаққайиб турган симёғочга осилган чироқ хира нур тарағади. Нариги қанотдаги хоналардан бирида чироқ ёниб турибди. Ўртадаги қаторнинг иккинчи қаватида ҳам ёруғ кўринди. «Демак, улар пахтадан қолишган. Балки хоналарнинг бирида комендант ётгандир», – деб ўйладим ўзимча.

Аста йўлакка чиқдим. Анча нарида, ошхонанинг рўпарасида ҳам биргина чироқ ғира-шира ёниб турибди. Чиқиш эшигига яқинлашдим. Эшик ичкаридан тамбаланган. Ўнг тарафидаги эски темир кроватнинг устига унникқан матрас ташланган. Устига чакмон ёки плаш эканини ҳам билиб бўлмайдиган увадани ёпиниб олган барваста киши у ерда пишиллаб ухлаб ётибди. Қоровул бўлса керак.

– Кимсан? – деди у шу пайт устидаги ёнинчикни сидириб ташлаб. Бошига аёлларга ўхшаб рўмол танғиб олган, иягининг икки чеккасида юзига ярашмаган сийрак соқоли осилиб турган кекса чол худди кинодаги Дерсу Узалага ўхшарди.

– Мен, – дедим тортиниб.

– Бу ерда нима қилаяпсан?

– Ўқишга келувдим.

– Ётоқхонага ким киритди?

– Комендант.

– Олланиёзми?

- Исмини билмайман.
- Қайси хонада турибсан?
- Тўққизинчи хонада.
- Уйқунг қочдимиз?
- Йўқ, хозир уйғондим.

Чол чўнтак соатини қўлига олди.

- Эндигина ўн бўлибди-ку, юриб чикмоқчимисан?
- Мен индамадим.

– Буёққа кел. Икковимиз гаплашиб ўтирамиз. Менинг ухлашимга рухсат йўқ.

Чол етти пуштимгача обдан сўраб-суриштирди. Қайси овулдап келганим, уруғим қанақалиги, отонамнинг нечанчи фарзанди эканимни ҳам билиб олди. Шундан сўнг ўзи ҳақида гапиришга тушди. Негадир унинг гаплари овулимиздаги кексаларнинг ҳангомасига ўхшамас эди. Овулда кўп марта тўй-маъракаларда дошқозонга ўт ёққанман. Ўшанда чоллар гурунгини Одам Атодан бошлаб, Момо Ҳаво билан қайси жойда, қандай қилиб учрашгани, улар бехиштдан нега қувилгани ҳақида гапиришар, шундан сўнг гап мавзуси Искандар Зулқарнайнга, Махтумқулига буриларди. Радио қўйилса, «ҳозир Эшжон баҳши қўшиқ айтади», деб пиёласидаги чойини ҳам ичмай кутиб ўтирарди.

Маъраканинг охирида ҳангомаси тугаб қолади шекилли, чоллар бир-бирига: «Шу кунларда танамдан қувват кетдимиз, билмайман, кечалари уч-тўрт марта ташқарига чиқаман», деб хасрат қилишар, сўнг суҳбат мавзуси аллақандай бева кампирларга кўчарди. Бу гаплар уларга Махтумқулидан ҳам кўра кўпроқ ёқиши сезилиб туради. Шунда тўрда ўтирган кексароқ чоллардан бири: «Ҳой, қариялар, оғзингизни булғаманг, сўзингизнинг

олди Махтумқулидан бошланиб, охири айнаб кетди-ку», деб уларга дашном беради.

Қоровул чолнинг Махтумқули билан ҳам, Искандар Зулқарнайф билан ҳам иши йўқ. Ёшлигидаги шўхликлари, иккинчи кампирига қандай қилиб уйланганини айтиб, хиринглаб кулади. Хикоясининг менга ёққан-ёқмагани билан иши йўқ, ўзининг ўтмиши ўзига кизик.

– Уйқунг келдими? – деб сўради у бироздан сўнг мендан.

– Ха.

Тўғриси айтсам, бу одамнинг бсмаза гапларини эшитиб ўтиргандан кўра, хонамда китоб ўқиш ёки шифтга термулиб хаёл суришни истардим.

– Унда бориб ёта қол, – деди қария кроватдаги тўшакни тўғрилаб. – Бироқ хушёр бўл. Ёмон туш кўриб, кўркиб уйғонсанг, тортинмай олдимга келавер. Буни бекорга айтаётганим йўқ. Бир вақтлар бу ерда большевойлар билан босмачилар уруш қилган. Қон деганлари сувдай оққан. Кўмилмай қолиб кетган одамларнинг жасади устидан мана шу ётоқхонани қуришган. Мана, қара, – деб у ёстинининг тагидан сопи қоп-қора кир бўлиб кетган пичоқни олиб кўрсатди. – Шуни бошимга қўйиб ётмасам, кечкурун жин-ажиналар билан олишиб чиқаман... Нечанчи хонадаман дединг?

– Тўққизинчи.

– Жуда ёмон жойга тушибсан ўзиям. Қайси йили шу хонада ухлаган бир муаллимни жин чалиб кетган.

Этим жунжикиб кетди. «Сассиқ оғиздан сассиқ гап чиқади» дейишган. Бу чолнинг олдига нега келдим ўзи!

– Менинг акам анчадан бери у ерда яшайдику, – дедим ўзимни тутиб. – У ҳеч нарса дегани йўқ...

– Сенинг аканга ўхшаганлар ароқ ичади, бетайин қизларни эргаштириб келиб, ишрат қилади. Ҳаром аралашган жойга жин-ажиналар йўламайди. Жин-шайтон дегани суяги тоза одамларни пойлайди.

Чолнинг гапларига ишонмасам-да, кўнглим алғов-далғов бўлиб кетди. Хонада қандай тонг оттираман энди? Институтда ўқиш ўрнига уйга жинни бўлиб қайтсам-а!..

Қоровулнинг ёнидан оёғимни зўрға судраб ортимга қайтдим. Акамнинг ароқ-шароб ичишига, қизлар билан кўнгилхушлик қилишига сира ишонганим йўқ. Кўзим уйқуга кетгунча овулни, мактабда бирга ўқиган қизларни ўйлаб ётиб, хаёлимдан жин-шайтонлар ҳақидаги фикрларни қувишга ҳаракат қилдим. Лекин ўша жин-шайтонлар миямга қора қуюндай бостириб келаверди. Мактабда олдинги партада ўтирадиган Ойсара кўз ўнгимда сочларини ёйиб юборган, кўзлари қип-қизил алвастига айланди. Ботирнинг қулоқлари устидан иккита шох ўсиб чиқди. Кўзимни юрсам, тўққизинчи синфда ўқиётганида туғиб қўйган Муслима қип яланғоч ҳолда ўтирибди.

Шу топда ўзимнинг ухлаётганимни ҳам, уйқоқлигимни ҳам билмасдим. Чошгоҳ пайти уйқонганимда бошим зил-замбилдек оғирлашиб қолган эди. Кечаси тушимга кириб чиққан шохдор одамлар, хотинларга ўхшаб узун кўйлак кийиб олган муаллимларнинг кўрқинчли қиёфаси кўз олдимдан кетмасди. «Демак, чолнинг ўнта гапи ёлғон бўлгани билан бигтаси рост экал-да», деган ўй кечди хаёлимдан.

Тушгача ётоқхона ташқарисидаги дарахтнинг соясида китоб ўқидим. Ичкарига киришга юрагим бетламасди. Кеч туша бошлагач, яна ўша кўрқинчли хаёллар миямни чулғаб олди. Охири овулга кетишга қарор қилдим. Акам уришса ҳам чидайман. Институтда ўқиш насиб қилмаган бўлса, далада трактор ҳайдайман. Ўқишга кириш учун ётоқхонада ётишим шартми? Яхшиси, уйда отамдан қолган ўрикзорнинг соясига кўрпача тўшаб дарс тайёрлайман. У ерда кўрқинчли одамлар ҳам, оғзидан бемаза гап чиқадиган кемтик тишли «Дерсу Узала» ҳам йўқ.

Хақиқатан ҳам, ўрикзор боғимиз жуда файзли эди. У ерда бир муддат китоб ўқисам, мактабда устозимдан ўрганганларим дарров хаёлимда қайта жонланади. Математикадаги гапга қурилган мужмал мисолларни ҳам кийналиб бўлса-да, счаман. Сўнг адабиётга ўтаман. Ажиниёзнинг «Элларим бордир» асарини ўқисам, ўзимизнинг «Тўқол ёп»нинг бўйидаги чиройли манзаралар кўз олдимга келади. Ажиниёз шу ерларда туғилиб, кейинроқ Бўзатовга кўчиб кетган бўлса керак, деган фикр хаёлимдан ўтади. Ажиниёзни ҳеч кимга бермай, ўзимники қилиб олгим келади.

– Болам, ўқишингдан хабар олмайсанми? – деди бир куни онам. – Тагин сен овулда юргангда имтиҳонларинг ўтиб кетмасин.

Чиндан ҳам имтиҳонлар жадвалини кўрмаган эдим. Онаминг гапидан хушёр тортиб, эртаси куни йўлга тушдим. Жин-шайтон дуч келса, пешонамдан кўрарман. Бу гапни бировга айта олмасам...

Ётоқхонага келиб, эшикнинг қулфига калит солдим. Лекин калит айланмади. Вужудим музлаб кетди. Бояги мардлигимдан асар ҳам қолмади.

«Шайтон кириб олган! «Дерсу Узала»нинг гап
рост экан..!»

– Киравер, эшик очик, – деди ичкарида ким-
дир. Ҳайрон бўлдим. Ахир, калит менда бўлса,
уни ҳеч кимга берганим йўқ-ку!

Бегона уйнинг бўсағасини босгандай, тортиниб
эшикни очдим. Ичкарига кирганимда дераза олди-
даги кроватимда бир бола чўзилиб ётарди.

– Кир! – деди у ўзини шу хонанинг хўжайинидай
тутиб. – Нега остонада турибсан?

У бироз қаддини ростлаб, мен билан салом-
лашди.

– Сенинг жойингми? – деди ўзи ўтирган кро-
ватни кўрсатиб.

Мен бош ирғадим.

– Ўрнингги алмаштирдим. Мен деразадан
узоқда ётолмайман.

– Кўрпа-тўшагим...

– Кўрпа-тўшагинг анави ерда турибди! Қара,
меники яш-янги.

– Сенга уларни ким берди?

– Ким бўларди, комендант-да!

– Уни танийсанми?

– Жездам! – деб у ёстиғини икки буклаб боши-
га қўйди-да, яна ётиб олди.

– Қайси факультетга топширдинг?

– Педфакка. Ўша ерда бола камроқ экан.
Имтиҳонлардан бир амаллаб уч баҳо олсанг, у
ёғини ўзим амаллайман деди.

– Ким?

– Жездам-да! Боядан бери нима деяпман!

– Икковимиз бирга ўқирканмиз-да.

– Унда жуда яхши. Ўша уч баҳони менга сен
олиб берасан. Уни тўрт ёки бешга айлантириш
жездамнинг қўлида.

Шундан сўнг танишиб олдик. Икковимиз бир райондан, кўшни овуллардан эканмиз.

– Гапнинг тўғриси, ўқингга уччалик хушим йўқ, – деди Бойжон ўзини менга яқин олишга ҳаракат қилиб. – Миямга дарс кирмайди. Буёғини сен эплаштирасан.

– Қанакасига?

– Сен китобларни ўқиб, менга мазмунини айтиб берсан.

– Тушунмасанг нима қиламан?

– Унда сендан ёмон муаллим чиқаркан.

Унинг гаплари жиддий ёки ҳазил эканини англаш қийин эди. Кечга яқин Бойжон кийина бошлади.

– Юр, кўчани айланиб келамиз.

– Мен китоб ўқияпман, – деб гапни ҳазилга бурдим. – Сенга тушунтириб бериш учун аввал ўқиганларимни яна такрорлашим керак.

– Улгурамиз. Ҳали вақт бор.

– Ўзинг айланиб келавер. Менинг оёғим тортмаяпти.

– Кампирларга ўхшаб гапирасан-а! Чекасанми? – У чўнтагидан сигарет қутисини олиб, менга тутди.

– Йўқ.

– Носпи-чи?

– Уни ҳам чекмайман.

– Эй... Жуда сипо экансан. Мен олтинчи синфдан бошлаб ўрганганман. Тўрт йил яшириб чекдим. Аттестатни олган куним муаллимнинг ўзидан папирос сўрадим. Қалай?!

У гердайган кўйи иягини қашиб қўйди.

Бойжон бемаҳалда кўчадан кайтди. Оғзидан аллақандай ёқимсиз ҳид келарди.

– Ҳалиям ўқиб ўтирибсанми? – деди у хайрон бўлиб. – Бунақада миянг суюлиб кстади-ку. Овқатландингми?

– Ҳалиги...

– Ўзим ҳам билувдим. Бугунча беляши об қўя қоламиз, розимисан?

У тўрхалтасидан қоғозга ўралган беш-олти дона беляшини олиб, ўртага қўйди.

– Китобларингни ёниб қўй, йўқса ёғ юқиб қолади.

Икковимиз гаплашиб ўтириб чой ичдик.

Мен унга «Дерсу Узала» айтиб берган жин-ажиналар, ўзим тупшимда кўрган шохдор одамлар ҳақида айтиб бермоқчи бўлдим, лекин унинг туш тугул, шайтондан ҳам сесканмайдиган бола эканини билиб индамай қўя қолдим. Қолаверса, ўзим ҳам ўша кўрқинчли хаёллардан халос бўла бошлаган эдим. Ҳарқалай, буёғига ёнимда шеригим бор.

– Зўр воқеадан қуруқ қолдинг, – деди у бир пайт қулиб.

– Қанақа воқеа?

– Паркнинг ўртасида каттакон пивоҳона бор экан. Одамғиж-ғиж. Баъзилар олдига етти-саккиз бокал пиво қўйиб ичиб ўтирибди. Бироз ташқаридан томоша қилиб турдим. Бир йигит ҳар бир столга бориб, одамлардан бўшаган бокал сўраб юрибди.

– Анави йигит банд қилиб қўйибди, – дейди столда ўтирган одамлар унга.

– Бокалингиз бўшайдими?

– Йўқ, ҳали ўзимга керак.

Бечора столларни беш марта айланиб чиқди ўзиям. Лекин бўш идиш тонолмади. Бир пайт

қорни осилиб тушган одам икки қўлида тўрттадан бокал кўтариб келиб столга ўтирди-да, шу заҳоти иккитасидаги пивони симириб юборди.

– Бокалингиз бўшадими? – деб сўради бояги йигит ундан.

– Йўқ, ҳали яна ичаман, – деб жавоб қилди бақалок.

– Саккиз бокалдан кейин ҳам ичарканми? – сўрадим мен ажабланиб.

– Нима деяпсан?! Ўн беш бокалгача ичадиганлар бор у ерда! – деди Бойжон бу масалада мендан билимдонроқ эканини таъкидлагандек мақтанчоқлик билан. – Ҳалиги йигит бақалокқа, манави пиволарингизни ичиб бўлгунингизча бокалингизни бўшагиб олиб келиб бераман, деб бўшаганларини қўлига олди.

– Жойига қўй! – деб бақалок бокалга қўл чўзди. Иккови бўш бокалнинг устида ёйжиллашиб қолди. Кутилмаганда йигит қўлидаги бокал билан семиз кишининг пешонасига қарсиллатиб туширди. Бечоранинг манглайдан қон тирқираб оқа бошлади. Йигит ҳеч нарса бўлмагандай унинг олдидаги тўртта бокални олиб, охиригача ичилмаган пивони жаҳл билан тўкиб ташлади-да, нари кетди.

– Семиз киши нима қилди?

– Унинг мияси чайқалган шекилли, деворга суяниб ерга ўтириб қолди. Ўзига келгандан сўнг олди-ортига қарамай жўнаб қолди.

– Милиция ҳеч нарса демадими?

– У ерда милиция йўқ эди.

– Сен кўрқмай қараб турдингми?

– Нега кўрқшим керак? Урган ҳам, калтак еган ҳам бошқалар-ку!.. Бояги йигит иккинчи бокални ичаётганида аста ёнига бордим.

– Сен-а?!

– Ҳа, мен! «Оға, бокалингиз бўшадими?» деб сўрадим. У менинг юзимга тикилди.

– Сен ҳам пиво ичасанми? – деди. Чамаси, мени ёш бола деб ўйлаган бўлса керак.

– «Пахта байрамлари»да шишали пиво ичганман, – дедим унга.

– Азамат экансан! – деб елкамга қоқиб қўйди. – Ўтир манави ерга.

Кейин у олдидаги бир бокал пивони менга узатди.

– Ич.

Пулини тўламоқчи бўлиб чўнтагимни ковлаётган эдим, қўлимга уриб юборди.

– Яна ичасанми? – сўради бироздан кейин.

– Қайдам...

– Йигит киши иккиланмайди.

Бу гапи менга ёқиб тушди. У столларни йиғиштириб юрган келинчакни чакириб, пул билан бўш бокалларни қўлига тутқазди.

– Устидаги эллик тийин сенга, шуларни тўлдириб келиб бер.

– Бояги одамни нега урдингиз? – деб сўрадим мен.

– Айб ўзида, – деди у. – Мен бокалингизни бўшатиб бераман десам ҳам у гашимга кулоқ солмади. Бунака олифталарнинг жазоси шу.

– У ҳам уриб қолганда нима қилардингиз?

– Қанақасига уради? Ўзи оёқда зўрга турибди-ку! Ҳалиям бокал синмади, бўлмаса миясининг қатиғи оқиб тушган бўларди. Эсингда бўлсин, жанжал пайтида биринчи бўлиб урган ютади.

– «Қўрқоқ олдин мушт кўтарар» дейишади-ку?

– Бекор гап. Муштлашувда тентак одам ен-

гади. «Бирон ери қонаб кетмасмикин, синиб қолмасмикин» деб иккиландингми, калтакнинг зўри сенинг бошингда синади. Биров билан уришдингми, волиб бўлишга ҳаракат қил. Ўлдирсанг ўлдир, бироқ ўзинг тирик қолишга ҳаракат қил. Қамалсанг, вақт ўтиб чиқиб келасан. Агар қамалишдан қўрқсанг, ўлиб кетишинг мумкин. Турма деганлари нариги дунёдан ёмон эмас... Яна ичасанми?

– Йўқ, оға, бошқа кетмайди.

– Ҳозирча сенга етарли. Ўқишга келдингми ёки ўзингча юрибсанми?

– Ўқишга келдим.

– Танишинг борми?

– Комендант жездам бор.

– Қаерда комендант?

– Студентлар ётоқхонасида.

– Э-э! Жезданг чакана одам эмас экан. Так что, ўқишга кирдим деб ҳисоблайвер, – деди у.

Бойжон мағрур қисфада хона бўйлаб юра бошлади:

– Ана, жура, хонада китобга термулиб ўтирибсан. Мен эса Нукусдаги энг жангари одам билан танишиб келдим.

– Исми ким экан?

– Билмайман. Лекин кўрсам танийман.

– Энди нима қиламиз? Консултацияни бошлаймизми?

– Эртага... Пиво уйқуни келтираркан.

Бойжон ечинмасдан кроватга ётди-да, бироздан сўнг пишиллаб ухлаб қолди.

Биз ўзимизча қайси фандан кўпроқ, қайси биридан камроқ тайёрланиш кераклигини режалаштириб юрсак, институтда аллақачон консультациялар бошланиб кетибди. Олланиёз оға хабар олиш учун олдимизга келганидагина бундан хабар топдик. У икковимизни, айниқса, Бойжонни кўпроқ койиди. «Институтдагилар кимга диплом беришни билолмай ўтиргани йўқ. Ўқишга кириш учун каттиқ ўқишинг керак, – деди у Бойжонга. – Сенга институт эмас, мен жездаман! Ректор жезданг эмас!» Бойжон унинг олдида сувга тушган мушукдек сулжайиб қолди.

– Бу болани нега сенинг ёнингга қўйганимни биласанми? – деди у менга юзланиб. – Чунки бу ғирт ялқов. Менга ишониб, имтихонга тайёрланишга ҳам ҳафсала қилмайди. Шунинг учун сен буни ҳам ўзинг билан бирга имтихонларга тайёрлайсан.

– Нима, у менга муаллимми? – деди Бойжон норози қиёфада.

– Муаллим бўлмаса ҳам сендан тузукроқ. Аксига ўхшаса, саводсиз бўлмайди.

Ичимда хурсанд бўлдим. Қоровул чол сал бўлмаса акамни бузук, бевош одамга чиқариб қўйган эди.

– Туғишган жездангми? – сўрадим Олланиёз кетгандан сўнг Бойжондан.

– Шундай деса ҳам бўлади. Отамнинг қариндошига уйланган.

– Гапига қараганда, сенга ёрдам берадиганга ўхшамайди.

– Ёрдам беради! Йўқса, хотини еган-ичганини нақ бурнидан чиқаради. Икковимизни ёш бола деб осмондан келаяпти.

Консултация биз ўйлагандан кўра фойдалироқ экан. Ўқитувчилар фақат энг зарур саволларни доскага ёзади-да, кейин ўша саволларнинг жавобини киска-лўнда тушунтириб беради. Бирок ёзиб олишимизни кутиб ўтирмайди. Мактабдаги сингари «тушунмай қолдим, устоз» деб қайта сўрашнинг ҳам иложи йўқ. Тушунтираётганида мияннга жойлаб олсанг-олдинг, акс хода айб ўзингда.

Бойжон консултацияга эрталабки пайтларда боради-да, бироздан сўнг хонадан чиқиб кетади. Тушдан кейингисига хоҳласа келади, хоҳламаса йўқ.

– Сотиб қўймадингми? – дейди у кечқурун хонага кириб келгач.

– Олланиёз офани кўрмадим.

– Кўрсанг чақиб беришинг аниқ! Яхшиям омонлик замонида туғилгансан. Уруш пайтида асирга тушсанг, булбулдай сайраб душманга ҳамма сирингни айтиб берган бўлардинг.

– Сен буни қаёқдан биласан?

– Туришингдан! Сен шумликни билмайсан. Мажбурласа ҳам ёлғон гапиролмайсан. Билиб қўй, шумлик – ақлнинг калити. Қани, энди менга муаллимлардан ўрганганларингни тушунтириб бер.

– Эшитасанми?

– Буниси сенга боғлиқ. Қизиқ қилиб тушунтирсанг, эшитаман.

Гўёки Бойжоннинг институтга киришига мен масъул эдим. Ўзининг парвойи фалак, эрта-бир кун имтихонлардан йиқилса ҳам мендан кўрадиганга ўхшайди.

Мен консултацияни она тилидан бошладим. Биринчи имтихон ҳам шу фандан. Қолаверса,

Ўзим ҳам бу фанни яхши кўраман. Бу фандан муаллимнинг гапларини тўтиқушга ўхшаб такрорлаб ўтирмайман. Ўзимнинг билганларимни ҳам тушуштиришга ҳаракат қиламан.

– Унда гап бўлақларидан бошлаймиз. Гап бўлақлари нечта?

– Мендан сўраяпсанми?!

– Албатта!

– Сен мени имтиҳон қилма, имтиҳонга тайёрла!

– Имтиҳонга тайёрлаш шунақа бўлади-ку? Халиям энг осонидан бошладим. Бу мавзу бешинчи-олтинчи синфларда ўтилган.

– Шундан бери неча йил ўтганини биласанми?! Шу пайтгача эсимда турармиди?

Мен Бойжонга гап бўлақларини тушунтирдим. У кўзларини юмганча гапимни диққат билан эшитди.

– Хўш, гап бўлақлари нечта турга бўлинаркан? – сўрадим шундан сўнг.

– Яна бир марта қайтариб юбор, – деди у бироздан сўнг. Мен тағин такрорладим.

– Яхши, давом этамиз, буларни калладаги магнитофонга ёзиб олдим.

– Саволимга жавоб бермадинг-ку?

– Сен менга консультация ўтаяпсанми ёки имтиҳон қилаяпсанми? – деди у пинагини бузмай. – Бу саволга имтиҳонда жавоб бераман.

– Бизнинг синфда бир бола бор эди, Айтимов деган, – дедим кулиб. – Муаллим ундан тўлдирувчини сўради. Айтимов ўйлаб ўтирмай, «тўлдирувчининг икки тури бор, тўғри тўлдирувчи ва қия тўлдирувчи. Тўғри тўлдирувчи тўғрилаб-тўғрилаб тўлдиради, қия тўлдирувчи қиялаб-қиялаб тўлдиради», деб ҳаммани кулдирган эди. Сен ҳам унга ўхшаб...

– Эй! Ўргатгинг келмаса ўргатма! Лекин устимдан кулишни бас қил. Ҳали институтга кирганинг йўқ-ку, ўзингни муаллимлардай тутасан. Менга қара, отанг ҳаётда тўлдирувчидан фойдаландими? Фойдалангани йўқ! Ёки бозорга бориб, тўлдирувчи билан савдо қилганини кўрдингми? Буларнинг ҳаммаси муаллимлар ўйлаб топган даҳмаза.

У кроватга чўзилиб ётиб олди. Консултация шу билан тамом бўлди.

Бойжош эртаси кўпи кечгача қорасини кўрсатмади. Говгум тушганда кириб келди.

– Учтага етказдим, – деди у кроватга ўтириб.

– Нимани учтага етказдинг?

– Бокални.

– Қанақа бокал?

– Пиво тўлдирилган бокални айтаяпман! Нима, меровмисан?

– Ўрганиб қолсанг нима бўлади?

– Ўрганмайман. Пиво мавсумий ичимлик. Совук тушгандан сўнг тортмай қолади.

Боя эътибор бермаган эканман, у ўнг қўлини дока билан боғлаб олибди.

– Қўлингга нима қилди? – дедим хавотирланиб.

– Манавими? – У мактанчоқлик билан муштиши тугиб, қўлини юқорига кўтарди. – Кўраяпсанми, бу кучни бир жойга тўплашга ёрдам беради. Шунақа қилиб биронтасининг ияги остидан бир мушт урсанг, коптокдек учиб кетади. Қара, билатимнинг томирлари бўртиб турибди.

– Буни сенга ким ўргатди?

– Амир деган бола билан танишиб қолдим. Ўша ўргатди. Ўзи чимбойлик экан. Бултур ўқшдан йиқилиб, овулига қайтмаган... Агар била-

гингни боғлаб, «блатной» бўлиб юрсанг, ҳеч ким яқинингга ҳам йўламайди. Хўш, ярашибдимиз?

Мен унинг кўнгли учун унсиз бош ирғадим.

– Консултацияни бошлаймизми? – дедим сўнг. – Бугун биз бир печта мавзуларни ўтдик.

– Кўявер, – деб Бойжон қўл силтади. Сўнг кўйлак-шимини ечиб, бир чеккага ташлади. Трустик-майкада бир муддат кроватда чўзилиб ётди-да, яна ўрнидан турди.

– Мамбетназар, сен ўзи нима учун ўқимоқчисан? – деди қутилмаганда.

– Муаллим бўлиб, мактабда болаларни ўқитиш учун-да!

– Ўн йил мактабга қатнаб ҳам ўқиш жонингга тегмадимиз?

– Йўқ.

– Жуда чидамли экансан! Мен дарсларда жуда зерикиб кетардим. «Овулда тўй-маърака бўлса-ю, муаллимлар эртароқ жавоб бериб юборса», деб орзу қилардим. Аксига олиб, овулда бунақа маросимлар ойда-йилда бир марта бўларди.

– Унда сен нега ўқимоқчисан? – сўрадим қизиқиб. – Мактабдан безор бўлсанг, ўқиш ёқмаса...

– Мен директор бўлиш учун ўқимоқчиман.

– Директор бўлиш учун аввал муаллим бўлишинг...

– Мактабга эмас, совхозга директор бўламан!

– Унда халқ хўжалиги институтига ўқишга киришинг керак эди.

– У срда жездам йўқ-да!

– Бу институтнинг дипломи билан совхозга директор бўла олмайсан.

– Бўламан! Сен унақа ёмон ният қилма. Кейин Саидвақоснинг кунини кўрсатаман.

– Саидваққос деганинг ким?

– Совхозимизнинг директори. Унда алашим бор. Аниқроғи, отамнинг ололмайд кетган ўчи бор.

Мен унга савол назари билан қарадим.

– Саидваққос бир гал отамни урган. Ўшанда механик эди. Кўрак терадиган машинани буздинг, деб отамни аямай калтаклади. Мен кичкина эдим, тўртинчи ёки бешинчи синфда ўқирдим. Кечки пайт эди. Онам икковимиз отамга овқат олиб боргандик. Саидваққос машинасидан тушиб келди-да, «ҳали сенми, мени райкомга ёмонлайдиган!» – деб отамнинг тумшугига тушириб қолди. Отам чалқанча йиқилди. Лаънати шунга ҳам қаноат қилмай, унинг кўкрагига ўтириб олиб, аёвсиз дўппослай бошлади. Онам бечора жонҳолатда орага тушган эди, уни ҳам итариб юборди. Мен аралашолмадим, лекин ёш болага ўхшаб йиғлаганим ҳам йўқ. Пайт пойлаб Саидваққоснинг чотига ўхшатиб тепдим. У отамни қўйиб юбориб, бутини чангаллаганча букчайиб қолди.

– Қоч! – деб бақирди отам менга. – Уйга қараб қоч!

Эртаси куни отамнинг юз-кўзи шишиб, хамирдай кўпчиб кетди. Кўзларини очолмай қолди.

– Сизнинг қўлингиз йўқми? Нсга уни урмадингиз? – деди онам қўйиб-пишиб.

– Бошлиқ дегани уради-сўқади, бунинг айби йўқ. Мен урсам, судланиб кетаман, – деди отам.

Шундан сўнг, «Катта бўлсам ўқиб, совхозга директор бўламан, кейин Саидваққосдан қасос оламан», – деб кўнглимга тугиб қўйдим.

Отам айтгандай, ҳеч ким Саидваққоснинг мушугини пишт демади. Вақти келиб у инженер бўлди. Ҳозир эса директор! Дамига ош пишади.

– Директор бўлсанг, сен ҳам уни урасанми?

– Ураман! Ҳали кўрсатиб қўяман унга! Аввал инженерликка тушираман, сўнг механикликка. Кейин қаерда трактор бузилиб қолса, чакириб олиб, уни қўйдайд килиб савалайман.

Хуллас, шундан сўнг хонада унга сабоқ беришни йиғиштирдим. Бойжоннинг ўзи ахён-ахёнда консультацияга қатнаб турди.

Омадни қаранг, биринчи имтихондан беш олдим, Бойжонга эса тўрт қўйишди. Шу куни у мени судрагандай қилиб кабобхонага олиб борди.

– Қўрдингми, жўра, – деди у гердайиб. – «Югурганники эмас, буюрганники» дейишган. Ўша бошоғриқ консультацияга бор-йўғи икки марта қатнашган эдим. Лекин омадим чопиб, тўрт олдим. Энди иккинчисидан биттагина қийшиқ уч олсам... Бироқ математикадан кўрқиб турибман. Ҳеч нарсани билмайман. Шунинг учун сен билан бир вариантга тушаман. Ишлаган мисолларингни менга кўчириб бериб турасан. Келишдикми?

– Қайдам.

– Мижғовланма! Ёрдам берасан. Уч олсам, икковимиз ресторанга борамиз. Тўрт олсам, институтни битиргунча сени елкамда кўтариб юраман.

Мен ҳазил килдим:

– Беш олсанг-чи?

– Беш олсам, сени ўзимга куёв қиламан!

– Барибир жездангга тайинлаб қўйганинг маъқул.

– У математика муаллимидан тўрт оёклаб қочиб юрибди-ку! Ўша одам хатто ректорга ҳам қулоқ солмасмиш. «Осмонда худо, ерда Борлиқбой» дейишаркан у хақида.

Бойжоннинг яна омади чопди. Иккинчи имтихондан уч баҳо олди. Бўёғига унинг кўрган-

билгани мен бўлиб қолдим. Кўчага чиқса, менга деб мазали егуликлар кўтариб келади. Институтнинг арзон ошхонасига яқин йўлатмайди. Бир гал кўярда-қўймай «Нукус» кафесига олиб борди. У ерда мен номини ҳам билмайдиган таомлар бор экан. Ўзи ҳам кечки пайтлар пивохомага боришни йиғингирди. Ўша ерда овқатдан олдин «озгина» ичиб юборади. «Энди йигит бўлдик-ку» деб слкаларини учириб қўяди. Мени қийпамайди, бироқ пима еб-ичмоқчи бўлсам, дарров мухайё қилади. Буларнинг ҳаммаси бўлажак имтиҳон олдидан мен учун «аванс» эди.

Кутилган кун ҳам келди. Гуруҳимиз билан аудиторияга кирдик. Муаллим ёши элликлардан ошиб, сочига оқ оралаган салобатли киши экан. У болаларни икки қатор парталарга тенг бўлиб ўтказди.

– Чап тарафдагиларга – биринчи вариант, ўнг қатордагиларга – иккинчи вариант. Иккала вариантнинг саволларини ҳам доскага ёзаман. Муҳлат – бир ярим соат. Ким олдинроқ ечиб бўлса, топшириб чиқиб кетаверсин. Агар биронтангиз шеригингиздан кўчирсангиз ёки оғзаки маслаҳат сўрасангиз, сизни ҳам, уни ҳам имтиҳондан чиқариб юбораман. Муаллим кўрқитаяпти деб ўйламанг. Авлиёсининг боласи бўлсангиз ҳам кечирмайман! – деди у саволлар ёзилган дафтарини қўлига ола туриб.

Ҳаммамизнинг нафасимиз ичимизга тушиб кетди. Мен билан бир хил вариантга тушиш илинжида оркамдаги партага ўтириб олган Бойжон аста биқинимга туртди. Топган вақтини қара! Биламан, «кўркма, менга ишлаган мисолларингни партанинг остидан узатиб юборавер» демокчи. Бунақа та-

ваккал қилиб, аввалги иккита беш бахони ҳам ҳавога созурадиган аҳмоқ йўқ. У ҳам пешонасида борини кўради.

Бу галги имтиҳон мен учун ҳам оғир келди. Ўзим ёқтирмайдиган, миямни ачитадиغان мисоллар тушди. Тўрт-беш варақ қоғоз қораладим. Масаланинг жавоби ҳадеганда чиқавермади. Бунинг устига, нима қилишини билмай калам чайнаб ўтирган Бойжон ҳам турткилашни қўймайди. Муаллим бир дақиқа ҳам ташқарига чикмади. Парталарни оралаб, ҳар биримизни синчков кузатиб юрди. Ҳар гал у бизга яқинлашганида Бойжон дафтарига энгашиб, ўзича бир парсаларни ёзган бўлади.

Масала ечиш учун берилган вақт поёнига етиб бораётти. Вариантдаги учта масаланинг иккитасини аниқ ишладим. Учинчи масаланинг жавобида қолдиқ чикди. Чиндан ҳам қолдиқ чиқиши керакми ёки масалани нотўғри ишладимми, анигини билолмадим. Шунгача ҳам Бойжон биқинимни чимчилайвериб безор қилиб юборди. Лекин мен унга қайрилиб қарамадим. Ростини айтсам, бир томондан, муаллимдан кўрксам, иккинчи тарафдан, кўнглимда кизганчиқлик ҳисси ҳам йўқ эмас эди. Ахир, муаллим текшираётганида кимнинг жавоби кўлига олдин тушса, ўшанга баҳо қўяди. Иккинчиси эса кўчирма бўлиб қолади. Кўчирманинг баҳоси – икки! У менинг дафтаримни кейин ўқисачи! Мактабда бунақа ҳолатлар кўп бор учраган.

Тўрт-беш боладан кейин мен ҳам жавобларни тоншириб, аудиториядан чиқдим. Кетаётиб муаллимга сездирмасдан хомаки жавобларимни Бойжоннинг олдига қўйдим. Лекин улардан фойдалана олишига қўзим етмади. Ёзиб-ўчирилган беҳисоб

мисоллар орасида қайси бири тўғри, қай бири нотўғри эканини ўзим ҳам билмас эдим. Бойжоннинг кўнгли учунгина шундай қилдим.

Шу куни кечкурун икковимиз яхшигина «сепмен»га бордик. Лекин Бойжон ҳали баҳодан умидвор эди. Кечкурун жездасиникига бориб келди. Уйига ётиб олгани учун жездаси ёрдам қилишга ваъда берган шекилли, анча хотиржам тортиб қайтди.

– Сенинг бунчалик қизғанчиқ эканингни билмаган эканман, – деди у менга ғазаб билан, – Лекин қизларга ўхшаб юришингдан қўрқардим. Йигит киши сал дадилроқ бўлиши керак. Мен ҳам кирсам, институт сенга торлик қилиб қолармиди?! Агар киролмасам, Саидваққосга ўхшаганларнинг йилқиси тоққа чиқади. Директор бўлмай туриб уни урсам, «бошликқа қўл қўтарди» деб қамаб юборишади. Лекин барибир типч қўймайман! Отам ундан калтак еб-еб армонда ўлиб кетди. Нима, амалим бор деб дуч келган одамни уради-ми! «Итнинг эгаси бўлса, бўрининг худоси бор», дейишган. Агар институтга киролмасам, унда билиб қўй, Саидваққосдан кейин сенга ҳам навбат келади.

Икки кундан сўнг «имтиҳоннинг жавоби чиқибди» деган хабар келди. Оёғимни қўлимга олиб институтга югурдим. Бу пайтда Бойжон одатдагидай кўчага чиқиб кетган эди. Уймалашиб ётган йигит-қизларнинг орасидан амал-тақал қилиб ўтиб, рўйхатга кўз югуртирдим. Худога шукр, математикадан тўрт баҳо олибман. Кўнглим хотиржам тортиб, Бойжоннинг фамилиясини ахтара бошладим. Афсуски, унга икки қўйишибди. Нима қилишни билмай, бир муддат туриб қолдим.

Кутилмаганда елкамга оғир мушт келиб тушди. Зарб шунчалик кучли эдики, хаёлимда осмондан оғир бир нарса устимга келиб тушгандай туюлди. Мен мувозанатимни сақлолмай жавоблар осилган тахтага бориб урилдим. Тахта ҳам менга қўшилиб ерга кулади. Бармоғимни тахтанинг қирраси тилиб кетди. Ўрнимдан турмоқчи бўлганимда елкамга кимдир бор кучи билан тепди. Мен иягим билан тахтага урилдим. «Бойжон!» деган ўй кечди хаёлимдан.

...Нигорнинг акаси ана шу Бойжон бўлиб чиқди. Ўша воқеадан бери орадан кўп йил ўтди. Биз бошқа учрашмадик. Мен ҳамон аввалгидай озғинман. У эса аллақачон тўлишиб, девдай йигит бўлибди.

Дастурхон бошида суҳбатимиз унча қовушмади. Бойжон Жиянғалининг ҳам гапларига қулоқ солмади. Ўзича Ўтаназар деган аллақандай тракторчини ердан олиб гўрга солди. Янги пахта териш машинаси келса ҳам ўша Ўтаназарга тегаркан, янги «Олтой» ҳам, СХО ҳам унга берилармиш.

– Агар тракторчиларни нарадга олиб боринг деса, энг олдинда Ўтаназар туради, – деди Бойжон ғазабдан лаблари гезариб.

– Ахир, у депутат, делегат бўлса!..

– Кимнинг оркасидан депутат бўлиб юрибди у?! – деб Бойжон Жиянғалининг оғзига урди. – Пахтани биз терамиз, мактов-олқишни у олади. Ерни шудгор киладиган биз, иззат-обруў унга тегишли. У тахи бузилмаган костюм-шимда юради. Таркторининг кабиласига бўйинбоғ кистириб қўяди. Э, онасини!..

– Қўй, сўкинма! – деди Жиянғали.

– Сўкинмасин десанг, анавидан тўлдириб қуй!

Бойжон кетма-кет уч марта каттакон пиёлани тўлдириб ароқ ичди. Жиянғалига ҳам мажбурлаб ичирди. Менга узатишни ҳам хаёлига келтиргани йўқ.

– Меники бўлди, – деди Бойжон қўлидаги пиёлаши дастурхонга тўнкариб қўйиб. – Энди Мамбетназар билан ташқарига чиқиб, сигарет чекиб келамиз.

– Мамбетназар чекмайди-ку?

– Чекади! Сен бориб овқатингдан хабар ол, тагин хотининг курканинг думғазасини ўзи еб қўймасин.

Ташқарига чиқишимиз билан Бойжон сигарет тутатди.

– Бу нима юриш? – деди у мени чеккароққа олиб чиқиб.

– Шунчаки... Ўзим меҳмон бўлиб келдим.

– Жиянғали сенга ким бўлади?

– Жўрам.

– Қанақа жўранг? Мен билмайдиган жўралари йўқ эди-ку унинг.

– Касалхонада бирга ётган эдик.

– Ҳим... – деб у тесқари бурилди, сўнг менга яқинроқ келди. – Армияда бирга бўлдим десанг ишонаман, институтда бирга ўқидим десанг ишонаман. Лекин касалхонада беш-ўн кун бирга ётдик деб излаб келиш... Йўқ, одам ишонадиган бахона эмас бу! Бу ерда бир гап бор. Жиянғали ҳеч вақт мени ўзининг қўноғининг олдига таклиф қилмас эди. Сен чақиртирган бўлсанг керак, чамамда?

Мен жавоб бермадим.

– Бир нарсани сезганга ўхшайман, – деди у. – Яқинда менинг синглим ҳам касалхонада давола-

ниб келди. Ўшанда кимдир унинг ортидан тушган эмиш, деган гап элас-элас қулоғимга чалингандай бўлувди. Агар ўша олифта сен бўлсанг, билиб қўй, икки дунёда ҳам кечирмайман. Ўшанда орканга тушган тепкини унутмаган бўлсанг керак!

Ортиқ бўйнимни ичимга тортиб юришга йигитлик номусим йўл қўймади. Унда бор оёқ менда ҳам бор. Лекин бу одам Нигорнинг акаси эди. Нима бўлганда ҳам унга қўл кўтаришга ҳаққим йўқ. Бу ҳақда ўйлангани ҳам истамайман. Бирок сумрайиб туришим ҳам уят. Бунақа эркакни Бойжон сира ёқтирмайди.

– Агар туз-насиба тортиб турган бўлса, қўлингдан нима келади? – дедим унга.

– Нима?! – у биллагимдан тортиб ўзига қаратди. – Нима дединг, яна бир қайтар-чи!

Мен индамадим.

– Нигорни худо қўшса ҳам мен қўшмайман сенга!

Бойжон шу гапни айтди-да, ортига бурилиб, шитоб билан уйига жўнади.

Нигорни кўриш орзуси мен учун ушалмас армонга айланган эди.

16

– Жиянғали оға, сизни Дуйсенбой биргад қақираяпти, – деди эрталабки чойни ичиб ўтирганимизда бир бола эшикдан ховлиқиб кириб.

– Болам, бери кел, – деди Жиянғалининг онаси. – Насосчи йигитнинг ўғлимисан?

– Ҳа.

– Келиб, аввал одамлар билан саломлаш. Эсингда бўлсин, бировнинг уйига борганда бунақа

ховлиқма. Ташқарида бир замон нафасингни ростлаб олиб, сўнг ичкарига кир.

— Бола индамай келиб, ҳаммамиз билан қўл бериб саломлапти.

— Ассалому алайкум демайсанми? — деди Жиянғали унинг қўлини қўйиб юбормай.

— Қўй, уни уялтирма. Бола пакирда нима айб, она-онаси кичкиналигида ўргатиши керак, — деди онаси дастлабки берган танбеҳи гўдак учун етарли бўлганини англаб. — Биргаднинг бир ўзи эканми?

— Йўқ, ёнида яна бир киши бор, «Жигули»да.

— Вакил-пакил бўлса керак.

— Вакил «Жигули» минмайди, — деди Жиянғали. — Нукусдан биронтаси келган, шекилли. Она, дастурхонга фотиҳа қилинг.

Кампир дуо қилди.

— Сен нима қилмоқчисан? — деди Жиянғали менга юзланиб.

— Эй, болам-ей, уйга келган қўноққа ҳам шунақа савол берадими одам?

— Дўконга бирга борасанми, деб сўрамоқчи эдим.

— Бораман, — деб мен ўрнимдан турдим.

Дўкон Жиянғалининг уйидан унча узок эмас, «Бўз ёп»нинг кўпригидан ўтилгандан сўнг шундоққина йўлнинг бўйида жойлашган экан. Бино чўпкоридан ишланиб, сомонсувоқ қилинган, бироқ сиртидаги оҳақ уваланиб тушиб, ола-чалпоқ тусга кирган. Томига ёпилган шифер ҳам эскириб, унниқиб кетган.

Дўконнинг эшигига темир белбоғ тортилиб, қулф осилган. Бинонинг кунчиқар тарафида сиртини моғор босган бир-иккита ёғ бочкаси юмалаб ётибди. Кичкина ариқнинг бўйидаги туранғилга

боғлаб кўйилган от дарахтнинг баргини чимдиянти. Бинонинг қаршисида шоколад рангли эскирок «Жигули» турибди.

– Ха, Дуйссенбой оға, бош оғридими? – деди Жиянғали эғнига фуфайка кийган йирик гавдали, кирра бурунли кишига саломлашиш учун қўл узатиб. – Эрталабдан дўконга келибсиз?

– Эрталабки бош оғриғидан қутулганимизга анча бўлган, иним, сиз ўзингизни билинг, – деб у кулимсираганча Жиянғалининг елкасига қоқиб кўйди.

Бригадирнинг ёнида бошига чийбахмал кепка, эғнига сур рангли пижама кийган ўрта ёшлардаги киши турарди. Уни кимгадир ўхшатдим, бироқ эслолмадим. Нима бўлганда ҳам бу атрофнинг одами эмаслиги аниқ.

Жиянғали дўконнинг эшигидаги темир белбоғни шалдиратиб очди. Биз унинг ортидан ичкарига кирдик.

– Кирзавой этигинг борми? – деди бригадир пештахтага қўлини кўйиб.

– Латта этик бера қолай, йиғилиш-пиғилишга кийиб борасиз.

– Бунақаси вакилларга ярашади.

Жиянғали пастдан жуфт-жуфт килиб боғланган тўрт-бешта этикни олиб, пештахтанинг устига кўйди.

– Нечанчи размер киясиз? – сўради бригадир ёнидаги одамдан.

– Қирқ биринчи.

– Қирқ биринчиси борми орасида?

– Бор, бор, – деди Жиянғали. Нотаниш киши туфлисини ечиб, этиклардан бирини кийиб кўрди.

– Бўлади.

– Кенгроғини олаверинг, ипим, хали шудгор оралайсиз. Бу этик оёғингизни уриб ташлайди.

Шундан сўнг у ўзига бошка этик танлади.

– Неча сўм? – деди чўнтагини ковлаб.

– Бу гапни қўйинг, иним. Жиянғали, этикнинг пулини менинг номимга ёзиб қўй. Бу киши Соли муаллим бўлади. Нукусдаги институтда ишлайди. Бизнинг Жалғасни биологиядан ўқитган, ҳам куратори бўлган. Качондан бери уйга меҳмонга олиб келолмай юрган эдим. Кеча кечқурун худо хайдагандай ўз оёғи билан кириб келиб ўтирибди.

Шу гапдан сўнг уни танидим. Бу одам биригичи курсда бизга дарс берган эди.

– Бу оғанг «Бўз ёп»нинг этагига бўян экиб, тажриба ўтказмоқчи. Шунга мендан ўн беш сотих ер сўраб келибди. Худонинг кенг даласини бермай пима қиламан?

– Бўян экади дейсизми? – деди Жиянғали гапга аралашиб. – Экмаса ҳам эшикнинг олдиғача ўсиб ёғибди-ку бу гиёх.

– Хозирча ўсиб турибди, – гапга аралашди Соли оға. – Лекин ўттиз-қирк йилдан сўнг бўяннинг уруғини ҳам тополмай қолишимиз мумкин, деган тахмин бор. Шунинг учун уни қўлда экиб кўпайтириш усулини ишлаб чиқишимиз керак.

– Жиянғали, менга ҳам битта этик беринг, – дедим мен.

– Нима? – деб у менинг юзимга синовчан тикилди.

– Мен ҳам бўян экаман.

– Бу йигит ким? – сўради бригадир менга зингил солиб қараб.

– Жўрам бўлади. Еттинчи овулдан меҳмонга келган.

– Соли оға, мени танимадингиз, шекилли? – дедим муаллимнинг юзига боқиб. У менга синовчан тикилди.

– Тўғриси, таниёлмай турибман.

– Институтда бизга ҳам сабоқ берган эдингиз.

– «Биология»да ўқиганмисиз?

– Йўқ, педфакда.

– Эй, қўшимча дарслар унчалик ёдда қолавермайди, иним. Ўқитсам-ўқитгандирман.

– Ботаникадан бир семестр дарс ўтган эдингиз. Эсингиздами, «дуккакли экинлар қанақа бўлади, бошоқли экинлар қанақа бўлади?» деб савол бериб, жавобини ҳам ўзингиз айтардингиз. Мен биологиядан яхши ўқирдим. «Сен бола биологияга топширишинг керак экан», деб имтихонда менга сўрамасдан беш баҳо қўйган эдингиз.

– Шунақами? – деди Соли оға елкамга қоқиб. – Ўша йигит сиз экансиз-да? Сизни учратганим яхши бўлди.

Соли муаллим мени таниган-танимаганини билмайман, бироқ ўзига шерик топилганидан мамнун бўлиб, қўлимни қисиб қўйди.

– Ана, Жалғаснинг ўрнига ёрдамчи топилди, – деди Дўйсенбой бригадир қувониб. – Ўғлим яқин жойда бўлганида-ку аллақачон чақиртирардим.

– Ҳечқиси йўқ, бу инимиз анча зеҳдли йигитга ўхшайди, икковимиз бир амаллаймиз.

Шундан сўнг биз «Бўз ёп»нинг бўйидаги бўян экиладиган майдонга йўл олдик.

– Жиянғали, сеп келинни ҳам шу томонга юбор, ўроғини олиб борсин. Бойжоннинг хотинига, Қутлимуротнинг қизига, Ўтабекага ўзим одам юбораман, – деди Дўйсенбой оға дўкондан чиқа туриб.

«Бўз ёп»нинг икки тарафи қуюқ бўянзор билан қопланган экан. Ёзнинг сўнги ойларида ўриб олинган майдонда ҳам бўян қайтадан гуркираб ўсиб, аллақачон тиззага уриб қолибди. Ўрилмай қолган жойларда эса япроғи тўкилиб, шип-шийдам бўлган.

Пастда улкан С-100 трактори турибди. Тракторчи айтилган жойни ҳайдаб бўлиб, бригадирни кутиб турган экан.

– Дуйсенбой оға, унда сиз бораверинг, – деди Соли муаллим. – Биз манави йигит билан... Отинг нима эди?

– Мамбетназар.

– Мамбетназар билан бир четдан ишга киришаверамиз.

– Бўлди, иним. Ҳадемай хотин-халаж ҳам етиб келади. Тушда ҳеч қасққа кетиб қолманг, ўзим келиб олиб кетаман.

Биз устки кийимларимизни машинага ечиб қўйиб, кирза этикларни кийдик-да, дала ораладик.

Бўянзор чуқур шудгор қилинганидан тракторнинг филдираги изидан юрмасанг, этигинг ерга ботиб кетиб, қўнжидан майин тупроқ қуйилади. У ер-бу ерда тўнтарилиб ётган бўян томирлари кўзга ташланади.

– Дуйсен оғага раҳмат, – деди Соли муаллим. – Кеча говгумгача шудгор қилинадиган бўянзорни яхшилаб тозалатиб берди. Йўкса, унинг томирини териб олиш қийин бўларди.

– Томир терамизми ёки экамизми?

– Аввал бу илдизларни териб олиб, отизни бир чеккасидан тозалаймиз. Сўнг тозаланган жойга уларни қайтадан экамиз.

– Баҳорда экилмайдимизми бу?

– Баҳорда бошқа экинлар экилади. Бўяннинг томири қаттиқ бўлади, кўкариб чиққунича камида бир ой кутишга тўғри келади. Кун исигандан кейин кўкарган бўян яхши ўсмайди.

– Уруғини экса бўлмайдимиз?

– Уруғидан кўкарадими-йўқми, буниси ҳозирча номаълум... Томирини экиш ишончлироқ.

Шундан сўнг Соли оға бўяннинг хусусиятлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилишга тушиб кетди.

– Ҳисоб-китобларга қараганда, ер юзида ўн тўрт минг гектар бўянзор бор, – деди у. – Шунинг ҳам тенг ярми мана шу районда ўсади. Бу нақ етти минг гектар дегани! Бундан фахрлансак арзийдими-йўқми?

– Албатта, арзийди, – дедим мен.

– Ана, хотин-халаж ҳам келаяпти, – деди у даланинг нариги томонига тикилиб. Биз томонга келаятган уч аёлнинг орасида Чинорни танидим. Қолган икки нафари нотаниш эди. Улар етиб келгач, дастлаб Соли муаллим билан, сўнгра мен билан саломлашишди.

– Бригад қайноға юборган эди...

– Жуда яхши. Қўлингиздаги ўроқ билан тупроқнинг орасидан бўяннинг томирини суғуриб олаверинг. Лекин уларни ўриб ташламанглар. Иложи борича таги билан суғуриб олишга ҳаракат қилинг. Кучингиз етмаса, Мамбетназар билан мен ёрдамлашамиз.

Биз қатор тизилиб бўян илдизини теришга тушдик.

– Иним, икковимиз илдизларни кесиб, экишга тайёрлаб кетишимиз керак, – деди Соли муаллим. – Йўғон томирларнинг узунлиги ярим метрдан ошмайди, шунинг учун уларни кесмаймиз.

Ингичкароқларини қирк сантиметрдан ўлчаб, кесамиз. Биринчи қаторга қалин, иккинчисига ингичка томирларни экамиз. Кейинги йилда уларнинг қайси бири яхши ривожланиши, қанча барг солишини аниқлаймиз.

Менинг қўлларим ишда бўлса-да, кўзларим йўлда эди. «Нега Бойжоннинг хотини келмаяпти? Ёки у юбормадимикин? Бойжон менинг бу ерда эканимни сезганмикин? Аёл келса, кечқурун Нигорга мени далада қўрғашини айтади. Нигор бу гаждан қувониб кетади. «Ростданми?» деб шивирлаб сўрайди янгасидан. «Рост айтаянман, бекачим. Бироқ акангиз сезиб қолмасин», – дейди у хавотирланиб. Албатта, Бойжоннинг хотини бизнинг ўртамиздаги гаплардан хабардор бўлса керак. Чунки қиз бола янгаси билан сирлашади. Бунинг устига, Нигор хали ёш, хиссиётларини ичига ютиб юра олмайди. Шунинг учун у қадрдон янгасига дардларини айтади. Эртага янгасининг ўрнига ўзи келади. Икковимиз бирга илдиз терамиз. Унинг бўян илдизини суғуриб олишга кучи етмайди. «Ёрдам бериб юборинг», дейди менга жилмайиб. Мен шу заҳоти ёнига етиб бораман. Икковимиз ичакдай чўзилган томирни чангаллаймиз. Бироқ у осонликча ердан суғурилмайди. Биз бор кучимиз билан тортамиз. Кутилмаганда илдиз қўпорилиб, икковимиз чалқанча йикиламиз. Нигор менинг бағримга қулайди. Бир муддат ўзини ўнглолмай овора бўлади. Мен унинг туриб кетишини истамайман, шунинг учун ёрдам беришга ошиқмайман. Қанийди, шу аҳволда кечгача осмонга термулиб ётсак...»

– Томирни кузда экишнинг сабаби, у қор-ёмғирда тупроққа яхшилаб ўрнашиб олиб, баҳорда гуркираб ўсади, – деди Соли оға.

— Тушунарли, — дедим истар-истамас. Ширин хаёлларимни бўлиб юборгани учун унинг гаплари малол келди.

— Хой, келин, бу ёққа келинг, — деди у бир пайт даланинг нариги тарафига юзланиб. — Бир четдан тозалаймиз.

Дарров танидим, Бойжоннинг хотини! Унинг касалхона дарвозаси ёнида Нигор билан гаплашиб тургани хаёлимда мухрланиб қолган эди. Шудгордан олтин топиб олгандай қувониб кетдим. Янгаси келдими, бекачи ҳам бир замондан сўнг бўй кўрсатади.

Аёл ерга қадалган ўроғини суғуриб олиб, биз томонга юрди. Саломлашдик. Менга маъноли қараш қилар деган умидда эдим, бироқ у эътибор бермади. Соли оға кўрсатган жойга бориб ишга киришди. Кўнглим ғалати бўлиб кетди. «Танимади, шекилли... Йўғ-ей, таниган бўлиши керак, фақат буни сездирмади. Ёнидаги аёллардан тортинган бўлса керак. Балки ўша кунги воқеа катта машмашага айланиб, бу аёл ҳам уйида эридан яхшигина дакки еган бўлиши мумкин. Кеча Бойжон оз-моз хабарим бор, дегандай бўлган эди. Очикроқ гапиришга ор қилди, чамамда. Унда кечкурун ҳаммасини Бойжонга айтиб беради. «Бу йигит бу ерларда бекорга тентираб юргани йўқ, синглингизга кўз-кулоқ бўлинг», дейди. Шу йўл билан эрига яхши кўринади. Эрта-бир кун бир гап бўлса, мендан гумон қилиб юрмасин, деб бизнинг йўлимизга тўсиқ бўлади бу хотин».

Кўнглимдан кечган бундай ўйлар таъсирида ўзимча Бойжоннинг хотинини ёмон кўриб кетдим.

— Мамбетназар иним, ишни чала қиляпсиз-ку?

Соли муаллимнинг гапидан хушёр тортдим.

– Суғурилмай қолган томирдан кўқарган тажрибамизга халақит беради. Шунинг учун хушёрроқ бўлинг.

Соли муаллим гўёки мени мардикор бозоридан ёллаб келгандай, бир дақиқа ҳам ишимни назардан қочирмасди. Кун пешинга чамалаганда Дуйсенбой бригадир бизни уйига бошлаб бориб, меҳмон қилди.

– Мен кун кеч бўлмасдан уйга қайтаман, – деди Соли оға далага қайтганимиздан сўнг. – Йўл-йўлакай сизни ҳам овулингизга ташлаб ўтишим мумкин.

– Бизнинг овул катта йўлдан олисроқда, – дедим иккиланиб. Аслида, гап бунда эмас, фақат эртага бу ерга қайтиб келишим учун арзигулик баҳона йўқ эди. Кеча Дуйсен оға орқали мактабга кўнғироқ қилдириб қўйганман.

– Бу киши бугун бизникида қолади, – деб Чинор жонимга оро кирди. – Жиянғали жўрам кетиб қолмасин, деб тайинлаб юборган эди.

– Ха, унда майли, – деди Соли муаллим қувониб. – Кун кеч бўлгунча бироз ишланг, иним. Аёлларнинг уйда мол-ҳоли бор, эртароқ қайтаверсин.

Менга айнан шу гап керак эди. Далада бир ўзим қолсам, Нигор бир йўлини қилиб ёнимга келиши мумкин. Биз бир-биримизга унсиз термулиб қоламиз. Дафъатан у ўзини кучоғимга отади. Мен уни шартта кўтариб оламан...

Бу хаёлларим қанчалик беҳуда бўлса-да, ўзимга ёқарди.

Бугун бўяннинг томирини териб, қайта эка-
 ётганимизга тўрт кун бўлди. Кунлар бир-бирига
 ўхшаш, зерикарли ўтарди. Соли муаллим эрталаб
 соат тўққиздан кечикмай далага етиб келади-да,
 қуёш уфққа бош қўйганда ортига қайтади. Унгача
 менга гап уқтиришдан эринмайди. Унинг айти-
 шича, ҳали бўяшнинг илдизи олтин билап теги
 бўлармиш. Ўшанда уни қўлда экиб кўпайтириш
 технологиясини яратган биз каби оддий одамлар-
 нинг номимиз тарихга ёзилармиш. Садағаси кетай
 шу тарихнинг. Мен бу ерларда бўяннинг илди-
 зи туфайли донг таратиш илинжида юрибманми?
 Ўйламаган жойда Нигорнинг овулида қолишим
 учун баҳона топилгани учун етти-саккиз йил бу-
 рунги воқеаларни Соли муаллимнинг ёдига сол-
 дим. У ҳам ўзига ишончли ёрдамчи топилгани-
 дан боши осмонга етиб, шу заҳоти мени ёнига
 олди. Лекин кўнглимда пайдо бўлган пинҳоний
 илинжим кун сайин сўниб бораяпти. Даладаги
 хотинларнинг сафи кўпаймади ҳам, камаймади
 ҳам. Ҳамма қатори ишлаб юрган Бойжоннинг
 хотипининг парвойи фалак. Нигордан эса дарак
 йўқ. Хечқурса, уйини билганимда ҳам ора-сира
 баландроқ жойга чиқиб, ўша томонга кўз югур-
 тирардим. Энг ёмони, буни бировдан сўрашнинг
 имкони йўқ. Хаёлимдан минг хил ўйлар кечса-да,
 Бойжоннинг хотини келаётганини кўришим билан
 беихтиёр ҳаяжонланиб кетаман. Нигор билан уч-
 рашиш орзуси юрагимда қайтадан аланга олади.
 Кечга бориб яна тушқунлик мени домига олади.

Негадир бугун Бойжоннинг хотини далага
 чиқмади. Шу ҳам ичимга гулгула солди. У эри-
 га мени кўрганини айтган, шунинг учун Бойжон
 рухсат бермаган.

– Нега машқингиз паст? – деди Соли муаллим
ёнимга келиб. – Ёки уйга қайтгингиз келаяптими?

– Йўғ-ей.

– Тўғриси айтиверинг. Истасангиз, кечкурун
бирга олиб кетаман.

– Бу иш менга ёқиб қолди, – деб унга ёлғон
гапирдим.

– Ишнинг қизигини келаси баҳорда кўрасиз.
Ана ўшанда даланинг бошидан кетгингиз келмай
қолади. Йигирма тўрт саҳифалик дафтар туга-
сиз. Ерга экилган йўғон томирларнинг канчаси
кўкарди, ингичкасининг нечтаси униб чиқди –
хаммасини бирма-бир ёзиб борасиз. Бир ҳафтада
кайси бири неча сантиметрга ўсгани, нечта янрок
чиқаргани, янрокларнинг ранги қанақалигини икки
ой давомида қайд қилиб борсангиз, сизни ўзимга
ассистент қилиб оламан. Бирданига учинчи курсга
ўтиб, иккинчи мутахассисликка ўқийсиз.

– Раҳмат, оға, – дейман унинг кўнгли учун.
Лскин менинг биолог бўламан деб кўзим учиб
тургани йўқ. Ҳозир ўзимнинг «мавзум» билан
бандман. Соли муаллим эса бундан беҳабар. У
бемалол хаёл суришимга сира имкон бермайди.
Эргалабки қўшиғи ҳам, кечки ашуласи ҳам бўян
бу одамнинг! Шомга яқин бўяннинг порлоқ кела-
жаги ҳақида бир муддат маъруза ўқийди-да, ма-
шинасига ўтириб жунаб қолади. У кетгач, шудгор
оралаб юрган аёллар ҳам уйига йўл олади. Мен
бийдай далада ёлғиз қоламан. Нигорнинг челақ
кўтариб сувга чиқишини кутаман, лскин у мени
буткул унутган. Уни шунга мажбур қилишган.
Балки Раҳима уйига қўнғироқ қилиб, «қизингизга
эҳтиёт бўлинг, бу кетишда беобрў бўлиб қолиши
мумкин», – деб ваҳима қилгандир. Ҳалиям Бой-
жон анча босилиб қолган, мени аяди.

Соли оға яна ёнимга келиб, хаёлим бўлинди.

– Бўян илдининг аҳамияти ҳақида ҳали биронта илмий иш қилингани йўқ, – деди у. – Агар шу гиёҳ Америкада ўсганида эди, бутун бошли институт бу билан шуғулланган бўларди.

– Чет элликлар биздап бўян томирини олиб кетишарди, балки улар ҳам экиб, тажриба қилиб кўришарди.

– Биз бу томирларни яхшилаб қуритиб, майда-лаб, кейин хорижга жўнатаримиз...

– Соли муаллим! – дея овоз берди Дуйсенбой оға шудгорнинг нариги чеккасидан. – Юринг, тушликка чиқамиз.

– Ҳозир! – деб Соли оға менинг қўлимдап тутди. – Иш билан бўлиб кун пешин бўлганини ҳам сезмабмиз.

– Бойжонникига борамиз, – деди Дуйсенбой оға машинага ўтирганимизда. – Курка сўйиб, овқат тайёрлаб қўйибди.

Кутилмаган хабардан юрагим орзикиб кетди. Бойжоннинг уйига борарканмиз! Нигор бизга таом тайёрлапти. У менинг келишимни билди! Бир-биримизга назаримиз тушган пайтда у ўзини қандай тутаркин? Орамиздаги муносабатимизни бошқаларга билдириб қўймасмикин. Ахир, у ҳали жудаям ёш! Севган одамнинг кўрганда тўлқинланиб кетасан киши. Мен-ку хиссиётларимни сездирмасликка тиришаман. Чунки сал хатога йўл қўйсам, унга қийин бўлади. Уйда қизга бир овиз гапирмайман, ҳаммасини нигоҳим билан тушунтираман. Уни деб бу ерларда юрганимни тушунтираман. Яна бир ҳафта қолсаммикин. Аксига олиб, бўян экиш ҳам охирлаб қолди.

Машина «Бўз ёп»дан ўтиб, бироз юргач, эшиги кун ботиш томонга қараган, томи шиферланмаган

уйнинг бурчагига келиб тўхтади. Эшик ёнидаги жўхориси ўриб олинган отизда бир гала курка ивирсиб юрибди. Даланинг қибла тарафида эса жингилдан тикланган узун кўра кўзга ташлаилади. Кўранинг ўртасида устига сомон босилган чайла қаққайиб турибди.

Остонада бизни Бойжон кутиб олди. У мени кўриб аввалига хайрон бўлди. Сўнг кўзларида ғазаб ва ижирғаниш ҳисси сезилиб турарди.

– Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? – деди у кўлимни қаттиқ сиқиб. Мен индамай кўя қолдим.

– Дуйсен оға, Отаназарнинг трактори қачон келади? – деди Бойжон бригадирга юзланиб. Ичкарига кираётган Дуйсенбой оға ортига бурилди.

– Ҳозирча ўзинг эшлаб турасан. Бугун-эрта келса, Отаназардан оласан.

– Адашиб, янги тракторни менга бериб юборсангиз зўр бўларди.

– Мен адашганим билан бошлиқлар адашмайдида.

– Қайси бошлиқ, анави Саидваққосми? Отиб ўлдирайми ўша гўрсўхтани!

– Ҳой, болам, ёмон гапларни гапирма! – деди ичкаридан чиқиб келган кампир Бойжонга. – Яхши ҳам, ёмон ҳам худонинг бандаси... Нега бўсағада турибсизлар, ичкарига кира қолинглар. Биргад қайним, Бойжон инингнинг гапларини оғир олма. Унинг тили ёмон бўлгани билан ўзи чивинга ҳам озор бермайди.

«Бечора онаизор! Боласи чивинга ҳам озор бермас эмиш!» Унинг тепкисининг касрига анча вақтгача партада бир ёнбошим билан ўтирганимни қаердан билсин!

Бойжоннинг опаси бизни ичкарига киритиб, тизза букиб ўтирган кўйи ҳаммамиз билан бирма-бир сўрашиб, сўнг яна ўрнидан турди.

– Келин-ов, кўноқларнинг қўлига сув қуй, – деди у ташқарига чиқаётиб. Демак, Бойжоннинг хотини кўлимизга сув қуяди. Нигор эса кўринмайди. Балки овқат еб бўлганимиздан кейин у офтоба кўтариб олдимизга кирар. Жуда бўлмаса, уйдан чиқаётганимизда дуч келиб қоларман...

Деразанинг олдида Бойжоннинг трактори тариллади. У устма-уст газ берди.

– Менга аччиқ қилаяпти, – деди Дуйсен оға кулиб. – Озгина тили заҳарлигини айтмаса, ўзи ёмон йигит эмас. Жуда меҳнаткаш.

Бир пиёла чой ичиб улгурмасимиздан Бойжоннинг хотини лаганда овқат олиб кирди. Энди фақат уйдан чиқишда Нигорни кўришдан умидвор эдим. Унга кўзим тушса, бир оғиз гап айтаман. Буёғига фақатгина нигоҳлар орқали сўзлашишдан фойда йўқ. Кейин армон бўлиб қолиши мумкин. Ундан далага чиқишини илтимос қиламан. Ана шунда гаплашиб олишимиз учун имкон туғилади. Соли оғадан ҳам, даладаги аёллардан ҳам тортиниб ўтирмайман. Уларнинг нима деб ўйлаши мени қизиқтирмайди...

Нукул хаёлларим сароб бўлиб чиқаяпти! Нигорнинг уйигача келдим, лекин у қорасини ҳам кўрсатмади. Ёки уйда йўқмикин... Энди нима қиламан? Онасидан сўрай олмасам, янгасига эса ишонч йўқ.

Меҳмондорчиликдан юрагим багтар хасратга тўлиб ортимга қайтдим. Бўян илдизи қадалган шудгор кўзимга ёмон кўриниб кетди. Бўлди, стар шунча саргардон бўлиб юрганим! Бугун уйга

қайтаман. Овулдан хабар олиб келиш бахонасида Соли оға билан бирга кетаман. Бошка қайтиб келмайман. Энди бу ерларни слкамнинг чуқури кўрсин. Соли муаллимнинг ўзи шу арзанда бўянларининг бўйини ўлчаб, япроғини сагайверсин. Нигорсиз менга бу ерда нима бор! Шунча йўлдан келиб, бу ерда бўяннинг баргини санагунча, уйда ўтириб мўйловимнинг тукини санаганим яхши...

– Хой, Мамбетназар, – деб Соли оға нарироқдан овоз берди. Мен ундан олдинроқда ерга илдиз қадаётган эдим.

– Нима дейсиз, оға? – дедим ортимга ўгирилишни ҳам истамай.

– Дуйсен оға яна бир одам кўшганга ўхшайди, қаранг-чи!

Истар-истамас қаддимни ростладим. Не кўз билан кўрайки, эғнидаги кўйлаги шамолда хилпираб Пигор биз томонга келарди!

Мен эс-хушимдан айрилгандек турган жойимда ҳайкалдек котиб қолдим. Беихтиёр у томонга иптилмоқчи бўлдим, бироқ шу заҳоти хушимни йиғиб олдим. Нигор даланинг бошида юришдан тўхтади.

– Қизим, буёққа кел, – деди Соли оға унга. Шу топда эзма муаллимни жуда яхши кўриб кетдим. У менинг мушкулимни осон қилди. Чунки ўзим уни чақира олмаган бўлардим.

Нигор омовнинг филдираги ўтган тақирроқ ердан юриб ёнимизга келди-да, дастлаб Соли оға, сўнг мен билан саломлашди. Кафтимда унинг бармоқлари тафтини ҳис қилиб, юрагим орзиқиб кетди.

– Қизим, сен томир теришга қийналасан, – деди Соли оға унга. – Яхшиси, манави ўроқни

ол-да, ингичка томирларни икки қаричдан чама-
лаб кесиб бериб тур... Айтгандай, сени Дуйсенбой
оға юбордимиз?

– Йўқ, янгам «қозон-товоқни ювгушимча
ўрнимда ишлаб туриш», деди.

– Бу қиз бояги Бойжоннинг синглиси! – дея
изоҳ бердим мен ўзим ҳам сезмаган ҳолда тилга
кириб.

– Жуда яхши. Унда бошлайвер, қизим.

Нигор бўяннинг илдизини кесишга кийналарди.
Бу менга қўл келди.

– Менга беринг, кўрсатаман, – деб унинг
қўлидан ўроқ билан илдишни олдим. – Ўроқни
мана бундай қилиб қиялаб тортсангиз, осонроқ
бўлади.

– Тортаяпман, лекин ўроқ ўтмаяпти.

– Унда сиз экинг, мен тайёрлаб бераман.

– Бўянни экмасангиз ҳам ўзи кўкаради-ку?

– Бу Соли оғанинг илмий тажрибаси. Баҳорда
буларнинг япроғини санаб, бўйини ўлчаيمиз.

Нигор пиқиллаб кулди.

– Япроғини санаб улгурармикинсиз?

Биз аста-секин Соли оғадан узоклашдик. Охири
қаторларда илдиш тараётган аёллар ўзининг
хаптомаси билан банд эди. Балки улар зимдан
бизни кузатиб туришгандир. Лекин шу топда Ни-
гор икковимиз дунёни унутган эдик.

– Баҳорда ҳам келасизми? – деди Нигор жил-
майиб.

– Бошқа иложим йўқ.

– Бизнинг овулга қачон келдингиз?

– Бугун тўртинчи кун.

– Жиянғали оғаникида турибсизми?

– Ҳа.

– Тунов куши акамши сиз чақирдингизми?
– Мен.
– Унга нима дедингиз?
– Хеч нарса.
– Сиздан «бу ерда нима қилиб юрибсан?» деб сўрамадимми?

– Йўқ.

– Мен ҳақимда ҳам гапирмадимми?

– Гапирмади.

– Унда эшитмаган экан-да. Мен акам билиб қолдимикин деб кўрқиб юрган эдим.

– Раҳима мактабингга кўнғироқ қилмадимми?

– Йўқ. Фақат Гулчеҳра завучга кўнғироқ қилган. Сирға деган аёл бор эди. Янгамни чақириб, ҳаммасини айтиб берибди.

– Янгам акамга ҳам айтган бўлса керак?

– Йўғ-ей... Айтса, бу ишнинг бир тарафида сен ҳам борсан, деб уни нақ ўлдиради-я!

– Ўша оқшом қўлга тушган «тутқунларнинг» бири мен эканимни янгам билладими?

– Билади.

– Менинг бу ерда бўян экиб юрганимни-чи?

– Буни менга ўша кунгиде айтган эди.

– Боя қаёқда эдинг?

– Уйда... Сизнинг меҳмонга боришингизни эшитиб, ичкарига кириб ётиб олдим, – деди у кулиб.

– Мени куйиб ўлсин дегансан-да!

Нигор яна пиқиллаб кулди.

– Шу пайтгача куймадингизми?

– Куйиб адо бўлишимга оз қолди!

– Сизни адо бўлмасин деб келдим-да.

Бизнинг гапимиз тугамас эди. Лекин ишимизнинг сира унуми йўқ. Томирларни бир қатор

қилиб экаяпмизми, қиялаб кетдикми, ерга дуруст кўмилдими-йўқми, буниси билан ишимиз йўқ эди.

– Хой, Мамбетназар! – деб Соли оға суҳбатимизни бўлиб юборди. Ўрнимдан учиб туриб, унга қарадим. Буёнига кўнглим тўқ. Чунки Нигор ёнимда.

– Мен бугун эртароқ қайтишим керак. Сизлар кечгача шу қаторни охирига етказиб қўйинглар.

– Хўп, оға.

Соли муаллимнинг машинаси ортидан куюк чанг кўгарганча бир зумда кўздан ғойиб бўлди. Қуён уфққа бош қўйгач, илдиз экаётган аёллар ҳам огиздан чиқди.

– Аёллар кетаяпти, мен ҳам қайтсаммикин? – деди Нигор иккиланиб.

– Яна бироз ишлайлик.

– Кун ботай деб қолди-ку. – деди Нигор қулиб. – Ана, моллар ҳам яйловдан қайтаяпти.

– Йўлнинг чанги босилсин... Менинг бир ўзимни ташлаб кетасанми?

– Сизни бўри ермиди? – деди Нигор ноз билан.

– Ойдин тунда ҳам мени ёлғиз ташлаб кетмаган эдинг.

– У ер шаҳар, бу ер овул. Гап чиқиши мумкин.

– Бизни ҳеч ким кўраётгани йўқ. Шу ариқнинг бўйига ким ҳам келарди.

– Сизга ўхшаган жиннилар келади! – деди у жилмайиб.

– Мени жинни қилиб, ўзинг қочиб қолмоқчимисан?

– Чала терибсиз-ку, – деди Нигор бир тутам илдизни тупроқдан суғуриб олишга тиришиб. У

дастлаб бир кўлда, сўнг икки кўллаб илдизни тортди. Лекин суғуриб олишга кучи етмади. Мен бундай қулай фурсатни бой беришни истамадим.

– Қани, бирга тортайлик-чи, – деб унинг ёнига бордим. Томир икковимизнинг кўлимизга сиғмади.

– Сен тутамла, мен сенинг кўлингдан ушлаймаман, – дедим унга. – Икковимиз бирга тортамыз.

– Шолғом тортган чол-кампирга ўхшаб-а?

– Ха. Кучимиз етмаса, сизларнинг мушугингиз билан кучугингизни ҳам ёрдамга чақирамыз.

У кулгидан лаб-лунжини йиғиштира олмай бўян илдизини икки кўллаб ушлади. Мен унинг кўлини аста кафтимга олдим. Лекин тортмадим. Нигор ҳам буни сезди-да, бир муддат унсиз қолди. Унинг елкалари титрай бошлади.

– Кўйинг... Биров кўриб қолиши мумкин.

– Хеч ким кўрмайди.

Нигорни бағримга босдим, аммо у силтаниб кучоғимдан чиқди-да, бир-икки қадам ортга чекинди.

– Қаранг, бу қилиғингиздан қуёш ҳам уялиб, қизариб кетди! – деди ботаётган қуёшга имо қилиб.

– У сенинг юзингга ўхшайди.

Биз яна аста-секин бир-биримизга яқинлаша бошладик. Сўзларимиз тугаб қолди. Бошқа гап-лашмадик.

– Мен сени соғиниб келдим, – дедим унинг билакларидан ушлаб.

– Кутинг, – шивирлади у.

– Қачонгача?

– Институтни битиргунимча.

– Унгача қариб қоламан-ку?

– Ўшанда соқолингиз қаерингизга тушади? – деб кулди Нигор.

– Мана бу еримгача, -- деб иягимни унинг кўкрагига ишкаладим.

– Қитиғим келаяпти, – деб у менинг бошимни орқага итарди.

– Ҳар ҳафтада келиб турсам майлими?

– Йўқ! – деди Нигор бош чайқаб.

– Унда сени соғиниб қоламап-ку?

– Ўзим сизга хат ёзиб тураман.

– Мен жавобини қаерга юбораман?

– Сиз жавоб ёзманг! Менинг хатимни ўқиб турсангиз етади. Аттестат олганимдан кейин Нукусда кўришамиз.

– Аканг ўқишга юборадими, ишқилиб?

– Юборади! Юбормаса ҳам бораман!

Розилигини ҳам кутиб ўтирмай, Нигорни шартта бағримга босдим. Биз бир-биримизнинг кучоғимизга сингиб кетдик. Бу тотли дамлар қанча давом этганини билмайман. Уни сира қўйиб юборгим келмас, шу ҳолда эрталабгача ўтиришга ҳам тайёр эдим. Аммо қутилмаганда елкамга оғир зарба келиб тушди. Ўзимни тутолмай олдинга йиқилдим. Нигор ҳам бир-икки кадам ортга тисланиб кетиб, қўлига таянганча ерга ўтириб қолди. Кўз олдим коронғилашди. Нигор худди ўтирган жойида ҳалинчак учаётганга ўхшарди. Гандираклаганча ўзимни тутишга ҳаракат қилиб, ортимга ўгирилдим. Шу пайт қоқ пешонамга яқинлашиб келаётган белқуракни кўришга улгурдим. Бу галги зарбадан сўнг чалқанча йиқилдим. Шудгорда тупроққа қоришиб ётарканман, ихтиёрсиз тарзда бикинимга устма-уст келиб тушаётган тепки зарбидан ўзимни ҳимоя қилишга уриндим... Кейин нима бўлганини эслолмайман.

Узоқ давом этган уйкудан уйғона олмаётгандай, кўзларимни парда босиб қолган. Қовоқларимни кўтаришга ҳам ҳолим йўқ. Атроф парда тутиб қўйилгандай оппоқ. «Сўқир бўлиб қолганга ўхшайман» деган хавотирли ўй келди хаёлимга. Кўзимни уқалаб очиш илинжида қўлимни қимирлатишга ҳаракат қилдим, лекин бунга кучим етмади. Бошимда кимдир гапирди. Унинг овози кудукнинг ичидан келаётгандай бўғиқ эшитилди. Аста-секин шуури тиниклаша бошлади.

– Уйғондимми? – деди аллақандай аёл.

– Ухлаётгани йўқ у, – деди эркак киши. Ўша одам шекилли, қўли билан ўнг қовоқларимни кўтариб кўрди. Шунда мен оқ халат кийган дўхтир билан хонанинг оппоқ шифтини ғира-шира пайқадим. Бошқа ҳеч нарсани англамадим. Дўхтирнинг афт-ангори тутуннинг орасидан кўринаётгандай гоҳ тиниклашиб, гоҳ ғойиб бўларди.

– Қаердаман? – дедим. Овозим яхши чиқмагани учун дўхтир жавоб бермади. Саволни такрорлашга мажбур бўлдим.

– Ойдин, лабига сув томиз, тили калимага келаяпти, – деди у ёнидаги қизга. Ҳамшира лабимга хўлланган докани босди. Мен тамшаниб унинг намини ютишга уриндим.

– Қаердаман? – дея қайта сўрадим. Бу гал аниқроқ гапирганимни ўзим ҳам сездим.

– Касалхонадасан! – деди у юзимга эгилиб. – Кўркма, аҳволинг яхши. Дориларини қуй, ичкарига ҳеч кимни киритма.

Ҳамширалар кўпайиб қолди. Уларнинг бири менга осма дори қўйди, бошқаси ёнбошимга, билгимга укол қилди. Аста-секин кўз олдим ти-

никлашиб, ўзимга кела бошладим. Зўр бериб менга нима бўлганини эшлашга уриндим. Лекин ҳеч нарса ёдимга тушмади. Оқ халатли дўхтирлар, оппоқ девордан бошқасини билмасдим.

Эртаси куни бутунлай хотирамни тиклаб олдим. Бир пайт онам палатага шошиб кириб келди. Эгнига ёпилган оқ халат бўсағада ерга тушиб қолди. Келиши билан норасидани эркалагандай юз-кўзларимдан чўлпиллатиб ўпди. Кўзларидан оқаётган иссиқ ёш юзимга томчилади. Менинг ҳам кўнглим бузилди. Лекин кўзларимдан ёш чиқмади. Онам мендан ҳол сўрашни ҳам ёдидан чиқарган, ўзини тутолмай нуқул йиғларди.

– Опа, ўғлингизни кўн уринтирманг, – деди ҳамшира эшикдан мўралаб.

– Хўп, чироғим, – деб онам дарров ўзини кўлга олди. – Ҳа, болажоним-а, қаерларда йиқилиб юрибсан?

Бу гапдан сўнг яна бу ерга қандай келиб қолганимни эшлашга уриндим. Бирон жойдан йиқилиб тушганимни эслолмадим. Нигорни бағримга босганим, дафъатан слкамга келиб тушган зарба, сўнг юзимга урилган белкурак... Демак, дўхтирлар онамни ўғлигиз йиқилиб тушган деб алдаган.

Икки кундан бери касалхонанинг дахлизидида қўниб ўтирибмиз, болам, – деди онам саволига жавоб беришимни кутмай. – Аканг ҳам шу ерда. Яна Нукусдан бир одам келди. Сенинг муаллиминг эмиш. Садағаси кетай, шунча жойдан келиб ўтирганини айтмайсанми! Боя бир жойга ўтиб келаман деб чиқиб кетган эди.

Онам Соли оға ҳақида гапираётган эди.

Тушдан сўнг менга чой билан шўрва ичиришди. Эртаси куни замбилда кўтариб рентгенга олиб

боришди. Йўлакда ўз оёғи билан юрган беморлар менга ачиниш билан қараб қолишди. Уларни кўрмаслик учун кўзларимни юмиб олдим.

– Бош суюгинг бутун, – деди бироздан сўнг палатага ҳамширани эргаштириб кирган врач. У қўлидаги рентген қоғозини деразага тутиб, бир мулдат кўздан кечирди. – Бироқ бир-икки ҳафтагача ётишинг керак, ўрнишдан кўзголишинг мумкин эмас.

– Нима бўлган?

– Кўрқинчли жойи йўқ. Миянг озгина чайқалган. Лекин ўнг томондаги иккита қовурғанг ичкарига томон қийшайган.

– Энди шундай қолиб кетадими?

– Йўқ, жойига келтирамиз. Ичкарида нима бор унга? Ўзининг жойига келиб ўтирсин, – деб дўхтир ҳазиллашиб елкамга беозоргина қокиб қўйди.

Мен кун сайин соғая бошладим. Бир ҳафтадан кейин икки милиционер Бойжонни олдига солиб келди. Ҳамширалар уларга курси келтириб беришди. Лекин ҳеч бири ўтирмади.

– Манави йигитни танийсизми? – деди улардан бири Бойжонни кўрсатиб.

– Танийман.

– Орангизда қандай низо бор?

– Ҳеч қандай.

– Бўлмаса сизни нега урди?

– Ургани йўқ.

– Унда ким?..

– Билмайман.

– Ўша одамнинг юз-кўзини эслай оласизми?

– Йўқ.

– Мен урдим, мен! – деди Бойжон уларга кўзини олайтириб. – Айтдим-ку, мен шу ҳолга

солдим уни. Юзлаштиришнинг нима кераги бор эди? Ахир, хаммасини бўйнимга олиб турибман-ку.

– Сиз жим тулинг, – деди милиционерлардан бири унга.

– Сизни калтаклаган одамлар неча киши эди?

– Мен ҳеч кимни кўрганим йўқ.

– Уша пайтда ёнингизда ким бор эди?

– Ҳеч ким.

– Яхшилаб эслаб кўлинг.

– Ростдан ҳам бир ўзим эдим.

Шу пайт Бойжон: «У ерда Нигор бор эди, бу менинг синглимни кучоклаб турган эди», – деб айтадими деб хавотирда эдим. Бахтимга у бундай қилмади. Дўхтир милиционерларга ортиқ қолишига рухсат бермади. Шунинг учун савол-жавоб дарров тугади.

– Тезрок тузалиб кетинг. Қолганини идорада гаплашамиз, – деди Бойжонни олдига солиб олиб кетаётган милиционерлардан бири. Бойжон ортига бурилди.

– Мен адашибман, – деди у ғазаб билан. – Аслида, сени белкуракнинг ён томони билан эмас, қирраси билан уришим керак экан. Шунда икковимизни юзлаштириб ўтиришларига ҳожат қолмасди.

Милиционерлар уни стаклаб палатадан олиб чиқиб кетишди.

Жиянғали, Дуйсенбой оға ва Соли муаллим мени кўргани келиб туришди. Лйникса, Соли оға ҳар гал келганида:

– Мени кечиринг, иним, овулнинг ичида бундай воқеа юз беради деб сира ўйламабман, – деб қайта-қайта ялинади. Унинг гапларидан хижолат бўлиб кетаман.

– Бўян экиш нима бўлди? – сўрадим бир куни ундан.

– Экиб бўлдик. Дуйсен оға овулдаги одамларни тўплаб, бир соатнинг нари-берисида охирига етказиб берди.

– Унда баҳорги япроқ санашни бизга қўйиб берасиз, – дедим кулиб.

– Йўқ, сизни Нукусга олиб кетаман. Институтга ишга ўтасиз. Сиздан катта олим чиқади. Япроқ санайдиган одамлар етарли.

У мени хурсанд қилиш учун айтдим ёки ўша кунги гапларим ростдан ҳам ёқиб қолганмиди, ишқилиб, кўнглимни кўтариб кетди.

Мен Нигорнинг овулидан келган ҳар бир одамнинг оғзига умидвор термулардим. Унинг ҳоли нима кечди экан? Бояқин мендан баттар жабр чекиб ўтиргани йўқмикин, ишқилиб. Касалхонада бир марта обрўйини тўқдим, овулида яна... Ҳеч одам бўлмадим-да мен!

Нигорга қанчалик интиқ бўлганим билан ундан хабар йўқ эди. Албатта, буни тушунса бўлади. Бу одамлар учун мен ҳеч ким эмасман. Аксинча, кутилмаганда овулига бостириб бориб, ғалва кўтарган бир бетайин йигитман. Дуйсенбой оға ўзидан кўрққани учунгина мендан хабар олиб турибди. Жиянғали эса жўрачилигимиз туфайли, Соли муаллим ўзини айбдор сезгани боис холимдан хабар олиб турибди. Уларга, ҳадеб олдимга келиб овора бўлманглар, ахволим яхши, ўрнимдан туриб юраяпман, дедим. Ёлғон гапирдим. Дўхтирлар ҳозирча фақат ўрнимдан туриб ўтиришимга рухсат берган эди.

Янги йилни касалхонада кутиб олдим. Бу ерда ётганимга бир ярим ойча бўлди. Бир куни поч-

тадан менга хат келди. Жилдида исми-шарифим, палатамнинг рақамигача аниқ ёзилган эди. Мактуб Нигордан экан.

«Мени кечиринг, – деб ёзибди у. – Сиздан ҳол сўраш учун олдингизга боролмадим. Бироқ Чинор янгамдан ахволингизни сўраб-билиб турибман. Унга ҳаммасини яширмай айтиб бердим. Нима, мен ота-онамга ўғайманми, ёки кимсасиз етимманми? Қиз йигитсиз, йигит қизсиз бўлмайди. Буни ҳамма ҳам тушунади. Тўрт-беш ойдан сўнг ўн етти ёшга тўламан. Мактабни эсон-омон битириб олсам, шаҳарга қапот боғлаб учаман. Ўшанда сизни топаман. Акам билан онам нима деса деяверсин. Мен барибир сизпикиман! Мажбурлаб бошқа бировга узатишса ҳам олдингизга қайтиб бораман. Номусимни топташларига йўл қўймайман. Худога шукр, ҳозир замон зўрники эмас. Яхшиси, сиз тезроқ тузалинг. Мени ўйламапг, уйдагилар менга ҳеч нарса дегани йўқ.

Сизнинг Нигорингиз».

Мен шу пайтгача унинг тилидан бундай ҳароратли сўзларни эшитмагандим. Шунинг учун қувончимнинг чеки йўқ эди. Ҳозироқ касалхонадан чиқиб кетгим келди. Нигорнинг бу мактуби менга дўхтирларнинг дори-дармонидан ҳам яхшироқ таъсир қилди. Ўзимни қушдай енгил сеза бошладим.

Февралнинг охирида Бойжоннинг устидан очик суд бўлиб ўтибди. Ўзининг овулида. Лекин судга мени чақиринмади. Касалхонада мен ёзиб берган тушунтириш хати етарли бўлибди.

Жиянғалининг айтишича, Бойжонга уч йиллик шартли қамок жазосини тайинлашибди. Мен

бу нохуш хабарни эшитиб хафа бўлдим. Бойжон мени ургани билан унга нисбатан ҳеч қандай хусуматим йўқ эди. Уни кечиришларини сўраб хат ёзиб берган эдим. Бироқ менинг илтимосим инобатга олинмаганга ўхшайди.

Суд ўзининг вазифасини бажарган. Жиноятчи-га жазо тайинлаган. Лекин улар бу билан Нигор икковимизнинг ўртамизга яна бир кўзга кўринмас тўсиқ қўйишганидан беҳабар эди.

* * *

Мен учун яна зерикарли кунлар бошланди. Энди илгаригидек эрталаб мактабга, тушдан сўнг уйга ошиқмайман. Ҳеч қаерда мени хурсанд қиладиган янгилик кутиб тургани йўқ. Сиртдан қараган одамга мен қони қайнаб турган ёш йигит эмас, опини ошаб, ёшини яшаб бўлган бефарқ қария бўлиб кўринсам керак. Мени эрта баҳорда қорнинг орасидан униб чиққан ям-яшил гиёҳлар ҳам, овулга кўкламни бошлаб келган қушлар ҳам қизиқтирмай қўйди. Илгари мавсум алмашишини алланечук интиқлик билан қарши олардим. Қиш ўзининг қаҳратон совуғи билан толиқтириб баҳорга интиқ қилар, баҳор эса узлуксиз ёғин-сочини билан безор қилиб ёзни, ёз жазирама иссиғи билан чарчатиб, кузни соғинтирар эди. Лекин ҳозир буларнинг ҳаммасига бефарқман. Онам мендаги бу ўзгаришни «терақдан йикилишим»нинг оқибатига йўяди. У аслида шима воқеа юз берганидан ҳалигача беҳабар. Ўзим ҳам онамга бўлиб ўтган воқеа ҳақида гапирмадим. Ўртадаги масофа узоқ ва овулларимиз маъракадош бўлмагани боис бу ҳақдаги гап-сўзлар бизнинг томонларга етиб келмади.

Нигордан онда-сонда хат келар эди. Шунда ҳам у ўзининг соғ-омон юрганидан бўлак хеч нарса ёзмас эди. Бу мактабларда илгаригидек ҳароратли сўзлар учрамайди. Шунчаки кўнглим учун, мажбурият юзасидан ёзилганга ўхшайди. Мен эса қарама-қарши ўйлар гирдобида қоламан. Лекин юрагимнинг бир чеккасида, балки Нигор хати бегоналарнинг кўлига тушиб қолишидан хавфсираб, эҳтиёткорлик килгандир, деган илинж ҳам йўқ эмас.

Майнинг ўртасида ундан қалинроқ мактуб олдим.

«Сизни хатларим билан хурсанд қилолмадим, – деб ёзган эди у. – Бу гал ҳам кўнглингизни кўтарадиган янгилигим йўқ. Бироқ ўқув йили тугаб бораётгани кўнглимга таскин беради. Мен ўн етти ёшга чиқиб, анчадан бери оёғимга тушов бўлиб турган тўсиқдан халос бўлдим. Ахир, мен вояга етдим! «Сен ҳали мактаб ёшидасан!» деган маломатлар ортда қолди. Энди сизнинг гапларингизни бемалол қабул қила оламан. Яқиндан бошлаб синфимиздаги ўғил болаларда ҳам, қизларда ҳам қандайдир ўзгариш пайдо бўлди. Қизларнинг бўйи етиб, ўзига оро бериши ҳам ўзгариб қолди. Мактаб формасининг ўрнига ҳар хил қимматбаҳо кўйлақлар кийиб келишга одатланган.

Улар аввалгидай ўғил болаларни жеркиб ташламайди, уларга нозланиб, эркаланиб гапирадими-ей! Илгари ўғил болалар синф эшигининг олдида тўплашиб қолса, «нега бу ерда қаккайиб турибсан, қоч йўлимдан!» деб уришиб берарди, энди эса, илтимос, ўтқазиб юбор, дейди қурғурлар кўзларини сузиб. Одам боласи шунча тез ўзгарар экан-да. Бироқ мен ҳамон ўша-ўшаман. Ёки мен уларнинг

холатини вақтлироқ бошдан кечирдиммикин. Сиз мени барвақт улғайтириб қўйгансиз, шекилли!

Бир куни тапаффусдан кейин синфга кирсам, кимдир доскага бўр билан «Мамбетназар+Нигор» деб ёзиб қўйибди. Ҳаммапинг кўзи менда. Ким ёзди буни, деб жанжал кўтаришимни кутишган, шекилли. Мен эса ҳеч нарса бўлмагандай ёзувни ўчирдим-да, нармага бориб ўтирдим. Бироқ кўнглимдаги ёзувни ўчирмадим. Ўша ёзувни доскага ким ёзган бўлса ҳам ич-ичимдан уни яхши кўриб кетдим. Балки ўвил болалардан бири менинг жаҳлим чиқиб, бу гаплар ёлгон деб айтишимдан умид қилиб шундай қилгандир. Мен ҳеч қачон ундай қилмайман. Шудгорда юз берган воқеани улар ҳам эшитган. Аммо ҳеч бири юрак ютиб бу ҳақда юзимга гапиролмайди. Майли, билса-билаверсин. Чунки сиз кўчада тентираб юрган саёқ-бетайин одам эмассиз-ку!

Айтгандай, бир янгиликни айтиб қўйишим керак. Бу албатта, сизга ёқмайди. Аксинча, кўнглингизда ҳадик-хавотир пайдо бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам нотўғри ҳаёлларга борманг. Биласиз-ку, менинг эрким сизнинг кўлингизда.

Яқинда бошлаб уйимизга акамнинг бир жура-си тез-тез келадиган одат чиқарди. Кийиниши, юриш-туришида бу атрофнинг йигитларига ўхшайди. Худди аёзда қолгандай доим қалин кийнади. Шу одам келса, акам жуда хурсанд бўлиб кетади. Онам ҳам у билан қуюқ сўрашади. Мен эса ёқтирмайман. Аксига олиб, у ҳар гал келганида бир оқшом ётиб кетади.

Бир куни янгам олдимга кирди.

– Оппоқхон, нега шу йигитни кўрсангиз, уйга бекиниб оласиз? – деди синовчан тикилиб.

– Ёқтирмайман уни.

– Бекор қиласиз. У сизнинг қочиб юрганингизни бошқача тушуниши мумкин.

– Қанақа тушунади? – дедим ҳайрон бўлиб.

– Уялаяётганига қараганда, менда қўнгли бор бўлса керак, деб сиздан умидвор бўлади.

– Наҳотки?

– Рост. Эркак кишидан қанча ўзингизни олиб кочсангиз, у шунчалик интиқ бўлади. Яхшиси, ҳеч нарса бўлмагандай, олдига кириб-чикиб юраверинг.

Янгамнинг гапи менга маъқул тушди. Шундан сўнг ундан тортинишни бас қилдим. У ҳам менга эътибор бермади. Акамнинг жўраси бўлса, мен ҳақимда ёмон ҳаёлларга бориши мумкин эмас.

Яқинда у ўзининг «Нива» машинасига битта қўйруғи узун қора қўйни солиб келди. Қўрага қамаган эдик, ўзимизнинг қўйлар худди бўрига дуч келгандай ундан ҳуркиб, бир чеккага тикилиб олди. Жонивор қўйларга қўшилгиси келиб уларнинг ортидан эргашади. Лекин улар бурчакдан бу буракка қараб қочади. Қўйларимиз уч кунгача унга ўрганолмади, баъзилари қўрадан қочиб чикиб кетди. Охири акам қўйруғи узун қўйини сўйдириб юборди.

Муаллимларимиз: «Яхшилаб тайёргарлик кўринглар, имтиҳонга райОНОдан, мишистрликдан комиссия келади», деб ваҳима қилаяпти. Агар имтиҳондан ўтолмасак, кейинги йилга кетадиганга ўхшаймиз. Шунинг учун бундан буёғига хат ёзишга ҳам вақтим бўлмаса керак. Бир ярим ойдан сўнг ўқишга бораман. Онам «бир бахтингни синаб кўр» деяпти. Институтга кириб кетсам, битиргунимча кутишга сабрингиз чидармикин? Жуда

бўлмаса, иккинчи курсни тугатгунча... Бўпти, колганини учрашганимизда гаплашармиз.

Нигор. 17 апрель».

Бу Нигордан келган охирги хат бўлди. Лекин у кўнглимда улкан умид уйғотди. «Нигор энди ички кечинмаларини яширмай ёзаяпти. Ўша куни шудгордаги учрашувимиз орамиздаги тортинчоқликка бархам берганга ўхшайди. Энди у меники. Буни ўзи ҳам тан олиб турибди», деб ўйладим ўзимча. Бироқ бу хат кўнглимга улкан бир хавотирни ҳам жойлаб қўйди. Нигорларникига «узун қўйрукли қўй» олиб келган ўша йигит хаёлимдан кетмай қолди.

Мени қувонтириб ҳам хавотирга солган ўша хатдан сўнг яна ҳаммаси жимиб қолди. Нигордан хат-хабар йўқ. Ноилож унинг ўқиш учун шаҳарга боришини кута бошладим. Институтга ҳужжат қабул қилиш бошлангандан сўнг Нукусга йўл олдим. Институт ҳовлисида столлар қатор териб қўйилган. Қизлар ҳар бир факультет учун алоҳида ҳужжат қабул қилаяпти. Аймақ оға қабул комиссиясига масъул этиб тайинланган шекилли, улардан тез-тез хабар олиб турибди. Бориб у билан саломлашдим. Лекин у мени танимади. Тил учуда «яхши юрибсанми?» деб қўйиш билан чекланди. Ахир, ҳар йили институтни қанча талаба битириб чиқади. Уларнинг ҳаммасини эслаб қололмайди-ку.

Кечгача қабул комиссиясининг атрофида санқиб юрдим. Эртаси куни ҳам шу ҳол такрорланди. Аммо Нигорни учратмадим. Ҳар куни у ерда сандироклаб юравериб, одамларнинг кўзига таш-

ланиб қолишдан тортиниб, икки кунни ўтказиб яна бордим. Хаёлимда орадан нақ йигирма кун ўтиб кетгандай бўлди. «Нигор кеча ёки олдинги куни келиб, мени излагап бўлса-я», — деган ўй сира тинчлик бермас эди. Балки у хужжатларини ҳам топширолмагандир.

Ана шундай хаёллар таъсирида институтга гўё қанот боғлаб учиб келдим. Бу ерда ҳаммаси одатдагидай давом этарди. Қизлар хужжат қабул қилаяпти, абитуриентлар ўтириб олиб қоғоз қоралаяпти. Ўзимча уларнинг орасидап Нигорни излайман, у эса кўринмайди.

— Хужжат топширганларнинг рўйхати осилма-
дими? — деб сўрадим столда ўтирган қизларнинг биридан.

— Ҳали бундай топириқ бўлгани йўқ.

Айман оғани кутиб турдим. Яхшиси, ундан сўрайман.

— Сизга ким керак? — деди у менга синовчап тикилиб.

— Бир оғайнимизнинг қизи хужжат топшириши керак эди...

— Фамилияси ким? Қайси факультетга?

Иккилашиб қолдим. Чунки мен Нигорнинг фамилиясини билмас эдим. Шу топда Бойжоннинг фамилияси ҳам ёдимга келмади. Унинг қайси факультетга топширишидан ҳам беҳабарман.

Шу тариқа нақ бир ой саргardon юрдим. Бироқ Нигорни тополмадим. Кунда-кунора Нукусга қатнашни ҳам қанда қилмадим.

— Ҳов, Мамбегназармисиз? — деб бир куни кимдир орқамдан келиб, билагимдап ушлади. Бу пайтда мен имтиҳон топшириш учун гуруҳларга бўлинган абитуриентларнинг исм-шарифини ўқиб

турган эдим. Уларнинг фамилияси мени қизиқ-
тирмас, фақатгина Нигор деган исми ахтарардим.

Ортимга бурилиб қарасам, рўпарамда Соли му-
аллим турибди. У мени уялтиришни истамади ше-
килли, бу ерга келишимнинг сабабини сўрамади.

– Юринг, сизни ўзингиз ўқиган факультет де-
кани билан учраштириб қўяман, – деб розилигим-
ни ҳам кутмасдан судраб кетди.

– Мен деканни танитайман-ку, – дедим торти-
ниб. – Аввалгиси ўзгариб кетган бўлса керак.

– Шарт эмас. У ерда сизга лойиқ бир иш бор.
Лаборантлик. Бир йил-ярим йил ишлаб турсангиз,
кейин муаллимликка ўтасиз.

– Айтгандай, бўяндан хабар ололмадим...

– Зиёни йўқ. Шунча меҳнатимиз ҳавога со-
вурилди. Эккан бўянларимизни эчки еб кетибди.
Экишга экибмизу, қўриқлаш кераклигини унутиб-
миз.

Соли оға йўлда тинмай гапириб борарди. Де-
кашнинг хонаси олдида тўхтадик.

– Ичкарида ким бор? – деб сўради у котиба
қиздан.

– Ҳеч ким йўқ, ўзлари...

Соли муаллим эшикни тақиллатиб, жавоб ҳам
кутмасдан уни очди. Икковимиз олдинма-кейин
ичкарига кирдик.

– Мен сизга айтган йигит мана шу, – деди у
мени деканга таништириб. – Жуда билимдон, тар-
тибли йигит. Мени айтди дейсиз, бир-икки йилда
педагогика фанлари номзоди бўлади. Сўнг доктор,
профессор... Давом этаверайми ёки етарлими?

– Бўлди, устоз, сизнинг гапингизга ишонаман, –
деди декан жилмайиб. – Нукусда қариндошлари
борми бу йигитнинг?

– Ҳозирча уни ётоқхонага жойлаштирамиз.
Ўзим ректордан илтимос қиламан.

– Келишдик.

– Ҳозирок аризасини олиб қолинг.

– Овулга бориб, онам билан гаплашиб...

Аммо гапимни тугатолмадим.

– Бунинг нимасини гаплашасиз? Нукусга ишга чакиришаяпти, десангиз етарли! Қайси она бола-сининг олдини боғлайди! Аризани ёзинг. Декан деган амалдорнинг мен кетгандан сўнг дарров фикри ўзгариб қолиши мумкин.

Институтга ишга кириш борасида бир қарорга келиб улгурмаган бўлсам-да, ариза ёзиб бердим. Шу топда иш ҳақида ўйлашга хушим йўқ эди. Фикри-хаёлим Нигорда. Энди уни топиб олсам, асло қўйиб юбормайман. У ҳам норасида қизча эмас, яқинда ўн етти ёшга тўлди. Қонунлар биз тарафда. Нигорни ўзим билан узоқ-узоқларга олиб кетаман. Бойжон бизни ҳеч қачон тополмайди. Аввалига у ғазабга минади. Қўлимга тушса, нима қилишни ўзим биламан деб фикрланади. Лекин ҳаммаси беҳуда. Мен ҳам анойилик қилмайман, буёрига ундан панд ейдиган аҳмоқ йўқ. Орадан ўн кун, бир ой ўтади... Шундан кейин улар кўрка бошлайди. Газетада, телевизорда биз ҳақимизда хабар беради. Суратимизни кўрсатишади. Биз эса бу суратларни кўриб кулиб қўямиз. Барибир яшириниб юраверамиз. Чунки Бойжонга ишониб бўлмайди. Аммо менинг онам қаттиқ хавотирга тушиб қолиши аниқ. Майли, у ҳам чидайди. Вақти келиб менинг соғ-омон эканимни билгач, ҳаммаси изига тушиб кетади. Балки онамни яширинча хабардор қилиб қўярман. Йўқ, бундай қилиш хатарли. Бошқалар ҳам сезиб

қолиши мумкин. Хуллас, орадан ойлар ўтади. Бойжон ҳам тақдирга тан беради. Онаси упи койишга тушади. «Сенинг бемехрлигинг туфайли кизимдан жудо бўлдим. Энди мени ҳам ўлдириб, отангинг ёнига олиб бориб кўм», деб уришади. Эртадан-кечгача тилидан шу гап тушмайди. Ана шунда Бойжон: «Она, агар Нигор соғ-омон топилса, унга ҳеч бир ёмонлик қилмайман», деб қасам ичади. Бу гап бизнинг ҳам қулоғимизга етиб келади. Шундан сўнг биз Нигорнинг овулига ўйнаб-кулиб кириб борамиз. Икки овулда гумбурлатиб тўй қиламиз...

Мен мана шундай ҳавойи ўйларимга чиппа-чин ишонар эдим.

* * *

«Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ» дейишган. Мен кўчадан эшитмаган хушхабарни уйга келиб эшитдим.

Уйга келсам, онам шом намозини ўқишга тай-ёргарлик кўраётган экан.

– Келдингми, болам? – деди у қувониб. – Кўз қурғурдан ҳам нур кочаяптими, ҳозиргина йўлга қараганимда кўринмаган эдинг.

– Мен далани оралаб келдим, шунинг учун кўрмагансиз.

– Ҳа... Мен намоз ўқиб олгунимча чойингни ичиб ола қол.

– Чойни бирга ичамиз.

– Унда ўзингнинг ёстигингнинг остига қўлинггни тикиб кўр.

– У ерда нима бор?

– Боя почтачи бола хат ташлаб кетди.

Онам шу гапдан сўнг икки қўлини кулоғига олиб бориб, намоз ўқишга тутинди.

Онам айтган ёстик икки кишига мўлжаллаб тикилиб, четларига куроқ солинган эди. Уни менинг тўйимга атаб тайёрлаб қўйганига тўрт-беш йил бўлди. Ёстикнинг устидаги иккита бахмал кўрна билан беш-олтита кўрпача ҳам келин-куёвга мўлжалланган. Лекин ҳамон уларнинг эгаси йўқ. Қачон бўлишини ҳам билмайман. Онам ора-сира тахмонни ағдариб, қайта йиғаётганини кўрсам, ўзимдан хафа бўлиб кетаман. «Қўйинг, она, буни йиғадиган одам келиб қолар» деб айтгим келади-ю, бироқ унинг ярасини янгилаб қўйишдан кўрқиб тилимни тишлайман. «Ўша қиз қачон келади, болам? Хайтовур эсли-хушли қизми, ишқилиб?» деган саволларига жавоб беришдан ўзимни олиб қочаман. Нигорнинг онамга ёкишини биламан, аммо хали ваъдани бир жойга қўймаганимиз учун бу ҳақда оғиз очишга журъат килолмайман.

Онам бошқалардан яширадиган бирор нарсаси бўлса, уни ўша ёстикнинг орасига қўяди. Бу тахмонни ўзидан бошқа ҳеч ким жойидан қўзғамайди. Унинг орасига солинган нарса қулфлоғлик сандикда турган билан баробар.

Хат анча қалин эди. «Буни ким ёзди экан?» деган ўй кечди хаёлимдан. Гулчехранинг ўша мактубидан сўнг бунчалик салмоқли хат олмаган эдим. Яна ўшамикин... Ё, тавба! Хат Нигордан экан! Нигорнинг номаси! Юрагим орзиқиб кетди. Худди конвертнинг ичидан унинг ўзи чиқиб келадигандай вужудимни хаяжон камради. Уни олиб ташқарига ошиқдим.

Хатни ўқиётганимда биронтаси халақит беришдан хавотирланиб, боғ томонга юрдим. Ўрик

дарахтининг остидаги тўнкага ўтириб, уни ўқишга киришдим.

«Салом, Мамбетназар!

Биламан, анчадан бери менинг хатимни эмас, ўзимни кутиб юрибсиз. Сизга берган ваъдамнинг устидан чиқа олмаганим учун мени кечиринг! Албатта, бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Хатни охиригача ўқисангиз, буни билиб оласиз.

Сиз касалхонада ётганингизда ёзган бириинчи хатимни эсласам, ҳалигача уялиб кетаман. «Нигор, шу хатни ростдан ҳам сен ёздингми? – деб сўрайман кўлимдаги ойнадан ўзимнинг аксимга қараб. Шунда юзим уятдан қизариб кетади. Кўзгудаги аксимни бошқа қиз дея тасаввур қилиб баттар уяламан. – Ўша хатинг бошқа бир одамнинг кўлига тушиб қолиши мумкинлигини ўйламадингми?» «Йўқ, бу ҳақда ўйламадим, – деб ўзимга-ўзим жавоб бераман. – Ахир, у мен туфайли жабр чекди-ку! Унинг кўнглига кимдир таскин бериши керак эди. Мендан бошқа ким ҳам қиларди бу ишни!» Шундан сўнг юзимдаги қизиллик йўқолгандек бўлади. Бироз ўзимга келаман. Нима бўлганда ҳам ўша хатни ёзганим учун афсусланмайман. Бироқ сиз уни ҳали ҳам сақлаб юрган бўлсангиз, ҳеч кимга кўрсатманг. Бу гапларни ҳеч кимга овоза қилманг, илтимос!

Сизнинг жавоб беришингиз қийин бўлса-да, бир савол бермоқчиман. Ўша воқеадан кейин менинг ҳолим нима кечгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Мен қай аҳволда ўз уйимга кириб-чиқиб юрибман? Овул-элнинг орасида қандай бош кўтариб юрибман? Адашмасам, бу нарсалар сизнинг хаёлингизга ҳам келгани йўқ. Сиз фақат мен билан дийдорлашиш, эркимни ўзингизга бўй-

сундириш ҳақида ўйлайсиз. Шулар ҳақида хаёл сургагимда беихтиёр сизни ёмон кўриб кетгим келади. Бироқ қўлимдан келмайди. Чунки ора-мизда кўз илғамас бир нозик ришта бор. Ана шу ришта бир умр бизни бир-биримизга бир умрга боғлайдими ёки вақти келиб узилиб кетадими, аниқ билмайман.

Ўша куни шудгорда менга нима бор эди?! Менсиз ўша томирлар терилмай колармиди. Сиз ҳам мени кўришдан умидингизни узган эдингиз, тўғрими? Шу куни «янгам қозон-товоқни ювгунимча ўрнимга бориб ишлаб тулинг», деди деб ёлғон гапирган эдим.

Аслида, бу гапни унга мен айтган эдим. Кутган меҳмонимиз бор-йўғи уч одам бўлса, кун бўйи ювадиган қозон-товоқ бор эканми! Эркак киши гўл бўлади деганлари рост экан. Сизлар шу гапимга ишондингиз. Балки сиз ишонмагандирсиз. Лекин мен ўзим тўқиган баҳонадан хурсанд бўлдим. Очиғи, мени у ерга қандайдир бир кўришмас куч етаклаб борди. Шу куни ҳам мени кўролмасангиз, қўл силтаб ортингизга қайтиб кетишингиздан кўрқдим. Қолаверса, сизга раҳмим келди. Энди ўйласам, ўзимдан-ўзим хафа бўлиб кетаман. Ахир, овулда бўйи етган қизлар камми? Лекин шу чоққача уларнинг биронтаси эрсираб, бировга тишининг оқини кўрсатганини эшитмаганман. Мен эса ҳали ўн еттига ҳам тўлмай... Хуллас, шу куни «кўз синди». Қачондир шундай бўлишини кўнглим сезарди.

Белкурак иккинчи марта бошингизга теккач, сиз чалқанча қуладингиз. Мен ерга чўнқайиб ўтириб қолдим. Йиқилганингиздан сўнг акам белкуракни бир чеккага отиб юбориб, сизни тепки-

лашга тушди. Оёғидаги зил-замбилдай кирза этик гоҳ елкангизга, гоҳ биқинингизга, гоҳ ёнбошингизга тегарди. Бироқ сиз юз-кўзингизни яширмадингиз, унга ялинмадингиз. Шунча калтак еганингизга қарамай, менинг олдимда ожиз бўлиб кўринишни истамагандай тишингизни тишингизга босиб чидадингиз. Мен эса... Ҳар гал акам сизни тепкилаганида беихтиёр қалқиб тушардим. Бироқ орага тушиб, сизни ҳимоя қилишга ботинолмадим. Бунинг иложи ҳам йўқ эди. Агар синглингиз бўлса, уни менинг ўрнимга, ўзингизни акамнинг ўрнига қўйиб кўрсангиз, ўзингиз ҳам тушунасиз.

Акам сизни ўлар даражада тепкиламагандай ту-юлди менга. Ростдан ҳам шундаймиди ёки бу зарбаларга чидаб берганингиз туфайлими, ишқилиб, сизнинг ҳаётингиз хавф остида қолади деган хаялга борганим йўқ. Икки кундан сўнг Чинор янгамдан ҳаммасини эшитгач, юрагим орқага тортиб кетди.

– Акангиз ҳам жуда қаҳри қаттиқ одам-да, – деди у менга. – Бечоранинг кўкармаган жойи қолмабди. Мияси чайқалиб, қовургалари синганмиш... Агар Жиянғали кечикди деб ортидан излаб бормаганида, эрталабгача холи нима кечишини худо биларди.

Бу гапдан сўнг кўркувдан аъзойи баданим музлаб қолди. Лекин янгамга ҳеч нарса деёлмадим. Нима дейман? Акамдан гина қилишим керакми? Сизга раҳмим келганини ошкор қилиб, сиримни очайми? Хуллас, чорасиз аҳволда дардимни ичимга ютдим.

– Онаси кўрган одамнинг раҳми келадиган мушфиққина аёл экан, – деди у.

Орадан бироз вақт ўтгач, биринчи хатимни Чинордан сизга бериб юборгач, бироз хотиржам

тортдим. Сизнинг кўнглингизга таскин бериш, бечора онангизнинг дардини енгиллатиш учун шундай йўл тутдим.

Шу кунни сиз сулайиб қолгач, акам менинг билагимдан маҳкам чангаллаб, «Бўз ёп»нинг бўйидаги арава йўлига судраклаб олиб чиқди. У бир чеккага улоқтириб юборилган белкуракка ҳам қарамади. Шунчалик ғазабланганидан унчамунча йўрға отга етиб оладигандек шитоб билан юриб борарди. Мен эса оёғимдаги кавушим тушиб қолгудек унинг ортидан эргашдим. Бир пайт олдимизда подадан ажралиб қолган қўй-қўзисини ҳайдаб бораётган эшакли одам кўринди. Яқинлашганда танидим, акамнинг жўраси Қайпан оға экан.

– Ака, ўзим юраман, – дедим овулда гап-сўз бўлиб кетишимдан қўрқиб. – Қайпан оға келаяпти, уят бўлади.

– Ака дема мени, юзикора! – деб у қадамини янаям тезлатди. Лекин ўзи ҳам уялди шекилли, бироздан сўнг қўлимни бўшатди. Мен унинг олдига тушиб олдим. Қайпан оғанинг ёнидан қандай ўтиб кетганимизни ҳам пайқамабман.

Сиз ёмон кўрганингиз билан мен акамдан гина қилолмайман. Уни ҳам тушуниш керак. «Қизил юзли йигитнинг қиз қариндоши бўлмасин», дейишган. Бизнинг эҳтиётсизлик оқибатида қилган ишимиз бу овулнинг урф-одатига тўғри келмайди. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Билиб туриб ҳиссиётларингизни жиловлай олмаганингиз учун ўзингиз айбдорсиз! Мен ҳам бу гуноҳга шерикман, ўзимни оқламайман.

Уйга келгач, хонамга кириб юзтубан ётиб олдим. Кўксим тўлиб кетган бўлса-да, лекин йиғлай олмадим. Акамдан қўрқдим.

– Далага бормаи қўя қолинг, – деган эди шу куни янгам. – Боя акангиз ўша йигитга ёмон карагандай бўлувди. Тагин сезиб қолмасин.

Мен унинг гапига қулоқ солмадим. Янгамнинг шубҳаси ўринсиздек туюлди.

Айтганича бор экан. Одатда, акам уйга кеч тушганда қайтарди. Лекин шу куни далада трактори бузилиб қолиб, эртароқ келибди. Ёки бу бир бахонами, билмайман... Қараса, мен уйда йўқман. Шундан сўнг белкуракни елкасига ташлаб, «Бўз ёп» томон йўл олган.

Хуллас, шу воқеада сўнг юрак ютиб акам ўтирган дастурхоннинг бошига ўтиролмайдиган бўлдим. Баъзи кунларда овқат ҳам емай ётиб қолардим.

– Акангиз ишга кетди, чой ичиб ола қолинг, – дейди янгам.

– Иштаҳам йўқ, – дейман мен.

Кейин онам олдимга киради.

– Очдан-оч ётаверма, касал орттириб оласан...

Мен жавоб бермайман.

– Йигити қурғур овулга келиб нима қиларди, – дейди у иложсиз қиёфада.

Онамнинг сиз ҳақингиздаги бсозор гапларини эшитганимдан сўнг кўнглим бироз таскин топгандек бўлади. Демак, онам сизни унчалик ёмон кўрмайди.

Ҳар гал хатимда шу гапларни ёзгим келарди-ю, лекин доим ортга сурардим. «Вақти-соати келганда айтаман» дейман ўзимча. Мана, ниҳоят вақти-соати келганга ўхшайди. Энди айтишим керак. Чунки сиз «ўзи ҳам, хати ҳам йўқ» деб мендан ўпкалаб юрган бўлсангиз керак. Бироқ ҳеч кимга дардингизни айтолмайсиз.

Ростини айтсам, сизга хат ёзишга ҳам имкони-
ним йўқ эди. Баҳор келгач, негадир оёқ-қўлимдан
мадор кета бошлади. Ёшини яшаб, ошини ошаб
бўлган кампирларга ўхшаб озгина ўтирсам ётгим
келади. Уйқум келмайди, бироқ ёстикдан бош
кўтара олмайман. Нуқул терлаб кетавераман. Ҳеч
қаерим оғримаса-да, сира ҳолим йўқ. Иштаҳам
ҳам йўқолган. Аста-сскин озиб кета бошладим.
Авваллари тонга яқин енгил йўғаладиган одат
чиқарган эдим. Бора-бора йўталиш кучайиб кетди.
Озгина юрсам, чарчаб қоладиган бўлдим. Сиз-
га «аттестат олсам, шаҳарга бораман» деб ёзган
бўлсам-да, лекин кўнглимда бунга шубҳа пайдо
бўлди. Афсуски, бу гумоним чинга айланди. Ат-
тестатни олган куним уйга етиб келиб йиқилдим.
Шу ётганимча қайта ўрнимдан туролмай, тўшакка
михланиб қолдим. Онам табибларни бошлаб ке-
либ, мени боқтирди. Янгам икки қўлимдан уш-
лаб, оловдан ҳатлатди. Лекин ҳеч бирипинг фой-
дасини сезмадим. Охири «Тез ёрдам» чақириб,
касалхонага олиб боришди. Ёнимда янгам бор
эди. У срга боргунча ўзимнинг аҳволимдан ҳам
кўра, Раҳима билан Гулчехра олдимдан чиқиб
қолишидан кўркардим. Уларнинг юзига қандай
қарайман, деган хавотир менга тинчлик бермасди.
Худога шукр, уларга дуч келмадим. Раҳима Ну-
кусга кўчиб кетибди, Гулчехра декретга чиқибди.
Янгам ўша ердаги аёллардан, «қизимизни давола-
ган дўхтир бор эди», деб сўради. Унинг зийрак-
лигидап хурсанд бўлдим. Чунки ўзим айтмасам
ҳам у менинг хавотиримни пайқаган эди. Бояги
гапларни эшитгач, «энди кўнглинг жойига тушди-
ми?» дегандай кўз қири билан менга қараб қўйди.

Касалхонада ўн кун ётиб даволандим. Ба-
рибир яхши бўлмадим. Охири санавиациядан

– Оппокхон, бир гап айтсам хафа бўлмайсизми? – деди ортига қайтаётганида. Мен унга ажабланиб тикилдим. – Акангизнинг жўраси эски гапни яна бошлабди.

Янгам бир гал келганида уни оғзидан бол томиб мақтаган эди. «Эчкига жон қайғуси» дегандай, мен ўшанда бу ҳақда ўйлайдиган аҳволда эмас эдим. Кун сайин тузалиб бораётганимни кўриб у яна эски гапни кўзгади. Бунинг устига, сизнинг бирон марта ҳолимдан хабар олмаганингиз ҳам унга қўл келди.

Шундай бўлишини олдиндан сезганим учун унчалик хайрон бўлмадим. Янгам сўзлари менга қандай таъсир қилганини билмоқчидек, юзкўзимга синчков назар солди. Жиддий эътироз билдирмаганимдан умидланди.

– Эрталаб онам тайинлаб юборди, секингина кўнглига қўл солиб кўринг, деб.

– Ўша одам узун куйруқли қўй олиб келиб, оғзингизни мойлаб кетган бўлса керак? – дедим алам билан кулиб.

– Ундай деманг, Оппокхон, қайси ота-она ўзининг фарзанди бахтли бўлишини истамайди?

– Мен ҳали институтга кириб ўқимоқчиман, йигит-қизлар билан пахта теринга бормоқчиман, – дедим эркалангандай. Сўнг қовоғимни уйдим. – Ҳозирча менинг ташвишимни қилмай кўя қолинглар.

Бу гапим сизга ҳам тегишли. Биламан, сиз тезроқ уйланиб, онангизни хурсанд қилишни истайсиз. Бироқ менинг режаларим бошқача. Талаба қизларга ўхшаб бир муддат ўйнаб-кулиб, ҳаётдан завқланиб яшашни истайман. Овулимизга автобус тўла талабалар келганида уларга жудаям

хавас қилардим. Қанийди, мен ҳам улар каби талаба бўлиб, шаҳарларда юрсам, деган ширин ўй кечарди кўнглимдан...

Янгам шундан сўнг бу мавзуда бошқа гап очмади. Юзидаги бояги қувонч ҳам изсиз ғойиб бўлди. Менинг дарвозагача кузатиб қўйишимни ҳам истамди. Шунда кўнглимга бир шумлик оралади. Мабодо янгам «чорвадор куёв»нинг машинасида келмадимикин? Бу гал хушомадлари ҳам анча қуюқ бўлди. Лекин мен унинг умидларини пучга чиқардим.

Ўйлашимча, бу гаплардан акамнинг ҳам хаба-ри бор. Янгам икковининг тили бир. У ўша чўпон ошнасини жуда яхши кўради. Армияда бирга хизмат қилган эмиш. Онам эса акамнинг раъйига қарши боролмайди. Ёшлигидан «отасидан қолган ёлғиз ўғил» деб бор ихтиёрини унинг қўлига бериб қўйган. Акамнинг айтишича, қиз бола турки одам бўлгани учун ҳайвон ҳисобланмас эмиш. Отам вафот этганида у тўққизинчи синфда ўқирди. Жаноза тутагандан сўнг овул оқсоқоллари бизни бир жойга тушлади.

– Келин, – деди Исқандар махсум онамга. – Ўлмоқнинг ортидан ўлмоқ йўқ дейишган, тириклар тирикчилигини давом эттираверади. Худога шукр, курук ерда қолганинг йўқ, уйингнинг мўрисидан тутун тутатиб турадиган Бойжон бор. Энди шу болани боғлаб-тушовлаб, рўзғор тутишни ўргат. Тўй-маъракага эргаштириб бор. Кези келганда ўзини юбор. Отасининг қариндош-уруғини яқиндан танисин. Омонлик бўлса, бир-икки йилдан сўнг одамлар бу уйли «Бойжоннинг уйи» деб атайдиган бўлади. Болам, сен ҳам ўйинни йиғиштир. Энди катта йигит бўлдинг. Отангнинг

ўлими сени барвақт улғайтириб қўйди. Буёғига болалиқни эсингдан чиқар!

Шундан сўнг акам дарров катта одамга айланиб қолди. Уйда ҳаммамизга буйруқ оҳангида гапирадиган одат чиқарди. Ҳар ишда охири гапни у айтадиган бўлди. Бунга-ку эътирозим йўқ, лекин...

Янгам билан акамдан кўнглим қолиб, ичимга чироқ ёкса ёришмай юрган пайтимда санаторийда бир похуш воқеа юз берди. Бир куни эрталаб бош врач кутилмаганда беморларни бир жойга тўплаб, мажлис ўтказди.

– Оғайнилар, опа-сингиллар, сизларга бу воқеани айтмасам бўлмайди, – деди у ҳар бир сўзини салмоқлаб. – Орангизда ҳар йили бу ерга келиб даволанадиган одамлар бор. Улар бир-бири билан туришгандай бўлиб кетган. Кўнгли яқин бўлиб қолган. Лекин ана шундай кўнгил яқинлиги ҳам баъзида одамни нотўғри йўлларга бошлаши мумкин. Билсангиз керак, Кидирбергенова деган беморимиз бундан бир ой олдин тунда санаториядан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган эди. Эри икки-уч кундан кейин келиб, «хотинимни топиб беринглар» деб жанжал кўтарди. Лекин биз унинг қаерга кетганини билмадик. Уч кун бурун ўша аёлнинг ўлиги топилибди. Бояқишни бизга дўқ-пўписа қилган эрининг ўзи ўлдирган экан. Хотинини хиёнат устида ушлаб, бўғизлаб қўйибди. Париги йигит эса қочиб кетганга ўхшайди.

Мен сизларнинг ҳеч бирингизни айбламоқчи эмасман. Бироқ барчангиздан ҳушёрроқ бўлишингизни илтимос қиламан. Бирон-бир ножўя ҳаракатни сезсангиз, бизга хабар беринг. Бу ерда ҳамма фақат ўзининг соғлиғини ўйлаши керак. Санатория айш-ишрат қиладиган жой эмас.

Бош врачнинг гапи ҳаммага оғир ботди. Айниқса, вақти-вақти билан бу ерга келиб даво-лападиган келинчакларнинг номуси келди.

– Ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин! – деди улар ташқарига чиққандан сўнг жаҳл билан.

– Ҳамма одамни битта қарич билан ўлчаб бўларканми!

– Ҳа-да! Оғзим бор деб ҳар нарсани гапираве-радими одам!

– Эри бўла туриб хиёнат қилган бўлса, баттар бўлсин! Бунақаларга шу ҳам кам...

Шу пайт бир кайвони аёл уларга дашном бер-ди.

– Билиб қўйинглар, – деди у. – Ҳаммамиз ҳам аёлмиз. Ўйлашимча, аёл киши бекордан-бекорга эрига хиёнат қилмайди. Мен ўша хотинни яхши танирдим. Баъзида эридан бошқа бир йигит уни сўраб келиб, иккови тўранғилзор оралаб дарёнинг бўйига бориб келишини ҳам сезганман.

– Синглим, сенинг бу юришинг уят-ку, – де-дим бир куни унга. – Бошингда тупша-тузук эринг бор...

– Опа, ўша тупша-тузук эр кўзимга азройил-дай бўлиб кўринади, – деди у. – Мен уни яхши кўрмайман. Уч-тўрт йигит билан мени сўраб-суриштирмай олиб қочиб кетди. Мен кўчада юрган курканинг боласи эмас эдим-ку! Ортимдан борган янгаларимга дардимни айтсам улар қулоқ солиш-мади. «Пешонангга ёзилганига рози бўлиб, жим-гина ўтир. Уйга қайтиб борсанг, отанг ўлдиради», деб ташлаб кетишди. Кунларим йиғлаш билан ўтди. Куёв деган жонивор бир оғиз илиқ гап ай-тишга ярамади. Кўнглимга йўл топмади, ёввойи ҳайвонга ўхшаб менга чапг солди. Юрагимни яра-

лади. Сиз яхши кўрмаган одамингиз билан бир умр бир ёстиққа бонг қўйиш қанчалик оғир эканини биласизми? Албатта, билмайсиз! Чунки бу ҳол бошингиздан кечмаган. Мен эса кундузи икки, кечқурун уч киши бўлиб яшаяпман. Сиз кўрган йигит – менинг ёшликда кўнгил берган одамим. Унинг кучоғида жон беришга ҳам розиман!..

Худо унинг тилагини қабул қилганга ўхшайди. Бироқ ортидан ёмон ном қолди бояқишнинг.

Аёл шундан сўнг бир ривоятни айтиб берди.

Қандайдир юрт подшосининг тўққиз нафар хотини бор экан. Бир куни у хотинларини ҳовузнинг бўйига йиғибди.

– Мен сизларни ўзим яхши кўрганим учун жуфти-ҳалолликка олганман, – дебди подшоҳ уларга. – Бироқ сизлар мени яхши кўрасизми-йўқми, бунисини билмайман. Бугун шуни синаб кўрмоқчиман. Мен ҳозир ҳовузга битта олма отаман. Қайси бирингиз мени яхши кўрсангиз, ўша олмани тирноқ ботирмасдан сувдан олиб чиқасиз.

Подшоҳ олмани сувга отибди. Тўққиз хотин ҳам шу заҳоти ўзини сувга ташлабди. Улар ҳовузда подшоҳ отган олмани бир-бири билан таллашиб, майда-майда қилиб ташлабди. Шундан сўнг хотинларнинг саккиз нафари ҳовуздан қуруқ қўл билан чиқибди.

Лекин энг охирида сувдан чиққан кенжа маликанинг қўлида бир тарафи сарик, иккинчи тарафи кизил рангдаги олма ялтираб турганмиш.

– Сиз буни қаердан олдингиз? – сўрабди подшоҳ ундан.

– Бу кўзбўямачилик қилапти! – чувиллашибди бошқа хотинлар. – Сиз отган олма аллақачон талқондай майдаланиб кетди.

— Подшоҳи олам, кундошларим тўғри айтайти, сиз отган олмадан ном-нишон қолмади, — деб жавоб қилибди кенжа малика. — Аммо менинг кўнглимда сизга аталган ўз олмам бор эди. Бу менинг сизга бўлган оташин муҳаббатимнинг рамзи эди, уни қачондир ўзингизга бериш учун кўйнимда сақлаб келдим. Мана, энди сизга беришнинг вақти келди.

— Менинг ҳовузга олма отишимни қаёқдан билдингиз? — сўрабди подшоҳ ундан.

— Кеча оқшом тушимда аён бўлди. Қаранг, подшоҳим, мен сувдан олиб чиққан олманинг бир юзи сарик, бир юзи қизил рангда. Сарик ранг — сизга кўнглимдаги хисларимни қандай айтишни билолмай чеккан ҳасратларимдан дарак берса, қизили эса юрагимдаги рашк ўтидан ранг олган. Мен шундай жаннатмонанд саройда яшасам-да, саккиз кунимни сизни қизганиш билан шикасталикда ўтказдим.

Подшоҳ шу ернинг ўзида саккиз хотинига талок бериб, кенжа хотини билан умрбод яшаб қолган экан...

Хуллас, мен ўша аёлни айбламайман. Агар эри унга бир буюмдек муносабатда бўлмаганида бу воқеа юз бермаслиги мумкин эди. У ҳам одам эди, унда ҳам юрак, ҳиссиёт бор эди. Шунини ҳисобга олмаса, оқибати мана шундай шармандалик билан тугаши мумкин.

Кайвони аёлнинг ҳикояси хотинларга қаттиқ таъсир қилиб, улар марҳум аёлни маломат қилишни йиғиштирди. Барибир бир-бирига қарама-қарши бўлган муҳаббат билан хиёнат барчага бирдай ёмон таъсир қилган эди.

Ўшанда менинг кўз олдимга янгамнинг қиёфаси жоғланди. У ҳадеб акамнинг чўпон ошнасини

мактайди. «Сизда кўнгли бор экан» дейди-да, лекин мендан: «Бекачим, сизнинг кўнглингизда нима бор?» – деб бир оғиз ҳам сўрамайди. Кай-вони аёл айтганидек, янгам мени бир буюмдек кўрмаяптими?

Хуллас, узундан-узун хатим билан сизнинг ҳам бошингизни оғритиб юбордим, тўғрими? Лекин зарари йўқ. Кўндан бери кўринмаганимиз учун ичим гапга тўлиб кетган экан. Юзма-юз учрашганимизда бундай бемалол гаплаша олмаймиз. Сизнинг «тартибсиз» кўлларингиз икковимизнинг ҳам тилимизга навбат бермайди.

Мени кеча қайтадан рентгенга туширишди.

– Ўпканг оқ қоғоздай топ-тоза. Сени диспансер ҳисобидан чиқарамиз. Кейинги ҳафта уйингга қайтасан, – деди врач. Шундан кейин бу хатни ёзишга қарор қилдим.

Боя онам келди. Унга қачон уйга жавоб беришларини айғиб юбордим.

Сизга сўнги илтимосим, санаторияга келманг! Барибир келгунингизча бу ердан кетган бўламан. Чунки бу хат овулдаги почтачининг тўрвасида икки-уч кун туриб қолишини биламан. Мен билан кўришиш учун яна бир йил кутишингизга тўғри келади. Унгача хар ўн беш-йигирма кунда хат ёзиб тураман. Соғинсангиз, оқшомлари айтган кўшиқларимни эсланг. Бесабрлик қилиб овулга излаб бора кўрманг. Иккинчи марта хато қилиш йигит киши учун уят ҳисобланади. Сизга сабр-тоқат тилаб, Нигор.

15 июль 1979 йил.

Бу хат мени буткул эсақкиратиб қўйди. Юрагимни тушуниксиз бир туйғу чулғаб олди. Бу қувонч ҳиссими ёки ваҳимами, ўзим ҳам билмай-

ман. «Соғинсангиз, оқшомлари айтган қўшиқларимни эсланг...» «Санаторияга келманг. Бесабрлик қилиб овулга излаб бора кўрманг».

Йўқ, бораман! Овулига эмас, санаторийга бораман! Чиқиб кетган бўлса ҳам бораман! Унинг босган изларини кўриш учун бораман. Нигорнинг қаерда эканини билиб туриб уйда тинч ёта олармидим!

...Санаторийнинг олдида ўсган куюк дарахтзор узоқдан кўзга ташланиб тураркан. Уларнинг остидаги соя-салқин жойларга ўриндиқлар ўрнатилган. Ана шу ўриндиқларнинг бирида тўрт-беш аёл, нарироқда эса беш-олти эркак хангомалашиб ўтирибди.

Ўша томонга юришим билан аёлларнинг орасидан бир қиз ўрнидан туриб, мен томонга келаверди. Нигор! Эғнидаги қирмизи тусли кўйлаги, бошидаги юпқа рўмоли қадди-коматига ярашиб турарди. Агар мен рассом бўлганимда бир муддат қимирламай тур, деб унинг суратини чизган бўлардим. Ошпоқ юзи, ўткир игнадек узун киприклари, камон каби қайрилган қошлари... У мен билган соддагина Нигор эмас, балки анча тўлишиб, ошпоқ паридай чиройли қизга айланган эди. Нигор ортидан зимдан кузатиб қолган аёлларга эътибор бермади.

– Хатимни олишингиз билан буёққа қараб чопибсиз-да, – деди у мулоим жилмайиб.

- Чопиш ҳам гапми, кушдек учиб келдим!
- Қўнганингизни кўрмадим-ку?
- Деразангнинг олдида қўндим.

Юзимиз гул-гул яшнаб қувонч билан саломлашдик.

– Юринг, анави ерда бўш ўриндиқ бор, – деб у теракзорнинг орасига томон юрди.

– Касалхонадан кетиб қолганимда нима қилардингиз?

Нигор илгаригидек уялиб ўтирмас, ган орасида менга жилмайиб қараб қўярди. Унинг мийиқ тортиши ҳам ўзига ярашган! Илгари шу одатини яшириш учун кулганида дарров ерга қарар ёки қўлларини юзига босиб, мени бундай гўзалликдан махрум қиларди. Орадан ўтган салкам бир йиллик муддатда анча улғайибди. Ўзининг вояга етганини ич-ичидан англабди.

– Унда яна ортингдан овулингга борган бўлардим, – дедим унинг нозик бармоқларини сикимлаб.

– Жинни бўпсиз! Энди борсангиз, акам бошингизга нақ кетмон билан туширади-я!

– Майли, билганини қилсин. Учирган қушим қўлимга қўнгунча ҳеч нарсадан тап тортмайман.

– Қачон учирган эдингиз ўша қушни?

– Икки марта учириб юборганман, биринчи гал касалхона ҳовлисидаги қараман дарахтининг олдида, кейинги гал «Бўз ёп»нинг бўйида.

Нигор шарақлаб кулди. Бу гал аввалгидай нигоҳини ерга тикиб, бармоқлари билан лабини яширди. Ана шу қилиғи менга янаям кўпроқ ёқиб тушди.

– Нигор, бу ердан кетайлик, – дедим мен.

– Қайққа?

– Узоқ-узоқларга... Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жойларга...

– Онангизни қандай кўзингиз қияди?

– Кейинроқ қайтиб келамиз. Акангнинг газабни сўнгандан кейин осмондан тушган бир жуфт кумрига ўхшаб яна пайдо бўламиз.

– Қумри узоққа кетмайди.

Мен гап тополмай қолдим.

– Унда тўғри бизнинг овулга...

– Барибир икки-уч йил кутишингизга тўғри келади.

– Нега? Пима учун? Сени кўрмаганимга сак-киз ой бўлди. Бу айриликни деб қандай азоб чекканимни биласанми?!

– Биладан. Шунинг учун хат ёзиб турдим-да.

– Йўқ дема, кетайлик. Онам ҳар куни тўйга деб йиғиб қўйган сарполарини қайта ёзиб томоша қилади. Бу нарсалар ўлимлигимга буюрмаса эди деб кўрқади. Ҳар гал онам хўрсинганида ерга бир қарич кириб кетгандай бўладан.

– Ердан сизни ким тортиб олади?

– Сенинг муҳаббатинг!

– Онангизга айтинг, ҳадеб ўлим ҳақида ўйлайвермасин. Сиз келин қилмоқчи бўлган қиз келаси йили ўқишга топшириб, талаба бўлади, кейин биринчи курсни битиради, ортидан иккинчи курсни, кейин...

– Бўлди-бўлди, узоқлаб кетдинг...

– Нима бўпти! Мен онангизга ўқимишли келин бўладан. Уни ўз онамдай бошимга кўтариб яшайман. Беточар пайтида таъзим қилиб салом бераман. Овқат еб бўлганидан сўнг етти букилиб олдидадан косасини оладан, қўлига сув қуяман. Ўзим унга ғамхўрлик қилиб, кирларини ювамдан, чўмилтириб, сочларини тараб қўяман... Шунда онангиз мендан рози бўлса керак?

– Рози бўлганда қандай! Хурсандчиликдан онамнинг умри янаям узаяди.

– Сиз нима қиласиз?

– Мен сени кафтимда кўтариб юрамдан. Мана бундай қилиб...

Нигорнинг хипча белидан тутиб, қўлимда қўтаришга ҳаракат қилдим. У юлқиниб қучоғимдан чиқиб кетди. Мен мувозанатимни саклолмай ўриндикдан йиқилиб тушдим...

Мен уйқусираб кроватдан қулаган эдим. Бу пайтда тонг оқара бошлаган экан.

* * *

«Мен яқинлашганимда арқоннинг учи қочиб кетаверади», деган экан бузоқ қувлаб юрган бир келинчак. Санаторийга барвақт етиб борган бўлсам-да, аммо Нигор билан учрашишга улгурмадим. Унга бир кун аввал жавоб беришган экан. Мен хатини ўқиётганимда у уйда ўтирган ёки йўлда кетаётган бўлган. Ялқов почтачи мени хафталаб, ойлаб кутган бахтимдан бенасиб қилганини хаёлига ҳам келтирмайди.

«Жўжанинг насибаси бўлганида товукқа эмчак битар эди», дейишган. Менга дийдор насиб қилганида Жиянғали ёки Чинор йўлимдан дуч келмасмиди! Улардан Нигорни сўраб-суриштирмасмидим. Энди яна кутишга мажбурман. Нак бир йил! Бир йил – ўн икки ой дегани. Ўн икки ой эса эллик икки хафтага чўзилади! Бу орада унинг ёзган хатлари вақтида етиб келадими-йўқми, худо билади.

Нигорнинг овули шунча узоқда жойлашганини айтмайсанми! Асфальт йўл ҳам бу овулдан етти-саккиз чақирим наридан ўтган. У ерга трактордан бошқа улов бормади. Одамлар ҳам «ота макон» деб тупканинг тубида яшаб қолаверган экан-да.

Институтга келиб-кетиб юрган пайтларим ҳам фанимат экан. У ерда кечгача қизларнинг орасидан Нигорни излардим. Тополмасам-да, эртанги

кундан умидвор бўлиб ортимга кайтардим. Энди институт ҳам мен учун қандайдир бсгона масканга айланиб қолди. Ўқишга кириб, қувониб юрган ёшлар кўзимга ғалати кўринади. «Булар нимага бунча хурсанд бўлади?» – дейман энсам қотиб. Худди улар ҳам менинг ташвишимга шерик бўлиши керакдек...

Нигорнинг хатидаги саволлар бот-бот хаёлимдан ўтади: «Ўша воқеадан сўнг менинг ҳолим нима кечгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингизми? Мен қай аҳволда уйга кириб-чиқиб юрганимни кўз олдингизга келтирддингизми? Овул-элнинг орасида қандай бош кўтариб юрганимни-чи?»

Бу саволлар хаёлимда бошқачароқ акс-садо беради: «Сиз менинг соғлигим ҳақида ўйлаб кўрдингизми? Қасалхонада охиригача даволанмай қочиб кетганим учун (бунга сиз айбдорсиз!) касал орттирганим, шунинг оқибатида бир йил ўқишга кириш бахтидан бенасиб қолганим учун қайғурасизми? Албатта, қайғурмайсиз! Сиз фақат мен билан учрашиб, ўз нафсингизга эрк бериш ҳақида ўйлайсиз, тўғрими? Ростини айтинг, шундайми?»

Ҳозир ёнимда Нигор йўқ, мабодо у чиндан ҳам шундай саволларни берганида, жавоб тополмай довираб қолган бўлардим. Берган жавобим ҳам юзаки бўлар, ундаш кўзларимни олиб қочардим. Ахир, мен чиндан ҳам у билан учрашиб, бағримга босишни, шу йўл билан кўнглимдаги узоққа чўзилган айрилиқ доғини ювиб ташлаш ҳақида ўйлар эдим, холос. Бошқа нарсалар мени заррача қизиқтирмас эди. Нигор рози бўлса, шу найтгача ўзимнинг ҳам кўлим етмаган гўзал масканларга олиб бораман. Кенг далаларга, қорли тоғларнинг бағрига элтаман...

Бир маромдаги зерикарли хаётим яна давом этаверди. Мен калити йўқолган қулфга айландим. Мен учун бировларнинг қувонч ва қайғусининг ҳам қизиғи йўқ, ўзимши худди роботдек ҳис қилардим. Сиртдан қараган одамга жонсиз шарпа бўлиб кўринардим.

Августда мактабда иш бошланди. «Ўн беш-йигирма кунда хат ёзиб тураман» деган Нигор ҳам ваъдасига вафо қилмаяпти. Лекин ҳар куни мактабга кетаётганимда «бугун бирон яхши хабар эшитаман» деган ўй сабаб кўнглимда ожизгина бир умид пайдо бўлади. Лекин тез орада у ҳам сароб бўлиб чиқади.

Уйга қайтишда яна шу илинж. «Остонадан ич-қарига ҳатлаганимда онам пешин намозини ўқиш учун эндигина жойнамозга ўтирган бўлади.

– Келдингми, болам? Мен намозимни ўқиб ол-гунимча чойингни ичиб ола қол.

– Бирга чой ичамиз, она, – дейман мен.

– Унда анави қуроқ ёстикнинг тагига кўлингни тик.

Ихтиёрсиз илжаяман.

– У ерда нима бор, она?

– Боя почтачи бола хат ташлаб кетди...»

Йўл бўйи кўнглимдан кечган бундай ширин хаёллар ҳеч қачон рўёбга чиқмайди. Уйга кирганимда онам аллақачон намозини ўқиб бўлиб, ҳовлида куймаланиб юрган бўлади. Энг ёмони, хат ҳақида ҳеч қандай гап йўқ.

Янги ўқув йилининг бир оyi ортда қолди. Ҳеч бир ўқувчига, ҳатто дарсларни яхши ўзлаштирган болаларга ҳам беш баҳо қўя олмадим.

– Сен буни фақат яхши баҳо олиш учун ёдлаб келгансан! Кундалигингга беш тушгандан кейин

яна унутиб юборасан, – деб уларга тўрт баҳо кўяр эдим. Бечора боланинг кўнгли чўкиб қолади. Унга раҳмим келади. Нотўғри қилдим, деб ичимда ўзимни койийман. Лекин бундан нима фойда, айтиладиган гап айтилди, кундаликка тўрт баҳо кўйилди. Кўнглимга қил сизмаса, нима қилай!

«Йўқ, ортиқ бундай яшаб бўлмайди. Нигорнинг олдига бораман! Овул-эли биргалашиб, белкурак-кетмон кўтариб йўлимга чиқса ҳам барибир бораман. Мен одам ўлдирганим йўқ. Ҳеч кимга хиёнат ҳам қилмадим. Бойжонни ҳам мен эмас, ҳукумат суд қилган!»

Шанба куни дарсларимни бошқа муаллимга тоншириб, «Қайдасан, Нигор?» деб йўлга тушдим. Кузнинг ўзгарувчан кунлари бўлгани боис эрталабдан осмонни булут қоплаб, кун бўзариб турарди. Мен буни иримга йўйиб ўтирмадим.

* * *

Жиянғали менинг кутилмаганда кириб борганимдан ниятимни дарров тушунди.

– Нигорни излаб келибсан-да? – деб у бироз иккиланиб қолди. Сўнг юзимга қаради. – Ҳеч нарсадан хабаринг йўқми?

– Тинчликми? – дедим хавотирга тушиб.

– Нигор кетиб қолди-ку!

– Қаёққа?!

– Бойжоннинг жўрасиникига. Уни санаториядан чиқиши биланоқ ўша ёқдан олиб кетишибди. Ўртгаларида шундай ваъда бўлганга ўхшайди.

– Йўқ! Бўлиши мумкин эмас! Нигорнинг ваъда берганига ишонмайман!

– Ваъадани у эмас, уйдагилари берган.

– Қаерда яшайди ўша, Бойжоннинг жўраси?

- Хабарим йўқ.
- Қайси районда туради?
- Бунисини ҳам билмайман.
- Биласан!

Жиянғали индамади.

– Жўрасиникига кетганини биласан, уйдагилар ваъда берганидан ҳам хабардорсан. Лекин қолганини билмайсан... Йўқ, мен бу гапга ишонмайман!

– Мамбетназар, ўзи сен қизик йигит экансан! – деди Жиянғали аччикланиб. – Уч-тўрт ҳафта бир касалхонада ётдик деб шу кизнинг ортидан тушиб олдинг. Нима, дунёда Нигордан бошқа қиз йўқ эканми?

– Йўқ! Йўқ! Бор бўлгани билан Нигор бутунлай бошқача!

– Бошқача бўлгани учун ҳам сенга насиб қилмади-да.

– Устимдан кулма! Сен муҳаббат нима эканини билмайсан! Сенда бунақа туйғу йўқ. Ҳаммасидан ҳатлаб ўтиб кетгансан!

– Ҳа, менда бунақа нарсанинг ўзи йўқ. Ота-онамнинг гапига кириб уйланганман. Лекин шуниси ҳам шукр, хотиним, болаларим бор...

Жиянғали ўзини қўлга олиб, унсиз қолди. Мен ҳам ҳеч нарса демадим. Икковимиз бир муддат сукут сақладик.

– Жуда билгинг келаётган бўлса, Бойжоннинг ошнасини чўпон йигит дейишади, – деди у анчадан сўнг. – Уйи Қизилқумнинг орасида бўлса керак. Навойими, Бухорони, ўша тарафларга яқин, Тахтақўпирнинг нариги томонида, юз чақиримча юрилади, деб эшитдим.

– Қизилқумнинг ичидами, йўли узоқми-яқинми, менга фарқи йўқ!

– Нима, ортидан излаб бормоқчимисан?

– Бораман.

– Бировнинг хотинини-я!

– Тилингда захаринг бор сепинг... Бировнинг хотини эмас, Нигор у!

– Халиям тушунмаяпсан, шекилли. Хўп, борганинг билан қўлингдан нима келади?

– Уни олиб келаман!

Жиянғали захарханда кулди.

– Қайси эркак ўзининг хотинини бегона одамга етаклаиб юборади? Сенда бор номус унда йўқми? Пешонангни нишонга олиб отади. Сўнг қумнинг орасига олиб бориб кўмади... Мана сенга Нигор!

– Ахир, қонун бор-ку! Ўша чўпон қилмишига яраша жавоб бермайдими?

– Жавоб беради! Судланади, бироқ бу пайтда сен қумга аралашиб кетган бўласан!

Хуллас, шу куни Жиянғали мени ҳеч қаяққа юбормади, уйга қайтишимга ҳам кўнмади. Кечаси у билан гоҳ уришиб, гоҳ ярашдик. Эрталаб бўш қопдек шалвираб уйга қайтдим. Мен учун ҳаммаси тамом бўлган эди.

Энди овулда яшашим учун менда ҳеч бир умид, илинж қолмаган эди. Соли муаллимнинг қилган яхшилигини қадрлаб, Нукусга кетишга қарор қилдим. Онамни бир амаллаб кўндирдим.

– Қаерда бўлсанг ҳам бошинг тошдан бўлсин, болам, – деди онам менинг қарорим қатъий эканига ишонч ҳосил қилгач. – Бироқ аввал мени келинли қилиб кетганингда...

– Шаҳарда қиз кўп, она. Чертиб-чертиб танлаб, олдингизга олиб келаман, – дедим қулиб.

– Тағин у ерда танноз қизларга учраб қолма. Бунақа қизлар сенга ўхшаган ювош йигитларнинг бошини айлантириб қўйиши мумкин.

– Она, шаҳарда ўсган қизларнинг ҳаммаси ҳам танноз бўлавермайди.

– Кўпнинг йиғилган ери-да, болам. Кўпнинг орасида яхисиси бор, ёмони бор... Эҳтиёт бўлганинг маъқул.

Шаҳарда «танноз» қизлар бошимни айлантирмади, ибоби қизлар ҳам, «келдингми, сенга ўхшаган бўш-баёвгина йигитни кутиб ўтирган эдик» деб йўлимдан чиқмади. Ҳар куни эрталабдан ишга кетаман, кечқурун ётоқхонага келиб, китоб ўқийман. Менга вақтинча яшаб туришим учун таниш ётоқхонадан битта хонани ажратишган эди. У ерда шароит аввалгидан бироз ўзгарган экан. Биринчи қаватда буфет очилибди. Кираверишдаги эшик ёнида ихчамгина қоровулхона қурилибди. Лекин «Дерсу Узала»ни учратмадим, ўрнида бошқа одам ўтирибди.

Дастлабки пайтларда ҳар шанба куни овулга қайтардим. Кейинроқ икки ҳафтада бир марта борадиган бўлдим. Хавонинг авзойи бузилса, овулга боришни янаги ҳафтага қолдираман. Шундай пайтларда бояқиш онам кечки пайт хавотирга тушиб, катта йўлнинг бўйида мени кутиб ўтираркан.

Шу тариқа орадан уч йил ўтди. Мен ҳамон бўйдоқман. Фойдаси бўлса-бўлмаса, Нигорни учратиш қолиш умиди кўнглимни тарк этмаган. Бир мартагина кўриб, очикчасига гаплашиб олсам, унга бахт тиласам, ўзимнинг уқувсизлигим учун кечирим сўрасам кифоя эди. Аксига олиб, бу орзуларим ҳам саробдан ўзга нарса эмас.

Бир куни овулдан нохуш хабар келди – онам касал бўлиб ётиб қолибди. Икки ойда бери ҳолидан хабар олмаганим учун ўзимни ўзим қойиб, таксида уйга етиб бордим.

Остонада ичкаридан чиқиб келаётган дўхтирларга дуч келдим.

– Онамнинг аҳволи яхшими? – дедим улар билан саломлашиш ҳам эсимга келмай.

– Ҳозир бироз ўзига келди, – деди шифокор.

– Унга нима қилган?

– Қаричилик-да, иним...

– Барибир касалининг номи бўлса керак?

– Ётиб қолганидан бери дўхтирга кўринмаган, анализ тошширмаган. Ҳозирча аниқ бир нарса дейиш қийин... Ўйлашимча, жигар саратонидан хабари борга ўхшайди. Бироқ буни ўзига айтиб ўтирманг.

Эшикдан киришим билан ёстиққа суяниб ётган онам йиғлаб юборди. Кўз ёшлари юзидан оқиб, кўксига тушди.

– Мен кечиринг, онажон, иш билан бўлиб...

Ортиқ тилим калимага келмай, онамнинг олдида чўккалаб, юзига юзимни босдим.

– Қўй, онангни қийнама, – деди акам елкамдан тортиб. – Ўтир, ўзига келиб олсин.

Уйда икки опам билан мен, акам ва янгам, хуллас, ҳаммамиз жам бўлган эдик. Онам бироздан сўнг ўзини қўлга олиб, енгининг учи билан кўз ёшларини артди.

– Оғриб колдим-ку, чироғим, – дея тагин кўзларини юмган кўйи елкалари силкиниб йиғлади. Бу ҳолатини биз жимгина томоша қилиб тура олмадик. Кўксимиз тўлиб кетди.

– Она, йиғламанг, – деди катта онам лаблари титраб. -- Худо хоҳласа, кўрмагандай бўлиб кетасиз, боя дўхтирлар айтди.

– Хафа бўлманглар, чироқларим, бошқа йиғламайман, – деди онам бироздан сўнг овози бўғилиб. –

Фақат манави боланинг уйланмаганига бу дунёдан кўзим очик кетадими деб кўрқаман. Бўлмаса, қирчинимда кетаётгани йўқ-ку... Ишларинг яхшими, болам?

– Яхши, она. Институтдан икки хонали уй беришяпти.

– Барака топишсин. Илойим, шу уйнинг тўрида набираларим чопқиллаб ўйнаб юргай.

Чиндан ҳам, ховли қуриб кўчган бир муаллимнинг бўшаган квартирасини менинг номимга расмийлаштиришаётган эди.

– Хой, киз, – деди онам катта опамга. -- Тил-забоним борида айтиб қолай, ўзинг биласан, уйда бир сандиқ сеп йиғиб қўйганман. Уларни укангнинг тўйига атаган эдим. Лекин насиб қилмаган экан... Уйланганида ўзининг насибасини кўраверар. Ўша сарполарнинг орасидаги жерси пальтони жасадимни ювган ғассолга бергин. Макентош плашни мени қабрга қўйган муллага беринглар. Жанозамни Абдураззоқ охуннинг ўгли ўқисин. Унга кўрадаги оқ кўчқорни атанглар...

– Она, қаёқдаги гапларни гапирманг, – деди акам ортиқ тоқат қилолмай. – Хали кўп яшайсиз! Ким айтди сизни ўлади деб?!

– Эй болам-ей... Бу дунёга Лукмони Ҳаким ҳам устун бўлолмаган, менинг ундан ортиқ жойим борми?

Эртаси куни тонгда онам омонатини топширди. Бечора менинг йўлимга кўз тикиб ўтирган экан, сўнги бор мендек бетайин фарзандининг дийдорига тўйгач, чин дунёга кетди.

Мен энди чин етим бўлиб қолдим. Ёшим ўттизга қоралаган бўлса-да, «ошаси бор одамлар ҳеч қачон қартаймайди» деганларидек, онамнинг

олди-да ўзимни ёш боладай тутар, унга эркалик қилар эдим. Кенжа фарзанди бўлганим учун онам ҳам мени ёш гўдакдек эркалаб-суяр эди.

Онамнинг ўлими ҳаётимда кескин бурилиш ясади. Шундан сўнг кимгадир суяниш, ўзгаларга орқа қилишни йиғиштирдим. Соли муаллимга ҳам оғиримни ташламадим. Бўлар-бўлмас нарсаларни деб деканнинг олдига ёрдам сўраб киришга чек қўйдим. Илмий кенгаш томонидан ўзимга берилган мавзу устида ишлашга берилиб кетдим. Шу тариқа орадан яна икки йил ўтди. Ўттиз бир ёшга кирганимда институтга яқинда ишга келган бир кизга уйландим. Ихчамгина тўй қилдик.

Мен шунчаки зарурият туфайли оила қурган, ҳамма нарсага совуққонлик билан қарардим. Янги уйланган йигитларга ўхшаб хурсанд ҳам бўлмадим. Дардларим ичимда эди.

Бир куни каттакон тошойнага қараб ўзига оро бераётган хотиним кутилмаганда сўраб қолди:

– Сиз илгари ҳам уйланганмисиз?

У саволи менга қандай таъсир қилганини билмоқчидек, шу заҳоти ортига ўгирилиб, менга диққат билан тикилди. Аммо кўзларимдан ҳеч қандай маънони англай олмади.

– Нега бундай дейсиз? – дедим ўзимни бепарво тутиб.

– Чунки сизда ўзимга нисбатан ҳеч қандай хиссиётни сезмаяпман.

– Мен оғиртабиат одамман.

– Барибир... – У майда-чуйда нарсаларини сумкачасига жойлаб, ёнимга келди. Елкамга қўлини ташлаб, мени эркалаган бўлди. – Мендан олдин биронтасини яхши кўрган бўлсангиз керак-а?

– Йўқ, – деб бош чайқадим.

– Тўғриси ятаверинг, ўтмишингиз учун сизни маломат қилмоқчи эмасман.

Унга нима деб жавоб беришни ҳам билмай ўйланиб қолдим. Хотиним тамизли аёл эди, менинг бу саволга маънили жавоб беришга қийналаётганимни сизди.

– Йўқ, ҳеч кимни яхши кўрмаганман. Мен фақат сени севаман...

У қовоғини солиб, елкадан кўлини олди.

– Алдаяпсиз! Турмушимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёлғон гапираяпсиз.

– Ахир...

Менинг ганим оғзимда қолди.

– Мени алдашингиз мумкин, лекин... – У қўли билан кўксимга ишора қилди. – Ўзингизни алдай олмайсиз-ку?

Мен унсиз ерга қарадим. Қўлларимни қовуштириб, тирноқларимнинг учига тикилдим. Унга ҳаммасини айтсаммикин?.. Мен бир қарорга келолмай қийналардим. Бўлиб ўтган воқеаларни сўзлаб берганимдан сўнг у аччиқ устида бор-ей, деб ҳаммасига қўл силтаб кетиб қолса нима бўлади? Айтмасам, кейин бир умр виждоним қийналиб яшайманми... Бир ёстикқа бош қўйган одамнингдан сир яшириб яшашнинг ўзи ҳам оғир юк эмасми?

Хуллас, шу куни хотинимга Нигор билан ўртамизда бўлиб ўтган воқеаларни бир бошдан гапириб бердим. У ҳикоямни жимгина тинглади.

– Энди енгил тортингизми? – деди бироз жимликдан сўнг.

– Билмадим... Агар ишонган бўлсанг...

– Сизга ишонаман. Чунки кўзларингиз ҳаммаси ҳақиқат эканини айтиб турибди.

– Бундан кейин менга илмоқли саволлар бермайсанми?

– Йўқ.

– Ўтмишимни юзимга солмайсанми?

– Ҳозиргина сўз бердим-ку сизга! Ахир, ўтгиз ёшдан ошгунча бекор юрмаганингизни билар эдим. Сиздан бир ўтинчим бор.

– Хўш?

– Буёғига ўша қизни бутунлай унутасиз. Энди фақат менинг хаёлим билан яшайсиз!

– Розиман.

– Сўз берасизми?

– Сўз бераман.

Барибир Нигорни юрагимдан чиқариб ташлашга қурбим етмади. Мен бир нарсадан – беҳосдан хотинимни Нигорнинг исми билан чақириб қолишдан хавотирда яшардим. Мен хотинимнинг ишончини йўқотиб қўйишдан қўрқардим.

Биз фарзанд кўрдик. Бир куни хотинимнинг иши чикиб қолгани боис фарзандимизни мен боғчадан оладиган бўлдим. Қизимни боғчадан етаклаб келаётганимда кўчада аёл кишининг таниш овози қулоғимга чалинди. Бундоқ қарасам, йўлак чеккасидаги дўконнинг олдида Гулчехра боласига музқаймоқ едираяпти.

– Саломлашгингиз ҳам келмайди-я? – деди у ўпкалаган бўлиб.

– Эътибор бермабман.

– Доим шунақа қиласиз, бурнингизнинг остидаги одамни кўрмайсиз.

– Бизга ҳам иккита музқаймоқ беринг, – дедим столдан бўш идишларни йиғинтириб олаётган соувчи қизга.

– Жуда ёқимтой экан, – деди у қизимга назар солиб. – Қиз бўлса ҳам ўзингга тортибди, Нигорга умуман ўхшамабди.

– Онаси бошқа бўлса, нега Нигорга ўхшасин...
– Нима, у билан турмуш курмадингизми?! – деди Гулчехра қошларини чимириб.

– Йўқ. Сизлар тутиб олганингиздан кейин у билан бошқа учрашмадик.

Гулчехрага Нигор билан ўртамизда бўлиб ўтган воқеаларни гапириб ўтирмадим.

– Айтувдим-ку сизга, «икковингиз барибир бирга бўлолмайсиз» деб...

У ўзига буюрмаган бахтдан ўкинса, бизнинг бирга бўлолмаганимиздан хурсанд эди.

– Майли, ўтган ишга салават. Ўзингизнинг ахволингиз қалай? Онангиз, тофангиз омонми? – дедим гап мавзусини ўзгартириш мақсадида.

– Улар аллақачон раҳматли бўлиб кетишган.

– Қайнонангиз-чи?

– У бечора менинг кетиб қолишимдан кўрқиб, тишини тишига босиб яшаб юрибди.

Сотувчи қиз иккита музқаймоқ келтирди.

– Томоғи оғриб қолмасин, – деди Гулчехра кизимга меҳр билан қараб қўйиб. – Жимитдайгина қизчани кўтариб олишнинг ўрнига пиёда етаклаб келаяпсиз.

– Кичкиналигидан шунга ўрганиши керак... Хўш?

– Нима «хўш»?

– Қайнонангиз ҳам тофангизнинг ортидан кетса, кўч-кўронни кўтариб у ердан жўнаб қолмоқчимисиз?

– Вой-буй! – деб у кулиб юборди. – Гапларим ҳалиям эсингизда турибдими? Йўқ, энди ҳеч қаёққа кетмайман. Бўрибой қозимини маҳкам қоқиб қўйган. Мана шу «қашқирча» отасига ўхшайдими-йўқми... Айтгандай, сен уни кўрмагансан-ку! Уйда ҳам биттаси бор. Туришини қаранг, бўридан сира фарқи йўқ!

– Сиз айтганчалик бұш-баёв эмас экан-да, ұша Бұрибой?

– Уни ұзим тарбияладим. Қайраб-чархлаб, одам қилиб олдим!

– Лұли хотиннинг фоли қаерда қолди?

– Уйи куйсин, эслатманг ұшани. Шу куни эр-талабдан лоп этиб олдимдан чикмаганида ҳаётим бутунлай бошқача кечган бұлармиди. Сизга мана-ви кизнинг ўрнига кўчқордай ўғил туғиб беришим мумкин эди!

Гулчехра шарақлаб кулди. Шу пайт кизим музқаймоқ идишига солинган қошиқни ерга тушириб юбориб, тихирлик қила бошлади.

– Ана, онасини қизғанаюпти мендан.

– Бўпти, энди бизга рухсат.

– Яхши боринг, менинг ўрнимда Нигор бўлганида-ку, уйингизни ҳам унутиб, бемалол ўтирган бўлардингиз.

Кизимни қўлимга олдим.

– Нигорга уйланмадим деб нолимай кўя қолинг. Сизнинг унча-мунча қизга қиё боқмаслигингизни биламан. Нигор ҳам ошиб борса, мендай хотин бўлган чиқар!

Гулчехранинг юрагидаги рашк ўти ҳамон сўнмаган эди.

* * *

– Ана шунақа гаплар! – деб қаршимда ўтирган Нигорга юзландим.

– Орқамдан излаб боришга қўрқибсиз-да! – деди у кулиб.

– Қўрққаним йўқ. Фақат сизни бахтсиз қилишни истамадим. Бу айрилиққа бир амаллаб чидайман, деган тўхтамга келдим.

— Жудаям иродасиз экансиз! — деди Нигор маъноли бош чайқаб.

— Агар ортингиздан борганимда, менга эргашиб келармидингиз?

— Келардим! Дунёнинг қайси бурчагига етакла-сангиз ҳам бирга кетишга тайёр эдим.

— Унда нега ўша йигит билан қочиб кетдингиз?

— Мени қочиб кетди деб ким айтди! Ўша хатни сизга кечроқ ёзган эканман. «Сиз келгунча мен бу ердан чиқиб кетган бўламан» деган гапимга фаришгалар омин деганга ўхшайди.

— Эй, садағаси кетай ундай фаришталарнинг.

— Қўйинг, ундай деманг! Барибир мен сизни умид билан кутдим. Келманг, деб ёзган бўлсам ҳам хатимни ўқишингиз билан олдимга етиб келасиз деб ўйлаган эдим.

— Ҳалиям шундай қилдим...

— Лекин кечикдингиз. Ўша куни «тинчлик соати»дан сўнг кўзимга уйқу келмади. Сизнинг янгамдан олдинроқ келишингиздан умидвор эдим. Бироқ сиз келмадингиз. Агар шу куни олдимга келиб, «Нигор, юр, сени узокларга олиб кетман» деганингизда, ўйлаб ўтирмасдан бирга кетишга тайёр эдим. Ўзимча шунга ҳам рози бўлган эдим. «Институтда ўқийман, учинчи курсдан сўнг ўйлаб кўрамиз» деган гапларим қиз боланинг тантиқлигидан бошқа нарса эмас эди. Уйдагилар мени ўқишга юбормаслигини билардим. Улар сиздан гумонсирарди. Мени санаторийдан олиб қочиб кетишингиздан хавфсирашарди. Онам бир ҳафта аввал келганида: «Уйга жавоб беришса, ёлғиз ўзинг қайтмагин, янгангни юбораман», деб қайта-қайта тайинлади. У уйга кетаётиб нимадир дейишга чоғланди-да, лекин ботинолмади. Афтидан, кўнглимни оғритиб қўйишдан чўчиди. Бироқ

у айтолмаган гапни аввалроқ янгамдан эшитган эдим. Акам онамга: «Қизингиз шу муаллим билан кетса, икковига битта ўқни атайман!» деган экан. Бояқиш шу гапдан кейин қаттиқ хавотирга тушиб қолган. Мен буни сезсам-да, сир бой бермадим. Сизга ёзган хатимда бу ҳақда ҳеч нарса демаган эдим.

Янгам кечга яқин палатага кириб келди.

– Оппоқхон, кутиб қолдингизми? Машина топиш қийин бўлди, – деди у.

– Топилдими, ишқилиб?

– Ха, Нодир ўз оёғи билан келиб қолди, – деди у.

Юрагим шув этиб кетди.

– Мен унинг машинасига чиқмайман, – дедим қатъий оҳангда.

– Ундай деманг, Оппоқхон, – деди янгам ялингудай бўлиб. – У ёлғиз ўзи келгани йўқ, ёнида опаси ҳам бор. Иккови маъракадан қайтишаётган экан.

Хуллас, кечга яқин санаторийдан чиқиб, Нодирнинг машинасига ўтирдик. Бир зумда қоронғи тушди. Чирокнинг ёрувида йўлдан бошқа ҳеч нарса кўринмайди. Ҳар куни туш пайтида икки соат ухлаб ўрганиб қолганим учун кўзим илинибди. Уйғонсам, ҳалиям йўлда кетаяпмиз. Анчадан кейин қум барханларининг орасида қатор қилиб тикланган учта ўтовнинг рўнарасида тўхтадик. Икки жойда чирок ёниб турибди. Қозон осилган ўчоқда олов гуриллаб ёнаётти.

– Қаерга келдик? – сўрадим мен хавотирга тушиб.

– Бу менинг тўркиним, – жавоб берди олдинги ўриндикда ўтирган Нодирнинг опаси. – Тушавер, синглим, бегона жой эмас.

Ўтовлардан биридан етти-саккиз нафар аёл чиқиб келиб, атрофимизни ўраб олишди. Янгам ниманидир баҳона қилиб машинадан тупшида, кўздан ғойиб бўлди. Анчадан сўнг аёллар мени алдаб-сулдаб машинадан туширишди. Лекин ўтовга кирмайман деб оёқ тираб туриб олдим. Хотинларнинг бири олиб, бир қўйиб ялинишга тушди. Охири ўтовга кирмаслигимга кўзлари егач, ташқарига жой тўшашди. Мен у ерга ҳам ўтиришни истамай, уйга кетаман деб йиғлардим.

– Тангрининг тонги отсин, албатта кетасан, – деди улардан бири меҳрибонлик билан. – Йўлда чарчагансан, озгина дам ол, кизим.

– Йўқ, ҳозир кетаман! – дедим ўжарлик билан.

Соғайиб кетган бўлсам-да, ҳали бутунлай ўзимни тиклаб олганим йўқ эди. Тинкам қуриб, оёқларим қалтирай бошлади. «Йиқилиб тушман, шекилли» деган ўй кечди кўнглимдан. Лекин тишимни тишимга қўйиб чидадим. Туртса йиқиладиган аҳволда зўрға турибман.

Бир пайт «Нива» машинаси қаёққадир кетди. Мен уйга ҳам кирмай, ташқарида ҳам ўтирмай оёқ тираб туриб олганимдан сўнг хотинлар нима қилишни билмай каловланиб қолишди. Ўчоқда қайнаб турган қозоннинг олови ўчирилди.

Ёзнинг туни қисқа, тез орада тонг отди. Қуёш чиққан пайтда Нодирнинг машинаси қайтиб келди. Ундан онам тушиб келиб, мени бағрига босди. Шу пайт хушимдан кетдим.

Кўзимни очганимда ўтовда ётардим. Онам бошимда мунғайиб ўтирибди. Кўзлари йиғидан кизариб кетган.

– Уйфондингми, чироғим? – деб у юзимни силлади.

– Соат неча бўлди? – дедим тилим зўрға калимага келиб. Тезроқ бу ердан кетишни истардим. Онам ўтовнинг эшиги томонга қараб қўйди-да, индамади.

– Онажон! – дедим овозим титраб.

– Нима дейсан, қизим?

– Шу пайтгача бирон марта сизнинг гапингизни икки қилдимми? Ёки жахлингиз чиқиб, уришган пайтларингизда юзингизга тик қарадимми? Қайси гуноҳим учун мени бу гадойтопмас чўлларга олиб келиб ташладингиз?

Онам чуқур ух тортди.

– Ундай дема, болам. «Туя картайса бўтасига эргашармиш». Болам, мендан келиннинг...

– Бургут деган қуш баланд тоғда ин қуаркан, – дедим онамнинг гапини бўлиб. – Ана шу қушнинг макиёни вояга етганидан сўнг тўқайдан бир бўлак чўпни чангаллаб осмонга учаркан-да, баланддан пастга ташларкан. Шунда нар бургут пастга ўқдай шўнғиб, чўпни ерга тушмасдан илиб олиб, модасига олиб бориб бераркан. У чўпни яна ерга ташлар, нар бургут бу гал ҳам тутиб олар экан. Бу синов беш-олти марта такрорланганидан кейин мода бургут эркагининг жуфти бўлишга рози бўларкан... Онажон, ахир мен одамман-ку? Нега оқ сут берган фарзандингизни шу ёввойи бургутчалик кўрмадингиз? Ўз жуфтимни ўзим топишимга йўл бермадингиз?

Онам йиғлаб юборди. Бироқ менинг дийдам қотиб қолган эди. Унга унсиз тикилиб туравердим. Уйғонганимдан сўнг умидвор қиёфада ўтовга кирган аёллар бирин-кетин ташқарига чиқиб кетишди.

– Она, лайлак деган қуш бўлармиш...

– Қўй, болам, сени уйга олиб кетаман, – деди онам кўз ёшларини тиёлмай.

– Шу қуш юз йиллик чинорларнинг энг баланд шохида уя қурур экан, – дедим мен узилиб қолган гапимни давом эттириб. – У ҳам бургутга ўхшаб икки-учтадан ортиқ бола очмас экан. Лайлак нимжон боласини уясидан пастга ташлаб юбораркан. Бечора полапон ерга тушгунча шохдан-шохга урилиб нобуд бўларкан. Сиз ҳам лайлакка ўхшаб мендай касалманд қизингизнинг баҳридан ўтдингизми? Ахир, мен тузалган эдим-ку, онажон? Сизнинг олдингизга учиб бориш учун қанот тополмай ўтирган эдим. Уйимизни, туғилиб ўсган овулимизни соғиниб, йўлингизга кўзларим тўрт бўлиб ўтирган эдим!..

Онам ортиқ ўзини тутолмай ўксиб-ўксиб йиғлади. Бояги хотинлар ўтовга қайтиб киришди. Онамни юпатиб, менга насиҳат қилишини сўрашди.

– Йўқ, чироқларим, қизимни олиб кетаман, – деди онам. – Уни қон йиғлатиб ташлаб кетмайман.

– Қудағай, қизингиз эмас, сиз йиғлаяпсиз-ку, – деди ёши ўтинқираб қолган аёл.

– Унинг юраги йиғлаяпти, – жавоб қилди онам. – Мен онасиман, ахир. Ўзининг полапонини уясидан ташлаб юборадиган лайлак эмасман!

Аёллар ўтовга дастурхон ёзиб, овқат олиб келишди. Бироқ мен ўрнимдан турмадим.

– Қизим, тур, уйга жўнаймиз, – деди онам. – Нодир олиб бориб қўйишни истамаса, ўзимиз йўлга чиқиб кетаверамиз.

Хамманинг назари бизда. Мен қилт этмадим. Кўзим очик, лекин шу топда деярли ҳеч нарса-

ни кўрмас эдим. Хаёлим паришон эди. Ўшанда мен биринчи навбатда сизни ўйладим. Сизга ёзган хатларимда: «Мени зўрлаб олиб кетишса ҳам барибир олдингизга қайтиб келаман!», – деган ваъдаларим номусимни сақлаб қоламан», – деган ваъдаларим эсимга тушди. Нега бундай деб ёздим? Гапимга фаришталар омин деган экан-да. Энди олдингизга борганим билан барибир «эрдан чиққан жувон» деган ном орттираман. Балки сиз мухаббатимиз туфайли ҳаммасига чидарсиз, лекин менинг бокира эканимга бошқаларни ишонтиролмайсиз-ку? Сизнинг йигитлик номусингизни букиб қўяман. Одамлар ҳам «гулдай йигитнинг бахтини боғлади бу уятсиз», деб мени ёмон кўриб қолиши мумкин. Мен бундай тавқи лаънатни қандай кўтариб тураман?!

– Она, сиз уйга қайтаверинг, – дедим бироздан сўнг.

Атрофимизни ўраб ўтирган аёллар снгил тин олиб, мени алқашга тушди:

- Барака топ, болам!
- Эсли-хушли қиз экансан!
- Илойим, бахтли бўлгин!

Онам ноқулай аҳволга тушиб қолди.

– Нега бундай даясан, қизим?
– Мен сизга айтадиган гапимни айтиб, ичимни бўшатиб олдим. Буёғига пшанамга ёзилганига розиман.

Шу куни онам ноумид бўлиб овулга қайтиб кетди. Бўлажак қайнонам бошимга рўмол ўради. Ҳеч нарса кўрмагандай уларнинг хизматига тушиб кетдим. Лекин кечкурун Нодирни олдимга киритмадим. У ҳам мени ўз холимга қўйди. Кечкурунлари сиз тепамда қараб тургандек, ўзимни ноқулай ҳис

қилардим. Йигирма кунча шу аҳволда яшадик. Мен ҳар сафар ташқарига чиққанимда атрофда ястаниб ётган бепоён чўлга умидвор термуламан. Хаёлимда гўёки улкан саксовуллар орасидан сиз чиқиб келиб, «юр, бу ердан кетамиз» дейдигандек, юрагим орзиқиб кетаверади. Агар чиндан ҳам шундай бўлганида, мен ўйлаб ҳам ўтирмай сиз билан бирга кетардим. Ор-номус ҳақидаги гапларни ҳам унутишга тайёр эдим. Майли, одамлар нима деса деяверсин, севган одамим билан бирга бўлиш учун ҳаммасига чидашга тайёрман, деган қарорга келган эдим. Афсуски, буларнинг ҳаммаси хомхаёл эди.

Ич-ичимдан Нодирга ҳам раҳмим келарди. Кечкурунлари овоз чиқармай йиғлардим.

– Йиғлама, Нигор, – деди у бир куни менга. – Аҳволингни кўриб мен ҳам эзилиб тамом бўлдим. Дўстимнинг синглисисан, сени хафа қилишга виждоним чидамайди. Эртага шаҳарга борамиз, сени ташлаб келаман.

– Уйимизгами? – дедим ҳовлиқиб.

– Йўқ, ўзинг яхши кўрадиган йигитнинг олдида.

– Бундан ор қилмайсизми?

– Сенинг бахтинг менинг ор-номусимдан устунроқ.

– Кейин ота-онангизга нима дейсиз?

– Шаҳарда уни йўқотиб қўйдим, – дейман.

– Улар мени қарғайди-ку?

– Қарғамайди.

Шундан сўнг икковимиз ҳам ухлаш учун ётдик. Лекин менинг ҳеч кўзим илинмади. «Йигирма кундан сўнг сизнинг олдингизга қайси юз билан бораман? Менинг шунча пайт ифғатимни сақлаб келганимга сиз ишонасизми? Сиз ишонганингиз

билан дўст-ёрларингиз, эл-юрт олдида қандай бош кўтариб юрасиз? Уларга бирма-бир менинг садоқат сақлаганимни уқтириб чиқасизми? Энг ёмони, ҳеч ким сиздан бу ҳақда сўраб ўтирмайди. Менинг бу қилиғимни онам, акам, туғишганларим қандай қабул қилади? Нодирнинг ғарибгина ота-онасига қандай панд бериб кетаман? Бир йигитнинг юзини ерга қаратиб кетсам тўғри бўлармикин?..»

Бундай бош-кети йўқ ўй-хаёллардан юрагим сиқилиб кетди. Бўёбига нима қилишни билмай гаранг эдим. Ҳаётим остин-устун бўлиб кетган эди.

– Нодир, – дедим биринчи марта унинг исмини тилга олиб. – Ухляяпсизми?

– Йўқ, – деди у.

– Мен ҳеч қачон кетмайман...

Шу куни сизга бўлган муҳаббатимни юрагимга кўмдим. Чўлнинг ўртасидаги ўша жойда келин бўлиб қолиб кетдим...

Нигорнинг эзгин ҳикоясини нафасимни ичимга ютиб тингладим. Орага бир муддат сукунат чўкди.

– Менинг нимага бу ерга келганимни сўрамайсизми? – деди Нигор бироздан сўнг. – Шундоғам вақтингизни олдим.

– Бунисини кўноқ ошини еб бўлганингиздан кейин сўраймиз.

– Кўноқ оши уйда берилади-ку.

– Бу ердан чиқиб уйга борамиз.

– Кўйинг, тагин қартайган чоғингизда мен туфайли кампирингиздан айрилиб қолманг, – деди у кулиб.

– Бойжон нима қилаяпти? – дедим унинг акаси эсимга тушиб.

– У бечора ҳам куйиб-куйиб бу дунёдан ўтиб кетди. Уч-тўрт йил бурун аварияга учраб қайтиш бўлди.

— Нега куйиб ўтаркан?
— Уни Саидваққос бир куйдирди, сиз бир куй-
дирдингиз...

— Мен нима қилибман?

— Гапингизни қаранг! Куппа-кундузи овулига
бориб, синглисини кучоқлаб ўтирганингиз эсин-
гиздан чикдими?

— Ахир, ўшанда ўзингиз томир териш учун
чикдингиз-ку!

— Сизга раҳмим келганидан... Майли, ўтган
иш ўтди. Эримнинг қазо қилганига ҳам уч йил
бўлди. Унинг ҳамма туяларини, йилқиларини со-
тиб, Нукусдан уй олдик. Ўғлим, келишим, нева-
ларим билан шу ерда яшаяпмиз. Икки қизимни
узатдим.

— Нукусга кўчиб келганингизга қанча бўлди?

— Бир йил.

— Бир йилдан бери кўришмабмиз-да?

— Сизни тез-тез сиртдан кўриб тураман. Баъ-
зан телевизорга чиқиб, тарбия ҳақида гапирасиз...
Мен бир масалада олдингизга келган эдим. Тўнғич
набирам Тошкентда ўқияпти. Унинг ўқишини
ўзингиз ишлайдиган институтга кўчиришга ёрдам
беролмайсизми?

— Ўша ерда ўқигани яхши эмасми?

— Кўз олдимда яшаса, кўнглим хотиржам
бўларди.

— Қайси институтда, нечанчи курсда ўқийди?

— Пединститутда биринчи курсни тамомлаяпти.

— Соҳамиз бир экан, ҳаракат қилиб кўраман.

— Ҳаракат қилманг, шу ипни битиринг. Эски
гиналарни унутинг.

— Мен нега гина қиларканман? Аслида, сиз
гина қилсангиз арзийди.

– Икковимиздан ҳам айб ўтган. Мен ёшлик қилганман, сиз сиполик...

– Сиполик эмас, бўшанглик десангиз тўғрироқ бўлади.

– Барибир сиздан домангир бўлишга ҳаққим йўқ.

– Раҳмат... – Мен кўлимга дафтар-қалам олиб, ёзишга чоғландим. – Набирангизнинг исм-шарифи қанақа?

– Қодиров Мамбетназар.

– Мамбетназар? – мен хайрон бўлиб ручкани столга қўйдим.

– Қайнона-қайнотам тириклигида болаларимга исм қўйиш менга насиб қилмади. Неварамга ўзим исм қўйдим. Нима, сизга ёқмадими?

– Йўғ-ей... Эрингиз қандай рухсат берди?

– У доим менинг раъйимга қарарди.

– Тушунарли... Лскин мен қизларимга ҳам, невараларимга ҳам сизнинг исмингизни қўйиш ҳақида ўйламабман.

– Эркаклар ўзи шунақа! Зумда яхши кўриб, дарров унутади. Аёл киши бир яхши кўрса, умрининг охиригача унутмайди.

– Телефонингизни берасизми?

– Йўқ. Ўзим хабар олиб тураман.

Нигорни эшиккача кузатиб қўйдим. Хайрлашаётиб ўзим сезмаган ҳолда елкасига кўлимни қўйдим. У менга ажабланиб қаради.

– Вужудингиз титрамаяптими? – дедим кулиб.

– Титраб-титраб бўлган, – деди-да, нозли мийик тортиб, эшикдан чиқди. Унинг кулишлари, қадди-қомати ҳамон ўша-ўша эди.

ХОТИМА

– Ота, нега кечикдингиз? – деди беш яшар набирам Азамат уйга кирар-кирмас менга пешвоз чиқиб.

– Мажлисида эдим, болам.

– Бугун бувимнинг тувилган куни экани эсингиздан чиқдими?

– Эсимда. Бувингнинг ўзи келдими?

– Йўқ. Боя телефонда гаплашдим. «Бобонг олиб кетса бораман» деди.

– Бўпти, кийина қол, икковимиз бориб олиб келамиз.

– Бувимга борамиз! Бувимга борамиз! – деб шодон қичқирганча у ичкарига югуриб кетди.

Мен вапкамни столга қўйиб, яна ташқарига чиқдим. Азамат билан опаси аллақачон тайёр бўлиб турган экан.

– Ота, Ойсара ҳам бирга борсин. Мен бувимнинг палатасини билмайман. Онам билади, – деди Азамат ялинчоқлик билан.

– Хўш.

Нуронийлар санаториясининг йўлагига киришимиз билан иккаласи олдинга югуриб кетди. «Секинроқ, йиқиласизлар» дедим ортидан, лекин улар қулоқ солишмади.

– Ие, бувим йўқ-ку! – деди улар очик турган эшикдан қайтиб чиқиб.

– Қаёққа кетибди?

– Билмайман, – деди Ойсара елкасини кисиб. – Чойнак-пиёласи турибди.

– Ҳозир топамиз, болаларим. Қани, менга қўлингизни беришг-чи. Бу ерда югуриш мумкин эмас. Бувилар, боболар дам олишаяпти.

Икковининг қўлидан тутиб узун йўлакнинг охирига қараб юрдим. У ердаги кенг-мўл дахлизга яқинлашганимиз сари ёқимли қўшиқ овози эшитила бошлади.

– Телевизорми? – деб сўрадим ёнимиздан ўтаётган кишидан.

– Санаториямизнинг «ансамбли»-ку, – деди у кулиб. – Ҳар куни кечқурун кампирлар бир муддат у ерда ўйин-кулги қилишади.

– Ана, болаларим, эшитдингизми, бувилар қўшиқ айтаётган экан.

– Бизнинг бувимиз ҳам айтадими?

– Онам фақат шеър айтади, – деб Ойсара менинг ўрнимга жавоб берди.

Беихтиёр сергак тортдим. Жудаям таниш оханг. Бу қўшиқ – йигитлик пайтларимда илк бор касалхона ховлисидаги тўранғилнинг остида бутун вужудим қулоққа айланиб тинглаган «Кўнглимда борсан» қўшиғи эди. Ўшанда Нигор уялганидан кўзларини ерга тикиб:

– Бу қўшиқни бир ўзингизнинг олдингизда айтишга уяламан, чунки худди уни сизга атаб қуйлаётгандек бўламан, – деган эди. Мен ҳам айнан шунинг учун унинг қайта-қайта қуйлашини истардим. Ҳозир ҳам Нигор қўшиқ қуйлаётган эди. Овози ҳамон ёқимли, юракка яқин. Йиллар ўтиши билан пайдо бўлган озгина хирқирок ҳам унинг ашуласига ўзгача оханг бағишлаган.

Невараларим бувиси томон иштилган эди, уларнинг қўлидан тутиб қолиб, уларга шивирладим:

– Қўшиқ тугагунча халакит берманглар.

Дахлизда «П» ҳарфи шаклида қатор териб қўйилган курсиларда кампирлар, ўрта ёшли аёллар тизилиб ўтирарди. Тўрда қўшиқ қуйлаётган

Нигорнинг нигоҳи менга тушгач, юзида ёқимли табассум пайдо бўлди. Унинг кўзлари менга маъноли боқиб турарди. Нигор қўшиқнинг авжига чикди. Ҳар қачонгидан баландроқ куйлади. Овозидаги энгилгина хиркирок ҳам билинмай кетгандай бўлди.

– Ҳа, яшанг!

– Барака топинг, эгачим! – дея алқади аёллар уни. Улар менинг қараб турганимдан беҳабар эди.

Нигор берилиб куйларди:

*Биламан, юрибсан аламингни ютиб,
Сир сақлашнинг ҳам чекига етиб.
Ошиқлигинг элга жория этиб,
Билдираверма сен, кўнглимда борсан!*

Бу гал у қўшиқнинг нақоратини икки-уч марта такрорлади. Гуёки бу билан менга: «Бир пайтлар кўнглимдан жой олган эдинг, ҳамон кўнглимда яшайсан», демоқчидек эди.

Ниҳоят, қўшиқ тамом бўлди. Аёллар қарсақ чалишди. Невараларимнинг қўлини қўйиб юбориб, мен ҳам уларга қўшилдим.

– Нигор опанинг кўнглидаги муҳаббат ўти халигача сўнмаган экан, – деди аёллардан бири.

– Нима десангиз ихтиёрингиз, лекин бу қўшиқ ёшлик пайтларимда юрагимга таскин бўлган, – деди Нигор ўрнидан туриб.

Невараларим югуриб бориб, бувисининг кучоғига ўзини ташлади.

– Энди бизга рухсат берасизлар, – деди хотиним каватидаги аёлларга. – Булар мени уйга олиб кетмагунча тинчимайди.

У невараларимизни етаклаб палатасига кириб кетди.

– Қалай, бизнинг неварамиз яхши ўқияптими? – сўради Нигор мендан.

– Албатта. Сиз ўқит, дедингиз, биз ўқитаяпмиз.

– Неварамнинг дескани! – деб у мени қаватидаги хотинларга таништирди.

– Бизнинг болалар кийиниб чикқунича яша битта кўшиқ айтиб берарсиз?

– Йўқ, – деди Нигор маъноли жилмайиб. – Мен биргина кўшиқни биламан. У ҳам айтиб бўлинган.

Шундан сўнг ноилож у билан хайрлашдим.

– Ота, муҳаббат нима дегани? – сўради Азамат уйга қайтаётганимизда.

– Бу гапни қаердан олдинг? – дедим хайрон бўлиб.

– Бояги аёл, ҳалигача кўнглида муҳаббат ўти сўнмаган экан, деди-ку.

Беғубор гўдакнинг саволидан хотиним иккови-миз кулиб юбордик.

– Муҳаббат дегани – бир-бирини яхши кўриш дегани, болам. Масалан, сен бувингни яхши кўрасанми?

– Ҳа.

– Ана шу муҳаббат бўлади.

– Бувимни ҳам яхши кўрасизми?

– Яхши кўраман.

– Бояги аёлни-чи? У кўшиқ айтаётганида бизга халақит берманглар дедингиз-ку?

– Уни ҳам яхши кўраман.

Азамат бир муддат жимиб қолди-да, бирдан:

– Э, иккита одамни яхши кўриш мумкинми? – деди юзимга тикилиб.

– Мумкин. Масалан, сен бувингни ҳам, мени ҳам яхши кўрасан, тўғрими?

Азамат бош ирғади.

– Ана шунақа, болам. Демак, мен иккала бувини ҳам яхши кўрарканман.

Шу пайт кўз олдимда Нигорнинг сиймоси жонлангандек бўлди. У: «Йўқ, менинг қўшиғим битта, уни ҳам айтиб бўлганман», деб менга маъноли жилмайиб тургандек эди.

2016–2017 йиллар.

Нукус – Дўрмон – Нукус

Адабий-бадиий нашр

МУРОДБОЙ НИЗАНОВ

МУҲАББАТ ҚЎШИҒИ

Роман

Мухаррир *Г. Азизова*
Рассом-дизайнер *У. Сулаймонов*
Техник муҳаррир *Л. Хижова*
Кичик муҳаррир *Н. Абдурахмонова*
Саҳифаловчи *Ф. Ҳасанова*

Нашриёт лицензияси АIN№ 158.14.08.2009.

Босишга 2018 йил 3 декабрда рухсат этилди.

Бичими 84×108^{1/32}. Офсет қоғози.

«Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 14,28. Нашр табағи 10,91.

Адади 3000 нусха. Буюртма №18-606.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Низанов, Муродбой.

Мухаббат кўшиғи [Матн] – Тошкент,
«O'zbekiston» ПМИУ, 2018. – 272 б.

ISBN 978-9943-25-675-0

УЎК 821.512.121-31
КБК 84(5Ўзб-6Қор)

19829с. 707

Муҳаббат ҚЎШИҒИ



«O'ZBEKISTON»

ISBN 978-9943-25-675-0



9 789943 256750